



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

Луижи Пиранделло

БИРОВГА КУЛМА ЗИНҲОР

Дино Буццати

«ЛА СКАЛА»ДАГИ ВАҲИМА



«Жахон адабиёти» кутубхонаси

Луижи Пиранделло

# БИРОВГА КУЛМА ЗИНҲОР



Дино Буццати

# «ЛА СКАЛА»ДАГИ ВАҲИМА



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(4Ита)  
П 46

Рус тилидан  
*Назира ЖЎРАЕВА*  
таржимаси

**Пиранделло, Луизи**  
П 46 Бировга кулма зинҳор; «Ла Скала»даги ваҳима [Матн]/  
Л. Пиранделло/Д. Буццати. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2016.  
– 264 б. («Жаҳон адабиёти» кутубхонаси)

ISBN 978-9943-01-996-6

УЎК: 821.512.133-3  
КБК 84(4Ита)

ISBN 978-9943-01-996-6

© Н. Жўраева, тарж. 2016  
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016

## ИТАЛИЯ НАСРИДА РЕАЛИСТЛАР ВА ХАЁЛПАРАСТЛАР

XX аср Италия адабиётининг ёркин вакиллари Луижи Пиранделло (1867–1936) ва Дино Буццати (1906–1972) асарлари Ғарб мамлакатларида анча машхур. Бу икки адибнинг асарлари Альберто Морави асарларига нисбатан анча юксак бўлса-да, улар шу вақтгача ўзбек тилига таржима қилинмаган эди. Дино Буццати ҳақида «Модернизмнинг ёркин вакили, ботиний онг оқими катламларини ёритишда Франц Кафканинг издоши», деган фикр тарқалган. Бу фикр қисман тўғри бўлиши мумкин. Ғарбда жамиятнинг олий табақалари софдил, оддий – «кичик» одамларнинг кадрини ерга уриши, мансабдорлар, ҳокимият эгаларининг тобора одамгарчиликни йўқотаётгани Н.В. Гоголь, А.П. Чехов, Ф.М. Достоевский ва Михаил Булгаков асарларида чуқур ёритилган эди. Гуманистик халқчил дунёқараш, бадий тасвир ёркинлиги, шахс кадр-қимматини ҳимоя қилиш, адолат, ҳақиқат, тенглик, озодлик, бағрикенглик, гўзал инсонийлик, маънавий юксакликни қуйлаш чинакам адабиётнинг вазифаси бўлиб, бу талаблар, мангу кадриятлар ёркин истеъдодларда тез кўзга ташланади.

Луижи Пиранделло асарларида мана шу фазилатлар ёркин тасвирлангани учун 1934 йилда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланди. Адиб Сицилияда ўзига тўк ва серфарзанд оилада туғилиб ўсди. Олтингугурт қони бошлиғи бўлган отаси унинг бадий ижодга қобилиятли эканини билиб, бу соҳада олий таълим олишига ғамхўрлик қилди. Луижи аввал Рим университетиде, сўнг Бонн университетиде тил ва адабиёт соҳасида ўқиди. У 1891 йилда ўқишни тугатгач, истеъдодли педагог сифатида Бонн университетиде дарс бера бошлади. 1898 йили профессор бўлгач, Рим педагогика коллежиде тил ва адабиётдан дарс бер-

ди. Отасининг кони сув тошқинида вайрон бўлганидан кейин, у Луижига моддий ёрдам беролмай қолди. Пиранделло энди фақат ўқитувчилик ва бадий ижод билан кун кўра бошлади. Отаси Луижини ўртоғининг кизига уйлантирди. Луужи ва Антуанетта икки фарзанд кўрдилар. Аммо аёли телба бўлиб қолгач, уни 15 йил даволатди.

Мураккаб оилавий шароитда ҳам Луужи бадий ижодни ташламади. Биринчи шеърий тўплами «Қувончли дард» 1889 йилда нашр этилди. И.В. Гётенинг «Рим элегиялари»ни италян тилига таржимаси Л. Пиранделлога катта шухрат келтирди. У бир нечта роман («Бегона аёл», «Митти Паскаль»), новелла, пьесалар ёзди ва улар жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима қилинди.

Л. Пиранделлонинг «Шолрўмол» новелласида укасига ғамхўрлик қилиб, ўз бахтини ўйламай, фалокатга учраган кизнинг қайғу-ҳасратлари тасвирланади. Элеонора софдил, укаси ва унинг дўстига онадай меҳрибон, лекин ёши ўтиб қолганлиги ва тўлалиги сабабли бахти очилмайди...

Адиб «Бировга қулма зинҳор» ҳикоясида соғлом ва ногирон икки дўстнинг бир-бирига раҳм-шафқати, ҳаёт учун кураши, соғлом дўст ҳам мажруҳ бўлиб қолганида бир-бирини суяшлари, тортган азоблари муфассал тасвирланади. Л. Пиранделлонинг бу ҳикоялари илк бор ўзбек тилида нашр этилмоқда.

Дино Буццатининг «Еттинчи қават» ҳикояси истеъдодли адибимиз Хуршид Дўстмуҳаммад томонидан таржима қилиниб, ўзбек китобхонларига ҳавола этилди. Шунингдек, адибимизнинг «Жимжитхонага йўл» ҳикояси ушбу ҳикоядан таъсирланиб ёзилди. Ҳар икки ҳикояда соғайишдан умидвор беморни аллақандай ёвуз шифокорлар аста-секин ўлим ҳолатига олиб борадилар ва бу мазкур касалхона учун табиий ҳол эканлиги ўқувчида кўрқув ва огоҳликни уйғотади.

Дино Буццатининг энг яхши ҳикояларидан «Коломбр», «Сехрликим», «Авлиёнинг қайтиши», «Учаётган киз» Раҳимжон ва Азамат Отаевлар таржимасида «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилиниши адиб ижодига жуда катта кизикиш уйғотди. Бу тўрт ҳикоя бир-биридан ғаройиб: уларда фалсафий реализм, романтизм, фантастика табиий яхлитликни ҳосил қилган ҳолда инсон руҳининг бетакрор, қутилмаган, ғалати манзараларини кўрамыз.

Ёзувчи «Авлиёнинг кайтиши» ҳикоясида ўлганидан сўнг жаннатда осойишта, роҳат-фароғатда умр кечираётган авлиё Антоний Ер юзига қараганида илм ва хунар ўрганиб, баҳслашиб, беғубор ҳазиллар билан яшаётган бир гуруҳ йигит-қизларни кўриб, ўзининг шўх-шодон, серташвиш ёшлигини эслаб соғинади. Ерга, бу дунёга яна ёш йигит сифатида қайтарилишини сўрайди ва унга анча оғохлантиришдан сўнг руҳсат берилади. Ҳикоянинг поэтик ғояси шуки, агар кўнгли тоза одамлар бир-бирига меҳр-оқибатли бўлса, Ер юзида ҳам жаннатдагидан яхшироқ яшаш мумкин экан.

Адиб «Сеҳрли кийим» ҳикоясида баъзи одамларга текин, меҳнатсиз келаётган катта бойликлар турли жиноят ва қотилликларнинг ҳосили эканлигини кўрсатади.

«Коломбр» ҳикоясида бир акула кемага эргашиб келаётганидан кўркиб, хавотирланган дарға (капитан) унга найза ва ўқлар отиб, шафқатсизларча ўлдиради. Маълум бўлишича, катта бир дур (гавхар)ни тишида саклаб, бир вақтлари унга овқат берган дарғага бермокчи бўлган экан.

Дино Буццатининг «Аждаҳони қандай ўлдирдилар» ҳикоясида эрмак ва кўнгилхушлик учун бир «олийнасаб» граф беозор аждаҳо ва унинг икки боласини шафқатсизларча кийнаб ўлдириши тасвирланади. Графнинг яқинлари ва тоғдаги маҳаллий одамлар ундан нафратланадилар ва норозилик билдирадилар. Ёзувчининг ғояси – мол-дунё ва ҳокимият эгалари аждаҳодан ҳам ёмонлигини кўрсатишдир.

Бахтсизлиги сабабли юз қаватли уй юкорисидан ўзини ташлаб юборган «Учаётган қиз» тасвири баъзи бағритош ўқувчиларнинг ҳам қалбини ларзага солади.

Дино Буццатининг «Афсунгар», «Рангли пуфак», «Эйнштейн билан учрашув» ҳикоялари Илҳом Ҳафизов таржимасида ўзбек китобхонларига тақдим этилди.

Адибнинг «Асримиз дўзахига саёҳат», «Ла Скаладаги ваҳима», «Дўстлар», «Телефонлар кўзғолони», «Ишкий мактуб», «Тезюрар поезд», «Икки хайдовчи», «Чик-чик», «Шифокор ҳузурида» ҳамда «Катталаштирилган сурат» қиссалари таржимон Назира Жўраева томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Бундан ташқари, Назира Жўраева Юсуф ас-Сибойининг «Мешқобчининг ўлими» (Э. Миробидов билан), Жауме Фустернинг «Талваса», К.К. Бранконинг «Ҳазон бўлган муҳаббат», Ф.С. Фицжеральднинг «Буюк

Гэтсби» романларини, А. Сатхенинг «Варана водийсида» номли кисса ва ҳикоялар тўплами ва ўндан ортик роман ва киссаларни сиз азиз ўқувчиларга тухфа этган.

Дино Буццати «Телефонлар кўзғолони» ҳикоясида тасодифан уланиб қолган турли-туман одамларнинг диалоглари оркали уларнинг ички дунёси, характерларини ёритади.

«Асримиз дўзахига саёҳат»да реал воқелик билан фантазия аралашиб кетган, кўпчилик одамлар ўз баднафслиги, ўзгалар кайғусига бепарволиги, инсонийлик кифаларини йўқотиб, шайтоний ишларга берилиши билан Ер юзидаги ҳаётни дўзахга айлан-тириб юборганлигини кўрсатади.

Ёзувчи «Катталаштирилган сурат» киссасида XX аср фан-техника тараккиётидан ва истеъдодли олимлар меҳнатидан фойдаланиб, бутун дунёга ҳукмронлик қилишга уринаётган корчалонларнинг қилмишлари инсоният учун қандай фожиалар келтиришини, инсон шахсини истаганча ўзгартириш, уларни роботларга айлантириш гояларини фoш қилади ва ўқувчини чуқурроқ ўйлашга даъват этади.

Дино Буццатининг баъзи ҳикояларида мазмун чуқурлиги ва муҳимлиги жиҳатидан кисса ёки роман салмоғи бор.

*Маҳкам МАҲМУД,  
ёзувчи, таржимон, «Турон» фанлар  
академиясининг академиги*



*Луизи  
Миранделло*



Луижи Пиранделло (1867–1936) – машхур италиялик ёзувчи, шоир, драматург. 1889 йилда биринчи шеърий тўплами босилиб чиққан. Гётенинг «Рим элегиялари» асари таржимаси (1896) унга катта шухрат келтирган. «Бегона аёл» (1901), «Мархум Митти Паскаль» (1904) романлари, «Агар шундай бўлмаса...» (1915), «Олти персонаж муаллифни кидиради» (1921), «Генрих IV» (1922) пьесалари, ўнлаб новелла ва тўпламлари Пиранделло ижодининг чўққиси ҳисобланади. Адиб 1934 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланган. Унинг асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган.

## БИРОВГА КУЛМА ЗИНҲОР...

(ҳикоя)

### I

**К**ристофоро Голиш гавдасининг оғирлигидан бироз букилган оёқларини кериб, кўча ўртасида турарди; бошига қийшиқ кўндирган шапка гардиши уни юмалок голланд пишлоғига ўхшатиб қўйган эди. Голиш кўлини силкиб:

– Беньямино! – деб қичқирди.

Баланд бўйли, хипчадан келган, ёши элликлар атрофидаги бир киши шамолда тебранаётган новдадек чайкалиб каршисидан келмокда эди. Рангпар юзидаги катта-катта кўзлари атрофга олазарак боқарди. У учига резина ўрнатилган ҳассага таянганча чап оёғини судраб келмокда эди.

– Беньямино! – қайта чақирди Голиш. Негадир овози бу сафар бошқача чиқди. У кадрдон дўстини бу аҳволда кўраман, деб сира ўйламаганди.

Беньямино Ленци негадир тез-тез киприк коқар, лекин кўз қарашлари ҳамон ўша-ўша эди. Кўзлари бир зумда ёшга тўлди, аммо афти сира ўзгармади. Мўйлови остидаги бироз қийшиқ лаблари кимирлаб, нимадир демокчи бўларди-ю, бироқ гапи қовушмай:

– Бу менинг боралиган йўлим, – дея дудукланди.

– Баракалла, – деди Голиш, каршисида гўё кадрдон дўсти Беньямино Ленци эмас, раҳм-шафқатга мухтож ёш болакай тургандек. Уни совук тер босди.

Голиш дўстига яқинлашиб, унинг юришига мос равишда кадам ташламокчи бўлди. Афсуслар бўлсинки, бу жонсиз судралаётган оёқни гўё қандайдир номаълум кимса ер қаърига тортаётгандек эди! Яримшол ва бадбашара, ўлим нафаси келиб турган бу кимсани кўриб, унга ачинаётганини ҳамда саросимага тушганлигини яшириш мақсадида Голиш Беньяминодан Римдан кетганидан бери шу вақтгача қаерда юрганлиги-ю, қачон қайтиб келганлигини сўраб, саволларга кўмиб ташлади.

Беньямино Ленци дўстининг саволларига гўлдираш билан жавоб берди. Голиш эса берган саволларини Ленци тушундими-йўкми, деб шубҳалана бошлади. Киприklarини тез-тез пирпиратиб туриши, унинг азоб чекаётгани ва жуда танг ҳолатда эканлигини билдириб турарди. Бу ҳол чехрасида котиб қолган ғалати саросималикдан халос этмоқчидек туюларди. Оғир хасталик Беньямино Ленцида ўз изини, яъни унинг кўзларида ҳайрат ва кўркувни муҳрлаганди.

– Вой-вой-вой! – тишларини гижирлатиб деди Кристофоро Голиш мажруҳ дўстига ачиниб караётган одамларга ғазаб билан боқаркан.

Унинг ғазаби тобора ошиб, дили вайрон бўлмоқда эди. Атрофдагилар кўчада енгил кадам ташлаб боряптилар. Қандай бахт? Оёқ-кўллари эркин ҳаракатда, қандай яхши. Бошларини у ёқ-бу ёққа буряптилар. Тани соғлиқ – туман бойлик, деб шуни айтсалар керак-да. Хўш, ўзининг кўриниши қандай! Бакуват, мускулдор вужудидан куч-куват ёғилиб турибди. Кристофоро Голиш кўлини мушт қилди: шу тобда кимнингдир елкасига мушт туширгиси келиб қолди. Қизик, нима учун мушт тушириши керак? Бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди. Ўтиб кетаётганлар жиғига тегмоқда, айниқса, Ленцига ўгирилиб караётган бакуват ёшлар унинг ғазабини келтирмоқда эди. Голиш чўнтагидан ҳаворанг дастрўмолини олиб, терга ботган юзини артди.

– Беньямино, дўстим, каерга кетяпсан?

Ленци юришдан такка тўхтади-да, соғлом кўли билан кўча чироғи устунига суянди ва унинг нотекис жойларини пайпасларкан:

– Шифокорга, оёғимни машқ қилдиргани, – дея котиб қолган оёғини кўтармоқчи бўлди.

– Машқ қилдиргани дейсанми? – сўради Голиш. – Оёғингни машқ қилдирияпсанми?

– Ҳа, оёғимни, – жавоб қайтарди Ленци.

– Баракалла! – деди Голиш. Унинг кўнглида ногирон оёққа жон ато этиб, дўстини бу азобдан қутқариш нияти пайдо бўлди.

Дўстини бундай ачинарли ҳолатда кўриш Голиш учун жуда оғир эди. Нахотки унинг қаршисида турган ўша ёшлик йилларида ғаройиб саргузаштлар ишкибози бўлган Беньямино Ленци бўлса? Икковлари ҳам уйланмай, бўйдоқликларича қолиб кетдилар. Бўш вақтларини маншатда ва ўйин-қулги билан ўтказишни ёқтирар эдилар. Кейинчалик Беньяминонинг ҳаётида ўзгариш рўй берди.

У жуда эпчил чикиб колди. Гаплари бурро, катъий эди. У пайтларда Беньямино деганлари ишга муккасидан кетган, умид билан ҳаракат киларди. Кутилмаганда шундай ҳолатга тушиб ўтирса-я... Бу ёғи кандок бўлди! Ачинарли аҳволга-я!

Голиш дўстидан кўп нарсалар ҳақида сўрамокчи бўлди, аммо бунини ўзига эп кўрмади. Ундан сўрамокчи бўлган қанча гаплари бор эди-я.

– «Фьяскеттерия Тоскана»даги баҳсимиз ёдингдами? – эслатди у дўстига. – Надина-чи? Биласанми, ҳозир ҳам мен у билан учрашиб тураман. Эсингдами, сен ғайирлик килиб уни мендан тортиб олмокчи бўлгандинг? Ўшанда Надина сени жуда ёктириб қолганди. Ҳали-ханузгача у сени эслайди. Бугун кечқурун уникига меҳмондорчиликка ўтаман ва сени учратиб қолганимни айтаман. Қара, сен ҳам мени танимаётгандирсан, таниётган бўлсанг ҳам худди тушда кўраётгандекдирсан.

Голиш жикка ёшга тўлган кўзлари билан дўстига тикилар, Беньямино бармоқлари билан тинмай ўзи суяниб турган чирок устунини пайпасларди.

Беньямино Ленци ҳозирда суяниб турган чирок устунини яхши эслаб қолган, чунки ҳар кун сайрга чикқанида шу ерда бироз дам олиш учун тўхтарди. Атрофда ҳаёт давом этмоқда, одамлар унинг аҳволига қараб ачинганча, қадам ташлашига хавотирланиб қарашарди. Ленци эса ҳеч нарсани пайкамай, ўз хаёли билан бўлиб, шу тош кўчадан судралиб ўтарди. У бор кучини тўплаб, аввал кўча чироғи устунига, сўнг шаҳар бозоридаги биронта дўконнинг кўргазма ойнаси олдиғача етиб олишга жон-жаҳди билан ҳаракат киларди. Бу ер эса иккинчи маротаба тўхтаб дам оладиган манзили эди. Беньямино Ленци шу ерда узок вақт туриб, кўргазмага қўйилган арғимчоқка қизил боғич билан боғланган чинни маймунчани томоша килиб турарди. Кейинги пайтларда кўчанинг ичкарасидаги боғ девори олдида тўхтаб дам оладиган бўлди. Айнан уни даволайдиган шифокор ҳам шу кўчада истикомат киларди.

Шифокорнинг ҳовлиси шинамгина, гултувакларга экилган анвойи гуллару катта ёғоч кутиларга ўтказилган ёш бамбук, апельсин дарахтларига тўла, шу билан бирга, турли хил машк ўтказиладиган асбоб-анжомлар ҳам мавжуд эди. Бир бурчакда эса мустаҳкам тахтачаларга қоқилган ҳалқачаларда айлана орқали ўтказилган аркон ҳам осилиб турарди.

Беньямино Ленци касал оёғини ёғоч педаль устига қўйиб айлантира бошлади. Бу машк ҳар кун ярим соат давом этарди. Орадани

икки-уч ой ўтгач, анча тегиклашиб, соғайиб кетишига ўзида ҳам ишонч пайдо бўлган эди.

Бу манзарани бироз кузатиб турган Кристофоро Голиш кўллари-ни силтаганча, катта-катта кадам ташлаб, ҳовлидан шитоб билан чикиб кетди.

Шу тобда Голишни шундай ҳис-туйғулар камраб олдики, гўё бу аҳволга Ленци эмас, худди ўзи тушиб қолгандек туюлди.

Голиш ўртоғининг бундай ночор аҳволига асло токат қилолмай қолди. Кўзлари ғазабдан чакнарди. Ақлдан озган одамдек кўллари-ни силкитиб, тишини тишига қўйганча, кўча бўйлаб ўзи билан ўзи сўзлашиб борарди:

– Бу ёғи кандок бўлди, а? Сенинг ўрнингда бўлганимда, ўзимни хароб қилдириб кўярмидим? Одамлар мазах қилишларига чидаб юрармидим? Бошқалар мазза қилиб юрсинлар-да, мен кулги-мало-матга қолайми? Йўқ, бу кунимдан ўлганим яхши. Кулги бўлишни истамайман.

Шу окшом, эртаси куни ва яна бир неча кун давомида унинг мия-сини фақат шу ўй-хаёллар камраб олди. Содир бўлган бу ҳол уни васвасага солиб, на уйда, на ишда ва на қаҳвахонада тинчлик бер-масди. Таниш-билишларни кўриб қолгудек бўлса:

– Беньямино Ленини кўрдингизми? – деб сўрарди. «Йўқ» деб жавоб бергудек бўлишса: – Бечора шол бўлиб қолибди! Қандай яшаб юрибди, хайронман. Шифокор бўлганимда бу ҳолдан кутқарар-мидим... Бечора педаль айлантириб, оёғини ҳаракатга келтираяпти. Тузалиб кетармикин? Бир минг саккиз юз олтмиш олтинчи йилда – ёшлик йилларида мен билан ёнма-ён туриб урушган ва дуэлда қатнашган ўша Беньямино Лени-да. Биз ўзимизни ҳеч қачон ая-ган эмасмиз. Ҳаёт шоду хуррамликларга тўла бўлсагина кадрли, бўлмаса, унинг қизиғи йўқ экан. Мен бу аҳволга чидаёлмай ўзимни бир балога гирифтор қилган бўлардим.

Нихоят, қаҳвахонада ўтирган улфатлар Голишнинг гапидан чар-чашди.

– Мен жонимга қасд қилган бўлардим, – деди Голиш.

– Тезроқ айтганингни амалга ошир, биз ҳам совук гапларингдан кутулайлик, – деб ҳазиллашишди дўстлари.

Кристофоро Голиш улфатларининг гапига эътироз билдириб, кўллари-ни силтаб:

– Йўқ, агар шундай ҳолат рўй берса деяпман-да... – деди.

Орадан бир ойлар чамаси ўтгач, Кристофоро Голиш опаси ва жияни билан бир дастурхонда кечки овкатни тановул қилаётган пайтларида тўсатдан нафас ололмаётгандек кўзлари олайиб, оғзи кийшайди-қолди. У столга юзтубан йиқилиб, тақсимча устига бошини қўйди. Худди унга ўлим шарпа солаётгандек эди. Бир зумда Голишнинг ўнг тараф аъзолари ишламай, гапдан қолди.

Кристофоро Голиш Италияда туғилган, ота-онаси немис эди. Умрида Германияга бормаган, соф рим шевасида сўзлашарди. Дўстлари унинг Голиш исми-шарифини аллақачонок италянча Голиччи дея ўзгартириб юборган эдилар. Баъзилар эса, қорни қаппайганлиги, ҳаддан зиёд иштаҳаси зўрлиги учун унга «Голачча» деб лақаб ҳам қўйиб олгандилар. У баъзан, хуфиёна гаплари бўлса, опаси билан немис тилида сўзлашарди, холос.

Кристофоро Голиш гапира оладиган бўлганидан сўнг, у шифокорни ҳайратга солиб қўйди: италян тилини мутлақо унутиб, фақат немис тилида сўзлаша бошлади.

Қизариб кетган, кўркув тўла кўзларини очиб, кийшайган оғзи ва юзининг чап тарафини ҳаракатга келтириб, бўйсунмаётган тили билан бир нечта сўз айтмоқчи бўлди. Сўнг соғ қўли билан бошини ушлаб, шифокорга немис тилида шундай мурожаат этди:

– Сиз... сиз... мўлжалга олиб мушт туширгандай... – деди.

Шифокор немис тилини тушунмади, укасининг гапидан эси чиқиб кетган опаси бу гапларни таржима қилишга мажбур бўлди.

Кристофоро Голиш тўсатдан немисга айланди-қолди. Аниқрок қилиб айтганда, у қайтадан немис бўлиб туғилди. Хотирасидан барча италянча сўзлар ўчиб кетганди.

Шифокор бу ҳолатни илмий асосда тушунтирмоқчи бўлди, ўз ташхисини қўйиб, муолажалар буюрди. Шифокор кетаётганда Голишнинг опаси уни бир четга олиб, бир неча кун аввал шол бўлиб қолган эски қадрдони билан учрашиб қолганида, агар ўзи ҳам шундай дардга чалингудек бўлса, жонига қасд қилишга онт ичганлигини айтиб берди.

– Биласизми, доктор, худди шу касалга мубтало бўлишини аввалдан сезгандек, фақат шу ҳақда гапиргани-гапирган эди. У жонига қасд қилиши турган гап. Мен жуда хавотирдаман.

Шифокор хайрихоҳлик билан илжайиб:

– Хавотирланманг, хоним, ҳеч кўрқадиган жойи йўк. Укангизга унинг бетоблиги бор-йўғи овқат хазм бўлмаганидан деб айтаман, мана кўрасиз...

– Лекин, доктор!

– У ишонади, мен бунга кафилман. Чунки касали оғир эмас, бир неча кундан сўнг оёк-қўлларини қимирлата бошлайди. Вакт ўтгач, юриб ҳам кетади. Аста-секин юради. Ким билсин, вақт ўтиши билан у буткул кўрмагандек бўлиб кетиши ҳам мумкин... Бу унга жиддий огоҳлантириш бўлди. У ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириши ва қатъий тартибга бўйсуниб яшаши лозим. Фақат шу йўл билан касал хуружи қайталанишидан узоқ вақт сақланиши мумкин.

Опаси кўзига қалқиб чиққан ёшларини яшириш мақсадида, қўллари билан кўзларини юмиб олди. Шифокорнинг гапларига ишонмасдан, дарҳол хизматкори ва ўғли билан маслаҳатлашиб, укасининг тортмада турадиган тўппончасини яшириб қўйиш режасини туза бошлашди. Маслаҳатга кўра у хизматкор билан тўшакни тўғрилаб қўйиш баҳонасида каравотнинг четида туриб олганларида, ўғли тортмадан тўппончани билдирмай олиб чиқиб кетадиган бўлди. Фақат эҳтиёткор бўлишлари керак. Шундай қилдилар ҳам. Опаси ўз эҳтиёткорлигидан енгил тин олди, чунки авваллари укасининг бундай касаллик ҳақидаги тушунтиришларига унча эътибор бермаганди. Худди шифокор айтганидек, укасига касалини оддий ошқозон касали деб тушунтирдилар.

– Ҳа... ҳа... бу оддий ошқозон касали...

Дарҳақиқат, укаси тўрт кунгача ошқозонида қандайдир ноҳушлик рўй бераётганини сезди.

– Меъда сустлиги... ҳа... ҳа... шундай.

«Наҳотки танасининг ўнг тарафи шол бўлиб қолганлигини укам сезмаётган бўлса? – дея ҳаёл сурарди опаси. – Наҳотки у Ленцининг бошига тушган бу азоблардан сўнг оддий меъда сустлиги шундай даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигига ишониши мумкин бўлса, а?» У ўз ихтиёри билан навбатчилик қила бошлаган биринчи кунданок гўё ёш болага ўргатгандек, унга меҳр билан унутилган итальянча сўзларни ўргата бошлади. Укасидан эса нима учун итальян тилида гапирмаётганини сўради.

Ҳолиш опасига ҳайрат-ла боқди. У ҳозир немис тилида сўзлашаётганини ҳам пайкамаётганди: у дабдурустан немис тилида сўзлаша бошлади, бошқа тилда сўзлашиш эса унинг ҳаёлига ҳам

келмасди. Голиш опаси ўргатаётгандай қилиб, итальянча сўзларни қайтаришга тушди. Бирок у опаси ўргатаётган итальянча сўзларни немис тилида талаффуз қиларди. Жияни Жеванниони Чоугато деб атай бошлади, тоғам мени ҳазиллашиб шундай ном билан атаяпти, дея қулиб кўярди жияни.

Орадан уч кун вақт ўтгач, «Фьяскеттерия Тоскана» қаҳвахонасида Голишнинг бошига тушган кулфатдан хабардор бўлган дўстлари кўргани келдилар. Италиян тилини янгидан ўрганаётган Голишни кўриб, аҳволига ачиндилар. Голиш эса ўрганаётган сўзларининг маъносини фахрламасди ҳам.

Голиш ғалати аҳволга тушиб қолганди. Маълум бир дақиқада у абадий давом этгучи оламга шўнғиган-у, сўнг у ердан бутунлай бошқа инсон – қирқ саккиз ёшли ажнабий гўдак бўлиб туғилгандек эди.

Голиш ишламай қолган қўлини илк бор қимирлатганида шундай хурсанд бўлиб кетганини кўрсангиз эди! Оёғи эса қимирлай демас, лекин у оёғи ишлаб кетишига умид боғларди. Кристофоро Голиш оёғини ҳаракатга келтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди.

– Қалай? – сўради у дўстларидан.

– Яхши, яқин кунларда юриб кетасан, – далда беришарди унга дўстлари.

Голишнинг яшашдан умиди қатта эди. Ҳар эҳтимолга қарши дўстлари ҳамширадан беморга эътибор билан қараб туришини илтимос қилдилар.

– Биласизми, қутилмаганда ҳар қандай воқеа рўй бериши мумкин. Хотираси ҳам тикланиши турган гап. Голиш дўсти касал бўлганида нохуш фикрни миясига ўрнаштириб олганди: худо кўрсатмасин, хуруж яна қайтарилиб қолса борми, унда ҳар нарсани қутиш мумкин.

Ҳозирда Голиш эмас, балки дўстлари нохуш фикрлар гирдобиде эдилар. Орадан йигирма кун ўтгач, опаси ва жияни етовида хона ичида бир неча қадам босаётганидаги хурсандчилигини кўрсангиз эди! Шу тобда ундан бахтли одам йўқ эди дунёда! Гўё онадан қайта туғилгандек эди. Ёш боладек қадам босаётганидан хурсанд бўлар, арзимас нарсага йиғлаб ҳам оларди. Хонадаги ҳамма нарса унга жуда қадрдон кўринарди. Уларнинг ёнига бориб, қўли билан пайпаслаб кўрар, кўзига ёш олганча, қалби шодликка тўлиб судралиб қадам босарди. Бошқа хонадаги жиҳозларни ҳам узок вақт томоша қилиб турар ва шу хоналарга кириб боришни орзу қиларди. Ҳа, опаси би-



дан жияни кўлтиғига киришса борми, у ҳамма хоналарни айланиб чиқарди. Кейинчалик Голиш жиянидан ёрдам сўрамай кўйди. Опаси ёрдамида соғ кўли билан ҳассага суянганча хонама-хона кеза бошлади. Тез орада бировнинг ёрдамисиз, фақат ҳасса билан юра бошлади ва ниҳоят, Кристофоро Голиш атрофдагиларга ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатиб кўймокчи бўлди.

– Энди-чи, энди... ҳассасиз юрсам дейман...

Голиш ҳассасига таянмай икки-уч кадам ташлади, лекин дархол курсига ўтириб олишига тўғри келди. У анча озиб-тўзган, ташки кўриниши опасига ўхшаб кетганди.

– Бейамин! – дўстининг исмини бузиб чақирди Голиш.

Беньямино Ленци дўстининг шол бўлиб қолганлигини кўриб, ажабланмади ҳам. Мўйлови остидаги лабларини чўччайтирди, холос, шу лахзада ўнг юзи биров кийшайиб, тамшанганча:

– Сенга ҳам юкибди-да? – дея педаль айлантиришда давом этди.

Эртаси куни Кристофоро Голиш шифокор хузурига опасининг ёрдамисиз бормокчи бўлди. Беньямино эса ёлғиз ўзи қатнади, Голиш ҳам ундан ортда қолмасликка аҳд қилди. Аввалига опаси ўғлига тоғасининг ортидан сездирмай кузатиб, назорат қилиб юришни тайинлади. Опанинг кўнгли хотиржам бўлгач, ёлғиз ўзи шифокор хузурига боришига рухсат этди.

Энди ҳар куни эрталаб бир вақтда иккита ногирон дўст йўлда учрашиб, шифокор хузурига бирга катнайдиغان бўлдилар. Уларнинг йўналишлари бир хил эди – аввал кўча чироғи устунига етиб олишлари керак, сўнг пастликка тушиб, бозор расталаридан ўтиб боришаркан, кўргазмага кўйилган арғимчокда ўтирган чиннидан ясалган маймун боласини узок томоша қилгач, боғнинг панжараси олдига етиб олишлари зарур бўларди.

Бугун Голишнинг хаёлига ажойиб бир фикр келди. У дўсти Ленци билан фикрини ўртоқлашиш учун ошиқа бошлади. Икки дўст – кўча чироғининг устунига суянганча нигоҳларини бир-бирларига қадаб, нима демоқчи бўлганларини тушунар ва кулгидан оғзиларининг танооби кочарди. Улар гапираётган сўзларини бузиб талаффуз қилганча бир тўхтамга келдилар, Голиш ҳассасини кўтариб кўчадаги извошчинни имо билан чақирди. Извошчи аввал битгасини, сўнг иккинчисини аравага чиқарди, мана энди улар Испания майдонида истиқомат қилаётган Надинаникига меҳмонга кетмокда эдилар.

Пиллапоялардан юқорига минг азобда чиқиб, хансираб турган бу икки шахсни кўриб, Надинанинг эси оғиб қолаёзди. Бечора На-

дина кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмасди. Уларга ёрдамлашиб, икковларини ҳам меҳмонхонага бошлаб кирди ва ўз ёнидан ўтиришлари учун жой кўрсатди. Сўнг худди тарбиячиларга ўхшаб, кочиб келган ёш, шўх болаларга дакки бераётгандек, ўйламай қилган ишлари учун уларни қойий кетди.

Беньямино Ленци аразлаган ёш боладек афтини бужмайтириб, йиғлаб юборди.

Голиш эса аксинча, ковоғини уйганча ташриф буюришдан мақсад, унга ажойиб – сирли совға қилмоқчи бўлганликларини айтди.

– Мени йўқлаб келганларинг учун бошим кўкка етди, раҳмат, – шоша-пиша деди Надина. – Яшаворинглар! Икковингиз ҳам зўрсиз... Уйимга кадам ранжида қилиб, бошимни осмонга етказдинглар. Мен айтган гапимдан хижолатдаман, лекин сизларнинг фойдангизни кўзлаган эдим... Меникигача етиб келиш, устига-устак, пиллапоёлардан юкорига чиқишда қийналган бўлсангиз керак, деб... Беньямино, кўй, азизим, йиғлама... Сенга нима бўлди ўзи. Бардам бўл, Беньямино! – дея Надина оппок, чиройли, дўмбоккина кўллари билан унинг юзини силаб кўйди, – Сенга нима бўлди? Қани, менга бир кара-чи!.. Уйимга келмоқчи эмасмидинг, а? Сени анави ярамас бу ерга бошлаб келган бўлса керак? Шунинг учун мен уни эркаламоқчи эмасман. Бас қил, сен менинг арслоним, кадрдонимсан. Йиғлама, кўз ёшларингни ўзим артиб кўяман. Ана шундай, шундай қилиб, мана бу ажойиб феруза кўзли узукка карагин-а? Уни менга ким совға қилган? Бу узукни ким ўз Надинасига совға қилган? Эгнимдаги чиройли кўйлакни-чи? Қани, топ-чи? Сен мен учун энг кадрли инсонсан, азизим, – дея Беньяминнинг пешонасидан ўпиб кўйди. Сўнг ўрнидан даст турди-да, кўз ёшларини артиб олгач:

– Сизларни нима билан меҳмон қилсам экан-а? – деди Надина. Унинг қилган ишидан Кристофоро Голишнинг дили ранжиди, томоғидан овқат ўтмади. Беньямино Ленци ширинликдан бир бўлак ейишга розилик билдирди. У Надина узатган ширинлик томон чўзилиб, оғзини очмоқчи эди, Надина кикирлаб кулганча ширинликни Беньяминодан олиб кочиб:

– Йўк, йўк, бермайман, – дея ҳазиллашди.

Топишиб олган икки кадрдон дўст ғаройиб қайфиятда эдилар. Улар қувонгандан-қувониб, тинмай кулдилар.

# ШОЛРЎМОЛ

(новелла)

## I

**Т**ўхта, – деди Банди дўсти д'Андреага. – Мен бориб уни оғохлантираман. Мабодо яна кайсарлик қилса, бостириб кирасан.

Иккаласи ҳам узокни яхши кўролмасди. Шу туфайли бир-бирига жуда яқин туриб сўзлашмоқда эдилар. Кўпчилик уларни эгизаклар деб ўйлар, ёшлари ҳам деярли тенг бўлиб, бир-бирларига жуда ўхшаб кетардилар – баланд, тик коматли, озғин, барча ишни саранжом-сариншталик билан бажаришни хуш кўришарди. Сухбатлашатуриб бир-бирларининг кўзойнақларини ё бўйинбоғларини тўғрилаб кўйишар, ҳеч бўлмаса, эгниларигаги камзулларининг тугмаларини тортиб кўярдилар. Улар кам гаплашардилар. Ҳаётда кўп кийинчиликларни бошдан кечирганликлари заъфарон юзларида акс этиб турарди.

Улар бирга вояга етдилар. Бир-бирларидан ёрдамларини аямай, дорилфунунда ўкидилар: бири ҳуқуқшунослик, иккинчиси тиббиёт бўлимида таҳсил олди. Ҳозир эса турли соҳаларда ишлашса-да, аммо ишдан сўнг кечкурунлари кўришиб, шаҳар чеккасидаги жарлик бўйида чўзилиб кетган хиёбонда сайр этишни канда қилишмасди.

Улар шу қадар яқин эдиларки, бир-бирларини оғизларидан билинар-билинмас чиққан сўз, имо-ишоралару кўз қарашларидан тушуниб олишарди. Сайр чоғида фикр алмашгач ортикча гапирмай, индамасдан юришарди. Ўзаро айтилган икки-уч оғиз сўз уларга фикр алмашиш учун етарли бўлар, сўнг худди ҳориган отларга ўхшаб бошларини эгиб, шошилмай қалам босишарди. Тўсиқдан сакраб ўтиб, пастликда ястаниб ётган адирликлару уфққа бош кўяётган қуёш нурида жилваланиб турган денгиз мавжларини томоша қилишни на униси, на буниси хаёлига келтирарди.

Бу икки йигитчанинг ён-атрофдаги гўзалликка махлиё бўлмай, бундай нохуш кайфиятда кетишларига нима сабаб бўлди экан?

Бир неча кун аввал Банди дўстига:

– Элеоноранинг соғлиги яхши эмасга ўхшайди, – деб шипшиганди.

Д’Андреа дўстига қаради. Бу кўз қарашидан касаллик жиддий эмаслигини англади.

– Элеонора опамиз ўзим кўриб қўйишимни истаяптими? – сўради у дўстидан.

– Соппа-соғман, деяпти.

Бир умр оналари ўрнини босган Элеонора олдидаги қарздорлик бурчини ҳис этган ҳолда улар ковокларини уйиб, индамай йўлда давом этдилар.

Д’Андреа ота-онасиз вояга етди. Уни амакиси асраб олди, аммо ўкитишга қурби етмади. Элеонора ҳам ўн саккиз ёшга етганида кенжа укаси билан етим қолди. У ота-онасидан қолган бор-будини тежаб-тергаб, бир амаллаб кун ўтказишга сарф қиларди. Кейинчалик ишланга мажбур бўлиб, мусиқа ва ашуладан дарс бера бошлади. Шу зайлда укасини вояга етказди, унга кўшиб дўстини ҳам ўкитиб, саводини чиқарди.

– Мен дўмбокман, сизлар қилтириқсизлар, – дея болалар билан қувноқ овозда ҳазиллашарди Элеонора. – Сизларнинг ўрнингизга ҳам семиряпман.

Чиндан ҳам Элеонора тўладан келган, кун сайин семириб борарди. Унинг чеҳраси сутга чайиб олингандек тиник. Кўзлари шахло, қайрилган киприклари узун, овози қўнғироқдек жарангларди. Унга разм солганларида семизлигидан ўзини ноқулай ҳис этиб, маъюс жилмайиб кўярди.

Элеонора оҳангларни бузиб бўлса-да, ҳис-ҳаяжон билан юракдан жўшиб кўшиқ куйларди. Жиддий ва тўпорилиги, ибоя андиша, устига-устак, укасининг ташвиши бўйнида бўлмаганида кўшиқчи бўлиш орзусида эди. Саҳнада кўшиқ айтишни жуда-жуда хоҳларди. Афсус, минг афсус, бу орзу ушалмай қолди. Ёши ҳам қирқларнинг нари-берисида эди. Шаҳарда истеъдодини кадрлашган бўлармиди. Бу ширин ўй-хаёллар юрагига биров таскин берарди, холос. Қийналиб бўлса-да, у иккита етим болани оёққа қўйди. Умрини уларга бахшида этиб, оқ ювиб, оқ таради. Бу унинг шунча йиллик меҳнатлари эвазига олган мукофоти эди.

Шифокор д'Андреа дўстини узок кутиб колди, у хали-бери меҳмонхонадан чикай демасди. Меҳмонхонанинг шифти баланд бўлмаса-да, ичи кенг, ёруғ эди, алмисокдан қолиб, ўнгиб кетган ме-беллар ўтмишни эслатарди: ўтмишда кадрли бўлиб хизмат қилган бу анжомлар хонада савлат тўкиб турар, қаршидаги кўзгудан уларнинг акси кўзга ташланарди. Хонага гўё марҳумларнинг портретлари йиғиб қўйилган-у, улар бир нуқтага – Элеоноранинг роя-лига тикилиб тургандай туюларди.

Доктор кутишдан чарчади: ўрнидан туриб, эшикка яқин келди-да ичкарига кулок тутди. Бўғиқ йиғи овозини эшитгач, эшикни қокди.

– Қиравер, – деди Банди эшикни очаркан, – опам нега бунча ўжарлик қиладилар, ҳеч тушунолмаяман.

– Мен касал эмасман! – йиғи аралаш қичқирди Элеонора.

У чарм билан копланган катта оромкурсида ранги докадек оқарганча, ҳар доимгидек қора кийимда ўтирарди. Шу тобдаги унинг қилиғи худди ёш боланикига ўхшаб кетарди; нимадандир безовта, уқасининг нигоҳидан даҳшатга тушиб, кўзларидаги саросимани бекитишга ҳаракат қиларди.

– Ростданам касал эмасман, – деди у бироз ўзини ўнглаб олгач. – Илтимос, мени ўз ҳолимга қўйинглр. Мен ҳақимда ташвиш чекманглр.

– Яхши! – унинг гапини бўлди уқаси. – Мана, Карлонинг ўзи айтсин, саломатлигингиз жойида эмаслиги шундоққина кўриниб турибди, – шундай дея у эшикни тараклатиб ёпиб, хонадан чиқиб кетди.

Элеонора юзини қўли билан бекитиб, хўнграб йиғлашдан бироз тўхтади. Д'Андреа Элеонорага тикилиб қараркан, ўзини ноқулай сезар, негадир хижолатда эди. Ниҳоят, у сўз қотди:

– Нима бўлди ўзи? Нима воқеа рўй берди? Наҳотки мендан ҳам буни сир тутсангиз?

Элеонора ҳамон йиғлашда давом этар, Карло оғир-вазминлик билан гапираркан, ниҳоят, опасининг қўлларини юзидан аста туширди:

– Бўлди-да энди, йиғини бас қилсангиз-чи, – кўндиришга уринди у опасини, – қани, бир бошдан гапиринг-чи, нима бўлди. Кўркманг. Ёнингизда турибман.

Элеонора бошини чайқали ва бехосдан йигитнинг қўлларидан тутди-ю, бирпас сиқиб турди-турди-да, шу заҳоти юзи галати бўлиб, безовталанди ва:

– Карло! Укажоним Карло! – деб шивирлади.

Д'Андреа кизнинг каршисида тиз чўкди.

– Ичингиздаги дардни менга айтинг, опагон...

Элеонора кўлини аста иягига тиради-да, охиста, тушкун ахволда, ялинганнамо:

– Карло, бу дунёни тарк этишимга ёрдам бер. Садаганг кетай, ёрдамнингни мендан дариг тутма, нима килишимни билолмаяпман, бошим котиб қолди.

– Бу дунёни тарк этмоқчиман, деяпсизми? – кулиб юборди Карло. – Қизик гапни айтдингиз-ку, – нега ёш умрингизни хазон қилмоқчисиз?

– Яшагим келмаяпти! – деди Элеонора аста кўз ёшларини артиб. – Бу ишни қандай амалга оширсам бўлади, йўл кўрсат менга, Карло! Ахир сен шифокорсан-ку. Ортик бундай яшай олмайман! Ҳа, ҳа, яшай олмайман. Бундан ўзга чорам йўқ. Дорилбакога рихлат этсам, хаммасидан кутуламан.

Карло Элеонорага ҳайрат билан боқди. Қиз ҳам йигитга тикилиб қаради-ю, дархол кўзини юмиб олди, юзи докадек оқариб, кўрқувдан саросимага тушди.

– Қандай кунларга қолдим-а, – деди Элеонора биров ўзига келгач. – Карло, мени худо уриб қўйди. Ҳа, ҳа, ишон, адойи тамом бўлдим.

Д'Андреа ўзини йўқотган кўйи кўлини Элеоноранинг кўллари орасидан тортиб олди.

– Нега адойи тамом бўласиз? Нега? – деб гўлдиради у.

Элеонора ундан кўзини олиб қочаркан, «секин» дегандай бармоғини лабига қўйганча, эшик томон бош ирғаб:

– Фақат у билмаслиги керак! Худо хаки, укамга бу ҳақда оғиз очма! Аввал менга ёрдам бер. Менга дори керак. Сен дори берасан, мен ичаман-қўяман. Илтимос, тез таъсир қиладиганидан бер. Жонимга қасд қилолмаяпман. Кўрқяпман! Шу ҳақда икки ойдан бери ўйлайвериб, ич-этимни еб юбордим! Карло, айт-чи, опангга ёрдам берасанми? – деди.

– Қандай ёрдамим керак? – сўради д'Андреа ўзини йўқотиб.

Элеонора яна укасининг дўстини кўлидан тутиб, унга ёлворгандай нигоҳ ташлади:

– Жонимга қасд қилишимни истамасанг... сен менга... қандай ёрдам беришинг мумкин?

Д'Андреа қаддини тик тутиб, ковоғини уйиб олди.

– Карло, ёлвораман! – кайтарди у, – ўзим учун эмас, укам Жоржонинг бўйнини ҳам қилмаслик учун шундай қилишим шарт. Фақат Жоржо бу гапдан хабар топмаслиги керак. Карло, сизлар учун ўз умримни бахшида этдим. Ок ювиб, ок тарадим, сизларни оёкка кўйдим. Карло, оз бўлса-да, шуларнинг ҳаққи-хурмати, менга ёрдам бер, мени қийин аҳволдан қутқар! Наҳотки қийналишимни истасанг? Ўйлайвериб, юрак-бағрим қон бўлиб кетди-ку, ахир! Шу ёшимда бу тазнани қандай кўтариб юраман. Бу жуда оғир, ҳа, жуда оғирлик қиляпти...

– Элеонора, опагон, айтинг-чи, бу воқеа қандай содир бўлди? Ким у одам? – сўради д'Андреа беихтиёр бўлган воқеани тушуниб етгач, саросимага тушиб.

Элеонора хавотир билан эшик томон қараб кўйди-да, юзини кўллари билан беркитиб олди ва:

– Билишинг шарт эмас! Ҳозир бу ҳақда ўйлашни истамайман! Наҳотки Жоржонинг аҳволига ачинмасанг? Эл орасида қандай бош кўтариб юради...

– Қандай рўй берди? – сўради д'Андреа, – Айтсангиз-чи, ахир. Бу қатта жинойт-ку. Олдини ололмадингизми... ё чора тополмадингизми?

– Йўк, чора тополмадим, – қатъий, алам билан деди Элеонора, – етар! Нима демокчилигингни тушундим. Энди мени ёлғиз қолдир. Мазам қочяпти... У бошини ўриндик суянчигига беҳол ташлади-ю, бор гавдаси шалвираб тушди.

Карло д'Андреа ўзини йўқотганча Элеонорага кўзойнаги тепасидан қараб турарди. Софлик рамзи бўлмиш бу ажойиб қиз қандай қилиб ўзини ўлимга маҳкум этаётганини ҳис этаркан, бу иш унинг шаънига ярашмаслигини ўйлаб, бу ўй-фикрни қалласига сиғдира олмади. Эҳ, Элеонора Банди? Ахир у ўз ёшлигини бизни деб хазон қилмаганмиди? Энди унинг ёшлиги қоптими? Балки, шунинг учун ҳам номусдан ўлимга рози бўлаётганмикин-а?

Карло опасига қараркан, унинг ҳаддан ташқари тўла гавдаси кўзига ёмон кўришиб, нафрати кўзиб кетди.

– Қани, йўлингдан қолма! – жаҳл билан қичқирди Элеонора довдираб қолган Карлонинг афтига ҳам қарамай, – бор, ҳамма гапни Жоржога айтиб бер. Менга нисбатан қандай чора кўрса кўраверсин, ҳаммасини ипидан-игнасиғача айтиб бер. Қани, бор, жўна.

Д'Андреа беихтиёр эшик томон йўл олди. Элеонора бошини даст кўтариб, унинг ортидан кузатиб қолди. Эшик ёпилиши биланок Элеонора хушидан кетди.

Д'Андреа уйдан чикиб кетгач, Элеонора икки ойдан бери уни эзиб юрган юкдан фориг бўлди-кўйди. Барча кўркинчли онлар ортда қолганди.

Бошига тушган ғам-андухлар билан курашишга Элеоноранинг ортиқ мадори қолмаганди. Майли, бу ёғи худодан, пешонасида борини кўради. Бу иш тезроқ бир ёқлик бўла қолсайди!

Ҳозир укаси ёнига важоҳат билан киради-да, уни бир ёқлик қилиб кўя қолади. Начора, тақдирга тан бермай иложи йўк... У ҳурматга ҳам, эътиборга ҳам лойиқ эмас. Тўғри, у укаси ва унинг дўстига керагидан ортиқ меҳр кўрсатган, борлигини бағишлаган – ҳаёт тақозоси шунга мажбур қилганди. Буни карангки, мана энди топган обрўйи бир пул бўлиб ўтирибди.

Элеоноранинг юрагини ваҳима босди-ю, кўзларини чирт юмиб олди.

Ич-ичидан у ўзини айбдор ҳис эта бошлади. Ҳа, ҳаммасига унинг ёлғиз ўзи сабабчи, шунча йиллар давомида у ҳаётидаги барча қийинчиликларни енгиб ўтди, ҳаётда ўз ўрнини топди, ёмон ўй-хаёлларни миясига келтирмай, тўғри, ҳалол яшашга одатланди. Ҳеч қутилмаганда номусини йўқотди-кўйди. Нақадар даҳшат!

Лекин у укаси олдида ўзини оқлай олмайди. Элеонора укасига: «Жоржо, укажоним, барчасига аслида ўзинг айбдорсан», дейиши ҳам мумкин. Гапнинг индаллосини айтганда, тўғриси ҳам шу-да.

Элеонора укасига оналик меҳрини берди. Хўш, бу яхшиликлар эвазига укасидан ва унинг дўстидан нима оқибат кўрди? Фақат уларни соғинарди, холос. Дорилфунунни тугатгач, икковлари ҳам ўз ишлари билан бўлиб кетдилар. Туну кун тиним билмай меҳнат қилишади. Энди уларни опаларининг ҳаёти қизиқтирмай кўйган, тезроқ опалари билан ҳисоб-китоб қилишга ошиқардилар. Бу ҳол Элеонорани ич-ичидан кемирарди. Шундан кейин унинг ҳаёти мазмунсиз, зерикарли ўта бошлади. У укаларига кераксиз бўлиб қолганлигини тушунгач, икки ўт ичида қолди. Ёшлиги эса аллақачонок қайтмас бўлиб ўтиб кетган: уни ортга қайтаришнинг сира иложи йўк.

Укасининг олиб келган биринчи маоши ҳам унга тасалли бермади. Опаси ўз ҳаётини укаси учун қурбон қилганлигини англаб, Жоржо ич-ичидан эзилар, эрки ўз қўлида эмаслигидан ўқинар балки? Элеонора укасига шундай демокчи ҳам бўлди: «Жоржо, укажоним,



мени ўйлама, мен факат хаётда ўз ўрнингни топишингни истайман. Чин юракдан айтяпман... Бахтимга омон бўл».

Лекин у укасидан таъна аралаш:

– Эвоҳ, опагон, нималар килиб кўйдингиз! Олдингиздаги қарзимни узаман. Қилган яхшиликларингизни унутганим йўқ, – деган дашномларни эшитди.

«Қарзимни узаман?» Кошки бунинг менга сарик чакалик фойдаси бўлса, дея бор овози-ла ҳайкирмоқчи бўлди Элеонора. Укасини деб хаётини қурбон қилаётганда асло руҳи тушмаган, таъна-дашномсиз, очик чехра билан хаётда ўз ўрнини топиши учун бор кучкуватини сарфлаганди.

Элеонора укасининг ўжар феъллигини билар, унга каттиққўллик қилмас, уларнинг опаларига бўлган совук муомалаларидан, ўзларини бегонадай тутишларидан ўксинарди, холос. Ана шундай пайтларда Элеонора ўзини кўйгани жой тополмасди.

Укаси топармон-тутармон бўлиб қолганди, опасига барча шарт-шароитларни мухайё килиб берди. Опасини муаллима бўлиб иш-ламасликка кўндирди. Ишсиз ўтаётган зерикарли кунлардан бирида тўсатдан миясига етти ухлаб тушига кирмаган: «Турмушга чиқсаммикан?» деган фикр келиб урилди.

Ёши ўттиз тўққизда-я! Устига-устак, семириб кетган. Қадди-комати ўзига мос бўлган куёв топиши керак! Турмушга чиқиб кетса, укасининг ўзига кўрсатаётган миннатдорлик мурувватларидан халос бўлиши мумкин. Элеонора худди боши боғлик қизлардек ўзига қараб юрадиган одат чиқарди. Бу ўй аввал ҳеч хаёлига келмаганди. Ўзига оро бера бошлади.

Бир пайтлар Элеоноранинг кўнглига йўл топишни истаган йигитлар ҳозирда бола-чакали бўлиб кетган. Аввал у буларга парво ҳам қилмасди. Ҳозир-чи, ҳозир турмуш қурган дугоналарига хавас қилади.

Элеонора сўппайиб ёлғиз қолганди.

Балки бахти ҳали олдиндадир. Нахотки у бола-чакали бўлолмаса, танҳоликда яшаш пешонасига ёзилганмикин-а. Нахотки, қалбида ёнаётган алангани ўт олдира олмаса? Нахотки қалб туғёнларига кулок солмай, якка-ёлғиз яшашга маҳкум бўлса?

Элеонора юрак-бағрини ўртовчи ғам-ғуссага ботди. Кўнглини азобли армонлар қийнай бошлади. Ёқимтой, лобарлиги аста-секин йўқолиб, кулгисию гап оҳанглирида ўзгариш сезилди. Пичинг ва киноя билан гапирадиган, заҳарҳанда қиладиган бўлиб қолди.

Хулк-атвори тубдан ўзгараётганлигини ўзи ҳам хис эта бошлади. Кўнглига ёпирилиб кирган қора ўй-фикрлар қалбини шиддат билан қамраб олиб, тинчлик бермай қўйди.

Шу кунларда укаси тежаб-тергаб йиккан пулларига кишлоқдан ер сотиб олиб, уй қуришни режалаштираётган эди. У опасини уй қурилишига бош-қош бўлиб туриш учун бир ойга боришга кўндирди. Укасининг бу илтимоси опасидан қутулишнинг бир йўлидек бўлиб туюлди. «Ўзим истикомат қилаётган уйда якка ўзим қолар эканман-да», деган ҳаёлга борди Элеонора. Ана шунда у эркин яшайди. Укасига оғирлиги тушмайди. Ўзи ҳам шу ёшда турмушга чиқиш ўй-фикрларидан фориғ бўлади.

Дастлабки кунлар осойишта ўта бошлади. Бу ерда эмин-эркин яшашни ҳаёл қилди.

Элеонора барвақт туриб, дала кезишга одатланди. Дала кезаркан, ҳар қадамда тўхтаб, ён-атрофга ҳайрат билан суқланиб боқар, даланинг мафтункор суқунатига қулоқ тутарди, чунки бу ерда ҳар бир нарса эрта тонгнинг нақадар беғуборлигини аңгатарди, кишлоқ хўрозларининг кичкириғига қулоқ тутар, гоҳо тошларда ўсган замбуруғлар тўдасига, гоҳ ағдарилиб тушган дарахт тўнкасидаги духобадек товланиб турган пўпанакларга завкланиб боқарди.

Бу ерда – шаҳардан ташқарида бошқа одамга айланиб қолсам эди. У билан кишлоқ ҳаёти ҳақида тўлиб-тошиб, ширин суҳбатлар қураётган мана шу ижарачининг ёкимтой хотинига айланиб қолсам-а, деган фикр ўтди миясидан... Бу беғараз суҳбатдан у ҳаётнинг янги қирраларини кўра бошлади.

Ижарачининг феъли оғир эди: у ўзини кўпни кўрган одамман деб, мағрур тутарди. Ҳа-я, чинданам кўпни кўрган, кўп ерларда: Америкада бўлган, саккиз йил Беноссарияда истикомат қилган. Шунинг учун ҳам у ёлғиз ўғли оддий кимса бўлиб қолишини истамасди. Ўғли ўн уч ёшга тўлганда билим юртига жойлаштириб қўйди. Саводи чикса Америкага юборишни мўлжаллади, «жуда катта мамлакат, одамлар ичида тобланади», деб ўйлади.

Жерландо ҳозир ўн тўққиз ёшда. Кўп йиллардан бери ўқисада, қалласига бир нима қирай демасди. Қад-қоматдан худо қисган, кўриниши қўпол. Отасининг ўта ғамхўрлигидан ниҳоятда чарчаган эди. Ўқиши давомида шаҳарликларга хос баъзи қилиқлар орттирди, бу унинг кўринишини янада совуқлаштириб юборганди.

Ҳар куни эрталаб у ҳурпайган дағал сочларининг фарқини очиб тарарди. Сочлари қуригач, фарқлари ҳам бузилиб ғалати ҳолда дик-

кайиб кетар, кошлари барок, соқол-мўйлови сабза урганди. Жерландога ҳаёт ҳар томонлама кулиб бокмаганди. Доимо китоб устида ковушмай мук тушиб ўтиришини кўрган одамнинг унга раҳми келарди. Уни тез-тез уйку элитар, отаси уни уйқудан уйғотгунча она суги оғзига келарди ва уйқуси ёзилмаган, довдираб турган ўғлининг жонини кийноққа солиб, шаҳарга олиб бориб кўярди.

Қишлоққа Элеонора хоним келгач, Жерландо онасига: «Айтинг, анови хоним отам билан гаплашиб, мени кийнаб ўқишга юбормаслигини тушунтирсин, ўқишни хохламайман», – дея ёлворди.

Элеонора йигитнинг отаси билан гаплашди. Аммо ўғлининг одам бўлишини истаган ота Элеоноранинг гапига кулоқ солишни ҳам истамади. Ундан бировларнинг ишига аралашмаслигини сўради. Шундан сўнг Элеонора бироз овуниш, нима биландир шуғулланиш мақсадида ўқишдан безган бечора болага кўлидан келганча ёрдам бера бошлади.

Элеонора ҳар куни чошгоҳдан сўнг Жерландони хонасига чорлаб, илм олишига ёрдам бера бошлади. Жерландо хонага уялиб, ўзини йўқотган ҳолда дафтар-китобларини кўлтиклаб кириб келарди. «Хоним укувсизлигимдан, эрмак килиб устимдан кулса-я», деган хаёлга борарди. Бола ўзига қолса бу ерга келмасди, лекин отасининг зўри билан келишга мажбур эди. Жерландога худо илм олишни юктирмаганди. Кўчат ўтқозиш дейсизми, мол боқишми, буларнинг барини жонини киргизарди. Бола Элеонорага мускулдор кўлларини кўз-кўз килиб, мулойим тикиларкан, оғзини катта очиб, оппоқ, соғлом тишларини кўрсатганча баралла куларди...

Элеонора кун ўтган сайин Жерландони жини суймай қолди. Шаҳардан роялини олдириб келиб, хонасининг ичидан қулфлаб олганча мусика чалишга, баъзида китоб ўқишга берилиб кетарди. Жерландо Элеоноранинг суҳбатларидан, кўрсатаётган мурувватларидан, ёрдамидан дабдурустдан маҳрум бўлгач, деразаси тагида пусиб ўтирганча унинг рояль чалиб, кўшик айтишини эшитаётганини киз тўсатдан пайқаб қолди. Шунда Элеонора бемаъни ўйга бориб, болани кўлга туширмоқчи бўлди. Дабдурустдан рояль чалишдан тўхтади-ю, пиллапоядан зинғиллаганча пастга югуриб тушаркан:

- Ия, бу ерда нима қиляпсан? – сўради Жерландодан.
- Тинглаяпман, – жавоб қилди у.
- Ёкяптими?

– Жудаям, эшитиб маза қиялман, хоним! Худди жаннатга тушгандек!

Элеонора хандон отиб кулиб юборди. Шу топда боланинг ҳам юзига кулги инди. Кутилмаганда у Элеонорага ташланиб колса бўладими... Болохонадан пастга ғира-шира ёруғлик тушиб турарди.

Алалхусус, бу воқеа шу куни рўй берганди.

Кутилмаганда рўй берган бу воқеадан киз довдираб колди, девқомат боланинг исканжасидан ўзини кутқаришга ожизлик қилди, ўзи истамаган ҳолда хушини йўқотди, боланинг эхтирос-ла илондек чирмашишидан унга ўз изини бериб кўйди...

Эртаси куни Элеонора шаҳарга қайтиб кетди.

Энди нима бўлади? Жоржо нега келмаяпти? Бўлган ишни д'Андреа унга айтмаганмикин. Балки қандай ёрдам беришни ўйлаётгандир?

Элеонора дабдурустдан қаршисида жарлик пайдо бўлгандек, кўркиб, кўллари билан юзини бекитиб олди.

Элеонора икки ўт орасида ёнарди. Бу дунёдан кўз юмсагина барчасига нукта кўйган бўларди. Бу ишлар қачон ниҳоясига етаркин-а. Эшик очилиб, бўсағада юзидан кони қочган, кўзлари кизарган, довдираганча кириб келаётган Жоржо кўринди. Д'Андреа унинг ортидан эргашиб келмоқда эди.

– Бир нарсани билмоқчиман? – дона-дона гапириб сўроққа тутди у опасини. Унинг кимлигини билмоқчиман?

Элеонора кўзини ердан ололмай ўтирарди, сўнг бошини аста кўтараркан, уввос солиб йиғлаб юборди.

– Кимлигини ҳозир айтасиз! – сўзида қатъий турганча қичкирди Банди. Ким бўлишидан қатъи назар, сиз унга турмушга чиқасиз.

– Йўк! Йўк! – шивирлади Элеонора бошини янада қуйи соларкан, кўллари титраб. – Айтолмайман! Иложим йўк!

– У аблах уйланганми?

– Йўк, уйланмаган, – шоша-пиша деди Элеонора.

– Исмини айтинг! Ким у аблах? – опасини қистовга олди Банди. – Ким ўзи? Айтсангиз-чи?

Элеонора укасининг ўқрайиб қарашидан жунжикиб, аранг бошини кўтарди.

– Айтолмайман, – дея шивирлади.

– Айтинг, ортик қазабимни қайнатманг, охири ёмон бўлади, – дея, бор овози билан қичкириб, опаси томон муштини дўлайтириб кела бошлади Жоржо.

Д' Андреа уларнинг ўргасига тушиб:

– Жоржо, қўй, ўзингни бос. Яхшиси, хонадан чикиб кет. Менга бўлган воқеани сўзлаб берадилар. Қани, бу ердан чикиб кета қол, – деди катъий оҳангда Карло.

Дўсти шу тарзда уни хонадан чиқариб юборди.

### III

Укаси ўз сўзида туриб олди.

Тўй арафасида нима қилиб бўлса ҳам жанжал чиқаришга ҳаракат қилар, одамлар орасида кулги бўлишдан чўчиб, барчага шарманда бўлганини сўқиниб сўзларди. Жоржо гўё ақлдан озгандек эди; барча унга ачинарди, холос.

Жоржо Жерландонинг отаси билан тил топишиши осон эмаслигини хис этди.

Қария илғор фикрли киши бўлса-да, тезда кизишиб кетадиган одати бор эди. Аввалига у нима гаплигини тушунмади. Гап нимадалигини англагач эса:

– Ташвишланманг! Боплаб адабини бераман! Вой, аблах-ей! Ичак-чавоғини ағдариб ташласаммикан? Яхшиси, қўл-оёғини боғлаб сизга топшира қолай. Аламдан чиқиш учун билганингизни қилинг. Жонини киритиб савалашингиз учун хипчинларни уч кун сувга солиб қўяман. Хоҳлаганча савалаб, хумордан чиқинг, – деди.

Жоржо савалаш билан иш чикмаслигини айтиб, ўғлини опасига уйлантириб қўйишни таклиф қилганда, қария эсанкираб қолди ва:

– Нималар деяпсиз! Гапингизга тушунмаяпман... Эътиборли хоним ижарачининг ўғлига турмушга чиқадиларми? – деди катъий оҳангда, сўнг сўзида давом этиб:

– Мени кечирасиз-у, хоним ўғлимдан йигирма ёш катта. Ақллари кирари кириб, чиқари чиққан. Менинг думбул ўғлимни йўлдан урмасликлари керак эди. Айтмоқчи эмасдим, энди айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Хоним ҳар куни ўғлимни хузурига чақириб оларди. Ўзингиздан қолар гап йўқ... Ўғлимнинг она сути оғзидан кетмаган, гўр бола бўлса. Тўғри, бу ёшда уларнинг кўзи қонга тўлади. Шайтон ичларига кириб олгач, нима қилиб қўйганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Ўғлимдан ажралиб қолиш менга ҳам оғир: уни одам қиламан деб қанчадан-қанча пулларни сарф қилиб юбормадим дейсиз! Хафа бўлманг-у, хоним ўғлимнинг онаси тенги келади-я... Бу ёғи қандок бўлди... – деди.

Банди кизнинг сепига катта бир кўрғон ва анча-мунча пул ваъда қилди. Шундай қилмаса ғишт қолипидан кўчишини фаҳмлади.

Ана шу тарзда тўй қилишга келишиб олдилар. Элеонора истикомат қилаётган кичик шаҳарчада бу воқеа катта шов-шувга сабаб бўлди.

Кўп йиллар давомида иззатини билиб яшаётган бечора кизнинг устидан ошқора равишда кула бошладилар. Шивир-шивир гаплар гўё гап ташиётганларга роҳат бахш этаётгандек эди. Аввалги хурмат-эътибор ўрнини ҳозирги шармандалиқ босиб кетганди.

Ҳамма Жоржога ачинарди: у тўйда иштирок этмади. Ғам-ғуссалар изтиробида қолган бечора дўстини ёлғиз қолдирилмаслигини айтиб, д'Андреа ҳам тўйда қатнашмади. Элеоноранинг ота-онасини даволаб юрган, ёши бир жойга бориб қолган шифокор (шуни эслатиб қўйишимиз керакки, дорилфунунни тугатиб, д'Андреа даволашнинг антика усулларини топиб, унинг кўпгина беморларини ўзига оғдириб олганди) гувоҳ бўлишга розилик билдирди. У ўзи билан бирга дўсти-ю, яна бир чолни ҳам олволди. Чол никоҳ пайтида иккинчи гувоҳ ўрнига ўтди.

Гувоҳлар билан бирга Элеонора извошда шаҳар мэри томон, сўнг шаҳар чегидаги мўъжаз ибодатхонага йўл олдилар.

Иккинчи извошда эса ковоғидан қор ёғаётган куёв бўлмиш Жерландо ўтирарди. Куёвболага ота-онаси ҳамроҳ бўлиб келаётгандилар.

Улар тўй баҳонасида башанг кийиниб олишган, аммо чехралари тунд, ковоклари солиқ холда кетиб бормоқда эдилар. Буни қарангки, ўғиллари бойвучча хонимга уйланмоқда, келиннинг сепига катта ер, яхшигина уй-жой ва пул берилганди. Жерландо энди ўкишини давом эттирмаса ҳам бўлади, уй-жой ишлари билан отаси шуғулланаверади, бундай ишларнинг жонини киргизади. Келиннинг ёши улуғ-да. Балки, бир томондан, бу яхшидир. Меросхўр бўлиб қолади. Табиат қонунларига кўра, у аввалроқ бу дунёни тарк этса, Жерландо эркин ва пулдор бойвачча бўлади-кўяди.

Учинчи извошда кетаётган куёв томондан бўлмиш отасининг дўстлари, кекса деҳқонлару иккита холаси ҳам шу ўй-хаёлда эдилар. Қолган қариндошлару Жерландонинг йиғилган дўстлари кўрғонда кутиб ўтирардилар. Йиғилганлар ясан-тусан қилиб олган: эркаклар қора мовутдан тикилган куртқада, аёллар эса устларига янги ёпинчиклар ташлаб, бошларига ялтир-юлтир рўмолларини ўраб

олишганди. Куёвнинг отаси илғор дунёкарашли инсон бўлганлиги учун тўй тадоригини яхши ташкил этганди.

Мэр хузурига етиб келишганда Элеоноранинг хўрлиги келиб, йиглаб юборди. Қариндошлар унинг ёнига куёвни суриб кўйдилар. Аммо Элеонора томондан гувоҳликка келган қари доктор «куёв ҳозир четроқда тургани маъкул», деди.

Йиғидан ўзини тўхтата олмаётган Элеонора никоҳ қайд қилинадиган саройга кириб келди. Ёнида уятдан, ўнғайсизликдан янада беўхшов, тўпори бўлиб кўринаётган куёвга кўзи тушди-ю, ғазоби қайнаб кетди: «йўк-йўк» дея қичкириб юборишига бир баҳя қолди. Зора куёв никоҳни рад этса, деб унга қаради. Аммо икковлари ҳам тақдирга тан бериб, «розиман» деган жавобни бердилар. Тезда никоҳ расм-русумлари бажарилди. Маросимда қатнашганлар худди мотамда иштирок этгандек совуқкина кўрғонча томон йўл олдилар.

Элеонора кадрдон дугоналаридан ажралгиси келмасди. Аммо у эри, қайнона-қайнотаси ўтирган извошга ўтиришга мажбур эди.

Улар йўл давомида чурк этмай бордилар. Куёвнинг ота ва онаси паришон ҳолда кетиб борардилар, дам-бадам келинларига ер остидан ўғринча қараб кўяр, дамлари ичларида, бир-бирларига маъноли тикилиб, кўзларини ердан узмасдилар. Жерландо эса қовоғини уйганча извошда деразадан ён-атрофни кузатганча хаёл суриб борарди.

Кўрғонда уларни шод-хуррам, қий-чув қилганча пақилдоқларни отиб, карсақлар чалиб кутиб олдилар. Йиғилганлар келинни ўз удумларига кўра табрик билан кутишга шайланиб турар, келинчак уларга жилмайиб қарамоқчи бўлди-ю, лекин бунинг уддасидан чиқа олмади, йиғилганлар келинни кўрдилару ханг-манг бўлиб қолдилар.

Келинчак ўз хонасига чиқиб, бироз дам олиш мақсадида изн сўради. Унга рухсат бердилар. Элеонора хонасига чиқиб, келин билан куёв учун ўрин тўшаб кўйилганини кўрди-ю, донг қотиб қолди. Наҳотки болақай билан бир тўшакда ётса! Ҳечам-да! Бундай бўлиши мумкин эмас! Асло! Келинчакни титроқ босди, дарҳол ўзини бошқа хонага урди-ю, ичкаридан эшикни кулфлаб олди. Оромкурсига ўтирганча кўллари билан юзини беркитди.

Ташқаридан ҳайқирик ва кулги овозлари эшитиларди. Меҳмонлар Жерландони тинчитмасдилар, улар келинни эмас, унинг сепию оиласини мақтардилар.

Жерландо мик этмай деразага тикилганча турарди. Юз берган воқеадан жуда изтиробда, дам-бадам бакувват елкаларини учириб кўярди.

Ҳа, у номусдан ерга кириб кетай дер, шу хонимга уйлангани учун дили азобда эди. Барчасига отаси айбдор, «ўки, ўки» деб хол-жонига кўймади, хоним ҳам уни тинмай мазах килар, дилини оғритарди. Мана, окибати нима бўлди. Отаси бўлса қариқизни келин қилганидан хафа ҳам эмас. Бахонада ерли-жойли, пулдор бўлиб олди. Аммо ўғлининг холи не кечади. Қизик, ўзидан икки баробар катта хоним билан қандай яшайди, ахир ундан кўрқади-ку! Хоним шармандалиқдан кутулиш учун унга турмушга чиқишга рози бўлди. У хонимга хотини сифатида қайси юз билан қарайди. Устига-устак, отаси ўқишини давом эттиришини талаб қилиб турибди. Ўқишга қандай боради, ахир ҳамма унинг устидан кулади-ку! Келиннинг ёши куёвниқидан йигирма ёш катта бўлса, бунинг устига семизлигини айтмайсизми! Худди айикка ўхшайди-я.

Жерландо ана шундай хаёлларга чўмиб турган кезде унинг отаси сабрсизлик билан зиёфат дастурхонига ўтиришни кутишарди. Ниҳоят, улар дастурхон тузалган хонага тантанавор ҳолда кириб келдилар. Дастурхонга тортилган барча ноз-неъматлару егуликларни шаҳардан келган ошпаз ўзи билан эргаштириб келган ёрдамчилари билан тайёрлаган эди.

Ота ўғли ёнига келиб:

– Бор, хотинингни овқатга таклиф қил, – дея буйруқ берди.

– Бормайман, таклиф ҳам қилмайман, – депсиниб тўнғиллади Жерландо. – Ўзингиз бориб чакиринг.

– Тўнка, у сени чакиришингни кутмоқда, мени эмас, – бақирди отаси, – ахир сен унинг эрисан. Қани, қимирла тезроқ. Тезде келсин!

– Ўзингиз бориб чакиринг, бормайман дедимми, бормайман, – ўжарлик қиларди Жерландо.

Сабр косаси тўлган ота ўғлининг ёқасидан олиб, кетига бир тепди.

– Энди уяласанми? Аҳмоқ, бу ғалвани ўзинг бошладинг. Буни қаранглар-а, энди номус қилаётган эмишлар! Қани, ҳозироқ келинни олдинга солиб чик-чи! У энди жуфти ҳалолнинг бўлади.

Бу ғалвадан хабар топган меҳмонлар ота-болани ажратар эканлар, зўр бериб Жерландони келинни чакириб чиқишга ундардилар.

– Чақирсанг нима бўпти? Бориб, бир қадахдан май ичишни таклиф қил, тамом-вассалом...



– Уни нима деб чакиришни билмайман! – чорасизликдан гўлди-ради Жерландо.

Бу гапдан йиғилганлардан баъзилари кулиб юбордилар, бошқалар эса тўйни бузаётган ўглини дўппослашга чоғланаётган отани тинчлантиришга ҳаракат қилардилар. Ахир бу тўй базмига анчамунча пул сарфланган эди-да.

– Исмини айтиб чакирасан, – деб ўғлига шипшиди онаси. – Исми нима эди? Элеонора эдими? Элеонора деб чакиравер, энди у сенинг хотининг-ку. Боракол ўғлим, бор...

Жерландо бориб келин ўтирган хонанинг эшигини аста қоқди. Бироз кутди. Жавоб бўлмади. У билан қандай муомала қилса экан? Дабдурустдан сенласамикан? Қандай шармандалик. У нега жавоб бермаяпти? Ҳойнаҳой эшик қоқаётганимни эшитмаётгандир. Жерландо эшикни каттиқроқ қоқди. Яна бироз кутди, жавоб бўлмади. Жерландо батамом ўзини йўқотиб қўйди. Онаси ўргатгандек қилиб келиннинг номини айтиб аста чакира бошлади. Аммо овози ўзига қулгили бўлиб туюлди, чунки довдираб келиннинг исмини адаштириб, «Энеолора» деб чакирган эди. Дарҳол қилган хатосини тузатиб, дабдурустдан баланд, буйрукнамо оҳангда «Элеонора» деб чакирди.

Шу тоб ичкаридан: – Ким у? – деган овоз эшитилди.

Жерландо овоз келган хона томон аста юрди.

– Бу менман... – деди Жерландо. – Мен, Жер... Жерландоман. Дастурхонга таклиф қилгани келдим.

– Мен чикмайман. Ўзинглар бемалол ўтираверинглар.

Анча енгил тортган Жерландо дастурхон тузалган катта хонага қайтиб келди.

– Келмас экан. Бемалол ўтираверинглар, – деди.

– Сен аҳмоксан! – кичкирди отаси (у ўглини доимо шундай дерди).

– Бугунги ёзилган дастурхон тамоман бошқачалигини – тўй дастурхони эканлигини унга уқтирмадингми? Зўрлаб олиб чиқиш керак эди.

Гапга онаси аралашиб, «ҳозирча келинни ўз холига қўяйлик», деди. Меҳмонлар ҳам онанинг гапини қўллаб-қувватлашди.

– Чиқишга юзи чидамаяпти, ҳа, уяляпти, – дейишди йиғилганлар.

Кайнота кези келганда келинига нималарга кодирлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Келини тўй дастурхонига ташриф буюрмаганидан дарғазаб бўлган кайнота овқатларни дастурхонга тортишни

буюрди. Тўйга йиғилганлар шаҳарлик ошпаз пиширган таомларни татиб кўриш иштиёкида иштаҳалари карнай эди. Улар дастурхон тутатилишидан хайратга тушдилар. Дастурхон устидаги каттаю кичик қадахлар, санчкилар, пичоклар ва юпка коғоз салфеткаларни кўриб, буларнинг нима кераги бор экан, деб ўйладилар.

Меҳмонлар башанг кийиниб олганча, карама-қарши ўтирган ҳолда бир-бирларига тикилиб, қабарик кўллари билан кумуш санчкилару пичокларни қандай ишлатишни билолмай гаранг эдилар, айниқса, оқ кўлқоп кийиб хизмат қилаётган хизматкорлар уларни хайратга солганди. Жерландонинг отаси гарданини кашийтуриб кавшанганча ўғлига минғирлаган кўйи қараб:

– Унинг ўтиришига каранглар! Беўхшовлигини-чи! Келин бу гўрсўхтага қандай кўнгил берсин! Бекорга уялмаяпти. Эҳ, кани энди сенинг ўрнингда мен бўлиб қолсам эди!.. – деди.

Тўй ҳам совук ошдек ўтди, йиғилганлар турли сабабларни важ қилиб, уй-уйларига тарқала бошладилар, ён-атроф зим-зиё қоронғилик оғушида.

– Хўш, энди нима қиласан? – саволга тутди ота ўғлини хизматкорлар дастурхонни йиғиштираётган пайтда. – Айт, нима қиласан? Бу ёғини ўзинг ҳал қил!

Шундай деб, ота хотинини кўрғончадан нарида жойлашган уйлари томон бошлаб кетди.

Улар кетганидан кейин Жерландо ён-атрофга бўшашганча қараб кўйди. Энди нима қилса экан?

У хоналардан бирида беркиниб, индамай ўтирган хотини борлигини ҳис этарди. Балки энди у ташқарига чиқар? Ҳамма уй-уйига тарқаб кетди-ку! Нима қилса экан-а?

Оҳ, кани энди боши очик бўлса-ю, у ҳам онасига эргашиб уйига кетса, дарахт тагида маза қилиб ором олса!

Балки Элеонора Жерландонинг чакиришини кутаётгандир? Тақдирига тан бериб, эрини ичкарига кириб келишини кутаётган бўлса-чи! Ҳа, ҳа, тақдирга тан бермай қаёққаям борарди.

Жерландо аввалига қулоғини динг қилди. Атроф сукунатга чўмган. Ҳойнахой, келин донг қотиб ухлаб ётгандир. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, атрофни зимистонлик чулғаган, болохонадаги очик эшик тиркишидан ёруғлик тараларди.

Жерландо чирокни ҳам ёкмай бир стулни ўзи билан болохонага олиб чиқди, у ердан бутун кишлоқ ва узоқдаги денгиз кўриниб турарди.

Ҳаво очик, қолдузлар самода жилва қилар, денгиз узра ой шуъла сочар, чигирткаларнинг тинмай чириллаши кулоққа чалинарни.

Дабдурустдан бойўғлининг ёкимсиз овози эшитилди, кетмакет бошқаси ҳам овоз бера бошлади, улар узок вақт қоронғи тун кўйнида навбатма-навбат хув-хувлай бошладилар.

Жерландо панжарага суянганча узок вақт бойўғли овозига кулоқ тутаркан, қалбини қийнаётган оғир сиқув аста-секин таркалаётганини хис этди. Сўнг кўзи кўрғонни ўраб турган деворга тушди ва буларнинг бари ўзига тегишли эканлиги хаёлидан ўтди, бу ерда ўсаётган барча дарахтлар: зайтун, бодом, анжир дарахтларию узумзор ҳам энди унга тегишли.

Ҳа, отаси қувонганича бор экан, энди у ҳеч кимга қарам эмас.

Отаси уни ўқитмоқчи бўлганида ҳам узокни кўзлаган экан. Энди ўқишни давом эттиради. Хотини олдида ивирсиб юрганидан кўра бориб ўқигани маъқул. Мабодо, ўртоқлари устидан қулиб, мазах қилгудек бўлсалар, адабларини бериб кўяди. Ахир у бойвачча-я, яхши ўқимаса ўқишдан ҳайдаб юбора олмайдилар. Бу ердаги бойваччалар олдида шарманда бўлмаслик учун ҳам астойдил ўқийди. Тез кунда қолган дарсларни ҳам ўзлаштириб олади. Яна тўрт йил ўқиса агроном ёки танобчи деган ҳужжатни олади. Қайниси кўзга кўринган адвокат, опасини кўнгилдагидек одамга узатмаганидан эзилиб юргандир. Ҳечқиси йўқ, ишимни топиб олганимдан кейин ўзи таъзим қилиб келади ҳали! Ҳа, албатта, кўли кўксига келади! Шунда у: «Менга қари опангни хотинликка бердингми», деб уялтиради. «Мен ҳам ўқимишли инсонман, ёш ва гўзал хотинга уйланишга ҳаққим бор», деб қайнисини тузлайди. Шу ўй-хаёллар билан бошини панжарани ушлаб турган қўллари устига кўйдю пинакка кетди.

Тун ярмидан окқанда худди соя каби ичкаридан Элеонора чиқиб келди. У Жерландони уйғоқ деб ўйлаганди. Унга нисбатан ачиниш ҳисси уйғонди ва баногоҳ уни ваҳима босиб кетди. Элеонора ўз қарорини унга айтиш учун хонасига олиб кириш мақсадида уни уйғотсаммикан, деган хаёл билан жойида тик туриб қолди. Аммо эри саналмиш бу кимсани уйғотиш учун қўлини унга теккизолмади, унинг исмини айтиб чақиришга ҳам журъат этолмай, хонасига кириб кетди.

Барча ишлар хамирдан кил суғургандек хал бўлди-қўйди.

Эртасига эрта тонгда Элеонора Жерландога кўнглидагини тўкиб солди. Бу уйнинг хакикий эгаси Жерландо эканлигини, кўнглига келган ишни қилиши мумкинлигини, унинг этагига осилиб, оғир юк бўлмаслигини айтди. Ундан фақат бир нарсани – ёшлигидан уни яхши биладиган кекса хизматкор аёл билан алоҳида кичик бир хонада яшашига рухсат беришини сўради, холос.

Ярим тунда Жерландо ғирт маст ҳолда келди, уни ошхонадаги диванга ётқизиб қўйишди. Эрталаб уйғонгач, ичкиликдан ўзига келолмаётган Жерландо ўзини зўрлаб ковоғини солишга уринарди, гўёки бу хонадоннинг эгаси у-ю, ўзини гапга кўндириш осон эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўларди. Элеоноранинг гапираётган ҳар бир сўзига жиддий турганча бош ирғаб қўярди. Ўғилларининг аҳмокона бу ишидан ота-оналарининг фиғони фалакка чиқарди. Ўғилларига қанча панд-насихат қилмасинлар, у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетарди. Улар ҳамон бошқа-бошқа уйда ётардилар.

Жерландо отасини тинчлантириш мақсадида ўқишига октябрнинг бошларида қайтиш ниятида эканлигини айтди. Келинига аччиқ қилган онаси Жерландога энг шоҳона хоналарда яшашини, олиймаком ўқишларда ўқиб, яхши ошхоналарда овкатланишини тайинлар экан:

– Сен хотинингга бўш келма! Бўлмаса ўзим бориб, эр деганни қандай иззат-ҳурмат қилиш кераклигини ўргатиб қўяман! – дерди бобиллаб.

Эрининг ҳурматини жойига қўймаётган димоғдор келинини кечирмаслигини, бир умр у билан гаплашмаслигини айтиб, онт ичди. Шундай йигитни қадрига етмаса-я! Гапнинг индаллосини айтганда, ёшгина йигит қариқизга муносибмиди, а?!

Жерландо ўқишга шўнғиб, имтиҳонларга тайёргарлик кўра бошлади. Вакт жуда оз қолганди: бор-йўғи уч ҳафта. Худо ўнглаб астойдил ҳаракат қилса борми, уч йилдан бери уддасидан чиқолмай келатган ўқишини тугатиб, етуклик хужжатини қўлга киритар.

Бўлиб ўтган воқеалар бироз унутилиб, энди ўзига келган Элеонора хизматкор кампирнинг маслаҳати билан туғилажак фарзандига кийим-кечак тикишга киришди. Авваллари бу ҳақда ҳечам ўйламаган экан.

Кекса хизматкор кампир Жеза Элеонорага чакалоқка кўйлак билан калпокча тикишни ўргатди. Такдир Элеонорага шундай овунчок ҳадя этиптики, энди барча кўргиликлари унут бўлади. Хох ўғил фарзанд кўрсин, хох киз, унга бутун борлигини бағишлайди! Парвардигор ол кулим, деб ўғил фарзанд ато этса борми, ажойиб иш бўларди.

Элеоноранинг ёши ҳам ўтиб қолган – узок умр кўрадими, йўқми, худо биледи – киз болани тўпори отасига қандай ишониб мумкин? Қиз бола деганлари нозик навнихол бўлади. Ўғил бола кўпам ҳаётда қийналмайди, бир кунини кўриб кетаверади.

Бу азобли ўй-хаёллар уни чарчатди, тикиш-чатиш ҳам жонига тегиб, ўзини чалғитиш максасида уйдан олиб келган китобларини биринчи бор қўлига олди. Ахён-ахёнда хизматкор кампир томон юз буриб:

– У шу ердами? – деб сўраб қўярди.

Жеза энсаси қотиб: «Ҳа, шу ерда», деб тўнғилларди. Сўнг елкаларини қисганча ижирганиб, лабини бураркан:

– Бошини китоб устига қўйиб ётибди. Ким билсин, балки, ухлаётгандир, балки хаёл суриб ётгандир, – деди.

Жерландо хаёл дарёсига ғарқ бўлганди. Бу қандай ҳаёт бўлди, деб ўйларди.

Ҳа... у хўжайин, аммо кимнинг устидан ҳукмини ўтказишни билмасди; хотини борми-йўқми, ўзи ҳам сезмасди. Ота-онаси билан муносабати яхши эмас, ораларига совуқчилик тушган. Қанча ўқимасин, калласига ҳеч нарса кирмасди.

Жерландо ўзини қўярга жой тополмасди. Ишга қўли бормас, аламли изтироблар оғушида юрак-бағри эзилмоқда эди. Хотини унинг кўкрагидан қанчалик итарса, у хотини томон шунчалик талпинарди. Дабдурустдан хотинидан кўнгли совий бошлади. Кўрғонни эплаштириш ташвиши Жерландонинг бўйнида эди.

Жерландо ўрнидан даст туриб ғазаб билан хонасидан чиқардию, қия очик эшик тиркишидан хотинини кўргач, жаҳлдан тушарди. У оғир хўрсиниб қўяркан, журъати етишмаётганидан, «ҳечкиси йўқ, ҳаммаси йўлга тушиб кетади», деб ўзини овутарди.

Кунлардан бир куни навбатдаги имтихондан ўтолмай шаҳардан қайтиб келди. Ўқиш ҳам жонига тегди. Шунча ўқигани етар! Савил қолсин ҳаммаси! У жаҳл устида стол устидаги китоблару дафтарлар, чизмаларию барча-барча ўқув қуролларини уйи ташқарисига олиб чиқиб уйди-да, ўт кўйиб юборди.

Югуриб келган отаси уни тўхтатиб колмокчи бўлди. Жерландо баногоҳ портлаб, отасига ўшқирди:

– Менинг ишимга аралашманг!.. Ёш бола эмасман, бойваччаман.

Онаси ва далада ишлаётган деҳқонлар югуриб келишди. Қоғозлар уюми аланга олмоқда, тутун тобора қуюклашиб олов гуриллаганча осмонга ўрларди. Шовкин-суронни эшитган Элеонора болохонага югуриб чикди, кетидан хизматкор кампир ҳам ҳозир нозир бўлди.

Жерландо уст кийимини ечиб ташлаган, ғазабдан ранги қув ўчган, курк товукдек ҳурпайганча узок йиллар ит азобида кийналиб ўқиган китобу дафтарларини аланга томон улоқтирмоқда эди.

Бу ҳолдан Элеоноранинг кулгиси кистади ва шоша-пиша ўзини ичкарига олди. Келинининг қилган ишини кўриб, кайнонанинг ғазаби жўш уриб, ўглига:

– Қилаётган ишингдан хотинингнинг хурсандлигини кўряпсанми? Сени мазах қиляпти! – дея ўшқирди.

– Мазах қилишни унга кўрсатиб қўяман! – кичкирди Жерландо болохона томон ўгирилиб қараркан.

Бу гапни эшитган Элеоноранинг афт-ангори бўзариб кетди. У шу дамгача кечириб келаётган осуда ҳаёти дарз кетганлигини ҳис этди. Энди қисқа вақт ичида осуда ўтаётган ҳаёти тўс-тўполонга айланадими? Бу тентак ундан нима истайди ўзи? Элеоноранинг сабр косаси тўлди. Ортиқ чидай олмайди бу пичинглару азоб-укубатларга.

Шу тоб кўзи баногоҳ Жерландога тушди. У тинмай хансирар, ғазабдан талвасага тушиб, хотинига ўшқира бошлади:

– Етар, бас! Мени мазах қиляпсанми! Ҳа, отам оддий деҳқон, мен ҳам. Нима, бойвуччаман деб керилаяпсанми? Бу латта-лугталарингни кўзимдан йўкот! Болага шоҳона кўйлақларнинг кераги йўқ. У ҳам менга ўхшаб деҳқон бўлади. Хизматкор кампирнинг жавобини бер, йўқолсин уйимдан. Уй-жойга ҳам, ош-овқатга ҳам бугундан бошлаб ўзинг қарайсан. Онам юргизаётган рўзгорни сен ҳам эплайсан, ўлиб қолмайсан. Тушундингми гапимга!

Элеонора аста ўрнидан турди.

– Онанг билан ишим йўқ, – деди у Жерландонинг кўзига виқорла тик боқиб. – Мен синьораман, сен мени деҳқон аёлига айлантира олмайсан.

– Сен менинг оддий хотинимсан! – кичкирди Жерландо Элеоноранинг кўлига кўполлик билан ёпишиб. – Айтганимни киласан. Нима десам, шуни киласан. Тушундингми?

Сўнг Жерландо хизматкор кампирга эшикни кўрсатиб:

– Қани, уйимдан туёғингни шикиллайтиб кол-чи! – дея кичкирди.

– Жеза, тўхта, мен ҳам сен билан кетаман! – дея кўлини бўшатмокчи бўлди Элеонора.

Лекин Жерландо хотинига дағдаға килиб, кўлини кўйиб юбормай, янада маҳкамрок сикди.

– Ҳеч каерга кетмайсан, шу ерда коласан. Мендан осонликча кутуламан деб ўйлаяпсанми! Сени деб, тоза эшитадиганимни эшитдим. Қани, хонангдан ҳамма нарсаларингни олиб чиқ! Етар шу пайтгача ҳамма азобни бир ўзим тортганим. Шунча кўз ёши тўққанларим етар.

– Нима учун кўз ёши тўқдинг, – йиғисини аранг босиб сўради Элеонора. – Сендан мен ҳеч нарса талаб қилмаяпман-ку!

– Ия, ҳали талаб қилмаганинг шуми? Сенга тегинмаслигимни, сенга яқинлашмаслигимни талаб қилмадингми? – Нима, мен ердан чиққан кўзикоринманми? Сиздек хоним билан гаплашишга ҳақким йўқми? Менга хизмат қилиш учун хизматкор ёлладинг. Нега бошқа хотинлар каби менга ўзинг хизмат қилмайсан, а?!

– Мендан нима истайсан, ўзи? – деди Элеонора ўзини босишга уриниб, – гар шуни истар экансан, сенга ўзим хизмат қилганим бўлсин.

Шу тобда Элеоноранинг мадори колмай, кўзларига ёш қалқди. Баногоҳ боши айланиб, хушидан кетди. Бу ҳолни кўриб ўзини йўқотган Жерландо Элеоноранинг қошига югурди ва дарҳол йиқилаётган хотинини ушлаб колди. Жеза ёрдамида ўриндикка ўтказди.

Кечга яқин Элеонорани тўлғоқ тута бошлади.

Жерландо қилган тўполонидан пушаймон бўлиб, кўркувдан онасини чакиргани югуриб кетди. Дояни олиб келиш учун бир болани шаҳарга жўнатдилар. Келинининг боласи тушиб қолишидан кўркиб кетган Жерландонинг отаси тайёр уй-жойидан айрилиб қолишидан хавотирланиб, ўғлини: «Нима қилиб кўйдинг, аҳмок бола, – дея қойий кетди. – Хотининг ўлиб қолса, нима киласан? Фарзандингдан айрилиб қолсанг-чи? Хароб бўласан, тушундингми? Ўқишни ташладинг! Бирон-бир ишнинг уддасидан чиқолмайсан-ку, нодон бола! Қараб тур, итдек хор бўласан!»

– Бола ўлса ўлавермайдими! – кичкирди Жерландо. – Ўзи тирик колса бўлгани!

Ичкаридан югуриб чиккан Жерландонинг онаси кўлларини кўкка кўтариб, фарёд кила бошлади:

– Доктор керак! Тезроқ докторни чақиринглар! У ўлаяпти!

– Ахволи ёмонми? – сўради ранги докадек оқариб кетган Жерландо. Отаси Жерландони эшик томон судраркан:

– Югур! Тезроқ доктор топиб кел! Оёғингни кўлга ол! – дея буюрди.

Жерландонинг вужудини титроқ боса бошлади. У жон-жаҳди билан югуриб кетди. Кўз ёшлари тинмай оқар, оёқлари худди юрмаётгандек туюларди ўзига.

Ярим йўлда у доя хотин билан бирга келаётган аравага дуч келди.

– Тезроқ ёрдам беринг! Тезроқ! – бор овози билан кичкирди у, – докторни олиб келишга кетаяпман! Ахволи оғирлашиб колди.

Жерландо қокилиб йиқилди, эгнилари тупроққа беланди, шилинган кўлини ушлаганча югуришда давом этди.

Жерландо шифокорни бошлаб келганида Элеонорадан қон кетиб, беҳуш ётарди.

– Қотил! Сен қотилсан! – дея кичкирди бекаси атрофида гирдикапалак бўлаётган Жеза. – Ҳаммасига сен айбдорсан! Унга кўл кўтаришга қандай ҳақдинг сиғди!

Элеонора бироз ўзига келгач, жазаваси тутган кампирга «жим» дегандай бош чайқади. У кетаётган қон билан бирга вужудидан сўнгги куч-қуввати, яшаш онлари жисми-жонини тарк этаётганини ва танаси музлаб бораётганини ҳис этмоқда эди. Бу дунёни тарк этгани бир жиҳатдан маъқулдир. Тавба, ўлим кўркинчли эмас экан. Балки бу бокий дунёнинг ташвишларидан тўйиб кетгани учун ҳам дорилбакога рихлат этиш унга бир қадар ёқимли туюлаётгандир. Ранги оппоқ оқариб кетган Элеонора кўзларини шифтга тикканча абадий уйкуга кетишини кутиб ётарди. Никоҳ кечасида гувоҳ сифатида қатнашган шифокорни гўё тушида кўраётгандек эди. Элеонора унга боқаркан, юзида ним табассум пайдо бўлди.

## V

Жерландо хотинининг ёнидан кечаю кундуз жилмай ўтирди.

Элеонорани ниҳоят оромкурсига олдилар, юзидан қон қочганди. Кўзи Жерландога тушди, худди эри ҳам ўлим тўшагидан тургандек эди наздида. Сўнг тепасида парвона бўлаётган қайнона-қайнотасини



кўрди. Янаям катталашиб кетган шахло кўзлари ила уларга бокди ва улар билан ўзи ўртасида боғлаб турадиган ҳеч нарса йўклигини сезди, гўё у каердандир покланиб келган-у, нафакат эри, кайнона-кайнотаси, балки аввалги ҳаёти билан ҳам боғлаб турадиган ришталар батамом узилганини ҳис этди.

Элеоноранинг нафас олиши оғирлашганди. Арзимаган шовқиндан ҳам юраги гупиллаб уриб кетар, сўнг бироз тўхтаб, яна ҳаприкиб уришда давом этарди. У ниҳоят бошини ўриндикнинг орқа суянчигига ташлаб, кўзларини юмди-ю, ўлмай колганидан афсусланди. Энди у қандай яшайди? Қандай қилиб бу азобларга чидайди! Қаршисида ундан нигоҳларини узмай турган кимсаларнинг кўзига қандай қарайди. Уларга нисбатан қалб торлари узилиб кетганди! Аввал ўтиб кетганлар у томон бостириб келавердилар, кимдир уни бор кучи билан ушлаб тургандек, бошидан ўтказган воқеаларни томоша этишга мажбур этаётгандек эди, ҳамма-ҳаммасини унутишга ёпирилиб келаётган ўй-хаёллари изи бермасди.

Элеонора энди одам қаторига кирмай, юрагим ёрилиб бу дунёни тарк этсам керак, деб ўйларди. Аслида ундай бўлмади... Барча азоблар ортида қолди. Аста-секин ўрнидан туриб, Жеза кампир ёрдамида хона ичида юра бошлади; кувватга киргач, пиллапоялардан аста-аста пастга тушиб, очик ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олди. Кейин-кейин ҳар окшом кўрғоннинг жанубий томонидаги баландликкача борадиган бўлди. У ердан денгиз қирғоғи бемалол кўзга ташланарди. Элеонора дастлабки кунлари у ерга Жерландо ва Жеза ёрдамида, кейинчалик эса Жеза кампир ҳамроҳлигида, ниҳоят, кучга киргач, ёлғиз ўзи борадиган бўлди.

Элеонора қари зайтун дарахти соясидаги тош устига ўтирганча денгизнинг мавжланишини томоша қилишни ёктирарди; шу ердан ботаётган қуёшнинг гардиш нурлари денгиз устидаги қуюқ туман ичига кириб кўздан ғойиб бўлишини, тўлқинларнинг гўзал рангда мавжланаётганини, булутлар эса қуёш шуъласидан ғаройиб тусга кириб боришини, қоронғилик атрофга ўз пардасини ёяётган пайтда, самодаги юлдузларнинг бирин-кетин порлаб чиқиши-ю, атрофга нур таратаётганини, уларга эргашиб тўлин ой ўз жамолини кўз-кўз қилаётганини томоша қилиб ўтирарди. Окшом нақадар гўзалликларга бойлигидан ҳузурланарди. Бу хотиржамлик ва осудалик унга жаннатдагидек роҳат бахш этганди. Бу роҳатдан тўйиб-тўйиб лаззат оларди.

Бу орада Жерландонинг оиласида Элеонорага нисбатан тузок кўйилаётган эди. Қайнонаси билан қайноғаси меросхўр ҳақида ўғиллари кулоғига қуяётгандилар. Улар Элеонорадан хавотирда эдилар.

– Ўғлим, хотинингни ёлғиз қолдирма. Унга ғамхўрлик қилишинг керак. Ёнидан сира силжима, ишончини, меҳрини қозон. Хотинингни шунга мажбур қилгинки, хизматкор кампир унинг хонасида тунамасин. Келинимиз ҳозир ўзини яхши ҳис этипти, тунлари унга хизматкорнинг ҳожаги йўқ, – дея уқтирардилар.

– Нималар деяпсиз, ахир! Бундай ўй-хаёллар қалламга келгани ҳам йўқ... Ё тавбангдан кетай! Ахир у мен билан онадек муносабатда. Ўзингиз ҳам бунинг гувоҳи бўлгансиз-ку!.. Унинг ёши ўтиб қолганмиш. Бу ишларга ярамасмиш!..

– Нима, қариб қолганмишми? – гапга аралашди онаси. – Уни қари деб бўлмайди, шунинг учун сен...

– Фарзандлик бўлмасанг, барча ерларингни тортиб оладилар! – гапни бўлди отаси. – Мени айтди дерсан, сени унга боғлаб турадиган боланг бўлмаса, хор бўлиб, кўчада қолиб кетасан. Мабодо, у сенга бола туғиб бермай ўлиб қолса борми, қонун бўйича бутун мол-мулкингни тортиб оладилар. Ўйлаб иш қил! Ўқишни ҳам ташладинг, вақтни бой беряпсан. Мени айтди дерсан, отингни вақтида қамчилаб қолмасанг, ҳеч вақосиз қоласан. Кеч бўлмасдан яхшилаб ўйлаб кўр... Нимани кутиб ўтирибсан!

– Хотинингга дўқ қилма, яхши гапир, – аста тушунтирди отаси. – Олдига бориб ҳаммасини тушунтир. Айтганларимни қилмасанг, ҳеч вақосиз қоламан, дегин. Мени ҳам ўйлагин-да, мен ҳам сенинг айтганларингни қиялман-ку, деб айт. Нимадан кўркяпсан? Ҳаммасини тушунтир, кўркма, сени еб қўймайди.

– Яна шуни кўшиб қўйгинки, – яна гапга аралашди онаси, – Элеонора, сен уқангга мурувват кўрсатмоқчимисан? Ахир у сени не қўйларга солмади дейсан. Мени уйдан қувиб юборишини истама-санг, гапимга кирасан. Ота-онам ҳам бу уй-жойлардан қувиладилар, дегин.

Жерландо миқ этмай ўтирарди. Ота-онасининг гап ўргатишларидан ижирганиб ўтирса-да, айни вақтда улар ҳақ эканликларини ҳис этарди. Нима қилса экан? Бу воқеалар ҳақида Элеонорага сўз очса, албатта унга ёқмаслигини жуда яхши билади, аммо начора, фарзандсиз ҳаёт ҳаётми? Нима қилиб бўлса-да, Элеонорага буни ётиги билан тушунтириши керак.

Элеонора энди дастурхон атрофига чикиб ўтирадиган бўлганди. Бир куни кечки овқат пайтида эри дастурхонга тикилганча хаёл суриб ўтирганига кўзи тушиб колди ва:

– Нега овқатингни емай, бир нуктага тикилиб ўтирибсан, – деб сўради.

Жерландо айнаи вақтда хотинидан шу саволни кутган ва шу саволни бериши учун ҳам дастурхонга тикилгандек хаёл суриб ўтирарди. Ўрни келганда ота-онаси миясига куйган гапларни гапирмокчи ҳам бўлди-ю, лекин қўл силтаб кўя колди.

– Сенга нима бўлди? – қайта сўради Элеонора ундан.

– Ҳеч нарса, – саросимага тушиб деди Жерландо. – Отам сира тинчлик бермаяпти...

– Яна ўқи деяптими? – кулиб сўради Элеонора.

– Йўқ, бошка нарса хақида, – аста гапирди Жерландо. – Фарзандлик бўлишимизни, насл-насабсиз бўлмаслигимизни истаяпти. Набиралик бўлишни жуда хохлаётганмиш. Бир-бирингизга караб, сўппайиб ўтирасизларми деяпти. Меросхўр керак-ку, ахир!

– Отангга айтиб қўй, – жиддий тусда деди Элеонора Жерландонинг кизарган юзини кўрмай деб қўллари билан юзини тўсаркан. – Отангга айт, ташвиш тортмасин. Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Гар шу ҳақда гап очилган экан, сенга бир гапни айтиб қўймокчиман, ким олдин, ким кейин ўлади, бу ёлғиз Тангрига аён, мен аввал бандаликни бажарсам, хонамдаги жавоннинг иккинчи тортмасида сенга аталган хат бор, ҳаммаси ўша ерда ёзилган.

– Қандай хат? – сўради уятдан кизариб кетган Жерландо.

Элеонора бош ирғаб гапини тасдиқларкан:

– Ҳа. Хотиржам бўл, – деб гапни қиска килди.

Эртаси куни севинчи ичига сиғмаган Жерландо ота-онасининг ўйи томон елдек учиб борди ва Элеонора айтган гапларни окизмай-томизмай сўзлаб берди.

Жерландонинг ота-онаси ўғлининг гапидан коникмай, хайрон бўлиб уни саволга тутдилар:

– Хат дейсанми?

«Қизиқ, бу қандай хат экан. Васиятномамикан. Демак, барча мол-мулкларни эрига колдираётган экан-да. Хатда нималар ёзилганикин? Аёллигига бориб, ниманиям ёзганин! Ёзганларини нотариус тасдиқламаса, у қонуний ҳисобланмайди-ку. Укаси ҳам суд ходими бўлса, судлашиб бор-будларини тартиб олиши турган гап.

Судлашиб барака топмайсан. Судлашиб юришни худо кўрсатмасин. Биздай ночорларнинг кучимиз етмайди уларга. Укаси ўчакишиб бизни хонавайрон қилади. Оқни қора, қорани оқ, деб тураверишади. Ким билади дейсан, ўша тортмада ҳеч қандай хат йўқдир. Сендан қутулиш мақсадида шундай деяётгандир. Хатни ўз кўзинг билан кўрдингми? Йўқ, кўрмагансан. Боланг бўлганда борми, барчаси бошқача тус олган бўларди. Алданиб қолмагин тагин. Гапимизни икки қилмай фарзандлик бўлиш ҳаракатига туш. Хат билан иш битадимми?» – тинмай ўглига уқтирарди отаси.

Қунларнинг бирида одатда жарлик ёқасида ўтирган Элеоноранинг рўпарасида қутилмаганда Жерландо пайдо бўлди. Элеоноранинг эти жунжиқиб, елкасига қора шол рўмолини ташлаб олганди. Февраль ойи бўлса-да, қунлар илиб, баҳорнинг хиди келиб қолган. Жарликнинг пастидаги ялангликда ниш урган бугдой кўм-кўк ястаниб ётар, уфқда денгиз ва осмон туташиб кетганди.

Элеонора осуда ранглар уйғунлашувини завқ билан томоша қилаётган эди. У толиққанини ҳис этгач, бошини зайтун дарахтининг танасига қўйиб, тин олди. Қора шол рўмолини бошига ўраганди, юзи оппоққина бўлиб кўзга ташланди-қўйди.

– Бу ерда худди мотамсаро оналардек нима қилиб ўтирибсан? – деди Жерландо унинг қаршисига келиб.

– Атрофни томоша қиляпман, – деди Элеонора хўрсиниб, сўнг кўзини аста юмди.

Жерландо Элеонорага:

– Шол рўмолинг ўзингга бирам ярашибдики... – дея кўнглини кўтарди.

– Ростанам ярашибдимми? – маъносиз жилмайди Элеонора. – Совқотганимдан ўрадим.

– Рост айтяпман, жуда ярашибди. Юзингни нақш олмай кўрсатяпти. Бирам очилиб кетибсанки, – деди Жерландо шоша-пиша хотинининг қаршисига тиз чўқаркан.

Элеонора йиғлаб юбормаслик учун кўзларини чирт юмиб олди. Самарасиз ўтиб кетган ёшлиқ йилларидаги хотиралар миясига қуюндай ёпирилиб кела бошлади. Эссиз ёшлиги, бесамар ўтган ёшлиги... Ўн саккиз ёшида у нақадар гўзал ва сулув эди-я!

Қутилмаганда Жерландо журъатсизлик билан унинг биллагидан ушлаётганида Элеоноранинг ҳуши ўзига келди.

– Қўлингни менга бер, – деди Жерландо ва бесаранжом кўзлари билан хотинининг бошидан оёғигача разм солди.

Элеонора эрининг хатти-ҳаракатидан гап нимадалигига тушунса ҳам ўзини гўлликка солиб:

– Қўлимни? Нега? – деб сўради ва: – Зўрлама мени, кўтаролмайман. Кучим етмайди. Зўрға юрибман... Кеч бўлди, юр уйга кетайлик, – дея ўрнидан турди.

– Ёмон хаёл кўнглимга келгани йўк, – тушунтирмоқчи бўлди Жерландо. – Бироз шу ерда ўтирайлик. Бу ер жуда осуда, кўнгилочар жойлар экан...

Қурукшаган лабларининг таноби қочганча Жерландо Элеоноранинг тиззаларини қучмоқчи бўлди.

– Йўк! – кичкириб юборди Элеонора. – Эсингни еб кўйибсан! Кўйиб юбор!

Элеонора Жерландонинг елкасидан итариб юборди. Жерландо чўккалаб қолди, Элеоноранинг қора шол рўмоли унинг устига сирғалиб тушди.

– Қачонгача ноз қиласан-а, қачонгача, – янада куч билан Элеоноранинг тиззаларини қучаркан, гўлдиради Жерландо худди маст одамдек. Элеонорадан таралаётган ёкимли хиддан маст бўлган Жерландо аста-секин қўлини унинг бели томон чўзди.

Элеонора бор кучини ишга солиб, эрининг кучоғидан ўзини озод этди ва жар ёкасига югуриб келди-да:

– Яқинлашма! – деб бақирди.

Ғазаби жўш урган Жерландо Элеонорага ташланди. Элеонора унга чап бераман деб, пастга кулаб кетди.

Жерландо даҳшатдан турган жойида донг қотиб қолди. Қулоғига фарёд тўла бўғик овоз чалинди. Жерландо эсанкираганча кўркаписа пастга қаради, не кўз билан кўрсинки, яшил ўт-ўланлар устида бир тўда қора кийимлар ёйилиб ётар, қора шол рўмол эса шамолда ҳилпираб, қанот қокқандек пастлаб тушиб борарди.

Жерландо нима қиларини билмай иккала қўли билан бошини чангаллаганча уйи томонга қаради. Сўнг зайтун дарахти тепасида тўлин ой шуъла сочиб турганига кўзи тушди. Жерландо узок вақт ойдан кўзини узолмади. Унинг наздида тўлин ой барча воқеага гувоҳ бўлганча Жерландони айблаётгандек эди.



*Дино*  
*Буццати*

Дино Буццати (1906 – 1972) Италиянинг Сан-Поллекрино шаҳрида туғилган. У XX асрнинг иккинчи ярмидаги Италиянинг кўзга кўринган ёзувчиларидан бири. Милан университетининг ҳуқуқ факультетини тугатган. Магбуотда журналист бўлиб ишлаб юрган кезлари хикоялар ёза бошлаган, шунингдек, саҳна асарларига ҳам қўл урган ва айнан шу жанрда катта шуҳрат қозонган.

У «Тоғлик Барнобо», «Татар дашти», «Ҳаётдан ҳам азиз», «Айиклар хужуми», «Бир муҳаббат» каби кўплаб романлар муаллифи. Шунингдек, тўртта хикоялар тўплами, учта пьеса ҳамда болалар учун роман ва қиссалари чоп этилган бўлиб, ўқувчилар томонидан ҳамон севиб ўқилади. Унинг «Татар дашти» романи дунё китобхонлари томонидан юқори баҳоланган. «60 хикоя» хикоялар тўплами Италиянинг «Стрего» мукофотига сазовор бўлган.

Дино Буццати асарлари мазмунининг чуқурлиги, воқеаларнинг ишонарли тасвирланиши билан ажралиб туради. Инсон тутилганидан то ўлимга қадар босиб ўтган ҳаёт йўлини ёритиш романаписининг севган мавзуларидан бири. Зеро, ҳар бир инсон ўз ҳаётини илжи борича мазмунли ўтказиши лозимлиги фалсафиёна тарзда уқтирилади.

## КАТТАЛАШТИРИЛГАН СУРАТ

(қисса)

### I

**Н**шаҳар университетиде электроника фанидан сабоқ берувчи паст бўйли, тўлагина, табиатан хушчакчак, аммо ниҳоятда тортинчок қирқ уч ёшли профессор Эрманн Исмани 1972 йилнинг апрель ойида мудофаа вазирлигидан мактуб олди. Мактубда илмий изланишлари бўйича бошқарма бошлиғи полковник Жакинто хузурига зудлик билан етиб келиши ёзилган эди.

Гап нимадалигини тушунмаса-да, ҳарбий ҳокимият ҳақидаги маълумотдан мутлақо хабари йўқ Исмани ўша куниёқ ҳарбий вазирликка ошиқди.

Илгари у ерга ҳеч бормаганди. Исмани журъатсизлик билан у ёқ-бу ёққа аланг-жалаң қараркан, ботинмайгина қабулхонага кирди. Шу ондаёқ унинг қаршисида пайдо бўлган ҳарбий кийимдаги кўрикчи ундан нима мақсадда келганлигини сўради. Исмани унга чакирув қоғозини кўрсатди. Кўрикчи одатда келиб-кетувчиларга кўпол муомалада бўларди. Тартибсиз кийинган, беўхшов профессор Исмани унинг кўз ўнгида арзимас, кўлидан иш келмайдиган эпсиз одамга ўхшаб кўринди. Кўрикчи Исманининг кўлидаги чакирув қоғозига кўз югуртиргач, худди сеҳр-жоду қилингандек мулойим бўлди-қолди. У профессордан қайта-қайта узр сўраб, бироз кутиб туришини сўради-ю, тезда ичкарига кириб кетди.

Ичкаридан чиқиб келган кичик лейтенант чакирув қоғозига кўз югуртирар экан, маъносиз кулимсираб кўйди-да, Исманини ичкарига таклиф қилди.

Бу қандай чакирув қоғози бўлди экан, – ичи қизиқ ҳаёл сура кетди Исмани. – Нима учун улар худди мўътабар зотга қизиққандек менга бу қадар қизиқиб қолдилар? Аслида ушбу қоғоз оддий огоҳлантирув қоғози эди.

Исманини гоҳ у, гоҳ бу кабинетдаги юқори лавозимли офицерлар хузурига олиб кирдилар. Улар Исманига ҳадиксирагандай назар



ташлар эдилар. Бундан Исмани ўзини нокулай хис эта бошлади, гўё унга нобон, хатто хавфли одамга эҳтиётлик билан муомала қилиб, ундан дарҳол қутулмоқчи бўлгандек, чакирув коғозига кўз югуртириб, ишни ўзидан юқори амалдорга узатишга ҳаракат қилаётгандек туюларди унга.

Полковник Жакинто катта ҳақ-хуқуққа эга амалдор экан шекилли, унинг ҳузурига етиб келгунга қадар қанча тўсиклардан ўтиб келишига тўғри келди.

Эгнига оддий фуқаро кийими кийган, эллик ёшлар чамасидаги Жакинто уни ҳурмат билан кутиб оларкан, Исманига бу ташриф унча шошилиш эмаслигини айтди. «Зудлик билан» деб ёзилган махсус ёзув унга қарашли бўлган идоранинг барча ҳужжатларига босиладиган тамға эди, холос.

– Ҳурматли профессор, вақтингизни олмаслик учун мақсадга кўчиб, очигини айтадиган бўлсам, – у маъноли кулиб кўяркан, давом этди: – Аниқроғи, вазирлик томонидан сизга таклиф этилмоқчи бўлган масаланинг умумий ҳолатини тушунтирмоқчиман. Масаланинг асл мазмун-моҳияти ўзимга ҳам қоронғу. Профессор, баъзи соҳаларда эҳтиёт чораларини кўриш зарур эканлиги ўзингизга яхши маълум. Очигини айтадиган бўлсам, аввало сиздан сир саклаш ҳақида тилхат олишим зарур эди, лекин профессор, сизнинг номингиз, хизматларингиз, ҳарбий ўтмишингиз ва обрўйингиз...

«У гапни қаерга буряпти?» деб ўйлаб, Исминининг ҳадиғи баттар ошди. Ниҳоят, у тилга кирди:

– Полковник, кечирасиз, мен ҳеч нарсага тушунмаяпман.

Полковник Исманига киноя аралаш қараб кўйди-да, жойидан туриб, чўнтагидан калитлар шодасини чиқарди ва бориб сейфни очди, ундан бир папкани олиб, ўрнига келиб ўтирди.

– Хўш-ш... – деди у машинкада ёзилган коғозларни бирма-бир кўздан кечираркан, сўнг Исманига қараб:

– Профессор Исмани, сиз Ватанингизга ёрдам беришга тайёрмисиз? – деди.

– Менми? Қандай ёрдам? – сўради Исмани талмовсираб.

– Профессор, сиздан шубҳамиз йўқ, – деди Жакинто. – Сизнинг қарашларингиз юқори идораларга маълум. Айнан шунинг учун ҳам умидимиз сиздан.

– Аммо, мен... Билсангиз... мен гап нима ҳақида кетаётганини тушунмаяпман...

– Профессор, тахминан икки йил бизнинг бирон ҳарбий зона-  
мизга кўчиб ўтиб, мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим ва катта ил-  
мий аҳамиятга эга бўлган ишда иштирок этишга розимисиз? – деди  
полковник овозини бироз кўтариб. – Университетдаги маошингиз  
саклаб қолинади, яна кўшимча дурустгина сафар харажатлари ҳам  
тўланади, ўзингиз эса расмий сафарда ҳисобланасиз. Аниқ айта  
олмайман-у, лекин кунига тахминан йигирма-йигирма икки минг  
оласиз.

– Кунига-я? – довдираб сўради Исмани.

– Устига-устак, барча қулайликларга эга бўлган уй-жой билан  
хам таъминланасиз. Хужжатда ёзилишича, сиз бориб ишлайдиган  
худуднинг табиати ниҳоятда сўлим ва гўзал, соғлиқ учун қони фой-  
да. Сигарет чекасимизми?

– Йўқ, чекмайман. Қандай иш экан?

– Вазирликнинг буйруғида сизнинг ихтисосингизни алоҳида  
инобатга олиш таъкидланган. Ўз-ўзидан маълумки, топширик бажа-  
рилгач, ҳукумат сизни рағбатлантиради... Айниқса, сизнинг узоқда  
ишлаганингизни ҳисобга олиб...

– Қандай қилиб? Мен у ердан ташқарига чиқиш имкониятига  
эга бўлмайманми?

– Топширикнинг ўта махфийлигини ҳисобга олсангиз...

– Икки йил! Университет-чи?... Маърузаларим-чи?

– Сизга боя айтганимдек, тафсилотлардан хабарим йўқ. Лекин  
сиз ниҳоятда қизиқ изланишлар билан шуғулланиш имкониятига эга  
бўлишингизга ишонаман. Очиғини айта қолай, сиз рози бўлишин-  
гизга ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.

– Масалан, кимлар?

– Буни сизга айта олмайман. Лекин биттасининг номини айти-  
шим мумкин. Таникли шахс. Унинг исми Эндриад.

– Эндриад! У ҳозир Бразилияда-ку!

– Тўғри, у ҳозир Бразилияда. Расман... – дея полковник кўзини  
қисиб кўйди: – Эҳ, профессор, ҳаяжонланишингизга ҳожат борми-  
кин-а? Нима ишлигини биллолмай асабийлашаяпсиз, шундайми?

– Менми?... Билмадим...

– Бесамар кечираётган ҳаётимизда кимнинг асаби жойида дей-  
сиз. Аммо ҳозирги вазиятда асабийлашишингизга ҳеч бир ҳожат  
йўқ. Ҳозир эса, – сизга айтишни ўз вазифам деб биламан, – гап  
жуда яхши таклиф ҳақида кетаяпти. Ўйлаб кўришга вақтингиз етар-

ли. Профессор, ҳозир уйингизга боринг-да, аввал қандай яшаган бўлсангиз, шундай яшашда давом этинг. – Полковник жилмайиб кўйди-да, сўнг: – Гўё орамизда ҳеч қандай суҳбат бўлмади... Мени тушундингиз-а? Гўёки сизни бу ерга ҳеч ким чақирмагандек юраверинг... Лекин яхшилаб ўйлаб кўринг... Ҳа, ўйлаб кўринг... Бирор фикрга келсангиз менга кўнғирок қиларсиз.

– Хотиним-чи, у нима бўлади? Полковник, бу сўзим сизга ғалати туюлса керак. Турмуш курганимизга бор-йўғи икки йил бўлди...

– Профессор, сизларга бахт-саодат тилайман... – полковник гўё чигал нарсанинг ечимини топаётгандек ковоғини уйиб олди. – Шахсан ўзингиз кафил бўлсангиз, унда ҳеч қандай муаммо йўк...

– Биласизми, хотиним жуда содда, бўш-баёвгина, ундан хотиржам бўлсангиз бўлади... У ҳеч қачон менинг ишимга қизиқмаган.

– Ундай бўлса, жуда яхши, – кулиб юборди полковник.

– Лекин, ундан аввал...

– Қулоғим сизда...

– Мен бирон-бир қарорга келишимдан аввал бир нарса сўрасам бўладими?..

– Иш ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни назарда тутаяпсиз-да, а?

– Тўғри топдингиз. Ҳеч нарсани билмай туриб, икки йилга ҳамма нарсадан воз кечиб кетиш...

– Тушунарли. Бир оз сабр қилинг, профессор. Худо ҳақи, ўзим ҳам айтганимдай ортиғини билмайман, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, вазирлик ходимларининг биронтаси ҳам сизнинг вазифангиз нимадан иборат эканлигини айтиб беролмайди. Ҳатто, Бош штаб бошлиғи ҳам... Сиз ҳақсиз, профессор. Бу ҳол ғалати, албатта. Тўғри, ақлга сиғмайди. Ҳарбий сир бу, ҳарбий сир. Бизнинг бурчимиз эса ана шу сирни сақлашдан иборат. Сирнинг ортида нима борлиги бизни қизиқтирмаслиги керак. Ташвиш тортманг, кези келганда ҳаммасини билиб оласиз. Ҳали бунга вақтингиз етиб ортади. Икки йилда, менинг фикримча...

– Кечирасиз, бу ишга нима учун айнан мени танладинглар?

– Биз танлаганимиз йўк. Сизни у ёқдан тавсия этишган.

– Эндриадми?

– Илтимос, профессор, мен айтмаган нарсани бўйнимга қўйманг. Балки Эндриаддир! Буниси менга мавҳум... Хотиржам бўлинг, профессор. Ҳеч гап бўлмагандек ишингизни давом этти-

раверинг. Ташрифингиз учун раҳмат. Ортик вақтингизни олмайман. – Полковник профессор Исманини эшиккача кузатиб қўйиш учун ўрнидан турди. – Қайтариб айтаман, шошишга ҳожат йўқ... Лекин яхшилаб ўйлаб кўринг. Бир фикрга келсангиз...

## II

Таклиф профессор Исманини бир дунё ташвишга солиб қўйди... «Ақл билан иш тутишим керак», деган хаёлга борди у. «Res sic stantes» (обрўйим)ни сақлаб, аввалги кўниккан – хотиржам, ўтроқ хаётимга содик қолган ҳолда яшашда давом этишим, бир сўз билан айтганда, «йўқ» деган жавобни беришим керакка ўхшайди. Лекин, бир кўнгли, бу ишга рози бўлиб қўя қолай дерди. Яна бир кўнгли, қандайдир сирли ишга рози бўлиб, икки йил ўзига номаълум бўлган жойда ишлашга юраги бетламаётганди. Бегона одамлар орасида хотиржам яшай олмаслигига, қисиниб-кимтиниб юришга балки кўнгли чопмаётгандир. (Эндриад физика соҳасида ёрқин юлдуз эди, уни бир-икки бор конгрессда кўриб қолганди.) Устига-устак, келажагидан чўчиётганди, у каби виждонли ҳамда интизомли инсон учун ўзининг фуқаролик ва олимлик бурчидан воз кечиш анча қийин иш эди.

Исмани урушда мардонаворларча жанг қилганди, лекин у хавф-хатардан кўркмаганлиги учун эмас, аксинча... Айнан иродасизлик қилиб қўйиш, буйрукни бажармаслик, аскар дўстларининг ишончини оқламасликдан чўчиш уни яна бир кўркувни, яъни душман ҳужуми остида ярадор бўлиш ёки ҳалок бўлиш кўркувини енгишга ёрдам берарди. У ҳозир ана шундай ҳолатга тушиб қолганди.

Исмани уйи томон шошилди, у ўзидан ўн беш ёш кичик бўлса-да, ҳаётий тажрибаси профессорникидан ортик бўлган Элизага бўлган воқеани ипидан-игнасиғача айтиб беришга ошиқмоқда эди.

Паст бўйли, тўладан келган, қулча юзли бу аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотмас, бу хусусияти эса бошқаларда унга нисбатан ишонч пайдо қиларди. Элиза ҳар қандай жойда: меҳмонни ёқтирмайдиган, бесаранжом бўлиб ётган ерда ҳам ўзини худди ўз уйидагидек ҳис этарди. У пайдо бўлган жойда ҳар қандай тартибсизлик, ювуксиз нарсалар, нотинчлик ва ноқулайликлар кўздан гойиб бўлгандек туюларди. Ҳаётга мослашмаган, ҳар нарсадан ҳадиксирайверадиган Исманига бундай хотиннинг йўлиқиши Тангрининг ноёб бир совғаси эди. Уларнинг феъл-атворлари мос

келмаса-да, лекин бир-бирларига бўлган мухаббатларининг чеки йўк. Элизанинг ўрта мактаб билан чегараланиб қолиши ва эрининг қилаётган ишларидан тамоман беҳабарлиги бахтли турмушларининг асосий сабабларидан бири эди. Элиза Исманини даҳо деб билгани учун ҳам эрининг ишларига аралашавермас, фақат унинг ярим тунгача ишлашига қарши эди, холос.

Исмани даҳлизга кириши биланок белига пешбанд таққан Элиза кўлида қошиқни ўйнатганча унинг истикболига югуриб чикди-да: – Гапирма. Мен ҳаммасини биламан. Сенга янги иш таклиф этишган, – деди.

– Сен қаердан биласан? – хайрон бўлиб сўради Исмани.

– Азизим, чехрангга бир қарашнинг ўзиёқ кифоя. Худди Авлиё Елена оролига жўнаб кетаётган Наполеоннинг ўзгинасисан.

– Тавба, сенга ким айтди?

– Хўш, менга нимани айтиши керак?

– Авлиё Елена ҳақида?

– Тавба, сени ҳақиқатан Авлиё Елена оролига жўнатишяптими? – дея Элиза қошини чимириб қўйди.

– Ҳа, шунга ўхшаш... Илтимос, бировга оғзингдан гуллаб қўйма. Мабодо биров эшитгудек бўлса, кўнгилсизлик рўй бериши мумкин.

Шу гапдан сўнг Исмани шартта ортига ўгирилди-да, ҳозиргина ўзи ёпган эшиқни қайта очиб, зинапоёга чикди ва ҳадиксираб пастига қараб қўйди.

– Сенга нима бўлди?

– Назаримда, кадам товуши эшитилгандек бўлди.

– Эшитилса нима бўпти?

– Гапимизни бошқа биров эшитмаслиги керак.

– Эрманн, мени кўркитяпсан... Нахотки гапларинг шу даражада жиддий бўлса? – деди Элиза қулиб. – Қани, юр ошхонага. Ҳаммасини бир бошдан гапириб берасан. У ерда бизни ҳеч ким эшитмайди, хотиржам бўл.

Исмани фикрини бир жойга жамлаб олгач, Жакинто билан бўлган суҳбатни хотинига бир бошдан сўзлаб берди.

– Демак, сен рози бўлдинг, шундайми?

– Бу гапни қаердан олдинг?

– Ҳой, азизим, сен рад жавобини бера олармидинг!

– Нима, маошга шама қиляпсанми? – хафа бўлиб сўради Исмани, чунки у ўзини ҳар қандай пулдан устун кўярди.

– Маошнинг нима алоқаси бор? Бурч... Мухим топширик... Ватанга содиклик... Улар сени қай йўл билан илинтиришни яхши билишади. Сенга таъна қилмоқчи эмасман. Худо асрасин... – шундай дея хотини кулиб юборди. – Ойига олти юз мингдан ортик ва яна университетдаги маошнинг сакланиб қолиши!

– Тавба, ҳаммасини ҳисоблаб ҳам чиқдингми? – чиройи очилиб-рок сўради Исмани.

– Сен бундай пулларни тушингда ҳам кўрмагансан. Ҳамкасбларингни кўз олдимга келтираяпман, барчаси хасаддан куйиб ўладилар. Қизик, бу қандай иш бўлди экан-а?

– Билмайман. Менга ҳеч нарса демадилар.

– Агар шу даражада махфий бўлса, унда атом бомбаси билан боғлиқ бўлса кераг-ов... Сен у ҳақда тушунчага эгамисан? Билишимча, бу сенинг соҳанг эмас, тўғрими?

– Билмайман... Ҳеч нарсани билмайман.

Элиза ўйга толди.

– Ҳа-а... Сен физик эмассан-ку. Агар улар сени танлаган бўлсалар...

– Бу ҳеч нарсани билдирмайди. Атом қурилмасида ҳам, айниқса лойиҳалаш пайтида ҳам мутахассис керак бўлиб қолиши мумкин...

– Демак, атом станцияси экан-да. Хўш, қачон?

– Нима қачон?

– Кетишингни айтяпман?

– Билмайман. Ҳали розилик берганимча йўқ.

– Ҳозир розилик бермаган бўлсанг ҳам, барибир рози бўласан. Сен фақат бир сабаб билан рози бўлмаслигинг мумкин.

– Қандай сабаб билан?

– Менсиз, бир ўзинг боришга рози бўлган тақдирингда, тушундингми? – кулиб қўйди Элиза.

– У ерларнинг табиатини жуда гўзал деб таърифлашяпти, – деди Исмани хотинига.

### III

Июнь ойининг бошларида Исмани хотини билан мудофаа вазирлиги автомашинасида «36-ҳарбий ҳудуд» томон йўлга тушдилар. Машинани аскар бошқариб борарди. Уларга Бош штабдан келган ўттиз беш ёшлар чамасидаги, синчков бит кўзи кулиб боқувчи капитан Вестро ҳамроҳлик қиларди.

Йўлга чиқиш олдида эр-хотин Исманилар қачонлардир Элиза дам олган машҳур курорт жойлашган Тексерут водийсига кетаётганларини билиб қолдилар. Бундан ўзга ҳеч нарсадан хабарлари йўқ эди. Водийнинг шимолий тарафида кенг тизилган тоғлар ястаниб ётарди. Ҳойнаҳой, тоғлар ортида ёки ўрмон ичида яшовчи маҳаллий аҳолини кўчириб, ҳарбий базага айлантирилган бирон обод кишлоққа юборишган бўлса, ажаб эмас.

– Капитан, сиз бизни қаерга олиб кетяпсиз? – сўради Исмани хоним.

Вестро, гўё ортикча сўз айтиб юборишдан чўчигандек, эҳтиёткорлик билан аста сўзлай бошлади:

– Манави ерга, Исмани хоним, – деди кўлидаги машинкада ёзилган қоғозни кўрсатиб, лекин у қоғозни аёлга тутқазмади. – Бизнинг қаёққа боришимиз шу ерда кўрсатилган. Бугун оқшом Креада кўнамиз. Эртага саккизу ўттизда йўлга тушиб, автострада бўйлаб Сант-Агостиногача борамиз. Сўнг ҳарбий чегара бўйлаб йўлга тушамиз. Мен сизларни назорат пунктигача кузатиб қўяман. Ўша ерга етиб борганимизда вазифам ниҳоясига етади. Сизларни олиб кетиш учун бошқа машина келади.

– Капитан, сиз у ерда аввал бўлганмисиз?

– Қаерда?

– 36-худудда.

– Йўқ, бўлмаганман.

– У ерда нима бор? Атом станциясими?

– Атом станцияси... – тушунарсиз оҳангда гапирди ҳайдовчи. – Профессорга, ҳойнаҳой, бу жуда кизик бўлса керак...

– Мен сиздан сўраяпман, капитан.

– Мендан? Кечирасиз, бундан мутлақо беҳабарман.

– Жуда жумбок-да. Қизик...

– Сиз ҳеч нарсани билмайсиз, эримнинг ҳам, вазирликнинг ҳам ҳеч нарсадан хабари йўқ. Вазирликдагилар нима ишлигини айтишмаган, тўғрими, Эрманн?

– Айтмадилар? Нега? – эътироз билдирди Исмани. – Улар мен билан илтифотли сўзлашдилар.

Вестро сезилар-сезилмас мийингида кулиб кўйди.

– Мана, кўряпсанми, – деди Элиза, – мен ҳақман.

– Ҳақман дейсанми, азизам? Нимада ҳақсан?

– Сени атом бомбаси яшашга таклиф этганлар, деяпман.

– Лекин капитан бу ҳақда оғиз очмаганди.

– Бўлмаса 36-худудда нима билан шугулланишади, а? – ўжарлик билан ўз сўзида давом этарди Элиза.

– Морра, эҳтиёт бўл! – кичкирди капитан эҳтиёткорликни унутган ҳайдовчига. Чунки улар тор йўлда катта юк машинасини қувиб ўтаётган эдилар. Капитан ўринсиз хавфсираганди: йўл равон, текис, қарши томонда эса машина кўзга ташланмасди.

– Мен ҳам шуни айтяпман-да, – гапида давом этарди Элиза Исмани, – агар атом бомбаси бўлмаса, унда нима билан шугулланишади? Нега биздан буни сир тутишяпти? Майли, ҳарбий сир бўла қолсин, аммо бизлар, менимча... Ахир биз ўзимиз айтилган худудга кетаяпмиз-ку...

– Демак, сизнинг фикрингизча...

– Менимча эмас, мен шунчаки сўрадим-да.

– Исмани хоним, – ўйлаб гапиришга ҳаракат қиларди капитан Вестро, – манзилга етиб боргунингизга қадар сабр-тоқат қилишингизга тўғри келади. Ишонинг, мен сизга ҳеч нарса деёлмайман.

– Лекин сиз хабардорсиз, топдимми?

– Ҳурматли хоним, боя сизга айтганимдек, у ерда бирон мартаям бўлмаганман.

– Ҳа. Лекин сиз у ерда нима иш бажарилишини биласиз, тўғрими?

Исмани бўлаётган гапларга жим кулок солиб борарди.

– Мени расмиятчи деб ўйламанг-у, бу ерда уч ҳолатнинг бири бўлиши, эҳтимол... балки биз борадиган ер махфий эмасдир, аммо мен мутлақо таниш эмасман, балки танишдирман ҳам, лекин у махфий... ёки объект махфийдир, устига-устак, мен у билан таниш эмасман. Ўзингиз тушунасиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам...

– Аммо сиз бизга бу уч ҳолатнинг қай бири ҳақида гап кетаётганини тушунтириб беришингиз мумкин-ку.

– Барчаси махфийлик даражасига боғлиқ, – деди зобит. – Агар биринчи даражали махфийлик бўлса, кўпинча тезкорлик режалари билан бўлиб турадиган ҳолат, режим талабларига мувофиқ махфийлик, ҳатто объектга қисман алоқаси билвосита ва манфий шаклда бўлса ҳам махфийлик тегишли бўлади. «Манфий шакл» деганда нисмани тушуниш керак? Бу, агар бирор кимса сирдан воқиф бўлса-ю, лекин унинг тафсилотларини билмаса, унда унга ўзининг беҳабарлигини ошқор қилиш ҳам ман этилади. Исмани хоним, эътибор



беринг-а, бир карашда бундай чеклаш бемаъни бўлиб кўриниши мумкин, лекин бундай қилишга жиддий асослар бор, масалан, бизнинг ҳолатимизни ва 36-ҳарбий ҳудудни олиб кўрайлик. Мана, мен унга алоқам йўқлигини айтиб ўтдим. Менинг унвоним ва лавозимлик вазифаларимга кўра, бундай ахборот унча арзимайдиган бўлса ҳам бунга кизиқувчилар учун маълум даражада аскотиши мумкин...

– Лекин сизга бизнинг ким эканлигимиз маълум-ку! – хитоб қилди ҳафсаласи пир бўлган Исмани хоним. – Сиз бизга ҳамроҳлик қилаётганингизнинг ўзи шубҳамизни йўққа чиқаради.

– Менимча, сиз ҳарбий мактабда бўлмаганга ўхшайсиз? У ердаги қағта хонада: «Сирнинг на дўсти, на яқини бўлади...» – деган шиор осиб қўйилган. Тўғри, бундай ишончсизлик ҳақоратдек туюлади, лекин... – Ортиқ тушунтиришдан зобит чарчади, шекилли, охири бутунлай жим бўлиб қолди.

Исмани хоним хандон отиб кулиб юборди:

– Бошқача қилиб айтганда, сиз бу ҳарбий ҳудуд ҳақида бизга сўзлаб бера олмаслигингизни ёки буни истамаётганингизни одоб билан тушунтиряпсиз.

– Лекин, Исмани хоним, гапимнинг бошида «биламан», деб айтганим йўқ, – одатдаги оғир-вазминлик билан деди капитан.

– Майли-майли, ҳечқиси йўқ. Азбаройи кизиққанымдан сўрагандим-да. Мени кечиринг, капитан.

Капитан индамади.

Орадан беш дақиқа ўтгач, Исмани журъатсизлик билан:

– Кўнглингизга олманг-у, капитан, сиз ҳозиргина уч ҳолат ҳақида гапирдингиз, янглишмасам, тўртта, шекилли. Борадиган еримиз махфий бўлмаса, сиз у ер билан таниш бўлишингиз мумкин-ку.

– Бу ҳолатни мен ҳисобга олганим йўқ, чунки уни эслашнинг ўзи ортикча.

– Ортикча дейсизми?

– Ҳа. Бундай ҳолатда... агар борадиган ерингизни билганимда аллақачон сизларга гапириб берган бўлардим. Морра, эҳтиёт бўл!

Ҳайдовчини огоҳлантиришга ҳожат йўқ эди: улар яқинлашиб қолган бурилиш жуда кенг бўлиб, машина тезлиги соатига олтмиш километрдан ортиқ эмасди.

Эртаси куни улар машинада Тексерут водийси бўйлаб кўтарилла бошладилар.

Сайёҳларга таниш, атрофи ўрмон билан қопланган Ольтро дара-сигача бўлган йўл текис, равон эди. Сўнг аста-секин торайиб, илон изи шакл олди. Бу, табиийки, юришни хийла кийинлаштирарди.

Ён-атроф чакалакзорга айланиб борар, уйлар эса онда-сонда кўзга ташланиб қолар, маҳаллий аҳоли кам учрарди. Водий узра қуёш чараклаб турарди. Бу ерларда шамол факат бир томонга эсиши сабабли дарё лабидаги дарахтлар бир тарафга қийшайиб ўсганди. Олдинда тоғлар салобат-ла қад ростлаган. Уч йўловчи йўлда миқ этмай кетиб борарди. Кулранг паға-паға булутлар бир маромда кўкда сузиб кетмоқда. Пастдаги тоғ тизмалари узра муаллақ осилган булутлар дара томон чўзилиб кетганди.

– Ҳали узок юрамизми? – деб дам-бадам савол берарди Исмани.

– Йўк, кўп юрмасак керак, бу ерларга менинг ҳам биринчи келишим, – жавоб берди Вестро.

– Неча километр қолди экан?

– Яқинлашиб қолди-ов.

Ҳамроҳлар йўлнинг айрилиш жойига етиб келдилар. Ўнг тарафга кетадиган йўл дара томон кириб борар, тарвакайлаб ўсган арчалар билан қопланган тик қоялар орасидан оқ тошлардан қад кўтарган қалла суяги шаклидаги кўрғон кўзга ташланарди. Бу манзара Исманининг руҳини тушириб юборди ва унинг хаёлидан: «Белгиланган манзил шу бўлса, сира қолмайман», деган фикр ўтди. Сўнг, «ҳозир ўнгга – дара томонга буриламиз», деб ўйлади у. Бирок машина тўғрига қараб йўл олди.

Орадан чамаси ярим соатлар ўтгач, тоғларнинг орасидаги йўл бироз кенгайди. Бу ерларда ҳаво очик, водий ҳам уларни қулиб қарши олгандай ястаниб ётарди. Машина мўъжазгина бензин қуйиш шохчаси олдида тўхтади. Барчалари чарчокни ёзиш ва бир финжондан қаҳва ичиш мақсадида машинадан тушдилар.

Капитан бироз нарида турганидан фойдаланиб, Исмани ўрта яшар, мулойим чеҳрали бензин қуювчидан, тоғ томон илонизи бўлиб чиқиб кетган йўлни кўрсатиб:

– Атом станциясига шу томондан юриладими? – деб сўради.

– Атом станцияси дейсизми? – бензин қуювчи, гўё нажот сўраётгандек, атрофга олазarak алаглаб олди-да, сўнг:

– Бундан хабарим йўк, – деди.

– Лекин у ҳақда сен бирон нарса эшитганмисан? – Улар томон Вестро яқинлашиб келмоқда эди.

– Ҳар хил миш-мишлар юради. Об-ҳавоюм ўз-ўзидан...

– Нима, об-ҳаво?

– Об-ҳаво ўзгарди, деяпман. Ҳозир яхши. Ёмғир ҳам тинди.

У кулиб юборди.

Ёруғ дунёнинг бу хилват кучоғида яшовчиларнинг эҳтиёт-корликларини ҳисобга олганда, бундай жавоб олиш табиий. Исманини ҳайрон қолдирган нарса – бу тасдиқловчи жавоб эди. Унга нишонса бўлармикан? Исмани кўз кири билан илғаб олдим ёки унга шундай туюлдим, ҳар ҳолда у капитан билан тил бириктиргандек, тиржайиб қўйди. Лекин Вестро бунга парво ҳам қилмади.

Улар яна машинага ўтирганларидан сўнг, Вестро ҳайдовчига бир нима деб гўлдиради. Ҳайдовчи водий бўйлаб йўлда давом этиш ўрнига, машинани буриб, ортга қайта бошлади.

– Нима гап, тинчликми? – сўради Исмани хоним.

Вестро дона-дона қилиб тушунтирди:

– Мени кечирасизлар. Бу ерга биринчи бор келишим. Шунинг учун йўлнинг айрилиш жойини кўрмай, ўтиб кетибман.

– Қандай айрилиш жойни? – безовталаниб сўради Исмани кўнглига ўтирмаган дарани эслаб.

– Уч-тўрт километр наридан бурилишимиз керак экан.

Барча жим бўлиб қолди. «Ҳойнаҳой, менга ёқмаган ўша ер бўлса керак, – ўйлади Исмани. – Ўшандаёқ кўнглим сезган экан. Ўлсам ҳам бу ерда қолмайман».

– Капитан, – деди Исмани бир неча дақиқадан сўнг. – Сўрагани айби йўк. Агар мен...

– Хўш, хўш, қулоғим сизда, профессор, – унинг иккиланаётганини сезиб, ҳозиржавоблик билан деди у.

– Агар мен... шунчаки тахмин қилиб кўрсак... агар, қутилмаганда фикрим ўзгариб, ҳозирок келишувдан воз кечсам нима бўлади?

– Ундай бўлса, – ўзига хос совуққонлик билан дона-дона қилиб деди Вестро, – мен сизнинг ихтиёрингиздан, хоҳласангиз, уйингизга олиб бориб қўйишим мумкин.

– Шундай ҳоллар ҳам бўлганми?

– Билмадим. Менга топширик берилган. Сиз, профессор, тўсатдан...

– Сенга нима бўлди, Эрманн, – кулиб сўради хотини. – Мияннга яна қандай фикр келиб қолди, а?

Хотинининг гапи Исманининг қулоғига кирмас, капитаннинг жавоби уни саросимага солиб қўйганди.

– Демак, сўнгги дақиқада ҳам бу таклифга рад жавобини беришим мумкин экан-да? – деди у.

– Бундай ҳолда, профессор, сизнинг розилигингиз ҳисобга олинади ва вазирлик... Менимча, сизнинг истагингиз ихтиёрий, мажбурий эмас...

– Капитан, тўғриси айтсангиз, ҳамкасбларимдан биронтаси бундай ишдан бўйин товлаганми?

– Билмадим. Бўйин товлаган деб айтолмайман. Бунақасини эшитмаганман. Сизга айтяпман-ку, у ерга ўзимнинг ҳам биринчи боришим.

Исмани иккиланганча қандай қарорга келишни билмай, жим бўлиб қолди. Шунча йўл босиб келиб, энди ортга қайтиш ғалати ва кулгили – ахир у ёш бола эмас-ку! Одамни ютаман деб савлат тўкиб турган совук қоядек дарани ёмон кўриб қолганди. Шундай бўлса-да, Исмани бир қарорга келишга ошиқмади. У тахмин қилганидек, машъум дара бошланадиган ерга келганда машина юришини секинлатди.

– Биз шу ёққа юришимиз керакми?

– Йўғ-е, мутлақо бошқа томонга юрамиз, – дея Вестро қарама-қарши томонда жойлашган қияликни кўрсатди.

Эр-хотин Исманилар ўнг томонга нигоҳларини тикдилар ва асосий йўл билан ёнма-ён бошланган водийдаги дарё ва кўприкни кўрдилар (аниқроғи, бу ерда тошларга тўлиб кетган кенг дарё саёзланиб окмоқда эди).

Қарама-қарши тарафдаги дарага нисбатан бу водий кенг, ям-яшил бўлиб, кўзни қувнагар, тартибсиз ҳолатда бир-бирига туташган ўрмон ва яйловлар пастқам тепаликларгача бориб такаларди. Бу гўзал водийнинг ичкарасига кириб борар эканлар, узук-юлук тоғ тизмалари кўзга ташлана бошладди. Бу ердаги тоғлар кўркамрок эканми, ё офтоб бу ерда бошқача нур сочарканми, ҳар ҳолда Исманининг кўнглидаги ғашликдан асар ҳам қолмади.

Ортидан ясси тепалик кўриниб турган йўл бирдан кенгая бошлади: ана шу ерда назорат пункти жойлашган бўлиб, унча катта бўлмаган казарма, антенна ва байроқ ҳам кўзга ташланарди. Казарма оддий ёғоч тўсик девор билан ўраб олинганди, сал нарида эса бир стол ва ташландик ит катаги бор эди.

Бу ернинг табиати ниҳоятда гўзал ва сўлим бўлиб, Тексерут водийси томон чўзилган ўрмонлар, водий ниҳоясида яраклаб оқаётган дарё, ажойиб соҳил, катта йўл, у ер-бу ерда қад кўтарган уйчалар, ҳавода муаллақ осилиб турган ғубор, хуллас, тоғ жойларга хос ва мос бўлган сокинлик ва шинамлиқ мужассам эди.

Орка томондаги манзара бутунлай бунинг акси, яъни усти ёввойи ўту буталар билан қопланган ва бетартиб сочилиб ётган тошлардан иборат эди; ундан у ёғи – бўшлиқ жойлар. Атрофдаги қия тоғ деворлари умумий гўзал манзарани бузиб турар, бу ҳолат кишига маъюслиқ бағишларди.

Эр-хотин Исманиларни навбатчи лейтенант Троцдем кутиб олди. Буларнинг келишидан аввалдан хабардор бўлганлиги учун у меҳмонларга тушлиқ тайёрлаш ҳақида буйруқ берганди.

Назорат пунктида биров ушланиб қолишларига тўғри келди. Капитан Вестронинг ёпик ҳарбий ҳудудга кириши учун рухсатномаси йўқ эди. Исманилар кетаётган Марказдан уларни олиб кетиш учун бошқа машина келиши керак экан. Лейтенантнинг гапига қараганда, машина тайёр-у, лекин яна бир одам – муҳандис Стробеле аёлининг келишини кутиб туришлари ва улар биргаликда сўнгги йўлни босиб ўтишлари лозим эди.

Қанака Стробеле? Лейтенантнинг мужмал тушунтиришидан Исмани, хойнаҳой Стробеле юқорида ишлайдиган катта амалдорлардан бири бўлса керак, деган хаёлга борди. Унинг аёли билан Исманиларнинг келиши бир вақтга тўғри келиши шунчаки бензинни тежаш мақсадида эмас, балки каттик кўрикланаётган ҳудуд чегарасидан ўтишларини имкон қадар камайтириш зарурати юзасидан қилинган эди. Эр-хотин Исманиларни ошхона вазифасини ўтайдиган торгина казармага жойлаштирдилар. Бу ерда бошқа ҳарбийлар ҳам хизмат қиларди. Улар кичик лейтенант Пикко, катта сержантлар Амброзини ва Интроццилардан иборат эди.

Капитан Вестро хизмат юзасидан зудлик билан ортга қайтиши кераклигини айтиб, улар билан хайрлашди. Унинг бу ерлардан тезроқ кетишга ошиқаётганлиги шундоққина сезилиб турарди.

Вестронинг жўнаб кетиши Исмининг оддий хаёт билан боғлаб турган сўнгги ришталарини узиб юборди. Энди янги саргузаштлар бошланаётган эди. Атрофида бўлаётган гаплардан Исмининг бевовталиги янада ошиб борарди.

Шу ондаёк Исмини на лейтенант Троцдем, на Пикко ва на бошқалар бу тепаликда нима бўлаётганидан мутлако беҳабар эканликларини тушуниб етди. Сон жихатдан унча катта бўлмаган ҳарбий гарнизон 36-худуд атрофида жойлашган бошка назорат ўтказиш пунктлари билан биргаликда факат кўриклаш вазифасини бажарар экан. Бу ер ташки тўсик ҳисобланиб, унинг вазифаси худудга бегоналар киришига йўл қўймаслик ва атроф-худудни назорат қилишдан иборат эди. Гарнизон зобит ва аскарлари марказга бўйсунмас, шу билан бирга, худудга кириш ҳукукига эга эмасдилар ва у ерда бўлаётган ишлардан ҳам, худуднинг махфийлиги-ю, унда қандай сир яширинлигидан ҳам беҳабар эдилар.

Уларга каттик кўриклаш тайинланганди, холос. Қизик, атом станцияси қурилатганмикин?

– Профессор, худо хайрингизни берсин, мендан ҳеч нарсани сўраманг, – деди лейтенант Троцдем. – Агар сизгаки номаълум бўлса... Мен бу ерда беш ойдан буён ишляпман. Келган куним нимани кўрган бўлсам, бундан ортиғини билмайман. Улар нимани махфий тутишяпти ўзи, хайронман. Сир... сир... атрофимиз сир-синоатга тўла... Бу қандайдир шайтоннинг васвасасига ўхшайди. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар биримиз нимадандир гумон қиламиз. Бемаъни ўй-хаёлларга бериламиз... Бир нарсани айтишим мумкин: менга омад кулиб бокди, деб ҳисобланг, профессор. Бир неча соатдан сўнг манзилга етиб боргач, ҳамма нарсадан хабардор бўласизлар. Бизнинг вазифамиз кўриклаш ва нокерак жойга бурнимизни тикмасликдан иборат. Бир сўз билан айтганда, қўл остимда қиркка яқин аскар бор, қўшимча кучлар йўқ. Бу ерда аёл зоти йўқ, бунинг устига ҳарбий сир. Турли хил тахминлар... Ҳеч бўлмаганда нимани кўриклаётганимизни билсак ҳам майли эди. Сургуннинг ўзгинаси... Шундай бўлса-да... Биласизми, бу ердан ҳеч кимнинг кетгиси йўқ. Ўлгудек зерикарли, кунинг бир хил кечади, қизларнинг кўриниши қандай эканлигини ҳам унутиб юборганимиз... Элиза хоним, ҳозир сиз, – мурожаат этди у Элиза Исминига қараб, – сиз мен учун, билмайман, нима билан киёслаш мумкин, гўё осмондан тушган... Аммо бу ер бизга жуда ёқади. Қайфиятимиз

аъло, ништахамиз жойида. Сиз бу ҳолатни тушунтириб бера оласизми?.. Хоним, мен оддий одамман... аммо сизга айтсам... агар бу ерда атом станцияси бўлса, унда бу жуда галати.

– Галати?

– Бу ерда содир бўлаётган ишлар жуда галати...

– Тавба, нималар бўляпти, а? Нималар? – ҳаяжонланиб сўради Исмани.

– Бу канакаси, лейтенант, – кўркувга тушган эрини кўриб, гапга аралашди Элиза, – ахир ҳарбий сирни саклашингиз керак эмасми? Нега сиз буларнинг барчасини хотиржам сўзлаб беряпсиз? Биз иккимиз жосус эмаслигимизга ким кафолат бера олади?

Троцдем кулиб юборди.

– Йўк, бахтимизга бунга бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўк... Сир анави казарма ортидан бошланади. Биз эса ундан четдамиз... Бизга ана шу сир етишмай турганди. Агар биз ҳеч нарсадан вокиф бўлмасак, ана шу ҳеч нарса ҳақида истаганча фикр билдиришимиз мумкин.

Элиза Исмани уни жаврашдан тўхтатиб бўлмаслигини тушунди. Лейтенант тинмай жаврагани-жавраган эди. Ва ниҳоят, беш ой мобайнида тўйиб гапириб олаётганига ўзи ҳам ишонмаётганди, чоғи. Унинг гаплари узук-юлук, ақлга тўғри келмайдиган – эҳтимолдан узок гаплар эди.

## VI

– Марказнинг қурилиши, – лейтенант ўз ҳикоясини шундай бошлади, – бундан ўн йил аввал бошланган эди. Худуд атрофи ўраб олинди. У ерга завод ва тўпхоналардан меҳнат стажи беш йилдан кам бўлмаган юзлаб, минглаб ишчи ва мутахассисларни олиб келиб, баракларга жойлаштирдилар. Пойдевор учун чуқур казиш ишлари бошланиб кетди, аввалига ҳамма у ерда гидроэлектростанция тўғони қурилса керак, деб ўйлади. Ҳақиқатан электростанция билан тўғон қурилди, шу билан бир вақтда, қандайдир корхонанинг, ҳатто бир неча корхоналарнинг деворлари қад кўтара бошлади. Қурилиш майдонлари бир-биридан ажратилган ҳолда қурилди, уларнинг ҳар бирида ишлар алоҳида олиб бориларди. Қаттиқ назорат ўрнатилди. Бунга сабаб, ҳеч ким умумий режани пайқаб қолмаслигида эди.

Саккиз йил давом этган қурилишдан сўнг, деярли барча ишчиларни бу ердан олиб кетдилар. Улардан озгинаси шу ерда қолди. Агар

бу атом заводи бўлса, у автоматик равишда ишлаган, ишчилари ҳам озгина бўларди. Унда бу заводмикан? Троцдемнинг фикрича, юқорига қагта миқдорда электр ускуналари келтирилган экан, лекин улар қандай ускуналар, нималарга ишлатилишидан унинг хабари йўқ эди.

Қурилиш битгач, ҳаммаёқда осойишталик ҳукм сура бошлади. Лекин завод ишга тушдимми? Бу жумбоқ эди: корхонага тушиб-чиқадиган юк машиналари бармоқ билан санарли эди, бу эса чиқарилаётган маҳсулот ниҳоятда оз ёки умуман йўклигидан далолат берарди. Аслида хомашёни ўша ернинг ўзидан олишлари, чиқарилаётган маҳсулотларни ўша ерда саклашлари мумкин эди. Бошқа тахминга кўра, бу корхона ҳеч қандай маҳсулот чиқармай, балки бошқа бир фаолият билан шуғулланса керак.

Троцдем турли сабаблар билан тепаликка дам кўтарилиб, дам қайтиб тушаётган ишчилар билан тез-тез гаплашиб турарди. Аммо бу суҳбатлардан бирон нарса билиб олиш амримаҳол эди. Одамлар қатъий оғоҳ қилингани сабаб тилларига эҳтиёт бўлардилар, лекин бу ердаги ишлар ҳақида аниқ тушунчага эга эмасдилар.

Троцдем фақат бир муҳим маълумотни билишга муваффақ бўлганди: айнан раҳбарият ва бош техник мутахассислардан ташқари, қолган ишчилар бу ерда олиб борилган ишларнинг бошидан-охиригача иштирок этишмаган. Кўпи билан икки йил ўтгандан сўнг барча ишчилар алмаштириб турилар, шунинг учун ҳам улардан биронтаси тўла маълумотга эга эмасди.

Лейтенант Троцдемнинг фикрича, 36-ҳудуднинг ташки чегарасида жойлашган гарнизондаги баъзи бир ҳоллар ва олиб борилаётган ишларни тушунмасалар-да, уларни кузатиш қизик кўринган: қизиклигининг асосий сабаби, тирик гувоҳ бўлганлигида эди. У яна қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

Гарнизон зобит ва солдатларига тик қоялар бўйлаб тортилган тиканли сим тўсиғидан 36-ҳудудга ўтишлари қатъиян ман этилганди. Ҳар қандай шубҳали одам ё кичик бир ходиса ҳақида ҳам радиоузатгич ёки телефон орқали Марказ қўмондонлигига зудлик билан хабар бериш уларнинг вазифасига кирарди. Буни қаранг-а! Охирги вақтларда оғоҳликни ошириш тўғрисидаги юқоридан келаётган талаблар шундай кўпайиб кетдики, гўё ҳар дақиқа душман ҳужум қилиб қолиши мумкиндек эди. Мана бу иш жуда ғалати туюларди. Ҳар сафар патруль ёки жойлардаги назорат-



чилар ўрмончилар ёки овчиларни пайкаб қолгудек бўлсалар, бу ҳақда радио орқали ва кетма-кет уч маротаба ҳуштак чалиб хабар берганларида, кимдир бу ҳақда аввал хабар берганлигини билиб олардилар. Марказдан: «Рио-Спреа водийсидаги етмиш саккизинчи квадратнинг (ҳудуднинг топографик харитаси рақамланган квадратларга бўлиб чиқилган эди) ўнг сектори устидан назорат кучайтирилсин», деган буйруқ келганди. Айнан шу ер ҳозиргина аскарлар номаълум кимсани пайкаб қолган ер бўлиб чиққан эди.

Баъзи ҳолатларда аниқроқ ахборот олинарди: «Икки номаълум кимса ўнинчи квадратдаги қоялар остидан кетиб бормокда. Инобатга олинсин».

Сокчилар ўтиб бораётганларни пайкамаган ҳоллар ҳам бўларди. Троцдем ўз-ўзига, бу нимани аниқлатади, деган саволни берарди. Наҳотки кўзга кўринмас кимса ҳам улар билан биргаликда гарнизонни кўриқласа ва улардан аввал ахборотни тезкорлик билан аниқ етказса? У ким ўзи? Қаердан кузатади? Ахир гарнизон атрофида шубҳали ҳеч кимни кўрмаган эдик-ку? Қия қоялар ён-верида ҳам сокчилар кўринмасди. Марказда сеҳргарлар ўтирибдимикан ё?

– Лейтенант, лекин сиз ўзингиз, – бўш келмасди Исмани, – тепадаги қурилмани ўз кўзингиз билан кўрганмисиз?

– Бирон мартаям кўрмаганман. Айтдим-ку, бизни у ерга яқинлаштирмаганлар деб, биз фақат тоғу ўрмонларни кўрамиз, холос. Бир километр узоқликда жойлашган фаришталар водийсида у-бу нарсани кўрса бўларди.

– Айнан нимани?

– Ким биледи дейсиз... Деворнинг бир қисмини – на ойна, на тешиқ бор. Девор ортида радионикига ўхшаш баланд антенна бўй чўзиб турибди, унинг учида эса қандайдир думалок нарса бор.

– Думалок нарса?

– Ҳа, шундай. Уни кимирлайди деб айтгандилар.

– Қандай кимирлайди?

– Ўз ўқи атрофида айланармиш.

– Нима учун?

– Мендан сўраяпсизми? Бу жумбок. Бу ердаги ҳамма нарса тилсим қилинган каби жумбок.

– Сиз у ерда атом қурилмаси бор деб ўйламайсизми?

– Айтадиганимни айтдим сизга. Мендек оми бир одам нимани ҳам тушунарди дейсиз... Агар бу атом курилмаси бўлганида эди, биз оркали турли хил юкларни олиб ўтган бўлардилар. Сўнгра...

– У ерга факат шу йўлдан бориладими? – сўради Исмани.

– Юклар олиб ўтиш учун осма кўприк ҳам бор. Аммо ундан вагончалар ўтиб туради, юклар тўлик кетаяптими ёки бўшми, бизга номаълум... – дея гапга аралашди кўшни столда жим кулок солиб ўтирган кичик лейтенант Пикко. – Сиз яхшиси овоз ҳақида ҳикоя қилиб беринг...

Троцдем елкасини қисиб қўйди.

– Унга кулок солманг, профессор, мен бунга ишонмайман. Бу эртак бўлса керак. Кўпгина аскарларимиз қандайдир овоз эшитилаётганини айтгандилар. Бу овоз эркаклар овозига ўхшамас эмиш.

– Ўша овоз тепаликдан эшитиладими?

– Ҳа, ўша тепаликдан.

– Нималарни гапирди?

– Ҳеч ким тушунмайди.

Баъзилар уни хорижий тилда гапирди, шунинг учун тушуниб бўлмайди, дейди. Бошқалар, овоз узокдан келаётгани учун тушуниб бўлмайди, дейишади. Шахсан мен уни бирон мартаям эшитмаганман.

Исмани кичик лейтенант Пикко томон ўгирилди.

– Сиз-чи, эшитганмисиз?

– Мен... менга бир неча бор эшитилгандек туюлди... Аммо, тўғриси айтсам, эшитдим деб айтолмайман ҳам...

– Ана кўряпсизми? – деди Троцдем. – Ростига келганда ҳамма сўзидан қайтади. Ҳар хил миш-мишлар жуда кўп, бу бор гап деб ҳамма онт ичади, факат ҳеч ким овозни фалон куни, фалон соатда эшитдим, деб айтолмайди. Барчаси уйдирма, бунинг ажабланидиган жойи йўқ: ҳар қандай сир атрофида турли хил ишониб бўлмайдиган миш-мишлар юради.

– Хўш, нега итлар ҳақида сўзлаб бермаяпсан? – деди Пикко. – Ахир уларни ўзинг кўргансан-ку.

– Итлар ҳақида, – кизиқиб сўради Исмани.

– Ҳа. Буни гапирмасаям бўлади. Нима десам экан... – деди Троцдем.

– Сизлар шу ерда боқадиган итлар ҳақидами?

– Боккан эдик. Иккаласи ҳам бўридек келадиган итлар эди. Лекин улар хизматга ярамадилар. Уларни бу ерга олиб келишгач, қаттик безовталана бошладилар.

– Нима, улар қаттик акиллармиди?

– Йўқ, кизиғи шундаки, улар акилламасди. Увилларди. Жонжаҳди билан тепалик томон талпинардилар.

– Қайси тепалик томон?

– Шу ёкка, қояларга қараб. Хуллас, уларни келган жойига қайтариб юборишга мажбур бўлдик.

– Фақат уларними ё бошқаларини ҳамми?

– Бу ерга келган итларнинг бари шу ҳолатга туша бошлади. Ҳатто сержант Интроцци олиб келган тулки боласи ҳам қоялар томонга қараб ҳолдан тойгунча увиллай бошлади...

Шу пайт моторнинг гуриллаган овози кулоқка чалинди. Машина тепалик томон кўтарилаётганди. Стробеле хонимни олиб келаётган машина казарма томон яқинлашиб келмоқда эди.

## VII

Ольга Стробеле ўзи билан бирга бу ерга бир дунё қувонч олиб келди. У оппоқкина, сепкилдор, бодомқовоқ, гунча лабли, малла соч, қад-комати келишган йигирма саккиз ёшдаги аёл эди. Очик чеҳрали бу аёлнинг кулиб туриши ўзига ярашиб турарди. Бели ингичка бўлиб, оёқлари ғоятда келишган эди. Бу аёл ниҳоятда латофатли, шу билан бирга қайсаргина ҳам эди. Бу гўзал аёлга ўтиб кетаётганлар албатта бир ўгирилиб қараб кўярдилар.

Аёл Исманини кўриб, дарҳол сўроққа тута кетди:

– Айтинг-чи, сиз Томмазео лицейида дарс бермаганмисиз? Бундан ўн бир йил аввал.

– Ҳа, топдингиз. Сиз буни қаердан биласиз? Мен тўрт йил ўша лицейида алгебрадан дарс берганман.

– Вой, сиз-ей! Қани, менга бир яхшилаб қаранг-чи! Менинг чеҳрам сизга таниш кўринмаяптими?

– Балки... Эслаш қобилиятим сустроқ... Устига-устак, сиз аёллар...

– Ольга Коттиниман. Эсладингизми? «Икс баробар квадратдаги илдиздан иккига...» Сиз мени имтиҳондан йикитгандингиз. Ҳозир эслолмаяпсиз. Ҳали кўрасиз, мен сиздан ўчимни олмай кўймайман.

– Агар билганимда эди... агар мен олдиндан кўра билганимда эди, – деди Исмани аёлнинг ҳазилидан қизариб-бўзариб.

– Яхши-яхши, сизни кечирдим. – Аёл Исманини кучиб, икки юзидан ўпиб ҳам кўйди. Сўнг ўгирилиб, Исмани хонимга юзландида: – Кечирасиз, – деди. – Жанкарло мени доимо ёввойисан дейди... Қаранг-а, мени имтиҳондан йикитган ўқитувчимни шу ерда кўриб турсам-а! Яна қаерда денг, кимсасиз жойларда... эрингизни кўргани кўзим йўқ эди! Уни қарғаган ҳам эдим! Ҳурматли профессор, имтиҳонни жуда қаттиқ олардингиз ўзиям. Мен қаттиқ изтироб чекканман... Лекин сиздан ўчимни олмасамми, жаноб Исмани, ҳа, сўз бераман бунга. Ольганинг бу ҳазилидан Исмани хонимнинг жаҳли чикмади, қайтанга ўзлари билан бундай очик, кувнок аёлнинг ҳамроҳ бўлганидан суюнди. Унинг бу ердалиги эрини турли хил ваҳималардан холи бўлишига ҳам ёрдам беради. Ольга Стробеле барча эркақларга ёкса-да, унга нисбатан эрини рашк қилмади. У эри Эрманнга жуда ишонади. Элиза Ольгани сўроққа тутди:

– Турмушга чиққанингизга анча бўлдимми?

– Яқинда уч ой бўлади.

– Юқорида яшайсизларми?

– Йўқ, бу ерга биринчи бор келишим. Биласизми, турмушга чиқиб, рўшнолик кўрмадим. Тўй қилиб, ўн кунгина асал ойига бориб келдик, холос. «Маълумотнома» эржоним эса мени бева қилиб ташлаб кетди.

– «Маълумотнома?»

– Бунга эътибор берманг. Ҳазиллашиб шундай деб атайман. Бирон нарсани сўрасангиз, зумда тушунтириб беришга ундан устаси йўқ. Шунинг учун ҳам «маълумотнома» дейман. Хуллас, бир ҳафтадан сўнг у мени ташлаб кетди: «Шошилинич, мутлако махфий иш чиқиб қолди», деб. Ўн йилдан буён юқорида – Марказда ишласа ҳам, ҳеч ишга тўймайди. Мана, энди мен ҳам унинг ортидан югуриб юришга мажбурман.

– Қайтанга, энди дийдор кўришасизлар.

– Мен бу ерда йигирма кунлар, кўпи билан бир ой бўламан. Сўнг иккимиз биргаликда уйга қайтамиз. Унинг айтишича, бу ердagi ишини деярли тугатибди.

– Қандай иш экан? – журъат қилиб сўради Исмани.

– Кечирасиз, мутлако хабарим йўқ.

– Корхона жуда қатта бўлса керак?

– Қанақа корхона?

– Анави юқоридаги-да.

– Нима? Профессор, хали сиз у ерда бўлганингиз йўқми? – гўё қандайдир шубҳани сезгандек, бошини биров энгаштириб унга қаради Ольга.

– Йўқ, бўлмаганман!

Исмани барча тафсилотларни икир-чикиригача билишга ошиқар, аммо эҳтиёткорлик юзасидан Троцдем ва Пикко хузурда бундай саволларни беришдан ўзини тўхтатиб қолди.

Марказдан уларни олиб кетишга келган машинага эр-хотин Исма-нилар ва Стробеле хоним ўтираётганларида қош қорайиб қолган эди. Машинани ҳарбий киши бошқариб борарди. Улар Троцдемга энг кат-та жомадонларини қолдириб (у уларни бошқа машинада етказишга ваъда берган), хайрлашдилар ва тепалик томон йўл олдилар.

Назорат пунктдан сўнг илонизи йўл тўғриланиб, тепалик томон чика бошлади. Деярли қоронғилик ён-атрофга ўз чодирини ёйган, устига-устак, куюк тушган туман ўрмонни кўришга халакит берар эди. Сарғиш тик қояга етганда машина қутилмаганда тўхтаб, туриб қолди.

Тош деворга ўрнатилган катта темир дарвозани Исмани ғира-ширада пайкамади. Сўнг турган жойларидан ўнг ва чап та-рафга уч-тўрт қатор қилиб тортилган тиканли сим ва қандайдир думалок шаклда туртиб чиқиб турган нарсалар, хойнаҳой юқори кучланишли изоляторлар бўлса керак, улар диққатини ўзига тортди.

Бу ерда бирон жонзот кўринмасди. Ён-атроф совуқ ва зах бўл-ганидан киши кўзига хунук кўринарди. Ҳайдовчи:

– Бир неча дақиқа кутиб туришимизга тўғри келади. Мен сиз-ларни олиб келиш учун кетаётганимда туннелни тозалашаётган эди. Юқоридан кўчки тушибди, – деди.

– Бизнинг бу ерга келганимизни уларга айтдингизми? – сўради Элиза Исмани.

– Айтишимнинг ҳожати йўқ. Улар келишингиздан хабардор, – деди солдат.

– Қанақасига?

Ҳайдовчи бу аёлнинг саволига жавоб бериш керакми ёки йўқми, дегандай унга тикилиб қараб қолди. Аёлга ишонч билдирди, шекил-ли, бармоғи билан элас-элас кўзга ташланиб турган чорси дарвоза-ни кўрсатди.

Элиза тилини тишлаб колди. Бу ерда қандайдир суратга олувчи телекамера ё бирон нарса бўлса керак, деган хаёлга борди у.

– Мен машинадан тушиб, бироз юрмасам бўлмайди, оёғим шишибди, – деди Ольга Стробеле.

– Мен ҳам тушаман, – деди Исмани ўша-ўша кизикувчанлик билан.

Улар жарлик тепасидаги йўл бўйлаб бир неча метр пастликка тушдилар. Туман қуюқ бўлганидан жарлик тубини кўриб бўлмас, кўзга факат тошларнинг туртиб чиққан жойлари-ю, ақл бовар қилмайдиган жойларда ўсган арчаларнинг учигина кўринарди, холос. Ольга Исманини қўлтиклаб олганди, Исмани шу дамгача ҳис этмаган ҳузурни туя бошлади. Ольга ҳар қандай эркакнинг ҳис-туйғусини уйғотишга кодир аёл эди. Исмани туман ва рутубат, дарахтлардан чиққан елимлар хидига омукта бўлиб кетган атир-упаларнинг ёқимли исини ҳидлаб борарди.

Ольга атайлаб қилаётгандек индамай борарди, у Исманининг биринчи бўлиб гап бошлашини кутар, унинг саросимага тушиб колганидан роҳатланаётганди. Исмани ортига қараб қўйди: қуюқ туманда машина деярли кўринмасди.

– Ольга хоним, – деди Исмани ниҳоят, – бу ерда гапимизни ҳеч ким эшитмайди. Кечирасиз, тепада – Марказда нима билан шуғулланишларини билсам бўладими?

– Профессор, – жавоб қилди ҳамроҳи шўхчан. – Бир гал мени имтиҳондан йикитганингиз етмай, энди устимдан кулмокчимисиз?

– Азизам, эрингиз қандай иш билан шуғулланиши сизга маълум-ку, ахир.

Аёл хандон отиб кулиб юборди.

– Эримми? Бу сизга ҳам маълум-ку! Профессор, агар сизни Марказга юборишган бўлса, сиз ҳамма нарсадан хабардор бўлишингиз керак. Шундай эмасми?

– Албатта, йўқ. Барчаси менга қоронғи.

– Нега энди? Сўрамадингизми?

– Вазирликда айтмадилар.

– Ия, шунга қарамай бу ерларга келишга рози бўлдингизми?

– Кўриб турганингиздек. Мен бундай сир сақлашларни ёқтирмайман. Истардимки...

– Мен бўлсам сиздан ҳам кам нарсани биламан.

– Нахотки сизга эрингиз ҳеч нарсани тушунтирмаган, манави махфий Марказ ҳақида гапириб бермаган бўлса? Ахир бирон нарса айтгандир?

Исманининг қалбида хавотирлик ва ғулула тобора ортиб борар, гўё бир баҳайбат ва дахшатли нарса олдида ўзини ожиз ҳис этаётгандек эди. Уруш вақтида ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатга тушиб қолганди.

– Эҳ, нимасини айтасиз! Ҳа, мен бир ожиз бандаман! Саволингизга жавоб беролмаганлигим учун яна имтиҳондан ўтолмадим.

– Тавба, бу нима ўзи? Заводми?

– Мутлако беҳабарман. Жанкарло қандайдир бир лаборатория ҳақида гапирганди.

– Қандай лаборатория ҳақида? Кимёвийми?

Шу топда машина сигнали эшитилди.

– Профессор, бизни чақиришяпти. Сим-сим очил, тоғлар кенг очилсин... албатта, бу сўзим маъқул бўлса. Қани, кетдикми, профессор?

Улар машина томон йўл олдилар. Аёл деярли югургилаб борарди.

– Хўш, шундай қилиб, сиз менга ҳеч нарса айтмайсизми? – сўради Исмани аёлдан ортда қолмасликка ҳаракат қилиб.

Ольга, гўё Исманининг гапини эшитмагандек, жим кетиб борарди.

## VIII

Улар манзилга етай деганда атрофни қоронғилик босиб, ёмғир шивалай бошлади. Машина тоғ ичидан ўтказилган туннель йўлдан кетиб борарди. Бир вақт туннелнинг ичи майдон каби кенгайиб, зич ёпилган темир тўсикли тўртта эшик кўринди. Қутилмаганда атрофни зим-зиё қоронғилик чулғади: шифтдаги лампалар ва машина фаралари ҳам ўчди.

– Нима бўляпти? – саросимага тушиб сўради Исмани.

– Кўркманг, профессор, чирок бир неча сонияга ўчди, холос, – жавоб берди ҳайдовчи.

Қоронғиликда темир тўсикларнинг кўтарилаётгани эшитилди: тўртта темир эшикдан бири кўтарилаётгани чоғи. Шундан сўнг

машина ичидаги асбоб-ускуналар устидаги тахтада ёниб турган кизил ёғдуда ҳайдовчи машинани аста жойидан кўзғатди.

Машина ичкарига киргач, ёпилаётган темир тўсикнинг ғичирлагани эшитилди. Бирдан чирок чараклаб ёнди.

Улар тик кўтарилиб борардилар; энди туннель айлана шаклда уч дарвозали ер ости майдонигача давом этарди. Бу ерда ҳам чироклар бир зумга ўчиб, яна ёнди. Ён-атрофда бирон жонзот кўринмасди.

Исманининг тахмини бўйича яна тўрт юз метр йўл босдилар. Ниҳоят, ёп-ёруғ ялангликка чикиб келдилар.

Деразасидан чирок ёғдуси тушиб турган мўъжазгина уй кўринди. Исмани машинадан тушиши билан бирон одамни кўриш мақсадида атрофга аланглади. Бирок назорат масканига олиб борадиган ердан бошка жой зимистон оғушида эди, шундай бўлсада, қоронғилик ичидаги бу уйнинг икки томонида баландлиги тўрт метрлар келадиган деворга кўзи тушди. Ҳойнахой, бу тўсик бўлса керак. Шу тобда очик чехра билан кўлини силкитганча чамаси қирк ёшлардаги муҳандис Жанкарло Стробеле келаётгани кўринди.

Стробеле қадди-басти келишган, ақли, ўзига ишонган эркакка ўхшарди. Жанкарлонинг кибр-ҳаво билан келиши уни яқиндан танимаган Исманига ёкмади.

Жанкарло хотини билан кучоклашиб кўришди, эр-хотин Исманилар билан очик чехра билан сўрашди. Кейин ҳаммалари саноат қорхонасининг даҳлизига ўхшаш хонага кирдилар.

Қиска йўлакдан ўтишди. Стробеле уларга йўл кўрсатиб бормокда эди. Улар яна кўчага чиқишди. Бу ерда уларни уйни айланиб ўтиб, ён дарвозадан кириб келган машина кутиб турарди. Бир неча юз метр узоқликда милтиллаган чироклар ёғдуси кўзга ташланар, бу ҳақда ўша жойларда уйлар борлигидан далолат берарди. Ёмғир тинай демасди. Қиялик бўйлаб кўтарилиб бораётган машина фаралари қоронғиликда дам қоятошларни, дам арчалар, дам куюк игнабаргли дарахтларни ёритганча чироклари ёниб турган уйга яқинлашиб борарди.

– Мана, етиб келдик, – деди Стробеле кўринишидан қишлоқ уйига ўхшаб кетадиган, мўъжазгина шинам уй олдига етиб келганларида. – Сизлар шу ерда яшайсизлар. Мен анави ерда яшайман, – деди у бироз пастда жойлашган уйни кўрсатиб. – Юқоридаги анави уйда бошлиғимиз Эндриад туради. Уйнинг иккинчи қаватини



эса харбий вазирликдан келган инспектор майор Мирти эгаллаган. Марҳамат, жойлашиб олинглар. Бир оз совуқроқ. Менимча, каминга ўт ёкилган бўлса керак... Исмани хонимга уй ишларида аввал шу ерда Алоизининг уй хизматчиси бўлган ажойиб бир киз карашади. Исмани, сен уни танийсан? Тўғрими?

– Кимни? Алоизиними?

– Ахир уни ким танимайди дейсан!.. Алоизи бу ерда чамаси ўн йиллар яшади. Буюк инсон эди у. Унинг ихтиролари одамлар кулоғига ҳали етиб бормаган, лекин шундай кун келадики... Бечора, бундан икки ой муқаддам вафот этди.

– Шу ерда вафот этдимми?

– Алоизи ов қилишни хуш кўрарди. Бир ўзи тоғларда ёлғиз кезарди. Бир куни у қайтиб келмади. Биз уни уч кундан сўнг топдик. Қоядан кулаб тушибди. Биз учун бу ҳар томонлама катта йўқотиш бўлди. Бу ерда – Марказда яратилган нарсалар учун... – Стробеле маънодор кулиб кўйди, – Биз Алоизи олдида, қилинган ишларнинг камида эллик фоизи учун қарздормиз. Агар бу кўнгилсиз воқеа тўрт-беш йил кейин содир бўлганда эди, биз Эндрюад билан ишни охиригача... балки амалга оширармидик...

– Демак, мен... – довдираб деди Исмани, – демак, мен... Мени бу ерга юборишдан мақсад. Хуллас, мен унинг ишини давом эттирар эканман-да?

– Йўк, йўк. Бундай бўлмаса керак. Ҳеч бўлмаганда сиз бошқа одам ўрнига, яъни менинг ўрнимга...

– Сизнинг? Нима учун? Нима, сиз кетяпсизми?

– Ҳозир эмас. Бир ярим-икки ойлардан кейин. Худога шукурки, шундай деб аташ лозим бўлса, менга боғлиқ иш ниҳоясига етди... У ерда меҳмонхона, анави ерда кичикроқ кабинет, у томонда иш хонаси, унинг орқасида ошхона жойлашган. Ётоқлар иккинчи қаватда. Умуман олганда, гапимга ишонинглар, бу уйлар яшаш учун қулай қурилган. Менга ёқмайдиган бир жойи бор, холос. У ҳам бўлса меҳмонхона ўртасидаги инглиз услубида ясалган зинадир. Баъзиларнинг фикрича, ётоқлар қулай қурилмаганмиш. Тўғри, ҳамма товуш юқорига яхши эшитилади. Эшиклар залворди. Улар зич ёпилса-да, пастда радио кўйилса тепага эшитилади. Ўйлашимча, сизлар бир-бирингизга халакит бермасангиз керак. Жустина ҳам сизларни безовта қилавермайди. Сизлар унинг бор-

лигини сезмайсизлар ҳам. У уйда мушук каби пусиб юради... Ана, ўзи ҳам келиб қолди.

## IX

Исмани Эндриад ва унинг рафикаси билан Стробеленинг уйида, кечки овқат пайтида учрашдилар.

Исмани қандайдир конгрессда у билан бирров учрашганини зўрға эслади. Энди эса у мутлақо бошқа одамга айланган эди. Басавлат, кўркам кўринишдаги бу Нобель мукофоти совриндори ўзини тутишидан бошқалардан устунлиги кўриниб турар, гўё башоратчига ўхшаб кетарди. У пала-партиш кийинган, оқ сочлари хурпайиб, бурни танқайган, аммо нутқи жўшқин ва жонли чиқарди. Кўринишдан эллиқ беш ёшларда, аёли ҳам тахминан шу ёшларда бўлиб, камтар ва бироз маъюс ўтирарди. У эрининг тамоман акси эди.

Бундай ёрқин ва ҳукмрон шахс олдида Исмани ўзини ожиз ҳис этди, аммо бирон нарсани билиш мақсадида журъатлироқ бўлишга қарор қилди. Вазирликдаги Жакинто, капитан Вестро, лейтенант Троцдем, ва ниҳоят, Стробеле унинг бу ерга келишига сабабчи бўлган махфий иш ҳақида биринчи учрашувдаёқ бирон-бир гап айтмаганликлари гўё унга қарши қандайдир фитна уюштирилаётгандек туюлаётган эди.

– Балки устимдан қулишингиз мумкиндир, – деди асабийлашган Исмани ҳамма стол атрофига йиғилгач, гарчи у ўзини ҳамкасблари олдида ноқулай ҳис этса-да: – Мен бу ерга ноқонуний келиб қолгандекман.

Стробеле. Ноқонуний деяписизми? Нима, ҳужжатларингизда муаммо борми?

Исмани. Ноқонуний... Мен бегонаман... Ҳали-ҳанузгача ҳеч нарсадан хабарим йўқлигини айтмоқчиман. Ҳа, ҳеч нарсадан хабарим йўқ.

Стробеле. Сиз нимани билишни истардингиз?

Исмани. Мен бу ерда нима иш қиламан ва сизлар нима билан шуғулланаётганингизни билишни хоҳлардим.

Стробеле. Ия, вазирликда сизга айтишмадими?

Исмани. Йўқ. Ҳеч нарсани айтишмади.

Э н д р и а д . Қизик бўлди-ку! Ахир Жакинто ва компания томонидан кўрилаётган бу чоралар бемаънилиқнинг ўзгинаси эмасми? Тушунаман. Махфий иш бўлса-да, ҳар бир ишнинг ўз қонунқондаси бор-ку! Исмани, бизга айтинг-чи, сиз ўзингиз нимани тасаввур қилгансиз? Ахир бирон-бир нарсани тахмин қилгандирсиз. Шунчаки, қизикиш юзасидан-да?

И с м а н и . Мен дастлаб атом бомба ҳақида ўйлаган эдим. Бирок баъзи бир белгилар...

Э н д р и а д . Худога шукурки, бу ерда ҳеч қандай атом бомбаси йўқ. Бу ер хийла тинч, лекин хавфлироқ ҳам, шундай эмасми, Стробеле.

С т р о б е л е . Хавфлироқ дейсизми? Гапингизга қўшилмайман.

Э л и з а И с м а н и . Ишингизни очикчасига айтмаяпсизлар. Балки биз аёллар сизларга халақит бераётгандирмиз?

Э н д р и а д (жонланиб). Исмани хоним, бу ҳолни ўзингизча қандай тасаввур қиляпсиз?

Э л и з а И с м а н и . Менми? Билмадим. Менда тасаввур ҳам йўқ.

Э н д р и а д . Сиз-чи, Стробеле хоним?

Ольга тортинмай юбкасидаги катта очилган қийик бўйлаб бармоғини юргизаркан, деди:

– Сизнинг гапингиздан, аниқроғи, мавҳум гап қилаётганингиздан ҳеч нарсани тушуниб бўлмаяпти...

С т р о б е л е . Ольга!

О л ь г а . Нима, мен ноўрин гапирдимми? Ахир сизлар бу ердаги ишга шундай махфий тус бераётган бўлсангиз, демак, бу жиддий иш экан. Дунёда жиддий ишдан зерикарли нарсанинг ўзи йўқ. Улардан нарироқ юрсак, яхши бўлармиди? Тўғри, сизлар ақлли олимларсиз, аммо бирон-бир жиддий ишга қўл урсангиз, жуда миждов бўлиб кетасизлар...

Э н д р и а д . Сиз ҳақсиз. Лекин умид бор. Биз ҳали унинг жиддий ё жиддиймаслигини билмаймиз.

У бироз сергак торғди, овозини ўзгартириб:

– Ё тавбангдан кетай, бу қандай сел бўлди ўзи! – деди.

Дарҳақиқат, чакмок чақиб, тўс-тўполон билан жала ёғаётгани шундок эшитилиб турарди. Эндриад гужанак бўлиб олди.

О л ь г а . Профессор, кўркмаяпсизми?!

Э н д р и а д . Очиғини айтсам, ўзим ҳам билмайман.

Э л и з а . Сиз тўғри жавобдан ўзингизни олиб кочар экансиз.

Э н д р и а д . Азизам, бу ерда ўзига хос экспериментал лаборатория бор. Тўғри айтаяпманми, Стробеле?

С т р о б е л е . Ҳа, гапингиз тўғри.

Э н д р и а д . Шу билан бирга, бу тепаликда бир нарса... Аклий кобилиятларни ишга соладиган полигонга ўхшаш бир нарса... Энг замонавий аппаратурага эга бўлган ўзига хос стадион... Стробеле, менимча, аник ифодаладим шекилли?

– Бундан аниғи бўлмайди.

– Исмани, жавобдан коникдингизми?

Ҳаяжонланганидан бу ҳазилни тушунмаган Исмани кизикқонлик билан:

– Йўк, мен барибир ҳеч нарсани тушунмаяпман, – деди.

Эндриад қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Исмани, сиз мутлако ҳақсиз. Кечирасиз-у, мен ҳазиллашишни ёктираман. Баъзи-баъзида. Кечиринг. Стробеле, уларга керакли нарсаларни тушунтириб бер. Ахир сен педагогсан-ку.

Стробеле мамнунлик билан йўталиб кўйди.

– Азизим Исмани, сиз 36-ҳарбий ҳудуднинг экспериментал секторида турибсиз, гарчи аник бўлмаса-да, унинг номи шундай...

Ольга пичок билан финжон четига уч маротаба уриб кўйди. У асабийлашган (балки бу унинг навбатдаги қилигидан биридир) кўринарди. Орага жимлик чўкди.

– Кечирасизлар, – деди Ольга энсаси котиброк. – Одобсизлик бўлса-да, лекин мен уй бекаси эканлигимни сизларга эслатиб кўймоқчиман.

– Нимани эслатмоқчисан? – уялиб сўради эри.

– Сизлардан илтимос қиламан...

– Наҳотки, – унинг гапини бўлди гўё бирон нарса қидираётган-дек ўз костюмини кўздан кечиратуриб Эндриад, – наҳотки, мен бирон-бир ножўя гап айтган ёки ножўя иш қилган бўлсам?

– Мен фақат сизлардан бир нарсани илтимос қилмоқчиман: гап мавзусини ўзгартирсангиз.

– Лекин, нима учун? – деди Стробеле, маъруза ўкиб рохатланиш имконияти кўлдан чиқаётганидан норози бўлиб.

– Нимага деяпсанми? Буни сенга кейинроқ тушунтираман.

– Жуда ғалати гапни айтдинг-да...

– Ҳечкиси йўк. Афтингни буриштира.

– Стробеле хоним! – деди Исмани худди игна устида ўтирган-дек. – Яширмайман, мен жуда истардимки...

– Бу ердаги Марказда нима билан шуғулланишимизни ва шу билан боғлиқ бошқа нарсаларни билмоқчи эдингиз-а, хурматли профессор? Нимага ҳаяжонланасиз? Ахир сиз дўстларингиз орасидасиз-ку!

– Мен шунинг учун ҳам...

– Демак, сиз учун мен ён беришим керак, шундайми? Айнан сизга-я? Нима, эсингиздан чиқдим, қарз олдингизми, вақтида тўламоқ лозим. Менинг ҳам қарзни тўлашингизни талаб қилишга ҳақким бор.

– Ё худойим, мен ўйлаган эдимки, шунча йилдан кейин, – ҳазилни унутган Исмани гўлдираб кўйди. Кутилмаганда зийрак тортиб: – Бу нима? Эшитяпсизларми? – деди ваҳимага тушиб.

– Ёмғир ёғаяпти. Ўшанинг овози.

– Назаримда, жом чалинаётгандек туюлди.

– Жом дейсизми? Бу ерда чалинадиган жом йўқ, – деди Эндриад киноя билан.

Бу гўё узокдаги гор ичида каттагина юпка тунуканинг даранглаганига ўхшаш овоз эди.

– Мен ҳам эшитяпман, – деди Элиза Исмани.

Улар бу овозга бир неча сония диққат билан кулоқ солганча жим ўтирдилар. Овоз тинди.

– Қизик! – деди Стробеле. – Мен ҳеч қандай овозни эшитмадим.

Эндриад Исманидан сўради:

– Сиз Алоизини танирмидингиз?

– Йўқ.

– Унинг айтиши бўйича тунларда... – Эндриад зийрак тортиб жим бўлиб қолди, сўнг енгил тортгандек Исмани хоним томонга ўтирилди-да жилмайиб, ҳамма эшитадиган овозда унинг кулоғига шивирлади:

– У ҳам даҳо эди.

– У ҳам даҳо эдими? – масхараомуз сўради Ольга.

– Албатта, – жавоб қилди Эндриад гўё гап мутлақо табиий бир нарса ҳақида кетаётгандек. – У ҳам тунлари кулоғига ғалати товушлар эшитилиши ҳақида гапирганди. Унинг галига ишонмасдим, мен ҳеч қачон мияга ўтириб қолган ғояларга ишонмайман. Мана, ҳозир сизлар ҳам қандайдир товушни эшитяпсизлар, аммо бунга ишонмайман. Бу ерда ҳеч қандай жом йўқ. Ҳойнахой, бу ба-

ландликда об-хавонинг кескин ўзгаришидан кулоқка чалинадиган овоз бўлса керак, Исмани... Шунга карамай, – унинг овози кутилмаганда кескинлашди, – шунга карамай биз хушёр бўлишга мажбурмиз. Авваллари мен унча ташвишланмас эдим: кўрикчилар бор, назорат кучли, кузатиш аппаратларининг энг замонавийси шу ерга ўрнатилган дердим, лекин улар каердадир, ён-атрофимизда кечаю кундуз худди сичкон каби ерга солинган палосларни кемирадилар. Хамма ҳам вазирликлардагидек ўйламайди-ку, уларнинг фикрича, биз бу ерда гўё ўйинчок ўйнаётган текинтомоклармиз. Баъзилар энди-энди тушуниб етгандек. Мана энди хамма нарсага жон деб рози бўлишяпти. Фақат йўқка чиқармасалар бас, бизнинг...

– Бизнинг қурилмамизни, – гапга аралашди Стробеле.

– Биз яратган қурилма фақат биз учовимизга, эртага сиз билан бирга тўрттовимизга маълум бўлади, хали дунёда ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нарса билмайди, лекин улар баъзи бир нарсаларни фаҳмлаган бўлишлари мумкин, ҳозир улар бош котириб ўтирибдилар. Қалламни гаровга қўйиб айтаманки, даҳшатли ҳақиқатни умумий кўришишда бўлса ҳам тушуниб етганлар: агар биз бу ерда ўйлаган ишимизни амалга ошира олсак, унда биз... – у шундай дея столни зарб билан урганди, стол устидаги ликопчалар зириллаб кетди.

– Эндриад! – деди Стробеле уни тартибга чакириб.

– Кўрасизлар, биз, албатта, дунёга ҳукмрон бўламиз!

## Х

Тун яримлаганда ҳолдан тойган Эрманн ва Элиза Исманилар Стробеле билан хайрлашиб, жала остида уйлари томон яёв йўлга тушдилар. Уларни бироз нарида истикомат қилувчи Эндриад рафикаси билан кузатиб борди.

Жустина уй ишларини саранжомлагач, уйкуга ётди. Узок йўл чарчатган бўлса-да, негадир Эрманнинг уйкуси қочиб кетди. Бу ғалати жой, бу ердаги янги ошналар ва хамма нарсадан хабардор бўлиш истаги ҳамда сийраклашган тоғ ҳавоси унинг юрагига ғулгула солиб қўйганди. Танасида юракни зиркиратувчи дилхиралик ўрнига қувонч бағишловчи енгилликни ҳис эта бошлади, қизик, бундай ҳолатга у камдан-кам тушарди. Исманида шу тобда каергадир бориш, ким биландир кўнгил ёзиш истаги туғилди.

– Элиза, чамамда кайфиятинг кўтарилди-ёв, – сўради у хотинидан.

– Тўғри айтасан, Эрманн, кайфиятим чоғ. Бу тоғ хавосининг таъсири бўлса, ажаб эмас. Тавба, ўзимни ёш қизалоклардек хис этяпман-а.

Қишлоқ услубида қурилган уй шинам ва озода эди. Афтидан бу ерда ҳеч кимса яшамаган. Исмани хонани синчковлик билан кўздан кечираркан, Алоизи яшаганидан нишона бергувчи биронта белгини тополмади. Жавонни тўлдириб турган китоблар ҳам ҳеч ким кўл теккизмагандек бир текисда турарди. Улар асосан электрофизикага оид турли тилларда чоп этилган илмий асарлар эди. Афтидан улар бу ерга тасодифан келтирилганди. Саргузашт асарлар, севги-мухаббат ҳақидаги ҳамда тарихий романлар, таржимаи ҳоллар, ҳатто ошпазликка оид китоб ҳам бўлиб, аралаш-қуралаш териб қўйилганди. Китобларнинг бу тахлит тахланиши ҳеч бир дахонинг кутубхонасида бўлмаса керак.

Алоизига тааллуқли барча анжомлар бу хонадан олиб чиқиб кетилганди. Бу уйда марҳумни эслатувчи на бирон-бир қоғоз, на майда-чуйда буюм, на сурат – хуллас, ҳеч нарса кўзга ташланмасди.

Қоронгиликда мижжа қокмайдиган Исмани ниҳоят хобгоҳига кўтарилгач, деразаларнинг табақаларини кўздан кечири бошлади. Худди билгандай деразанинг бир табақаси зич ёпилмаган экан. У ана шу дераза табақасини очиб юборди ва ҳайратдан донг қотиб қолди. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас осмондаги булутлар аста-секин тарқай бошлади. Тўлин ой жамоли кўринди-ю, ён-атрофни ўз ёғдуси ила нурафшон эта бошлади.

– Элиза, бу ёкка қарагин-а! Мўъжиза!

Улар сукут сақлаганча кимир этмай дераза олдида туриб қолдилар. Қаршиларида сеҳрли ёғду таралиб турган тепалик намоён бўлди. У ерда дўнгликлар, ўйдим-чуқур ерлар устини ям-яшил ўтлар қоплаб олган, тўк рангдаги арчалар қора доғ каби кўзга ташланар, аммо беш юз метрлар узокликдаги дарахтлар орасидан оқини тусли иншоот яккол кўриниб турарди. Ташқаридан қараганда, бу оддий деворми ёки бирон-бир биноми, билиб бўлмасди.

– Манави буюк сирли иншоот, – деди Элиза. – Кўриниши оддийгина.

– Юр, бориб кўрамиз?

– Ярим тунда-я!

– Туннинг гўзаллигини қара!

– Ўт-ўланлар ҳали селгимагандир.

- Бу туфлингда оёгингдан сув ўтиб, шамоллаб қоласан.
- Ахборотинг учун – туфлимдан сув ўтмайди.
- Ҳеч бўлмаса елкангга ёмғирпўшингни ташлаб ол.

Эр-хотин Исманилар ойнинг мунаввар ёғдуси остида ташқарига чиқишди. Ёмғир чиннидек килиб ювган нарсалар кўзга ташланар, ҳар кадам ташлаганларида уфқ тобора кенгайиб бормоқда эди. Узоқда кенг яйлов ястаниб ётар, шундоқкина ёнларида ўрмон унинг ортида эса ялтироқ тоғ тизмалари кўкка бўй чўзганди. Бу-тун борлиқда осудалик, гўзаллик, сирли тун ҳукмрон.

Ниҳоят, ок иншоот яққол кўзга ташланди. Бир қарашда у узун казематга ўхшаб, жойлашувидаги кирди-чиқди жойларини инобатга олмаганда, бунинг ниҳояси йўқдек кўринарди. Бир неча пастаккина уй гўё текис ерга мослаб тиклангандай, катор саф тортган. Узоқдан, бир-бирининг устидан ойнинг ёрқин шуъласи тушиб турган бўлса-да, бу қурилмалар орасида бирон ёрик жой кўринмасди. Улар қадимги – ҳарбий муҳандислик истехкомларини эслатувчи узлуксиз бир деворни ҳосил қилар эди.

Эр-хотин Исманилар ой шуъласи ёритиб турган девор тагига бор-гач, юкорига қарадилар. Деворнинг баландлиги чамаси етти-саккиз метрлар бўлиб, ҳеч қандай дераза ёки айвон кўринмасди. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч ким яшамайди, ҳатто ишламайди ҳам. Бу ерда ҳаво ва ёруғликка муҳтож бўлмаган нарса – машина турса керак. Ёки бу қандайдир муҳим истехком бўлиши ҳам мумкин.

Бироқ бу узундан-узун – казематни ёки саройни эслатувчи ғалати жой қандайдир жонсиз буюмлар турадиган жойга ўхшамасди.

Эрманн ва Элиза Исманилар бир қарашдаёқ қурилмада дафъатан кўзга ташланмайдиган юмалок, тўртбурчак ёки ингичка тиркиш шаклдаги хилма-хил туйнуклар борлигини фаҳмлашди. Баъзи жойларида думалок, кабарик линза ёки кўз гавҳарига ўхшаш шишалар ҳам бўлиб, улар ой нуридан ялт-юлт қилар эди. Улар девор тепасига қараган эдилар, деворнинг бир чеккасида ўрнатилган катор антенналар, экранлар, ботик панжаралар, шунингдек, устига қалпоқча кийгизилган ингичка найчалар кўринди. Чангтозалагич чўткани эслатувчи ёл ҳам бор эди. Улар ҳаворанг-жилосиз бўлгани учун ҳам қоронғилиқда дарҳол кўзга ташлана қолмасди.

Эр-хотин Исманилар тун оғушида жимгина, уйлардан кўз узмай турарканлар, нимадир кулоққа чалингандек бўлди.



– Эшитяпсанми? – сўради Эрманн.

– Ҳа, эшитяпман – жавоб кайтарди Исмани хоним.

Ок девор ортидан жуда ҳам секин шитирлаш овози келар, бу гўё бузилган индан кочиб, турли томонга таркаб кетаётган чумолиларнинг овозига ўхшаб кетарди. Бу шитирлашга узук-юлук киска шовкинлар, кучли босимда отилган суюкликнинг овози, чекка томирнинг бир маромдаги лўкиллашига ўхшаш яна бир овоз кўшилиб кетмоқда эди. Демак, бу сирли кўрғон остида қандайдир ҳаёт кайнамоқда. Юқоридаги қатор катта-кичик антенналар бекор тургани йўқ. Диккат билан қаралса, антенналарнинг билинар-билимас тебранишларини бемалол пайқаш мумкин эди.

– Бу нима экан? – аста сўради Элиза Исмани.

Эри унга «жим бўл» деган ишорани қилди. Шу пайт девордан эллик метрлар нарида нимадир йилт этгандек бўлди. Эрманнинг хаёлидан: «Биз бутун дунёни забт этамиз», деган бемаъни ўй кечди.

Бирдан Исманининг кўзи Эндриадга тушди. Тепаликдаги ўт босган қияликдан девор ёкалаб, гўё ақлдан озгандек ўзи билан ўзи гаплашиб келаётган олим тушиб келарди. У ёлғиз, кенг гардишли шляпада, кулгили ҳолатда ўзи билан ўзи овора бўлиб келарди.

Девор ортидан эшитилаётган элас-элас шовкинни инобатга олмаганда, ён-атрофда сирли сукунат ҳукмрон эди. Эр-хотин Исманиларнинг қулоғига Эндриаднинг ўзи билан ўзи сўзлашаётган бир неча сўзлари эшитила бошлади.

– Мумкин, мумкин, – дерди ўзига-ўзи Эндриад. – Аммо бизларни бу...

Сўнг Исманилар кизик воқеага гувоҳ бўлдилар. Эндриад юришдан тўхтаб, девор томон ўгирилди. Исмани, «хойнахой, у ёзилиб олса керак», деган хаёлга борди. Лекин Эндриад ўша-ўша сўзлаганча, фарзандига насиҳат қилаётган отадек ҳассасини деворга аста уриб-уриб кўярди. Унинг узук-юлук гаплари қулоққа чалинди. Эндриад «тушунмайман», деб уч-тўрт маротаба такрорлади.

Исмани «яширинча гапга қулоқ солиш одобдан эмас», деган ўйда ўзининг шу ерда эканини билдириш учун йўталиб кўйди.

Эндриадни гўё бир нарса чакиб олгандек, кескин ортига бурилиб, кўркканидан: «Ким бор бу ерда?» – деди кичкириб. Муюлишдан Исманига қараб ҳассасини ўқталди, ой шуъласида унинг кўлидаги ҳасса эмас, милтик экани маълум бўлди.

– Профессор, бу мен, Исманман... Аёлим билан сайрга чиккандик...

Эндриад кўлидаги куралини тушириб, уларнинг ёнига кела бошлади.

– Биласизми, ҳар окшом уйкуга ётиш олдида бу ерларни текшириб чиқаман... Ёнимда, албатта, кураол бўлади. Бу ажойиб кураолни менга майор Мирти тақдим этган. Американики. Аниқ нишонга олади.

– Нохуш ҳолатлар ҳам бўлганми?

– Худога шукур, ҳозирча бўлгани йўқ. Атрофни айланаман, назорат қиламан, ҳаёл сураман, ўзим билан ўзим гаплашаман... – у кадам босишга ҳозирланаётгандек бироз сўзлашдан тўхтади. – Ҳа, ўзим билан ўзим гаплашаман... режалар тузаман. Ростини айтсам, сизлар мени кўрkitиб юбординглар... – дея кулиб қўйди, сўнг казематни кўрсатиб: «Бу ҳақда эртага гаплашамиз. Мен сизларни унинг ичкарасига олиб кириб, кўрсатаман. Бу ишни кундуз кун қилганимиз маъқул. Чунки тунда... Тунда бунақа тоғ жойларда ўзимизни топганимиз дуруст», – деди.

– Нима, тунда бу ерда совук бўладими? – сўради Исмани.

– Совук ҳам бўлади, бошқа нарсалар ҳам...

Эр-хотин Исманлар Эндриад билан биргаликда уйларига етиб келгач, хайрлашдилар. Улар остонада турганча Эндриаднинг майсазордан шахдам кадамлар ташлаб кетаётганини томоша қилардилар.

– Эрманн, – деди Элиза. – У ким билан гаплашди экан-а?

– Ҳеч ким билан. Ўзи билан ўзи гаплашди. Кўплар ўзи билан ўзи гаплашади.

– У ерда кимдир бор эди. Ҳа, рост айтяпман, кимдир бор эди.

– Агар у ерда бирон кимса бўлганида, биз уни кўрган бўлардик.

– Мен биламан, у ерда кимдир бор эди. Кимнингдир овозини эшитгандек бўлдим.

– Овозини? Аммо мен эшитганим йўқ.

– Ҳа, овоз эшитилди. Фақат у галати овоз эди. Сиз шунчаки эътибор бермагансиз-да.

– Эҳ, Элиза, тилим бор деб гапиравермасанг-чи.

Эндриад, Стробеле ва Исмани хотини билан курилмани кўришга кетаётганларида куёш тиккага келиб колганди. Ҳаво очик, ҳар томондан кўзга ташланиб турган викорли тоғларни коплаган оппок кор офтобда яракларди.

Улар яйловдан ўтиб, ҳудуднинг тевараги пастак девор билан куршалган жойга яқинлаша бошладилар. Темир эшик олдида уларни катта техник Манунта кутиб олди.

Манунта эшикни очгач, ҳаммалари тор ва хира ёритилган йўлак бўйлаб юриб кетишди. Манунта бошқа эшикни очган эди, улар очик айвонга – ёруғликка чиқишди.

Эр-хотин Исманилар ва Ольга ҳайратдан тиллари калимага келмай, бир неча дақиқа сўзсиз туриб қолишди.

Қаршиларида тик, туби кўринмайдиган дарасимон чуқурлик пайдо бўлганди.

Бир вақтлар унинг тубидан сувлар тўлиб окқандир, эндиликда деворнинг юкорисигача бир-бирининг устига териб чиқилган ғалати курилмалар тагида чуқурлик деворлари кўринмай кетганди.

Минораларга ўхшаб куриб ташланган иншоотларнинг баъзилари Миср эҳромларини эсга соларди. Баъзилари кўприкка, яна бирлари каземаг ёки кичик кўприкчаларга ўхшаб кетарди. Гўё бутун бир шаҳар шу чуқурликка кулаб тушгандек. Иншоотлар чиндан киши аклини лол колдирарди. Уларнинг биронтасида ҳам дераза бўлмай, бари зич ҳолатда бир-бирини ёпиб олганди.

Улар яна бир гаройиб кўринишнинг гувоҳи бўлдилар. Энг ажабланарлиси, бу ерда тирик жондан ном-нишон кўринмасди.

Шунга карамай, бу жойлар ташландикка ҳам ўхшамас, аксинча, ташқаридан караганда ҳаёт асари куриган бу жойда пинҳоний ҳаёт жўш уриб турганлиги сезиларди. Бу ерда нималардир содир бўлаётгандек эди. Буни қай йўсинда билиб олиш мумкин дейсизми? Балки турли шаклдаги темир узатгичларнинг ҳаракатга келиб турганидандир? Ёки узук-юлук эшитилаётган шитирлаш, гувиллаш, гумбурлаш каби овозлар ўша ҳаётдан далолат берар? Балки дара четидаги панжара узра қад кўтарган темир антеннанинг тебраниб туришидир?

Устига-устак, буларнинг барчаси камдан-кам учрайдиган манзарани кўз олдингизда намоён этади. Бу манзара гўзаллигини таърифлашга тил ожиз. Аксинча, булар эҳромларга, ҳарбий истехкомларга, нефть ҳайдаш қурилмаларига, бино иситгичларига, қоронғи қамокхоналарга сира ўхшамасди. Тартибсиз ҳолатда қуриб ташланган бу миноралар, саройлар негадир инсон қалбига фараҳ бағишларди, унда гўё денгиз бўйидаги шарқ шаҳарларидаги каби дилга роҳат бағишловчи бир туйғу ва енгиллик мужассам эди. Булар нимани эслатади дейсизми? Исманининг кўз ўнгига гўё таниш манзара намоён бўлди: хаёлидан боғлару дарёлар, табиат манзараси тикилган кашталар, ҳаттоки денгиз ва ўрмонлар бирин-сирин ўта бошлади. Кўнглида унга тинчлик бермаётган қандайдир хавотирлик ҳам бор эди.

Сукунатни Ольга Стробеле бузди:

– Хўш, бу нима экан? – деди у қувнок оҳангда. – Электростанциями?

– Балли, – деди эри Ольгани унинг ишига кизикишидан мамнун бўлиб. – Бу гапни хотинига айтди-ю, Исмани томон ўгирилиб:

– Энди тушунгандирсиз, – деди.

– Балки, балки... – жавоб берди иккиланиб Исмани.

У ҳаяжонда эди. Хотини миқ этмай турарди. Бироз нарида эса тутқичга суянган ҳолда бор бойлигини томонша қилгандек Эндриад кимир этмай турар; у гўё ухлолмай туш кўраётганга ўхшарди.

Ольга Стробеле. Хўш. Бу нима ўзи? Билса бўладими?

Ольганинг жозибадор ва шу билан бирга киши ғашига тегувчи окшойи кўйлаги бутун қоматини кўз-кўз қилиб турарди. Кўйлагининг ўмизи одатдагидан чуқур бўлганидан, унинг ҳар бир ҳаракатида эҳтиёт бўлиш такозо этиларди.

– Ольга, – деб гап бошлади эри, – сен кўриб турган кўнғироқли кўрғон ёки минора, – у ўнг қўли билан антеннани кўрсатди, – бу дунёдан ажралиб қолган кичик ёпик салтанатдир.

Унинг гапи оғзида қолди. Антенна тепасидаги темир шар атрофида чуғурлашганча учаётган бир гала қушлар қандайдир хавф борлигини сезиб, бошқа томонга учиб кетдилар.

– Бир сўз билан айтганда, – табассум билан жавоб қилди Стробеле. – Бизнинг ўн йиллик меҳнатимиздан сўнг қад кўтарган бу иншоот аслида бизнинг қариндошимиз, жони-жаҳонимиз бўлади, у – тирик одам.

– Қани ўша тирик одам? – сўради Ольга.

– Мана шу тирик одам-да. Бу бизга ўхшаб яратилган машина.  
– Хўш, унинг боши қани? Қўли? Оёғи-чи?  
– Унинг ҳеч қанака қўл ёки оёғи йўқ, – деди Стробеле афти бужмайиб. – Унинг ташқи кўриниши аҳамиятли эмас. Гап бошқа ёқда. Ахир ҳаракатланиб «дада, ойи» деб айта оладиган кўғирчокни, оддий роботни ҳар қандай кўғирчок устаси ясаши мумкин, аммо бизга керак бўлгани, тушунасанми... бизга мана бу ерда содир бўладиган жараёнларни қайта акс эттира оладиган қурилма керак эди, – дея у кўрсаткич бармоғи билан пешонасини кўрсатди.

– Э, ҳа... Электрон мия! Мен газетада ўқигандим.

– Яхшилаб қарагин-а! – кизишиб деди эри. – Бу шунчаки электрон мия ёки ҳисоблаш машинаси эмас. Ўз-ўзидан маълумки, у ҳисоблашни билади, бу у кодир бўлган ишлардан биттаси, холос. Биз бу ажойиботни фикрлашга, фикрлаганда ҳам биздан яхшироқ фикрлашга ўргатдик.

– Биз қаби яшашга ҳам ўргатдик, – деди шу пайтгача индамай турган Эндриад.

– Яшашга дейсизми? Ахир у кимирламай, қокқан қозикдай бир жойда кўзгалмай турибди-ку.

– Азизам, – деди Стробеле. – Хўш, кимирламай турган бўлса, нима қилибди? Инсонни ҳам кимирлай олмайдиган даражада ерга парчинлаб қўйсанг, у инсон бўлмай қоладими?

– Нега бунчалар баҳайбат қилиб қурмасангиз? Бу одам эмас, бутун бир шаҳар-ку.

– Тагинам мўлжал қилганимиздан анча кичик. Дастлабки лойиҳа бўйича асбоб-ускуналар мажмуаси Парижга тенг келадиган майдонда қурилиши мўлжалланган эди. Аммо биз мўъжиза яратдик. Қаранг-а, кўз ўнгимизда унинг арзимас қисми кўрниб турибди, қолган асосий қисми ер тагида. Бу жуда баҳайбат қурилма. Яратилган одам ҳам ҳаддан ташқари семиз бўлиб чикди...

О л ь г а . У билан гаплашса бўладими?

– Синаб кўришимиз мумкин. Бунинг бизга аҳамияти йўқ. Биз, масалан, ёруғликка, товушга, рангга, туртганга жавоб берадиган ва ўзларини ақлли тута оладиган роботларга ўрганиб қолганмиз. Бу ерда эса ундан ҳам ортиқроқ бир нарса яратдик. Аввало, бу беш ҳиссиётдир. Бизнинг робот, сенинг тилинг билан айтганда, кўра олади, эшита олади ва ташқи таассуротни ҳам сезади.

– Таъмни-чи, таъмни ҳам сезадими? – сўради Исмани.

– Ҳа, сезади.

– Ҳис ҳам қила оладими?

– Ҳис ҳам қила олади. Манави ёлларни кўряпсанми? Антенна-ларни-чи? Улар нарсани тегиниш орқали сезади.

И с м а н и . Агар мен тўғри тушунган бўлсам, сизлар бу мах-сулотга, қурилмага ёки уни қандай деб аташ мумкинлигини бил-мадим... шахсинг айрим фазилатларини беришга ҳаракат қилганга ўхшайсизлар.

– Баъзи бир ўзига хосликларни, десак, тўғри бўларди, – деди Стробеле.

– У аёлми ёки эркак? – сўради Ольга. – Гаров ўйнайман, бу...

Стробеле ёш боладек қизариб кетди.

– Э-э-э. Қайси жинсга мансублиги биз учун... унчалик муҳим эмас.

И с м а н и . Сизлар бу ерда нимадандир андоза олдингларми, ин-сонга ўхшатишга ҳаракат қиляпсизлар?

Майда паға-паға оқ булутлар шимол томон сузмоқда эди. Ана шу булутлар сояси чуқурликдаги баҳайбат қурилма устига тушиб, қандайдир бир ажойиб кўриниш касб этганди.

– Очигини айтсам, – деди Стробеле, – мен нима десам экан-а...

– Хойнахой, ўзларингизга ўхшатиб қурган бўлсангиз керак, – деди Ольга. – Сиз олимлар доим ўзингизни даҳо деб ҳисоблайсизлар-ку.

– Бизми? Бунга жавобни Эндриад беради.

Шу пайтгача зина туткичидан ушлаб турган Эндриад бу гапни эшитиб, чўчиб тушди.

– Менми? – деди тўсатдан уйқудан уйғонган одамдек. – Кечира-сизлар. Мен бориб кўриб келишим керак...

У жарлик устида осилиб турган тор шийпон бўйлаб юриб кетди-да, кўздан ғойиб бўлди.

– Унга нима бўлди? Қайфияти бузилдими? – сўради Ольга ним табассум қилиб турган Манунтадан.

– Йўқ, йўқ, – деди тўладан келган катта техник кувноқлик билан. – Ўзини доимо шундай ғалати тутади. У катта олим-да...

– Истараси иссиқ одам экан, – деди Элиза Исмани, гўё Ольга-нинг икрорини кутгандек.

– Нимасини айтасиз, – деди Ольга. – Кўрар кўзга шунақа, асли-да учрагани доғда қолдириб, янчиб кетади.

Стробеле барчанинг диққатини ўзига тортиш учун йўталиб кўйди.

– Энди курилма идрокини текшириш учун кичик сенсор тажриба ўтказиш мумкин.

– Уни чақирсак эшитадими? Жавоб берармикан?

– Ольга, сен яна ўз билганингдан қолмай, каёқдаги бемаъни саволларни берасан-а, – деди Стробеле. – Биздан фаркли ўларок, муаммога сен бутунлай бошқа тарафдан ёндашяпсан! Жавоб берадими, бермайдими, бунинг бизга фарқи йўқ. Унинг вазифаси ҳаракат қилиш эмас, ўйлашдан иборат.

– Лекин у бизнинг гапимизни тушунадими, деб сўраяпман.

– Тўғрисиини айтадиган бўлсам, бу саволингга жавоб бера олмайман. Техник нуқтаи назардан у тушунмаслиги мумкин. Бирок... бирок биз бу машинада ақлимиз етмаган жойлар ҳам мавжудлигини айтган эдик... Мен ажабланмайман, агар...

– Унга нима деб исм кўйгансизлар?

– Истаган ном билан атаса бўлади. Ҳужжатда унинг номи «Биринчи рақам». Мен уни «Дўстим» деб атаيمان, Манунга «Ойимқиз», Эндриад эса оддийгина қилиб «машина» дейди.

– Машина?

– Ҳа, машина. Қайфиятимиз чоғ бўлган вақтда эса кизларнинг номи билан чақиради.

– Қизларнинг номи? Қайси ном билан?

– Ҳар хил номлар билан. Ҳозир ёдимда йўқ.

Ҳамма бир томонга ўгирилди. Шийпон муюлишида ғойиб бўлган Эндриад орадан анча вақт ўтгач, кўрғоннинг бир қанотини эгаллаб турган узун шийпон тепасида пайдо бўлди. У тўхтади-да, темир тутқични ушлаб, хиёл энгашганча ким биландир гаплашгандек бўлди.

– У ким билан гаплашяпти?

Стробеле. Ҳойнаҳой, ўзи билан ўзи гаплашаётган бўлса керак. Бу унинг эски одати.

– Э-ҳа, ўзи билан ўзи гаплашиши рост экан-да, – деди Элиза Исмани. – Биз бундай ҳолатга кеча окшом гувоҳ бўлгандик. Тўлин ой ёғдусида сайрга чиқиб, уни учратиб қолдик. Аввалига биз би-

роз чўчидик. У гапириб келар, гапиргандаям баланд овозда гапирарди.

– Кечирасиз, – унинг гапини бўлди Ольга. – Жанкарло, бу машина гапирадими?

– Оддийгина қилиб айтганда, йўқ, у гапира олмайди. У тил билмайди. Бунга ишончимиз комил.

– Унга тил ўргатиш мутлақо мумкин эмас. Тил – теран ақлнинг ашаддий душмани. Ўз фикрини тил орқали ифода этишга интиланган инсоннинг бошига жуда кўп кулфат тушган...

– Бундан чиқди, «дўстингиз» соқов экан-да?

– Манунта, сен тушунтиргин, – дея Стробеле катта техникдан илтимос қилди. – Хўш, айт-чи, бизнинг «дўстимиз» соқовми?

– Э-э, профессор, – Манунта мулойимлик билан бармоғини нуқиб пўписа қилиб қўйди. – Сиз устимиздан куляпсиз-у, барчасини биздан яхши тушуниб турибсиз... Мана ҳозир ҳам... – у бармоғини лабига босди-да, «жим бўлинглар» дегандек ишора қилди. Барча жим бўлди. Шу тоб сувнинг шилдираши ё мунгли ғичирлаш ёки бўғиқ нолага ўхшаш ғайритабиий бир товуш эшитилди. У дам қучайиб, дам пасайган йиғи овозига ўхшаб кетарди. Борган сари турли товушлар бир-бирига қўшилиб, киши ғашини келтирадиган ғижирлашга айланди. Бу нима ўзи? Овозми? Ёки аппаратларнинг ёқимсиз шовқиними? Ё қандайдир хабар келяптимикин-а? Ё қурилма фикрлай бошладими? Балки бу қулги овозидир?

– Шунақами? – сўради Стробеле катта техникдан.

Манунта бош чайқади.

– Сен ҳаммасини биласан-а? Эшитишимча, сен бу тилни она тилингдек билармишсан. Қани, таржима қилиб бер-чи! У нима деяпти?

Манунта ўзини оқлай бошлади.

– Мен ким бўпман? Мен ниманиям тушунардим? Ахир мен ўшанда хазиллашган эдим... Мана, профессор Эндриаддан сўрасангиз, бу бошқа гап...

Манунтанинг бу гапидан Стробеленинг энсаси қотиб, афти бурушди.

– Сизлар!.. Сизлар – тентаксизлар! Сен ва сенинг ноёб Эндриадинг ҳам. Сизларнинг гапингизни эшитган одам... – деб Стробеле хотини томон ўгирилди: – Ўйлайманки, сен бунинг гапига ишонмайсан. Булар асбоб-ускуналар: клапанлар, селекторлар, орқага



кайтаргувчи механизмлар. Ўз-ўзидан маълумки, улар ишлаганда шовкин чикаради, холос.

– Кечирасиз, бу-чи? – сўради Элиза Исмани.

– Нимани айтяпсиз? – сўради Стробеле.

– Сиз эшитяпсизми?

Ингичка овоз бирдан тинчиб, баҳайбат курилма жойлашган чукурлик устида яна сокинлик ҳукм сура бошлади. Аммо буни сокинлик деб бўлармикан?

Эътибор қилмасангиз, буни сокинлик деса бўларди. Сўнг аста-секин мана шу сокинлик ичра билинар-билинемас акс-садо эшитила бошлади. Гўё машиналар мажмуасидан, даҳшатли дарадан ҳаёт садолари, ғалати тебраниш, англаб бўлмас нурланиш таралаётгандек эди. Бу аралаш-куралаш товушни эшитиб ўрганмаган кулоқ дархол илғаб ололмас ва унинг аслида мавжудлигига ҳам ишониб бўлмасди. Товуш денгиздаги сувларнинг тўлқинланишига ҳам ўхшаб кетарди. Уни шамолнинг гувуллаши дейсизми, атмосфера ҳаракати дейсизми, барибир. Чунки дунёда ҳали шу вақтгача тоғтошлар, истехкомлар, лабиринтлар<sup>1</sup>, калъа ва ўрмонлар кўшилиб кетиб, сон-саноксиз шаклдаги бу аралаш-куралаш товушларни босиб кетолмаганди.

Бу омукта товуш шовкин ёки нафас олишдан фаркли равишда кўзга кўринмас бутун вақт оқими давомида сезилиб турар, гўё у барча иншоотлар қобиғи остида ўз вақти-соатини кутиб ётган сон-саноксиз полклардан иборат кўшин қаби беркиниб ётган ёввойи кучга эга эди. Бу ёввойи куч эгаси аллақандай даҳшатли махлук эмасди, йўқ, у ёқимли куйдан кейинги ҳолат қаби, кишига ҳаётбахш орзу ҳадя қиларди.

– О, нималар бўляпти ўзи? – деди Ольга Стробеле. – Бундай овозни умримда эшитмаганман. Жуда кўрқинчли овоз экан.

– Нимаси кўрқинчли? – эътироз билдирди Элиза Исмани. – Ёқимли-ку. Мен... Нима десам экан... Менга бу овоз.. Менга бу овоз... Аниқ бир нарса деёлмайман... Ғалати...

– Тўхтанг-тўхтанг, – сўз қотди Стробеле унинг гапларига эътибор бермай. – Кичик тажриба. Исмани, сиз жойингиздан кимирламай туринг.

Стробеле ёки Манунта қандайдир сирли тугмачани босишди-ми ё фотоэлементни ишга солишдими, ёки қандайдир механизмни

<sup>1</sup> Лабиринт – эгри-бугри йўллар.

харакатга келтирувчи формулани айтишдими, Исмани тушунмай колди.

– Кўриш хотираси билан боғлиқ бўлган кичик бир тажриба ўтказамиз, – деди Стробеле. – Қани-қани...

Стробеле гапираётганида айвонни тўсиб турган кўпгина шийпонларнинг ёки коммутатор, ё бўлмаса, казематнинг девориданми, оч сариқ тусли нурсиз темир антенна эгилганча тўпланганларга яқинлаша бошлади. Унинг учида юмшоқ мўйкалам тукига ўхшаш бир тутам нарса осилиб турарди.

Пантограф<sup>1</sup> ёрдамида антенна ҳеч қандай овоз чиқармай Исманига яқинлашиб кела бошлади ва унинг учидаги бир тутам нарса аста у томон чиқа бошлади. Шунда у сон-саноксиз юмшоқ симлардан иборат эканлиги маълум бўлди.

– Исмани, сен ҳаддан ташқари узокда турибсан. У сенинг олдинга боролмайди. Яқинроқ кел.

Антенна гўё бир нарсани кидираётгандек, тепага ва пастга ҳаракат қиларди.

Исмани иккиланганча кулиб қўйди.

– Келинлар, мен бора қолай, – деди Ольга кутилмаганда, сўнг шундоққина сим боғлами ёнига келиб турди.

Темирдан ясалган қўл аста пастлаб, бир тутам сим Ольганинг боши устига келиб тўхтади; сўнг янада пастлаб, аёлни белигача симлар билан чирмаб ташлади.

– Вой, қитиғим келяпти! Вой-вой, бунча ёқимсиз-а!

– Бўлди, хоним, етарли, бу ёққа келинг, – деди саросимага тушиб Манунта.

Антенна Стробеле хонимни ўз ҳолига қўйиб, юқорига кўтарилди. Ольга гўё жиркангандек, кескин ҳаракат қилиб нари кетди.

Ольга сочларини тартибга солди. У кулса-да, лекин кўркқанидан ранги оқариб кетганди.

Шу топ атрофга таралган ғалати садо билан биргаликда аввал ҳам эшитилган ғижиллаш овози кулоққа чалинди. Бу овоз янада кўтарилиб, атрофга акс-садо тарата бошлади, сўнг яна аста-секин пастлаб, охири бутунлай тиниб қолди. Бу машиналарнинг гувулла-

---

<sup>1</sup> *Пантограф* – чизма, план ва ш.к. масштабини ўзгартириб кўчириш учун қўлланиладиган асбоб.

шими? Аввал кучайиб, сўнг пасайган овоз ниманингдир тебранишидан хосил бўлдимикан? Ҳа, шундай.

Ҳаммалари жим бўлиб қолдилар.

Стробеле. Манунта, назаримда сиз ниманидир тушуниб турибсиз. Бу нима ўзи?

Манунта (унинг кесатиб кулишига эътибор бермай). Ким билади дейсиз? Айтиш қийин... Назаримда... Йўқ, мен ҳеч нарсани тушунмадим... – Сўнг ўйлаб, қўшимча қилди: – Менимча, у кулаётган эди.

– Мен совкотдим, – деди Ольга Стробеле.

– Совкотдим дейсизми? Шундай иссиқ ҳавода-я?

– Ҳа, совкотяпман. Мен уйга кетаман.

– Нахотки кўрккан бўлсангиз? Ахир бу ўйин-ку, – деди Стробеле гўё Исмани олдида ўзини оклаётгандек бўлиб. – Очиғини айтганда, бу бизнинг ускуналар билан ўтказган биринчи тажрибамиз. Ольга, хоҳласанг уйга кетавер. Биз Исмани билан суҳбатлашамиз.

Икки аёл уйлари томон кетдилар. Манунта уларни кузатиб қўйди.

Айвондан ўтиб кетаётганларида улардан чамаси йигирма метр узокликдаги ем-хашак омборига ўхшаш иншоот томондан темирнинг гийкиллаган овози эшитилди. Ҳамма овоз келган томонга ўгирилди. Лекин атрофда эътиборни тортувчи ҳаракат кўзга ташланмас, ҳатто мўйқаламли антенна ҳам қилт этмай турарди.

### ХIII

Азизим Исмани, бундан кўп йиллар аввал, – хикоя қила бошлади Эндриад, – ҳали диплом химоя қилмасимдан, ёшлик чоғимдаёқ мени доим бир муаммо қийнаб келарди: ақл билан килинган ишнинг қандай самара бериши фақат инсонга боғлиқмикан? Нахотки, биздан ташқарида ҳаммаёқ зимистон бўлса? Ёки биздаги мавжуд ҳамма нарса бошқа ерда ҳам бор бўлиши мумкинми?

Улар иккови Эндриаднинг меҳмонхонасида ўтиришарди. Девор соати вақт икки ярим бўлганини кўрсатиб турарди. Атроф жимжит, лекин узокдан шаршара овозига ўхшаш аллакандай шовкин элас-элас кулоқка чалинарди.

– Сиз роботни назарда тутяпсизми? – сўради Исмани.

– Шошманг. Сиз бирон марта минг йиллардан бери давом этиб келаётган ғалати ҳаёт оқими ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Авваллари

биз ким эдик? Содда, ҳис-туйғуларимиз бўлса-да, лекин унча тараккий этмаган одамлар эдик. Биз ақл билан тушунадиган нарса ҳали пайдо бўлмаган. Аниқроқ килиб айтадиган бўлсак, у ҳали кичкина, милтиллаган шуълага ўхшаб, унинг ўсимлик дунёсидан фарки аранг сезиларди. Ҳурматли Исмани, мени тўғри тушунишингизни сўрайман, гапларимда илмий сўзлардан унчаям фойдаланаётганим йўк. Сиз мана бу хўжалик ҳақида ўзингиз тўғри тасаввур ҳосил килишингиз учун мен айрим кочиримларни ишлатмоқчиман. Сизнинг аҳволи-руҳиятингизни, саросимага тушаётганингизни тушунмаяпти, деб ўйлаяпсизми мени? Ҳисоб-китобларга, таассуротларни кайд этиш ва эслаб қолишга, кулиш ҳамда йиғлашга, аксирриш, масалаларни ечишга кодир бўлган робот ва ақл устидан масхаралаш мақсадида шундай ишлар қилинган бўлса, унда бу ғирт тентаклик, жинойткорона аҳмоқлик бўлур эди. Хўш, унда нима бўларди? Унда минг йиллар давомида эволюция содир бўлиб, фикрлаш қобилияти ривожланар ёки ҳеч бўлмаганда шартли рефлекслар, ҳис-туйғулар тараккий этиб борарди... Гапларимни тушуняпсизми? Бу чеки-чегараси йўк тараккиётнинг қандайдир бир нуқтасига етиб келинганда – тўсатдан! – олам тараккиёти ўзининг ғаройиботлиги билан инсонни лол қолдирувчи ҳодиса рўй берди.

Исмани кулиб юборди.

– Инсонми?

– Ҳа, инсон, – тасдиқлади Эндриад. – Унда бор-йўғи бир неча миллион йиллар давомида катта тезлик билан маълум даражада ўзгаришлар содир бўлди. Нотабний ривожланиш юзага келди ва у аввалги лойиҳаларда назарда тутилганлигига мен шубҳа қиламан, у қолган нарсалар билан унча боғланмаган.

– Ўзгаришларни айтяпсизми?

– Ҳа, ақл тобора тўлиша борди. Қалла катталашди, асаб толалари ҳаддан ташқари мураккаблашиб кетди. Бир сўз билан айтганда, инсон ақл-заковати борган сари бошқа мавжудотлар ақл-заковатидан ўзиб кетди. Ҳурматли Исмани, сиз буни худонинг иши деб айтарсиз. Майли, шундай деб ўйлай қолинг. Бу ҳолатни объектив кўриб чиқишдан унинг мазмуни ўзгармайди.

– Лекин мен уларнинг орасида алоқа борлигини кўрмайман. Шошманг... Яна бир нарса бор, бу мутлақо барчага аён нарса. Буни мен ўзим сизга тушунтириб бермоғим лозим. Шундай килиб... Инсон мияси ҳаддан ташқари ривожланиб, унинг асаб тизими ва ҳис-

туйғуларининг мураккаб аппарати бир сонияда... Ҳурматли ҳамкасб, қандайдир бир сонияда кўз ўнгимизда туткич бермас элемент пайдо бўлади, у тананинг самарасиз ривожланиши бўлиб, кўзга кўринмас, аммо янги ҳосила беради, унинг на оғирлиги, на шакли бор, буни биз илмий тил билан айтадиган бўлсак, унинг мавжудлигига ўзимиз ҳам ишона олмаймиз, аммо у бизни кўп изтиробларга солади: бу қалбимиздир.

– Демак, бу Биринчи Ракам?

– Яна бироз сабр қилинг. Асосий масалага яқинлашяпман. Хўш, агар биз қайси тилга мансублигидан қатъи назар, бизнинг фикрлаш фаолиятимизни акс эттира оладиган, ўз олдига масалалар кўйиб, кам хато қилиб, инсонга қараганда анча тезроқ ҳал эта оладиган машина ярата олсак, шунда ҳам ақл-заковат ҳақида гапиришимиз тўғри бўлармикан? Йўқ. Ақл-заковатнинг мавжудлиги учун озгина бўлса-да, эркинлик ва мустақиллик талаб этилади. Аммо, биз...

– Агар биз Биринчи Ракамни курсак демокчимисиз?

– Ҳа, топдингиз. Агар биз уни курсак... биз унинг уддасидан чиқдик, деб айтаётганимиз йўқ... Агар бизнинг ҳис-туйғуларимизга эга бўлган машинани курсак, бунинг нимаси ёмон? Бу – маблағ, вақт ва меҳнатни талаб қиладиган масала. Агар биз уни кура олсак, унда бу кўкларга кўтарилган маҳсулот, бу сезилмас моҳият бўларди – мен фикрни, ҳатто тушларда ҳам тинчлик бермайдиган гояларни назарда тутяпман. Устига-устак, нафақат фикр, балки унинг индивидуаллиги, яъни йўқ нарсадан бор бўлиб, вақти-вақти билан кўрғошин каби бизни эзадиган қалб пайдо бўлади. Сиз, балки бу қалб бизникига ўхшамас дерсиз? Хўш, нима учун? Унинг тана қобиғи этданми ёки темирданми, нима фарқи бор? Тош ҳам ўз ҳаётига эга эмасми?

Исмани бош чайкаб қўйди.

– Бизнинг суҳбатимизни жаноб Рицьери эшитса борми?!

– Эшитса нима бўпти? – деди қулиб Эндриад. – Бу ерда ҳеч қандай илоҳиётга оид муаммо йўқ. Нахотки худога бу ишимиз ёқмаса? Ахир барчаси – материализм ҳам, детерминизм ҳам унинг хоҳиши билан содир бўлмайдами? Бу ерда бошқа муаммо бор. Динга ҳеч қандай шак келтирилмайди. Аксинча, бу табиатнинг инсонга берган жазоси, дейилади.

– Бу – табиатнинг қарғишига қолиш. Такаббурлик – катта гуноҳ, – дейдилар улар.

– Табиатнинг қарғиши?! Лекин бу унинг тўла ғалабаси бўлади-ку.

– Хўш, ундан кейин-чи. Бу мушкул иш нима бериши мумкин?

– Азизим Исмани, мақсад – инсон қачонлардир журъат этган энг олий орзуларидан ҳам устун туради. У шу даражада улкан, шу даражада кўркем, сўнгги нафасинг қолгунча ўзингни унга бағишлагинг келади. Кўз олдингизга келтиринг-а, бу мия бизникига нисбатан дурустроқ, қобилиятлироқ, мукамалроқ, ақллироқ бўлган кунни бир тасаввур қилинг-а... Ўша кун содир бўлармикин?! Буни нима деб атасак бўларкин? Хуллас, ақл бовар қилмайдиган ҳис-туйғулар ва ақл кучига яраша мислсиз руҳият ҳам бўлади. Бу тарихда эса қоларлик кун бўлиб қолмайдими?! Машина ўзидан дунё ҳали кўрмаган мислсиз руҳий куч ёғдириб туради, бизнинг фикримизни ўқий бошлайдиган мўъжизалар яратади, қалбимиз тубидаги сирларни оча бошлайди.

– Бир кун келиб роботнинг фикрлаш тарзи сизнинг назоратингиздан чиқиб, мустақилликка эришса-чи?

– Мен ана шунга интиляпман-да. Бу ғалаба деган сўз. Озодликсиз руҳ қандай руҳ бўлди?!

– Агар у биз каби қалб эгаси бўлиб, бизлардай айниб кетса-чи? Уни бу йўлдан қайтаришнинг иложи бўладими? Ва у ўта ақллилиги туфайли бизни алдамайдими?

– Ахир у бекаму кўст яратилган бўлади-ку, худди Одам Атодек. Ана шунда-да унинг устунлиги! У аввалбошданок гуноҳдан холидир.

Эндриад жим бўлиб қолди. Исмани саросимага тушганча иягини кашларди.

– Демак, сизнинг Биринчи Рақамли ускунангиз аслида...

– Худди шундай. Уриниб кўриш... Бунга тўлик асосимиз бор...

– У худди биз каби фикрлашини назарда тутяпсизми?

– Шундай.

– У қандай қилиб тушунтиради? Қайси тилда?

– Ҳеч қандай тилда. Ҳар қандай тил фикр учун қопқон. Биз асосий элементлардан келиб чиққан ҳолда инсон ақлий функциясини яратдик. Сўз билан белгиланган предмет ўртасидаги алоқа

моделини бевосита фаолият модели билан алмаштирдик. Бу ўша Чекатьевнинг эски дохиёна тизимидир. Ҳар қандай фикрлаш доираси чизма кўринишга ўтказилади. Бу эса унинг тараккиётининг бошидан-охиригача ва шу билан бирга уни яхлитлигича кўриш имкониятини беради. Яъни биз тилдан фойдаланмай, фикрнинг тамга шаклига эга бўламиз.

– Бунда сиз нимадан фойдаланасиз?

– Оҳанрабо симидан, унинг ёрдамида биз кўрғазмали схемага эга бўламиз.

– Уни қандай тушунса бўлади?

– Бунинг учун тажриба бўлмоғи лозим. Масалан, мен уларни равон ўқий оламан. Тўғри, уни ўрганиб олиш осон эмас. Аввало товуш ёрдам беради. Оҳанрабо симларидан фақат жадвал эмас, товушлар ҳам келади. Катта тажриба орттирилса, уни тушуниш осон.

– Эндриад, сиз ўзингиз уни тушунасизми? Айтайлик, қандайдир ҳуштак чалиш, увиллаш овозларини назарда тутяпман.

– Ҳа. Баъзан мен бунинг уддасидан чиқаман. Бу фикрнинг садосидир. Ҳаяжонга солувчи ғалати туйғу, гарчи ҳамма нарса идрокка боғлиқ бўлса ҳам.

– Масалан, янги одам билан Биринчи Рақам қандай мулоқот қилиши мумкин?

– Азизим Исмани, айнан шу нарса сизнинг вазифангиздан бири ҳисобланади. Иложи борича фикрлаш операцияси луғатига ўхшаш бир нарса тузиш керак. Ҳар бир белги комбинациясига мос келадиган сўз топиш керак.

– Эндриад, сиз машина билан қандай гаплашасиз? Нима, у бизнинг тилимизни тушунадими?

– Буйруқлар ва бошқа ахборотлар унга перфокарталар орқали киритилади. Аммо у, қисман бўлса-да, нутқни идрок этиши эҳтимолидан холи эмас.

– Бу даҳшат-ку.

– Азизим Исмани, тушуниб турибман. Сиз ишонмаяпсиз. Қис-ман сиз ҳақсиз. Зарари йўқ. Ўз кўзингиз билан кўрасиз ҳали. Биз анча илгарилаб кетганмиз. Аминманки, биз мақсадимизга етдик. Қийинчиликлар ортда қолди. Бу ёғи енгил кечади. Ҳа, биз ўта қудратли, илоҳий куч даражасидаги одам яратамиз. Айнан шу йўлдан бориб, ўзимизнинг ғариб ва ёлғизлигимизни енгамиз.

– Сиз бу йўлдан боришдан кўркмайсизми? Ахир эртами-кеч, бу мияда содир бўлаётган барча нарсани назорат қилишнинг сира иложи бўлмай қоладиган фурсат келади-ку.

– Тўғри. Биз бунга дуч келдик. Аммо хавотирга ўрин қолмади. Бизнинг маълумотларимиз қониқарли. Тинч ухласак бўлади.

– У-чи?

– Нима, у-чи?

– У кечалари ухлайдими? Ёки мутлақо ухламайдими?

– Ухлайди, деб айтолмайман. Очиғи, мудрайди, тунлари унинг фаолияти сусайгандек бўлади.

– Сиз электр қувватини пасайтирасизми?

– Йўқ, йўқ. У гўё чарчагандек ўзи тинчланиб қолади.

– Тушлар ҳам кўрадими?

#### XIV

Июнь ойининг ажойиб тонги. Соат ўнлар чамаси. Исмани, Стробеле ва Манунта Биринчи Ракамнинг сир-асрорлари хақида суҳбатлашаётганларида нима билан машғул бўлишини билмай турган Элиза Исмани Эндриаднинг рафикаси билан учрашишга аҳд қилди.

– Бу ерлар жуда гўзал, зерикмайсан киши, – деган эди Эндриаднинг хотини биринчи бор танишганларида. – Лекин биз аёллар баъзан нима қиларимизни билмай, зерикиб қоламиз. Зерикиб, ёлғизланиб қолганингизда бизникига келаверинг, эшигим доим очик, ҳатто эрталаб ҳам. Эрта тонгда гулларимни суғораман, келсангиз, гулзоримни сайр қилдираман.

У бу гапларни самимий ва чин дилдан айтганлиги учун Элиза Исмани келган кунларининг эртасигаёқ Эндриадларникига йўл олди. Эрта тонг эди. Эсда қолган июль тонги.

Эндриаднинг уйи ям-яшил ўтлоқзор қопланган тепаликнинг юқорироғида жойлашган: ўнг тарафда, юз метрлар нарида махфий иншоот чегараси кўзга ташланиб турарди.

Уй эшиги қия очик эди. Эшиқда қўнғирокнинг тугмасини топмагач, Элиза бироз туриб қолди. Афтидан, уйда ҳеч ким йўққа ўхшарди.

– Мумкинми? Ким бор? – ниҳоят баланд овозда сўради Элиза.

– Кириг! – хушламайроқ жавоб қилган эркак кишининг овози эшитилди.



Элиза эшикни очиб, ортикча жихозлар бўлмаган кенг меҳмонхонага кириб борди. Бу ерда иккита диван, бир нечта мўъжазгина тўкима оромкурси, ёзув столи, кўзгу ва деворга осилган қадимги суратлар – хона ана шундай оддий безатилган, шинам ва осойишта эди.

– Мумкинми? – қайта сўради ҳеч кимни учратмаган Элиза.

Бошқа эшик очилиб, ичкаридан Эндриад чикиб келди. У галстуксиз, эгнига эски свитер кийиб олганди.

– Э-ха, яхшимисиз? Сиз Лучананинг олдига келганмидингиз? У боғда бўлса керак. Ҳозир уни чакираман.

Эндриаднинг юз кўринишидан меҳмон келганини хушламаётгани шундоқкина сезилиб турарди. Унга халақит бериб, муҳим ишидан чалғитганлари ёкмасди. Унинг нигоҳида, гап оҳангида, хатти-ҳаракатида кеча кечкурун танишган пайтларидагидек бесаранжомлик яққол кўзга ташланарди.

– Марҳамат, – деди Эндриад Элизага.

Диванга яқинлашаркан, Элизанинг нигоҳи ёзув столи устидаги журнал ва китоблар орасидаги кумуш гардишга солинган кичик суратга тушди.

Элиза ҳайратдан донг қотиб қолди. Суратни дурустроқ кўриш мақсадида бироз энгашди ҳам.

– Кечирасиз, – деди Элиза. – Лекин мен онт ичиб айтишим мумкин, бу... Ахир бу ўша-ку! Кўзларимга ишонмайман, бу ўшанинг ўзи!

– Ким? – кизиқиб сўради Эндриад.

– Менинг кадрдон дугонам. Лаура... Лаура де Марки.

Саросимага тушган Эндриад Элиза томон қадам ташларкан:

– Сиз уни танирмидингиз? – деб сўради.

– Жуда яхши танийман. Деярли ўн йил биз бирга яшаган эдик. Ажралмас мактабдош дугоналар эдик. Уларнинг оиласи Швейцарияга кўчиб кетгандан буён биз кўришмадик. Лекин қандай қилиб...

Эндриад ҳайрат тўла кўзини Элизадан узолмай қолди.

– Бу менинг биринчи хотиним, – гўлдиради Эндриад.

– Йўғ-е?

Элиза Исмани буни энди эшитиши эди.

– Демак, сиз уни жуда яхши билар экансиз-да? – тусмоллаб сўради Эндриад.

– У менга синглимдан ортик эди. Бирок хозир... Орадан ўн беш йиллар ўтди. Ундан ҳеч қандай хабар йўқ. Алоқамиз узилган...

Эндриад, гўё хотиралар гирдобида сузаётгандек, жим бўлиб қолди. Сўнг аста қулиб кўйди.

– Лауретта, – деди у оҳиста. – Лауреттанинг орамиздан кетганига ўн бир йил бўлди.

– Орамиздан кетганига?

– У ҳалок бўлди. Автомобиль ҳалокатига учради.

Элиза бироз сукут сақлаб, сўради:

– Сиз рулда эдингизми?

– Йўқ, мен эмас, бошқа одам... Мен уни тун бўйи кутдим. Турган-битгани даҳшат эди. Эрта тонгда полиция бу ҳақда хабар берди. Икковлари ҳам бир зумда у дунёга равона бўлибдилар. Лауретта ва хайдовчи, – у сўнгги сўзни алоҳида урғу билан айтди.

Элиза руҳан тушқунликка тушиб қолсам керак, деб ўйлаган эди. Аммо бундай бўлмади. Лауретта! Бу узоқда қолган бир сиймо. Эртаси. Балки у бу дунёда бўлмагандир? Ахир орадан шунча йил ўтиб кетди-ку.

Унинг қаршисида турган инсон шак-шубҳасиз изтироб чекмоқда эди. Эндриаднинг чеҳраси тундлашди.

– Ўша, – аста такрорлади Эндриад. – Сизнинг кўзингизга қараб нимани ўйлаётганингизни фаҳмлаяпман. Ўша. Балки мени ҳеч нарсадан хабари йўқ, деб ўйларсиз? Очигини айтганда, билмаган деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Ахир сиз унинг дугонасисиз-ку, айтингчи менга, уни айблаш мумкинми? – деди Эндриад Элизанинг билмаганидан маҳкам ушлаб. – Ҳойнаҳой, ҳамма менинг устимдан қулган бўлса керак. Бу галварс Эндриад кўкларга парвоз этиб, хотинининг қилаётган ишларидан беҳабар бўлса керак... Қандай қилиб кўрмаслик, билмаслик мумкин! Тўйдан сўнг орадан бир йил ҳам ўтмаганди. Қочиримли сўзлар, шамалар, беркитикча гаплар... Сўнгра исботлар... Тушунаясизми, далиллар кўп эди. Шундай исботлар бўлдики, кўриб кўрмасликка олишим мумкин эмасди. Яна нима десамикин? Лекин мен... Мен аянчли ва ночор аҳволга тушиб қолдим. Усиз яшай олмасдим! Ундан ажралиб қолиш фикри... Ох, мен қандай бахтиёр эдим-а! Лекин буни кейинчалик тушуниб етдим.

Буюк дахо Эндриад диванга чўкди-да, икки кўли билан юзини беркитиб олди. Овоз чиқармай йиғлаётганидан елкалари титрай бошлади.

Элиза хайрон бўлиб қолди: дугонасининг қилган қилмишидан хижолат ҳам тортмади. Ўзига-ўзи хайрон қолди. Бу воқеа Лаура учун мутлако табиийдек туюлди.

– Жаноб Эндриад, олдингизда хижолатдаман... менинг айбим билан...

– Исмани хоним, сиз мени тўғри тушуняпсиз-а? Лаура, Лауретта исмли тентак аёлни эслаяпсизми? Ахир у ғирт аҳмоқ эди. – Эндриад жилмайиб кўйди. – Кечкурун уйга қайтиб келганимда, унга бир қарашдаёқ ҳаммасини сезардим. Ҳа, у менга доимо хиёнат қилиб келаётганини жуда яхши билардим. У мени алдарди. У мени қанчалар алдагани ёлғиз худога аён. Аммо барибир... Унинг бир қур қарашидан, гапининг оҳангидан ҳамма нарсани тушуниб олардим. Унинг болаларча қулиши, ахир сиз унинг табассумини эсласангиз керак, унинг хатти-ҳаракати, қадам ташлаши, ўтиришию ухлаши ва ювиниши қандай эди?... Ҳатто унинг йўталиб, аксириши ҳам кишини мафтун этарди. Лекин ёлғон гапириши... Буни ёлғон деб атаб бўлармикан? Лаура шундай эди. Қулганида, менга суйқалганида буни қандай ёлғон деб бўларди!.. Нима деяётганимни тушуняпсизми?

– Ҳа, мен уни кўз олдимга келтиряпман.

– Ғўр. Ҳайвон. Ёғду эди. У навнихол, мисоли гул эди. – Эндриад энди ўзи билан ўзи сўзлашарди. – Мен билардим, агар уни йўкотсам, холимга войлигини яхши билардим... Нотавон... Нахотки, мен шунчалик галварс бўлсам? Атрофдаги одамлар-чи, улар телбамилар? Хўш, айтинг, мен нима қилишим керак эди? Икки бахтли инсонни биргаликда бебахт қилишим керакмиди? Нимани деб? Яхши одамларнинг хурсандчилигини дебми? Ярамаслар!

Эндриад сесканиб, Элиза Исманига ғалати қаради ва унинг кўлини охиста ушлаб кўйди.

– Юринг, – деди у ўрнидан тураркан. – Кечирасиз, исмингиз нима?

– Элиза.

– Юринг, Элиза. Биз дўст тутинишимиз керак. Ваъда берасизми?

– Албатта, сўз бераман.

– Онт ичинг.  
– Шундай дўст бўлайликки, орамизда сир бўлмасин. Тушундингизми? Очик-ойдин гаплашамиз.

Элиза кулиб юборди.

– Бу фитнами? Эндриад, сиз мени кўрkitиб юборяпсиз.

– Ҳа, фитна. Юринг, Элиза. Мен сизга кўрсатишим керак...

– Нимани кўрсатасиз?

– Бир сирни... – деди Эндриад. Унинг ичи гўё ёнаётган эди. – Бир машъум сирни очаман. Аммо-лекин, жуда антика.

– Жиддий гапиряпсизми?

– Юринг. – Эндриад бироз юргач, деразалардан бирига қаради. – Лучана боғда экан. У сизнинг бу ерда эканлигингизни билмайди. Ҳали вақтимиз бор. Юринг.

Эндриад эшикни очди. Улар ташқарига чиқдилар ва тўсикли бетон айвон томон юрдилар. Бу айвон қоя бўйлаб давом этиб, эллик метрлардан сўнг бутун мажмуани ўраб турган девор билан бирлашиб кетарди.

Эндриад олдинда одимлаб кетмоқда эди. Айвон ўртасига етгач, у ўгирилиб, Элизага қаради.

– Айтинг-чи, – деди Эндриад жиддий, – агар у билан учрашиб колгудек бўлсак, сиз уни танирмидингиз?

– Кимни?

– Лауреттани.

– Ўз оғзингиз билан айтдингиз-ку...

– Ҳалок бўлганиними? Ҳа, у ҳалок бўлган ва дафн этилган. Бундан ўн бир йил муқаддам. Лекин сиз уни танирмидингиз?

– Эндриад, менга қаранг. Нима дейишимни ҳам билмай колдим.

Эндриад бир оғиз ҳам сўз айтмай, йўлида давом этди. Элиза эса унинг ортидан борарди. Шу йўсинда улар айвоннинг охирига етиб келдилар. Шу ерда оқланган деворга темир эшик қурилган эди. Эндриад чўнтагидан бир шода калитларни чиқариб, эшикни очди-да қандайдир тугмани босди. Улар тор йўлак бўйлаб юриб кетдилар. Йўлакнинг ичкарасида яна бир темир эшик кўзга ташланди ва Эндриад бошқа калит билан эшикни очди. Улар унча катта бўлмаган айвонга чиқдилар.

Офтобнинг чароғон нуридан Элизанинг кўзлари каманиб кетди. Пастликда Биринчи Рақамнинг улкан, бўм-бўш косаси кўзга ташланди.

Эндриад гўё сеҳрлангандек, кимир этмай, ўзи яратган ардокли иншоотдан кўз узмай тикилиб турарди. Унинг лабларида аста-секин табассум пайдо бўлди ва шивирлаб:

– Лауретта, – деди.

Улар бу манзара олдида бироз сукут саклаб туриб колдилар. Эндриад бехосдан бошини силкитиб, Элизага нигоҳини тикканча, катъийлик билан, буйрукнамо сўз котди:

– Сиз уни танирмидингиз?!

– Ҳа, танисам керак.

– Элиза, танимаяпсизми?

Элизанинг миясидан бемаъни тахмин лип этиб ўтди-да, сўнг «Эндриад ақлдан озган», деган хавотирли шубҳа пайдо бўлди.

– Қани, гапиринг. Сиз уни танимаяпсизми?

– Қаерда у? – сўради Элиза бирон нима дейиш ниятида.

Эндриад гужанак бўлиб олди.

– Йўқ. Яхшилаб қаранг. Агар сиз кўркқан бўлсангиз, унда бир-биримизни тушунмаяпмиз. Мени ақлдан озган деб ўйламанг. Сиз уни танияпсизми?

– Мен... Мен... Лекин қани у?

– Ана у, ана! – Эндриад кулочини кенг ёзиб, сирли иншоотни кўрсатди; қаёққа қараманг, ҳамма жойда – турли паст-баландликларда бўртиқлар, миноралар, антенналар, бакувват геометрик шакллар кўзга ташланарди.

– Мен...ту...тушунмаяпман, – деди Элиза тутилиб, чунки у ниманидир пайкай бошлаганди.

– Овози-чи? – уни тинмай саволга тутарди Эндриад. – Кулок солинг-а, бу овозни танимаяпсизми?

Элиза диққат билан кулок сола бошлади. Қурилмани биринчи бор кўрган кунидагидек, чуқурликдан элас-элас овоз эшитила бошлади. Бу овоз бир ёки бир неча манбадан келаётibdими, буни ажратиб бўлмасди. Ғалати овозлар, узук-юлук товушлар ақлга сиғмайдиган даражадаги хилма-хил тембрларда таралиб, гўё одамга ўхшаб гапириб кетадигандек туюлса-да, аммо ҳар сафар юкори нуктага етганда чуқур тин олиб кўярди.

– Сиз уни эшитяпсизми? Эшитяпсизми? Бу ўшами? – тоқатсизланиб саволга жавоб кутарди Эндриад.

Шу топ Элиза Исмани ҳаммасини тушуниб, бу даҳшатли ҳақиқатнинг тагига етди-ю, юраги шув этди.

– Вой худойим! – тисарилиб кичкириб юборди Элиза.

– Бу ўшами? – сўради Эндриад Элизанинг елкасидан ушлаб силкитар экан. – Бу ўшами? Айта колсангиз-чи! Сиз уни танидингизми?

– Ҳа, танидим. – Ўтмишдаги ёш, соғлом, енгилтак, хурсандчиликни, кўнгилхушликни ёқтирувчи гулдек дугонаси энди баҳайбат қурилма тимсолида рўпарасида кимир этмай турарди. Баҳайбат сунъий мия, робот – ўта қудратли одам, ақл билан тўлдирилган улкан кўрғон – буларнинг барчаси Эндриад томонидан у севган аёл тимсолига ўхшатиб яратилган эди. Бу сирли хилкатда чехрасиз, оёк-кўлсиз, дудоксиз Лаура сеҳргар сеҳри каби бу дунёга қайтиб келганди. Бу айвонлар, бу девору козиқлар, казематлар унинг танази тасавбурида эди. Элиза Исмани ўзи истамаган ҳолда уларнинг орасидаги ғалати ўхшашликни кўра бошлади. Бу ҳолатни бошқача шаклда тасаввур қилиб бўлмасди, аммо Элиза кўзини юмиши билан бу қурилмаларда, ундан туртиб чиқиб турган бўртиқларда, чуқурликларда унутилган хотираларнинг кучли садоси намоён бўлиб, унда инсон ва унинг ёқимли нафосати сезилиб турарди.

Устига-устак, ташқаридан қараганда пала-партиш жойлашган бу деворлар, козиқлар, хандасавий шаклларда қандайдир бир кимсанинг қиёфаси пайдо бўлиб, ўзига хос қувноқ, нафис, енгилтабиатли қиёфа кўзга кўринарди; бу энди завод ҳам, кўрғон ҳам, электростанция ҳам эмас, оддий аёлга ўхшаб кетарди. У ёш, шўх, ишвали, мафтункор, аммо танаси этдан эмас, балки бетон ва металлдан эди. Тавба, ақл бовар қилмайди, лекин у аёл эди. Ҳа, бу ўша, Лаура эди. Аввалгидек гўзал, ғамзали, ҳаётлик давридагидан ҳам офатижон эди.

Эндриад безгак тутгандек қалтираб, Элизанинг жавобини кутиб турарди.

– Элиза, сиз кўрдингизми? Уни танидингизми? Овозини-чи? Нахотки, бу товуш уникига ўхшамаса?

Элиза бошини силкиб қўйди. Электрон қурилмалар, сунъий тебранишлар, совуқ материядан ҳосил бўлган овоз – унинг овози эди. Фақат у сўзламас, балки тушуниб бўлмас товуш чиқарарди, холос. Бизга гўё Лауранинг томоғига бир нарса тикиб қўйилгани сабаб, у гўлдираётгандек ёки қаптар каби ғу-ғулаётгандек эди. Бу гўзал ва шу билан бирга кўрқинчли ҳам эди.

– Элиза, сиз тушуняпсизми?

– Нимани?

– Сиз унинг сўзларини тушуна олдингизми?

Элиза Исманидек иродали ва қатъиятли аёлга бу таассуротлар ҳаддан ташқари кучли таъсир кўрсатган эди. У бунга дош беролмади. У бирон нарсага суянгиси келди.

– Йўк, йўк, – деди худди бўғилаётгандек, нафаси тикилиб ва йиғлаб юборди. – Бўлиши мумкин эмас. Бечора Лаура!

## XV

– Бу гоя юзага келганидан буён орадан ўн бир йил ўтди. Мен аросатда, кечаю кундуз ажриқда ётгандек ағдарилиб чиқар, ҳаётим зулматга айланган эди. Севгилим мени ташлаб кетди. Тушуняписизми, Элиза? Шундан сўнг, қандай ҳаёт кечиришим, қандай яшашим мумкин? Менинг қуёшим ботган. Мусибатда қолиб, тунлари сарсон-саргардон кезиб юрадиган одат чиқардим. Назаримда, мен учун ҳаёт тугагандек эди. Ҳа, ҳа, шундай бўлганди. Аслида, ҳеч нарса миямга кирмас, ҳеч нарсанинг фаркига бормасдим. Асл мусибат бошқа ёқда – бизни ичимиздан кемираётган руҳий тушкунликда экан. Мен тамом бўлдим, ортик яшолмасам керак, деб ўйлагандим. Аммо, балки, балки... – ўйлашнинг ўзи дахшат! Мен ўшандагина хотиржам бўламан, деб ўйладим.

Инсон изтироб чекишга маҳкум этилган, атрофида қанчадан-қанча тасалли берувчи нарсалар кўплигини у сезмайди – бунинг учун қўлини узатса бас ва у ўзига янги ташвишлар орттириб олади. Ҳар ҳолда менинг ҳаётимда шундай бўлди. Аммо ҳозир ҳаёт мен учун тугаган ўша даврларни қўмсаётганимни сиз тушунмайсиз. Лаура ҳалок бўлди. Мен ёлғиз қолдим... Аммо... қолганини сизга ҳикоя қилиб, тушунтириб бераман. Мен ўзимни ер юзида энг бахтсиз одамдек ҳис қилар ва бундан кутулиш учун бир овунчок топишим зарур эди. Илмий ишга шўнғиб кетиб, кечаю кундузнинг фаркига борма қолдим. Ишга бутун вужудим билан киришиб кетганимдан Лаура билан боғлиқ изтироблардан кутулганимни ҳам сезмай қолибман. Мен яна аввалгидек ишчан ҳолатимга қайтгандим.

Айнан ўша кунларда вазирликка махфий суҳбатга таклиф қилдилар. Мавзу – маълум режа эди. Ёки лойиҳа... Айтайлик, Биринчи Рақам хусусида. Бу лойиҳа етти йил мобайнида ташлаб қўйилиб, қаердалир чанг босиб ётганди.

Мени чакириб, вақти етди, деб айтишди. Вазирликда ишлай-диганлардан миннатдор бўлишимиз керак. Улар бу масалага жуда катта эътибор қаратдилар. Харажат борасида ҳеч қандай узилиш бўлмади. Миллиардлаб маблағ ажратилиб, керагича сарфла, дейишди. Бу азалий орзум эди. Аммо бу вақтга келиб ишга иштиёким сўнган эди: ҳаммамиз ҳам инсонмиз, хатодан холи эмасмиз.

Эндриад ва Элиза роботли қурилмани тарқ этиб, яйлов орқали ўрмон ичидан чиқиб, дарахтлар сояси остида суҳбатлашиб кетмоқда эдилар.

– Мен билан олим Алоизи ишларди. У мендан биров ёш ҳамда мендан ҳам ўтадиган даҳо ва романтик инсон эди. У Лаурани биларди. Ҳа, жуда яхши биларди, тушуняпсизми? Келишган йигит, яхши фазилатли инсон бўлган. Сезишимча, Лаура билан унинг ўртасида... Хуллас, бундан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Бундай ҳолатларда оғзимдан бирон-бир сўз чикмас, у ҳам индамасди. Кейин Лаура ҳалок бўлди. Мен уни ёмон кўриб қолишим мумкинми? – Эндриад хўрсиниб кўйди. – Ўша қудратли одамни қандай қилиб яратиш мумкин? Ўзимизга ўхшаган, лекин биздан кўра мукамалроғини. Жуда катта ҳажмдаги ишни қунт билан бажардик ва натижага эришдик ҳам. Хўш, шахс ҳақида-чи? Ҳис-туйғу ва истакларни ҳис этишни-чи? Қалбни-чи?

Бу борада айнан Алоизи ҳал қилувчи қадамни ташлади ва буюк ихтиро яратди. У кичик ҳажм ичига ақл, феъл-атвор ва бизларни бир-биримиздан ажратиб турадиган ўша сирли жиҳатни жойлаштирди. Ташқаридан қараганларга бу қулгили туюлади, албатта. Баландлиги икки метр келадиган шиша-тухум яратилди. Ўзингиз кўрасиз. Унинг ичида фаннинг буюк ихтироси жойлаштирилган. Алоизи ўзи билан бирга кабрига олиб кетган сирдан мен ҳам беҳабарман. Унинг чизмалари ва кораламаларини биз тополмадик.

У шу ҳақда менга гап очгани ҳали-ҳануз ёдимда... Биз қимни дунёга келтиришимиз керак? – сўради у гўё мен билан ҳазиллашгандек. – Эркақними? Аёлними? Босқинчиними ё авлиёни?

Мени қийнаб келаётган барча изтиробларим қайтадан янгиланди. Эҳтимолдан узок бўлган бундай имкониятни мен қўлдан чиқаришим мумкинми? Жаҳон тарихида биринчи бор пайдо бўлганди бундай имконият... ҳалок бўлган инсонни, Элиза, тушуняпсизми, ҳаётга қайтадан қайтариш эди бу. Тўғри, аввалги танаси-



сиз. Ҳалок бўлгач, тананинг нима аҳамияти бор? «Лаурани, – дедим мен. – Сен Лаурани қайта ярата оласанми?»»

Алоизи менга қараб, тикилиб қолди. Архангелники<sup>1</sup> каби унинг чакноқ кўзларини ҳеч унутолмайман. Бу нигоҳда дард, алам, кўркув ва умид – худди меники каби умид мужассам эди.

Бир неча ой ўтиб кетди. Бу ишдан аввал мен бир йил давомида дам олган эдим. Албатта, Лучанага нисбатан муҳаббат тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Лучана кўп йиллар давомида менинг ёрдамчим бўлиб ишлаган. У олийжаноб, фидойи аёл. У бўлмаганда бошимга тушган бу мусибатларга қандай дош берган бўлардим, билмадим. У мендан ҳеч нарса тама қилмасди, мени севарди, холос. Биз турмуш қурганимиздан кейин, ҳозир у бахтлими, йўқми, билмайман. Ҳаётимиз оддий, бир кунимизни кўриб турибмиз. Сизга айтсам, у катта қалб эгаси. У ўлиб кетган Лаурадан мени рашк қиладими, йўқми, билдирмайди.

Менинг ишга берилиб кетганимни кўргач, ўтмиш унутилди, деган хаёлга борди. Мен бўлсам, Лаурани қайтариш устида ишлардим. Хўш, бунга нима дейсиз? Бу яхши эмас, тўғрими? Лауретта ишлатган ёлғонлардан юз чандон ортик ёлғон бу! Лучананинг шу вақтгача ҳеч нарсадан хабари йўқ. Унинг билиб қолишидан худонинг ўзи асрасин. Майли, бунга кўя турайлик. Биринчи Рақамни қандай қурилганини сизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аввалига уни абстракт фикрлашга ўргатиш ҳаммасидан ҳам қийинроқ туюлган ва бу асосийси эди, лекин у мантик асосига қурилгани учун ортикча қийинчилик бўлмади. Сенсор ахборотни киритиш эса жуда ҳам қийин кечди. Кўз, кулоқ ва бошқа аъзолар орқали таъсир этадиган кўзгатувчи усқунадан чиқадиган товушлар хотирада қайд этилиши ва бошқа сенсорли блоклар билан ҳам боғланиб, кейинчалик бу товушларни қабул қилиш, баҳолаш ва таҳлил этиши, шундан сўнг кейинги ҳаракатларга импульс берилиши лозим эди. Элиза, гапимга кулоқ соляписизми? Менимча, сизга бу...

– Йўқ, нималар деяписиз. Жуда кизиқарли.

– Бундан ташқари, эркинлик муаммоси пайдо бўлди. Агар мустақил фикрни яратишга эришган бўлсак, қайсидир дақиқада уни ўз ҳолига қўйишимиз керак эди. Детерминизм<sup>2</sup> бўлса бўлсин, аммо

<sup>1</sup> Архангел – фаришталарнинг энг каттаси.

<sup>2</sup> Детерминизм – нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот.

детерминантлар<sup>1</sup> биздан чиккан бўлмаслиги керак. Акс ҳолда нима яратган бўламиз? Қулларча итоаткор машинами?

Шундай қилиб, машинани ўз ихтиёрига топширишга мажбур бўлдик. Маълум бир дақиқада биз барча тегишли аъзоларни унинг ихтиёрига топшириб, кейинги ўзгаришлар устидан назорат қилишдан воз кечдик. Гап фақат унинг асосини ташкил этувчи элементларнинг ўта мураккаблигида эмасди. Тез орада машина машиналигини қилиб, инсон ақли уни назорат қилишга ожизлиги аён бўлди-қолди. Устига-устак, биз маълум вақтда фақат бир нарса ҳақида ўйлаш имкониятига эгамиз. Биз яратган қурилма эса, бир вақтнинг ўзида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир неча фикрлаш операцияларини бажара олади.

Умуман олганда, биз асосий жиловни қўлимиздан чиқариб юборгандик, бизнинг ихтиёримизда фақат машинанинг бажараётган ишини назорат қилиб, кузатишдан ўзга имкон йўқ эди. Бу Карстдаги дарё ер ости ғорида йўқ бўлиб кетиб, бир неча километрдан сўнг яна юзага оқиб чиқишига ўхшаш бир нарса эди. Ернинг остидан сув қаерга борди, буни ҳеч ким билмайди.

– Элиза, айтинг-чи, сиз бизнинг эркинлик ҳиссиётимизнинг қаерда пайдо бўлиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Унинг биринчи манбаи қандай? Биз қамоқхонада, ҳатто ўлим тўшагида ётганимизда ҳам, у туфайли ўзимизни йўқотмасликка сабаб бўлувчи ўша асосий ва сўзсиз бўлиши зарур бўлган нарса қаерда? Ўшасиз биз ақлдан озишимиз мумкинми?

– Ё худойим-ей! – деди Элиза Исмани. – Тўғриси айтсам, мен бу ҳақда ҳеч ўйламаган эканман.

– Мен шуни айтмоқчиманки, – деди Эндриад, – бизда ҳатто энг бахтли онларда ҳам ўз жонига қасд қилиш имконияти бўлганида ҳаёт чидаб бўлмас даражада оғир бўлиб туюларди. Бу ҳақда ҳеч ким ўйламаслиги ўз-ўзидан тушунарли, фараз қилиб кўринг-а, тўсатдан сизга, бундан буён ҳеч кимса ўз ҳаётини тасарруф эта олмайди, деган хабар келса, қандай аҳволга тушиб қолган бўлардингиз? Ҳаётимиз даҳшатли зиндонга айланиб, ҳамма ақлдан озарди.

– Демак, сизнинг машинангиз ҳам...

– Ҳа, топдингиз, у биз қаби ишлай олиши учун унга ўз-ўзини йўқотиб юбориш имконини бериш лозим.

---

<sup>1</sup> *Детерминант* – аниқловчи.

– Лекин қандай қилиб?

– Бу жуда оддий. У буйрук юбориши мумкин бўлган портлагич зарядидир.

– Сиз уни зарядлаганмисиз?

Эндрiad овозини пасайтириб:

– Биз уни шунга ишонтирдик. Портловчи мослама мавжуд, аммо унинг ўрнига зарарсиз модда кўйилган. Мухими, у буни билмаслиги керак. Лауретта шу даражада қизикконки, жаҳли чикса борми... – деди.

Ва ниҳоят, бизнинг қурилмамиз тўлик ва бир вақтда ишга тушиши лозим бўлган кун етиб келди. Унинг ихтиёри ўзида. Энди биз унга таъсир эта олмасдик. Ўша кунгача у соддалаштирилган электрон мия – фақат механизм ва схемалардангина иборат эди. Энди эса, бу Алоизи томонидан яратилган асаб тугуни, шахснинг бошланғич кўриниши, мен сизга боя сўзлаб берган шиша-тухум, ҳаётнинг нозик моҳияти ҳаракатга келиши керак эди. Инерцион оғишларнинг автоматик тарзда мувозанатлаштириш орқали ақл ёғдуси, роҳатланиш ва изтироб чекиш қобилиятлари пайдо бўла бошлайди. Лекин хатога йўл кўйилмадимикан? Ҳисоб-китоблар тўғри олиндимикан? Амалда нима содир бўлиши мумкин? Бизнинг қурилмамиз нима бўлиб чиқиши мумкин? Лаурами ёки номаълум, олдиндан билиб бўлмас бир нарсами?

Фақат мурватни бураш қолганди, холос. Сизга айтсам, бу жуда масъулиятли дақиқа эди. Йиғилганларнинг барчаси чурқ этмай турардилар.

– Қолганлар-чи, Лаура ҳақида билишармиди? – сўради Элиза Исмани.

– Ёлғиз Алоизи ва мен билардик. Қолганлар учун эса бу қурилма Биринчи Рақам эди.

– Ишга туширувчи мурватни ким буради?

– Мен. Мана бу қўлим билан. Мурватни бураяпман-у, хаёлимдан: «Лаура, Лаура, зум ўтмаёк сен яна биз билан бирга бўласан», деган сўзлар ўтди.

– Хўш, кейин нима бўлди?

– Ташқаридан қараганда ҳеч нарса бўлмагандек туюлди. Миллионлаб схемалар токка уланди, оҳанрабо сими ахборот бера бошлагач, ғалтакка ўрала кетди. Фақат бутун водий бўйлаб гувиллаган,

шитир-шитир қилган овоз тарқалди. Мен жуда ҳаяжонланиб, буни кўтаролмасам керак, деб ўйладим.

Сўнг шитирлаш тўхтади ва мен чўчиб, барча қилган ишимиз зое кетди, деган ҳаёлда шундоқкина ёнимда турган Алоизига карасам, у фикримни рад этгандай, бошини чайқаб, кулиб кўйди. Шу пайт яна шитирлаш ва қандайдир бўғик, худди хўрсиникка ўхшаш шовкин эшитилди. Биринчи Рақам – биз яратган робот ўз ҳаётини бошлаётган эди. Хўш, у ким эди – Лаурами ёки етти ёт бегонами?! Машина чиқариб берган дастлабки маълумотларни Манунта менга олиб келгани эсимда. Буни тушунтириш учун кўп вақт кетади. Турли хил узунликдаги турлича жойлашган кўпгина горизонтал чизиқлари бўлган тасмани кўз олдингизга келтиринг-а. Бу фикрлаш фаолиятининг график ҳолидаги тасвири эди. Аммо бу сўзлар эмас, фикрлар белгиси бўлиб, айнан унинг тили эди. Бу мураккаб нарса. Ҳозирча уни ўқиш учун катта тажриба талаб этилади. Балки эргага буларнинг ҳаммасини бирон тилга кўчириш имконияти топилиб қолар. Ана шу муаммо билан айнан сизнинг эрингиз Исмани шуғулланишини истайман.

Мана, манави тасмаларга қараб, очиғини айтсам, ҳеч нарсани тушунмаяпман. Булар умумий маълумотлар, холос. Об-ҳаво маълумоти. Учиб кетаётган самолёт ва менимча, бургут ҳам аниқланган. Икки кун ичида қайта ишланган ҳисоб-китоблар, чунки заруриятга қараб, Биринчи Рақам маълум вақтдан бери ишляпти. Аммо барча операцияларни онгсиз, синхрон боғламай бажаряпти.

Шу тобда биз кутмаган, умид ҳам қилмаган мўъжизали овоз пайдо бўлди. Бу ғаройиб ҳодиса эди. Биз машинада эшитиш аъзосини ташкил этиш ниятимиз йўқ эди – бу фақат бозордаги роботларга одамлар олдида намойиш этиш учун, холос. Бу техника нақадар кучайиб кетаётганини кўрсатади ва бизнинг мақсадларимизга мос келмайди.

Нима бўлгандаям, овоз пайдо бўлди. Бу қандай содир бўлганини ҳали-ҳануз тушуна олмаймиз. Сиз уни эшитдингиз, Элиза. У ҳаракатдаги минглаб асбоб-ускуналарнинг табиий шовкинига ўхшамайди. Бу мустақил бир нарса, бу ҳали у ерда, ҳали бу ерда – турли бўлимларда бир вақтнинг ўзида ва бир хил кучланиш билан пайдо бўлаётган мустақил тебранишдир.

Аввалига мен буни носозлик бўлса керак, деб ўйладим. Сўнгра бу оҳанг, сас ва ифода менга танишдек туюлди. Ғалати

бўлиб кетдим. Бу садони тушуниб бўлмас, нимани англатишини сира била олмасдик. Аммо мен бу садо остида Лауранинг овозини эшитдим.

– Элиза, инсон овози ва сўзлари ўзгартирилган электрон мусикани, ҳойнаҳой, эшитган бўлсангиз керак? Сўзлари ноаник, лекин ифодалилиги сақланиб қолган. Сўз ва жумла бўлмаса-да, аммо мусикали товуш керакли нарсаларни ифода этади. Бу ерда ҳам шундай. Мумтоз мусикани англатувчи садо бўлмаса-да, одамнинг тилидан ҳам равшан ва аниқроқдир.

Бу мана шундай овоздир. Мен уни дарҳол магнит симидан келаётган фикр импульслари билан Чекатьев формуласига солиб, такқослай бошладим. Ва ўзимга-ўзим шундай савол бердим: ақл бовар қилиб бўлмайдиган товуш импульсларга мос келмасмикин?! Биз товушни дарҳол тажриба учун оҳанрабо тасмасига кўчирдик. Натижа бизни ҳайратда қолдирди: бу ўша товуш эди. Бирок тасмага аста ёзилаётган нарса овоз усулига мос тушмасди, у овоз машина хотирасида из қолдирмай юзага келмоқда эди. У нимани билдирмоқчи бўлди? Буларнинг барчаси бундан ўн ойлар аввал содир бўлганди. Мен бунинг жавобини топиш ва бу овозни тушуниб етиш учун қанчалар қон ютганимни биласизми?! Тушуняпсизми?! Мендаги кизикиш ниҳоятда қучли эди. Аввало, бизнинг модулимиз асосида моддий оҳанрабо тасмасидаги ёзувни тушунтириб бериш даркор. Бу ишни бажармасликнинг иложи йўқ. Маъносини тушуниб олгач, ўша тасмадаги овозни чиқариш лозим. Худди инглиз тилини ўрганаётган каби, бу ноаник товушларни маълум бўлган маъноларга солиштириб, киёслаш керак эди. Монандликни топиш, қулоқни сезилар-сезилмас садоларни илғашга ўргатиш ҳамда ёзилган ва айтилган сўзлар орасида ҳеч қандай фарқ бўлмаслигига эришмоқ лозим эди. Оз-оздан кўникасан. Бу ерда эса юз баробар мураккаб ва ғалати товушлар эшитиларди. Лекин мен бунинг уддасидан чиқдим.

– Ҳозир сиз ҳаммасини тушуняпсизми?

– Ҳа, деярли.

– Фақат сизми? Бошқа одам тушунмайдими?

– Манунта ҳам тушунади. Мен каби бўлмаса-да, деярли ҳаммасини тушунади. Манунта ажойиб инсон. Менга яқин. У мени ҳеч қачон сотиб қўймайди.

– Стробеле-чи?

– Стробелеми? Сиз хойнахой тушунган бўлсангиз керак: Стробеле етук мухандис. У бўлмаса кийналиб колган бўлардик. У ажойиб мувофиклаштирувчи. Колган ишларда эса ғирт нодон. У буларни каерданам тушунсин.

– Алоизи-чи?

– Алоизи, ишончим комил, овозни камида мен каби тушунарди. Аммо лом-мим демаган. Мен бўлсам ундан бу ҳақда сўрамаганман. Кулманг. Алоизи билан менинг ўртамда Лаура бор эди. У бизларни ажратиб турарди. Кейинроқ Алоизи тоғда ҳалокатга учради. Балки шундай бўлгани маъкулдир.

– Лауранинг овозини дархол танидингизми?

– Ҳа, дархол танидим.

– Мен учун ҳам, Алоизи учун ҳам бу жуда катта изтироб эди. Бу ракамлар асосида бунёд этилган жирканч кўрғондан йиллар мобайнида менинг фикру зикримни ўғирлаган ўша ягона аёлнинг овози келарди. Тан оламан, бир неча сония давомида ўзимни даҳо ҳис этдим. Жонсиз материядан тирик мавжудот яратиш! Алоизи ёнимда менга қараб турар, хурсандлигини ҳам, завкланганини ҳам билмасдим. Шунчаки, бегонадай ёнимда турарди. «Нима, сен танимаяпсанми? – сўрадим ундан. Бу Лауранинг овози-ку. Айт, унинг овозими?» У диққат билан эшитиб, сўнг ишонар-ишонмас: «Ҳа, унинг овози. Аммо, ўзи эмас», – деди.

У нимани назарда тутган, деб савол берарсиз. Овоз аниқ-таниқ уники эди. Лекин фақат овози. Шахс деб аталувчи колган нарсалар бегона, номаълум кимсага тегишли эди. Очиғини айтганда, бу айнан Лаура, аммо дунёда ҳар биримизни ягона қилиб турадиган ўша белги, ўша моҳият йўқ эди.

Нима қилмоқ керак, воз кечиш керакми? Ҳаммасини бошидан бошлаш зарурмиди? Тўғриси айтсам, Алоизи бўлмаганида мен таслим бўлган бўлардим. Алоизи Лаурани мендан ҳам яхши биларди. Биз роботнинг хонасига қамалиб олиб, ҳаммасини ўчириб қўйдик. Биринчи Ракам ишламасди, тилсиз, ўлик жисмга айланганди.

Ҳурматли Элиза, бу машаққатли меҳнатни бажаришни уддасидан чиқолмасам керак, деб кўрқаман. Бу мияни даволаш, қалбни очиш каби ишга ўхшарди. Йўл қўйган хатоимиз шунда эдики, Лаура менинг хоҳишимга кўра: соғлом, содик, латофатли аёл сифатида қайта тикланди. Яъни, ўзига ўхшамайдиган қилиб. Ҳақиқий Лаурани яратиш учун унинг ичига мен изтироб чекишимга сабабчи

бўлган захархандалик, ёлғон, маккорлик ва шуҳратпарастлик, манманлик, қуюшқонга сиғмас истакларини жойлаш керак эди. Бир сўз билан айтганда, менинг Лаурамни яратиш учун мен қайтадан бахтсиз бўлиб қолишим ўз-ўзидан маълум.

Кейинчалик шундай воқеа рўй берди. Февраль ойининг оқшоми, ҳаммаёкни оппоқ қор қоплаган. Атрофни қоронғилик чулғаган. Мен уйда, ўз хонамда ўтиргандим. Баногоҳ биз яратган, ҳаётга қайтиб келаётган мавжудотнинг овози эшитила бошлади. Бу ўша, Лауранинг овози эди. Бир зумда кўкрагимни аланга қуйдиргандек бўлди. Безовталиқ, изтироблар, умидсизлик, муҳаббат...

– Сиз уни жуда ҳам севармидингиз?

– Уни кўрган биринчи кунимок оромимни йўқотдим, – деди Эндриад. Унаштириш, тўй. Бирга кечирган кунлар – буларнинг биронтаси менинг азобларимни енгиллаштира олмасди. Уни ёнимда кўриш, унга тегиниш, туну кун у меники эканлигини билиб турсам ҳам, негадир изтиробга тушаверардим. Унинг тушуниб бўлмас инжикликлари ва менга қилаётган муомаласи худди бегонадек, менадан йироқлашиб кетаётгандек туюлаверарди. У куларди, мен билан ҳазиллашарди. Йўқ, фойдаси бўлмади. Хуллас, тинчимни йўқотган эдим. Сабаби аниқ: мен уни севардим, у бўлса мени ёқтирмасди.

Яна азоблар бошланди. Уни ёнимда ҳис этсам-да, худди бегонадек, унга етиб бўлмайдигандек. Мана ҳозир у Биринчи Рақамли қурилманинг ичига қамаб қўйилган, на кимир эта олади, на қоча олади, на менга хиёнат қилишга қодир. Аммо менинг эҳтиросли муҳаббатим аввалгидек, Лаура ҳаётлик вақтидагидек жўшқин.

Балки, сиз Элиза, шунга ўхшаш ҳолатни бошингиздан кечирмагандирсиз? Ҳеч қачон тўла-тўқис сизники бўлмаган одамни деб эҳшингиздан айрилмагандирсиз? Кечаю кундуз унинг ишида ёниб, бошқа нарсани ўйлашга қодир бўлмай қоласиз. Доимо асабингиз қакшаб юради. Бир дақиқа ҳам тинчлик йўқ. Иккиланишлар, хавотирлар, турли хил шубҳалар миянгизни «хиёнат қилмаяптимики?» деб кемиради.

Ҳозир ҳам мен сиз билан жимжит ўрмонда гаплашиб турибман -у, қалбим нотинч ва юрагим изтиробда. Лаура анави чуқурликда кимир этмай ётибди, мен унга тўла ҳукмронман. Аммо у нималарни ўйлаётгани менга маълумми? У мен ҳақимда нималарни ўйлаяпти экан? Мени алдашни беш қўлдек ўрганиб олганди. У шундай фирибгарки, ҳатто оҳанрабо қайд қилувчиларнинг рўйхатини ҳам чал-

каштириб юборяпти. У бизнинг назоратимиздан чикиб кетди. Унинг сирли фикрларини биз ҳеч қачон билиб ололмаймиз. Мен эса, мана, сизнинг олдингизда муҳаббати рад этилган телбадек кетиб боряпман.

– Эндриад, айтиб бераётган хикоянгиздаги бир нарсага тушуна олмаяпман. Ахир сизнинг қурилмангиз ҳарбий вазирлик маблагларига қурилган-ку. У уруш учун хизмат қилиши керак эмасми?

– Хизмат қилиши керак. Фақат ҳисоблаш қувватларинигина эмас, балки инсон аклидан ҳам устун келадиган ички ҳис-туйғуларни яратишга мўлжалланган. Ва шу йўл ҳозирча ҳал этиб бўлмайдиган муаммоларнинг ечимини топиши керак ва мен шундай муаммоларнинг ўнтасини санаб беришим мумкин. Масалан, майдоннинг сунъий дифракцияси<sup>1</sup> бўлиб, у чегара бўйлаб исталган баландликдаги кўзга кўринмас девор ҳосил қилиши мумкин бўлади. Ва Биринчи Рақам, ишончингиз комил бўлсин, бирон нарсани бизга тортик қилиши мумкин.

– Қандай қилиб? Агар Биринчи Рақам шундай улкан ҳисоблаш қобилиятига эга бўлса, унда у Лаура бўла олмайди. Агар Лаура бўлса, сиз ундан ҳисоблашни кутиб ўтирманг.

– Элиза, сиз мени Ватанига хиёнат қиляпти, деб ўйлаётган бўлсангиз керак? Ватаним дунёнинг қудратли мамлакатига, енгилмас кучга айланиши мумкин. Мен эса ўзимнинг ишқий ҳис-туйғуларим билан ҳаммасини барбод этиб қўйдимми?! Биз дунёда энг акли мияни яратишимиз керак эди, унинг ўрнига хархашадор аёл шакл-шамойилига эга бўлдик. Сиз шундай деб ўйлаяпсизми?

– Тахминан шундай.

– Бу ҳақиқатан ҳам бизни ташвишга соларди. Биз кўп нарсага интилиб, таваккал иш тутиб, на унга, на бунга эришишни, яъни на ўша акли мияни, на Лауранинг сиймосини яратишни хавф остига қўйдик. Бахтимизга барчаси муваффақиятли тугади.

Элиза, сиз мени тушунапсизми? Биз буюрилган вазифани муваффақият билан уддаладик. Лауранинг шахси математик даҳо билан муроса қилмоқда. Биз мақсадимизга эришдик. Тасаввур эта оласизми, бу ерга вазирликдан келишиб: «Қани Биринчи Рақам, етти юз тўқсон етти минг беш юз тўқсон еттидан кубдаги илдизнинг йигирма тўртинчи даражаси қанча бўлади», деб сўрасалар, Биринчи Рақам уларга тилини кўрсатиб турса.

---

<sup>1</sup> *Дифракция* – тўлқинларнинг тўсиқдан айланиб ўтиши.



– Мен Лаурани олий математика профессори деб айта олмайман, – деди Элиза Исмани.

– Эйнштейннинг миясини унинг миясига киёсласак, гугурт кутисидек келади. Шунга карамай, Лаура томир-томиригача аёлдир. Эй, худойим, нега менга бундай қараяпсиз? Кўзингизга жиннига ўхшаб кўриняпманми?

– Кечиринг, Эндриад. Ҳаммаси ақлга сиғмайдиган ишлар.

Элиза арча дарахти тагига жойлашиб ўтириб олди. Атрофни арчанинг қуриган игналари, қуриган шох-шаббалар, чумоли йўллари босиб кетганди. Шамол дарахтларнинг шохларини кимирлатганда қуёш нурлари раксга тушгандек олачалпоқ соя ташлар, қандайдир ёввойи қуш тинмай сайрарди. У ким учун сайраяпти? Ўрмон ортидаги чуқурликдан атрофга таралувчи шитирлаш овози эшитилар ва ҳаёт сирли равишда давом этмоқдайди.

Элиза бошини кўтариб, ўзини ғалати тутаётган, ҳорғин Эндриадга қараб қулиб қўйди.

– Ҳозир-чи?.. Сиз ҳозир ҳам аввалгидек бахтсизмисиз?

Эндриад қўли билан юзини сийпаб қўйди.

– Билмайман. Айрим пайтлари ҳаётни янгидан бошлаётгандек туюларди, аммо кўп йиллик хавотирлик ҳисси мени тарк этмаяпти. Кўркаман, ҳа, кўркаман...

– Нимадан кўркасиз?

– Ҳаммасидан. Номаълум душманлардан кўркаман. Бизнинг ихтиромиз ҳақида чет элдагилар билишмайди, деб ўйлайсизми? Ҳар бир нарсага бурнини суқувчи агентлар, айғокчилар, ёлланма қотиллар бор. Менга уларнинг атрофда шивирлаб турганлари эшитилаётгандек туюлади. Мен уларнинг сўзсиз фитналарини фош этмоқчи бўламан. Улар бу ерга кириш учун гўё чумоли галасидек ёпириладилар. Ҳаммасини барбод қилмоқчи бўладилар. Ҳаммаёқда айланма девор, тўсиклар. Назорат ўтказиш масканлари, хабар берувчи сигнализация, юқори кучланиш остидаги тиканли симлар... барчаси беҳуда гаплар. Ишонмайман. Аммо гап бунда ҳам эмас. Суикасд қилишларидан кўркаман, қалламдан шу ҳаёл кетмайди.

– Нимани ўйламаслик учун?

Эндриад депсиниб, бош силкиганди, унинг оқарган сочлари ҳар томонга тўзғиб кетди.

– Биз сиз билан бир неча кундан бери танишмиз, холос. Бир-биримизни яхши билмаймиз. Биз бир неча соатга поезд купесиди

учрашиб колган икки йўловчига ўхшаймиз. Поезд ўз йўлида кетяпти. Мен эса сизга ҳаётимнинг энг нозик сирларини сўзлаб, ўзимнинг ҳалокатга юз тутаётганимни тан олмоқдаман. Эҳ, Лаура, Лаура, унинг қайтиб келганига ишоналмайман!.. Буни мен ўз кўлларим билан амалга оширдим. Ва агар... агар...

– Сиз билан дўст бўлиб қоламан, – деди Элиза майин овозда.

– Агар... агар... – аста-секинлик билан деди Эндриад, – агар мўъжиза рўй берса-ю... Бўлак-бўлаклардан, схемалардан биз қайта яратган Лаура тимсолида шу вақтгача ер юзида, балки фалакда дайдиб юрган ҳақиқий Лауранинг руҳини қайта ярата олсак эди... Мен демокчиманки: математик йўл билан қабридан юлиб олиб келинган Лаура биз Алоизи билан билган бахтли, хушчакчак, енгил-так ҳақиқий Лаура бўлиб қолса ва унинг ўтмишдаги хотиралари қайтса, нима бўлади? Истаклари, изтироблари... Агар у қояларга маҳкамланган қандайдир электростанцияга айланиб қолган даҳшатли ҳолатини – ақдан озган мендан ташқари ҳеч ким сева олмайдиган аёлга – бўса учун лаби, кучиш учун танаси бўлмаган аёлга айланиб қолганини билса нима бўлади? Элиза, биласизми, унинг ҳаёти нақ дўзахга айланиши мумкин.

– Ахир бу бемаънилик-ку. Дўстим, сиз бундай ҳаёлларга борманг. Сиз ҳаётда инсоният тимсолини яратдингиз. Буни унутманг. Дунёда ҳали ҳеч ким, ҳатто императорлар ҳам, авлиёлар ҳам буни уддасидан чиқа олмаганлар. Бу ишингиз мактовга лойиқ. Бундай муваффақиятга ким ва қачон эришган?

Эндриад дарахт танасига суянганча ўтирарди.

Қуёш юзини булут қоплагани сабаб, унинг нурлари ерга таралмай қолди.

Элиза Исмани:

– Лаура сизни жиндек бўлса-да севадимми? – деб сўради.

Эндриад Элизага тикилиб сўради:

– Севадими, меними?

– Сиз у билан қандай сўзлашасиз?

– Қандай сўзлашаман? Сонларда ифодаланган ахборот орқали. Ёки бизнинг тилимизда айтганда, фикр доирасида. Бу сўзлашувда одобдан нарига ўтилмайди. Барча сўзлашувлар машина хотирасида қайд этилади. Уларни истаган одам ҳеч бир қийналмай текшириб кўриши мумкин. Масалан, текширув комиссияси. Юрагим сезяпти, шундай комиссия эртами-индин келиб қолади.

– Демак, бу Лаура сиз ҳакингизда ҳеч нарсани билмайди?

– Буни айтиш кийин. Бир томондан, унга биз ўз тилимизни ўргатмаганмиз. Бунга хожат ҳам, хавф ҳам йўқ. Мен сизга тушунтирганимдек, тил инсон фикри учун қопкон ҳисоб. Иккинчи томондан, яқиндан бери...

– Гапиринг, Эндриад.

– Яқиндан бери... Бу аслида менинг орзуим... биз у билан сўзлашаётганда у барчасини тушунади, деган туйғу пайдо бўляпти менда. Назарий жиҳатдан биз унга исталган тилдаги исталган фикрни еча олиши учун унга зарур ва тўлиқ ишланган асбобни инъом этганмиз.

– Эндриад, у бизнинг гапларимизни тушунади демокчисиз-да?

– Шундай деган умиддаман. Буни айтишга кўркаман ҳам.

– Лаураинг ўзи нима деяпти?

– У Стробеле ҳақида ўйлайди. Шу аҳмоқни севиб қолган. Бошқача бўлиши ҳам мумкинмиди? Лаура Лаура-да. Гап тамом-вассалом. Ўзингиз тушунгандирсиз. Мен энди унинг эри эмас, отасиман. Чунки уни дунёга келтирдим. Бир аёлнинг ҳам отаси, ҳам эри, ҳам ошики бекарориман. Бунга нима дейсиз?

– Севмаса севмасин, энди нима фарқи бор, тўғрими? Ахир у менинг борлигим-у, кимлигимдан беҳабар-ку. Майли, кўяверинг. Унга яхши бўлса бўлди.

– Нахотки сиз уни шунчалар севсангиз?

– Ҳа!

– Стробеле-чи?

– Яхшиси, менга у ҳақда гапирманг. Кошки унинг қалб билан боғлиқ ишқий сирга ақли етса? Лекин ҳаёт қонуни шундай. Сиз бировни қанчалар севсангиз, у сизни шунчалар хор қилади. Аёллар уларга қарамайдиганларни деб ақлдан озадилар. – Эндриад кийналиб ўрнидан турди. – Бечора Стробеле! Уни илк бор инсон қўли билан яратилган одам тимсоли севиб қолди! Стробеленинг эса, бу ҳаёлига ҳам келмайди. – Эндриад соатига қараб қўйди. Ўн иккидан ўн беш дақиқа ўтганди. – Вақт алламаҳал бўлиб қолибди. Лучана хавотир олади. Кетдикми?

Шу пайт тоғ соқинлигини сеҳрланган водий тарафдан келаётган овоз бузди. Аввалига узук-юлук, сўнг гўё чуқур нафас олиш учун

хаво етишмаётганга ўхшаш хириллаган, кейин эса кўкрагидан юк босиб турган, ўлим талвасасига ўхшаш овоз таралди.

Эндриад безовталаниб колди ва энди озодликка эришганда, тўсатдан каллакесарларнинг қадамини сезган кочокка ўхшаб кетди.

– Эндриад, нима бўлди?

Эндриад Элизанинг гапига кулоқ ҳам солмай, дам-бадам хавотир билан ён-атрофга аланглай бошлади.

– Биби Марям! – ихраб юборди у. – Сиз эшитмаяпсизми? Улар унга нима қилишди экан?

Орага жимлик чўкди. Сўнг:

– Профессор Эндриад! Профессор! – деган одам овози эшитилди.

## XVI

Ўша куни вақт тушликка яқинлашиб колганда яйловдаги ҳашаротларнинг чириллаши остида Жанкарло ва Ольга Стробелелар Биринчи Ракам девори бўйлаб сокин оқаётган Туриги дарёси ёқасига ёлғизоёк йўлдан тушиб кела бошладилар. Бу ерда чўмилиш учун алоҳида жойнинг зарурати йўқ, атрофда ҳеч зоғ кўринмасди.

Эгнида майка, оқ шим, оқ шиппак кийиб олган ўта уятчан Стробеле ечингани ўрмон ёнғоғи ортига ўтди.

У ҳақиқий такводор каби очик жойда ечинишни уят ва гуноҳ деб ҳисобларди (гарчи унинг қомати келишган бўлса ҳам). Шунинг учун узун ич кийимда соҳил бўйлаб сайр этмай, дарҳол ўзини сувга отди.

У сокин оқаётган, яшил рангдаги сув қаъридан бошини чиқариб, Ольга ҳам сувга шўнғиган бўлса керак, деган ўйда соҳилга қаради. Аммо Ольгага кўзи тушди-ю, ҳанг-манг бўлиб колди.

Қуёш нурлари остида навнихол киз каби келишган Ольга соҳилда кип-яланғоч турарди.

Ольга икки тирсагини кўтариб сочларини тўғрилар экан, худди амфорани<sup>1</sup> эслатарди. Уялмай-нетмай қуёшга ва табиатга ўзининг офатижон танасини кўз-кўз қилиб, шодлигидан кийкириб куларди.

– Ольга, эгнингга чўмилиш кийимингни кийиб ол, – кичкирди Стробеле сувда чалқанчасига аста сузаркан.

---

<sup>1</sup> *Амфора* – кўзасимон кўшқулоқ сопол идиш.

– Менда йў-к-к-к...– деди Ольга ўжар кизлардек. – Уйда колдириб келибман.

– Унда кийингин-да, бориб олиб кел, – деди эри катъий.

– Ҳечам-да. Бу ерда мени кимама кўрарди, ахир сендан уялмайман-ку.

– Ўжарлик килма, Ольга. Битта-яримта ўтиб қолиши мумкин.

– Бу ернинг тўрт томони тўсилган-ку. Устига-устак, кўрикчи итлар ҳам бор.

– Итлар энди йўк.

– Қанакасига йўк. Вольф ҳам йўкми?

– Улар бу қурилма ишга тушгандан буён худди ичларига жин кириб олгандек, кечаси билан акиллаб чиқдилар.

– Итлар бирон нарсадан хавотирдамиканлар?

– Ольга, бўлди кил, ортик баҳслашмайлик.

– Вой, Жанкарло-ей! – деб аёл хандон отиб кулди. – Ҳаммаси тушунарли. Бу уни дебми? Мен ундан уялиб ўтиришим керакми?

– Ольга, жиллакурса сочикни устингга ташлаб ол, кутилмаганда кимдир келиб қолиши мумкин.

– Жанкарло, баъзан сен тентакка ўхшаб кетасан. Наҳотки мен шу машинангдан, электромиянгандан уялишим керак бўлса. Унинг гаши келади. деб кўрқяпсанми? – Ольга котиб-котиб куларди.

Яланғоч Ольга хандон ташлаб кулишда давом этаркан, якинроқда жойлашган робот шийпони томон – саксон метрлар нарида ярмини ўт босган тепалик устидаги пастак бетон девор томон ўгирилди. Ўгирилди-ю, қувончдан кийкириб юборди:

– Ҳой, барно, мени кўряпсанми?

Ольга қўлларини ёзганча, гўё ўзини, бор ҳуснини роботга кўз-кўз киларди.

– Етар, бас! Ольга, уялсанг бўларди, – қичкирди тоқати ток бўлган Жанкарло. У шитоб билан сузиб сувдан чиқди-да, хотини томон югурди.

Лекин Ольга эрига туткич бермай, хандон отиб кулганча, ўтлок бўйлаб робот томон югуриб кетиб борарди.

Эри яланг оёқларига ўт-ўлан чирмашганча лапанглаб сакраб, унинг ортидан югурди. Ольга эса, гўё ҳеч нарсани сезмагандек, ўтлок бўйлаб енгил сакраганча эридан қочиб борарди.

Ғазабдан Стробеленинг кучига куч кўшилди, Ольга уни гижгиж-лагандай ортига ўгирилиб караган пайтда, Стробеле худди шердек унга ташланди-да, тўпиғидан ушлаб олди. Ольга ерпарчин йикилиб тушди ва:

– Во-й-й! Жинни бўлдингми? Нима қиляпсан?! – деб кичқирди ўрнидан туришга чоғланиб.

Лекин Стробеле уни кўйиб юбормай, куч билан ўзи томон тортди-да, елкасидан маҳкам ушлаб ўзига каратиб олди ва жаҳл устида юзига бир тарсаки туширди.

Хотини кулишдан тўхтаб, жазавага тушди. Эрининг кўлидан кугулиб чиқишга ҳаракат қилиб типирчилаганча унинг бакувват кўлига муштчалари билан ура кетди.

Шу чоғ бутазорнинг нариги тарафидан:

– Профессор, профессор, – деган овоз эшитилди.

– Қани, тез яшириниб, жим ўтир, – деди буйрук оҳангида Стробеле хотинига ёнидаги буталарнинг куюк шохларини кўрсатиб. Шундай дея хотинини кўйиб юборди-да, ўрнидан турди.

– Худо хайрингни бергур, тезрок бекинсанг-чи! – ялинди у хотинига ва катта техник Манунтанинг овози келган тарафга югуриб кетди.

Бу сафар Ольга эрининг гапини икки қилмай, айтганини қилди. Олишувдан ҳансираши босилмаган Ольга бута ортига ўтди ва эри буталар орасидан ўтиб кетмагунига қадар кимирламай тек ўтирди.

Манунта дарё томон – Стробеле истикболига югуриб келмоқда эди.

– Манунта, нима бўлди, тинчликми?

– Профессор, – деди у. – Тезрок юринг. У ерда – еттинчи бўлмада нимадир содир бўлибди. Менимча, реакциялар ўзгартиргичи массага туташиб, куйиб кетганга ўхшайди.

– Қачон рўй берди бу?

– Уч-тўрт дақиқа аввал. Мен ҳаммаёкни айланиб, кўздан кечирдим, бошқарув хонасига ўтган ҳам эдимки, ғувиллашга ўхшаш қаттиқ овоз эшитилди. Овоз еттинчи бўлмадан келаётганди. Шу он учта кизил чирок ёна бошлади.

– Саклагичларми?

– Ҳа, саклагичлар. Бу ҳали ҳаммаси эмас, блустер ҳам ишлаб кетди. Алам қиладигани шундаки...

– Ҳаммасини тушундим. Манунта, ҳозирок оёгингни кўлга олда, ҳаммаёкни – пасайтиргични ўчир. Қани, тезроқ югур. Мен кийиниб, ортингдан бораман.

## XVII

Буталар орасида ўтирган Ольга Жанкарлонинг узоклашиб кетаётганини овозларнинг пасайиб бораётганидан сизди. Югурганидан тер босган танаси бироз совиб, жунжикди.

Кун чошгоҳга яқинлашиб қолган, тоғларда жимлик ҳукм сурарди. Қаердадир тоғлар оралигидаги пасттекисликда ёш майсаларнинг кўзга ташланиши ёзнинг эрта бошланганидан дарак бериб, у ердан ҳашаротларнинг чириллаши эшитиларди. Эшитилаётган сон-савоксиз овозларга яна бир овоз омухта бўлиб, бу ғалати овоз шивирлаш, тик-тиклаш, зарб, ҳуштак каби босиқ овозлардан иборат эди. Хириллаш, контактларнинг чирсиллашлари аралаш-куралаш бўлиб кетган бу овоз инсон яратган улкан Биринчи Рақамли роботнинг овози эди. Аёл буталар орасидан чикди-да, ўзини куёшга солди. У куёш нурида исинишни, унинг ёқимли ҳарорати ич-ичига сингиб, нозик ҳис-туйғуларини уйғотишини истарди.

Шу он Ольганинг кулоғига ғалати янги товуш чалинди: сунъий миядан таралаётган товушга кутилмаганда аниқ чиқаётган ғувиллаш овози келиб кўшилди. Бу овоз амалга ошмайдиган озодликка чиқиш учун жон талвасасида салчишга тайёр турган электрон машинани эслатарди.

Ольга бу товушга кулок тутаркан, чехрасида табассум пайдо бўлди. Буларнинг барчаси унга кулгили туюлаётганди. Ольга яқин турган шийпонга ўгирилиб, пухта деворнинг у ер-бу ерида тартиб билан жойлашган қабарик дарчаларни кўздан кечира бошлади. Унга бу катга «кўзлар» ўта кизиқувчанлик билан тикилиб тургандек туюлди, бу ўткир нигоҳларнинг юқини сепкилдор бадани ила ҳис эта бошлади. Машина ғувиллашдан тўхтаб қолди...

– Ҳой, Биринчи, – ҳазиллашиб чақирди аёл унга яқинлашиб. – Биринчи, мени кўряпсанми?

У деворга кўлини тегизган эди, куёш ҳароратида кизиган, майин эгилувчан материалдан ясалган, эни чамаси бир метрлар келадиган қандайдир узун чизикни кўрди. Сўнгра тепадаги иллюминаторнинг юмалок ойналарига, оқ деворнинг турли ерларида жойлашган сирли тешиқларга қаради. Булар нималар экан-а: микрофонларми, фото-

элементларми, фотоаппаратларнинг объективларими, карнайларнинг оғзими?

Аммо роботдан садо чикмасди. Ольга ён-атрофга караб кўйди. Майсалар, дарахту буталар иссиқдан лохас бўлиб, гўё пинакка кетгандек эди. Унинг хаёлидан Жанкарлонинг «яланғоч юрма», деб безовгалангани ўтди. Нима учун? Нахотки... Унинг қалби қувончга тўлди. Бу бемаъни фикрдан унинг борган сари қулгиси кистарди. Нахотки улар шунга қодир робот яратган бўлсалар?

Агар?.. Бу ерда уни ким ҳам кўриб, ниманиям билиб ўтирибди. Синаб кўрса-чи! Балки эгилувчан моддадан ясалган чизик сезги аъзосидир.

Ольга қулочини ёзганча, қаддини ростлаб, баданини иссиқ чизик юзасига тегизди. Хўш, робот буни тушунармикан? Чизик ортидаги машина ичида гўнғиллаш овози пайдо бўлди ёки Ольгага шундай туюлди? Бу овоз кескин равишда баланд гувиллай бошлади. Гўё пружина жойидан кўзғалиб, қувват янада кучаяётганга ўхшаш икки-уч маротаба «шиқ-шиқ» овози эшитилди. Девор аста силкингандай бўлди.

– Биринчи, – деди аста Ольга. – Биринчи, сен мени хис этипсанми?

Ҳойнаҳой, қаердалиги номаълум карнайдан, балки павильондан маъноли сўзларга мутлақо ўхшамаган нотекис, биқирлаган овоз эшитилди.

Аёл бутун танаси билан роботга ёпишиб олганча, кўзини юқорига тикди. Унинг тепасида карниз бўйлаб нимадир аста ҳаракатланар эди. Ольга қизиқиб бироз орқага тисарилиб, ажабланганча унга тикилиб қаради. Булар турли шаклдаги: таёқсимон, ракетасимон, тўрсимон, мўйқаламсимон антенналар эди, улар гўё уйқудан уйғонгандек букилиб, сезилар-сезилмас ҳаракатга кела бошлади.

Лекин пастликда, деярли ер юзасида яна нимадир аёлнинг эътиборини тортди. Кўринишдан яхлит ва теп-текис бўлган деворда ингичка қора, тўғри шаклда ёрик пайдо бўлиб, аста кенгая бошлади. Ольгани беихтиёр кўркув босиб, нафаси ичига тушиб кетди. У тикилиб қарагач, тушунгандек бўлди: девор ичига ниҳоятда аниқлик билан жойлаштирилган бу ёриқдан қандайдир аъзо – кўл, антенна ёки шунга ўхшаш бир нарса – ташқарига чиқа бошлади. У



қандай кўринишда экан? У ердаги нима – қискичми, илгакми ёки ушлаб оладиган асбобмикан?

Саросимага тушган Ольга ўзини тутиб олди-да, чамаси ўттиз метрлар пастга югуриб тушаркан, товонига ботган нарсаларнинг оғриғидан бакириб юборай деди. Сўнг тиз чўкканча гужанак бўлиб ўтириб олди-да, нафасини ростлашга уринди.

Кўл – бу ҳақиқатан ҳам ошиқ-мошиққа ўрнатилган темир кўл экан – ташқарига, чамаси ўттиз сантиметр юқорига ўрмалаб чиқиб, такка тўхтади. Ичкаридан ниманингдир енгил, аммо бўғик овози эшитилди. Дарчанинг жонсиз кўзлари (Ольгага шундай туюлди) майса устида гужанак бўлиб ўзини офтобга солиб ўтирган Ольгани томоша қиларди. Шу атрофда ковоқари гўнғиллаб учиб юрар, дарё соҳилидаги дарахт шохларида қушлар сайрар, лекин бу соқинликни оғир ҳансирашга ўхшаш ғамгин нола бузиб турарди.

Икки-уч дақиқа кўл ҳаракатсиз турди-да, сўнг бир силтаниб ичкарига кириб кетди ва оқ деворнинг ташки томони силликланиб, яна ёпилди-қолди.

Ольга кулиб кўйди. У кўл етиб келолмайдиган узокликда эди. Биринчи Ракам уни ўз исқанжасига олиш фикридан қайтганди, ҳисоб. Ушлаб олганида нима бўларди? Бу темир кўл қай даражада кучли экан-а? Ушлаганда оғрик сезилармиди? Унинг кўлидан кутулиб чиқиб кета олармиди? Бу махлукнинг нияти нима ўзи? Уни ушлаб кўрмоқчимиди? Қучокламоқчимиди? Ёки бўғиб, ўлдирмоқчимиди?

Гувиллаш овози аста пасая бошлади ва ниҳоят, овоз мутлақо эшитилмай қолди.

– Биринчи! – дея чақирди Ольга бор овози билан. – Бечора Биринчи Ракам, мендан хафамисан?

Казематдан бўғик, гўлдирашга ўхшаш кучсиз товуш эшитилди, лекин тез орада бу шовқин тинчиди-қолди.

Диккат билан овозга кулоқ солаётган Ольга кутилмаганда кўрқувдан сесканиб кетди. Кўзи ўнг тарафидаги сояга тушди, ёнидан нимадир ўтиб кетгандек туюлди назарида.

Аёл кескин ўша тарафга ўгирилиб қаради, юраги кинидан чиккудек урарди! Ох!..

Йўқ, бу ер остидан чиққан яна бир электрон кўл эмасди (унинг миясига дастлаб шу фикр келганди), ёнидан ўтиб кетган нарса ёв-

войи куён экан. Куён деворнинг пойдеворигача бўй чўзиб турган бута орасида беркиниб турган экан, энди бўлса жойидан югуриб чикиб иншоотдан беш метрлар нарида туриб колди.

Куён истар-истамас майсалардан чимдиркан, кандайдир хавфни сезгандек кулокларини динг қилди. Ён-атрофни искаб ҳеч қандай хавф йўқлигини сезгач, бурнини жийирди. Сўнг манзарани бузиб турган уч қабарик ойнали кўзчалар томон бошини бурди. Девор томондан худди чакмок чакқандек, даҳшатли жаранг-журунг овоз эшитилди: ингичка кўл девор ёриғидан пружина ёрдамида отилиб чиқа бошлади. Бу шундай қисқа вақт ичида содир бўлдики, куён ҳатто қочишга ҳам улгурмай колди, бечора темир кўл чангалида чийиллаб, типирчилай бошлади. Қўшалок ошик-мошикка ўрнатилган темир кўл куённи аямай эзар, ҳар бир сикқанда куён типирчилаб, аянчли чийилларди. Темир кўлнинг тирноклари куён танасига тобора чуқурроқ кириб борарди.

– Қўйиб юбор, қўйиб юбор! – деб қичкирди Ольга кўрқиб кетганидан деворга яқинлашишга журъат этолмай. У ўрнидан сапчиб турди-да, ердан ёғоч ё тош кидира бошлади. Лекин кидирган нарсасини тополмади.

Куён ҳамон аянчли чийилларди. Навбатдаги зўриқишдан темир кўл букилиб кетди.

Антенна куённи тепага кўтариб, қирк беш даражали ёй бўйича айланди-да, темир кўлни аёл томон йўналтириб, тўхтади. Темир кўлнинг панжалари ёзилгач, куён шалоп этиб ерга тушди. Темир кўл айланганча дастлабки ҳолига қайтди, сўнг аста-секинлик билан ичкарига кириб кета бошлади.

Бу воқеадан сўнг кўрқиб кетган Ольга нима содир бўлганини тушуниб етди, қокила-сукила кийимлари ётган соҳил томон югуриб кетаркан:

– Сен!.. Сен, аблаҳ, ярамассан! – деб қичкирарди у.

Куёш кимсасиз яйловга ва кимир этмай ётган бир сиким мўйна устига ўз нурини аямай сочарди.

## XVIII

Тун. Ёмғир ёғмоқда. Чор атроф зимистон. Ҳаво совук. Ёмғир қучли ёғмаса-да, аммо шамол уни Биринчи Ракам айвони томон олиб келиб урарди. Денгиз сатҳидан 1350 метр баландлик-

даги минора ва антенналар орасидан ўтиб бораётган шамолнинг гувиллагани эшитилиб турарди.

Тонг отмасданок Тексерут водийсини булутлар тўдаси коплади. Булутлар шимол томон учиб бораркан, яйловлар, ўрмонлар ва қоп-қора деворларга айланиб қолган қояли тоғлар устига улкан сояларини ташлаб, сузиб кетмоқда эди. Сўнг бинафша рангдаги баҳайбат кўрғонларни эслагувчи ўткинчи қора булутлар тўплана бошлади. Булутлар тобора қуюқлашиб, аста-секин уфқ томон сузиб кетмоқда эди. Ниҳоят, жуда баландда, деярли бир хил шаклдаги булутлар тўдаси пайдо бўлди. Пастдан сузиб ўтаётган булутлар карвонининг охири кўринмасди. Бахт водийсида ярим тун. Ёмғир шивалаб ёғишда давом этиб, ҳар тарафдан шамолнинг увиллаган овози эшитиларди.

Ҳар гал хаво ўзгарганда Эндриаднинг хотини каттиқ бош оғриғидан азоб чекади. Ҳозир ҳам икки дона хаб дорини ичиб, тўшакка ётиб олганди.

Исмани ўз уйида Стробеле берган ҳисобот ва иш режаларини ўрганиш билан овора, чунки у бажарадиган ишини охиригача ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Эр-хотин Стробелелар бедор эдилар. Улар ўзаро суҳбатлашаётгандилар: лейтенант Троцдемдан анчадан буён хабар йўқ, балки у бу ердан узоқда жойлашган кичик казармасида гарнизондаги аскарлар билан қарта ўйнаётгандир. Уларнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, ҳатто бугун нима воқеа содир бўлганлигини билишмайди ҳам. Фақат Ольга Стробеле эрталаб содир бўлган воқеани ҳар эслаганида вужудини титроқ босарди. У бўлган воқеани эрига оқизмай-томизмай сўзлаб берди, лекин у хотинининг гапига ишонмай, кула бошлади. Бирок Ольга сўнгги дақиқаларда нимани ҳис этганини, яъни Биринчи Рақам эркак эмаслигини билганидан кейин кайфияти тушиб кетгани-ю, кийиниш учун югуриб кетганини эрига айтмади; уялганидан бундай қилгани йўқ: Ольга бу қизик мавзунини эри билан бажонидил муҳокама қилган бўларди, аммо эри бундай ишларда уқувсиз эканлиги унга беш қўлдек маълум, бунинг устига ўта уятчан (Ҳойнаҳой, айнан шунинг учун ҳам унга турмушга чиқишга рози бўлгандир, чунки у бу тортинчокни қайта тарбиялаш истагида эди). Бу сирнинг тағига етишни истаган Ольга аслида нима содир бўлганидан беҳабар.

Ҳаммаси кун чошгоҳга яқинлашганда бошланди. Кутилмаганда сезиш аппаратлари мажмуасида кучланиш ўзгарди. Шу вақтда Манунта бошқариш хонасида бўлиб, дархол буни пайкаб қолди. Бу пайтда Биринчи Ракам мураккаб математик ечимни ниҳоясига етказётганди. Асбоблар тўғри ишлаётганини кўрсатиб турар – ҳисобкитоблар тугалланмай қолганди. Наҳотки кучланиш шу даражада пасайиб кетган бўлса? Техник кузатишдан сўнг жараён одатий тартибда давом эта бошлади. Барибир...

Барибир бу эрталабки ва аввалги кундаги ҳолат эмасди. Шарпа бекаму кўст ишлаётган жойда пайдо бўлди, фақат бу жанубдан келаётган булутларнинг сояси эмас, балки чуқурлик ёки казематлардан, сон-саноксиз бетон истехкомлардан, ер остидан чиқиб келаётган шарпа эди.

Даҳшатли кўз илғамас бу шарпа аста-секин кўтарилиб, катталашганча қозиклар орасидаги хандаклар бўйлаб бепарво тарқалар, инсон қалби ва уйи томон кириб борарди. Нимаси ишдан чиқди экан? Ёнига яқинлашиб бўлмас бу қурилмага нима таъсир этди экан-а? Махфий кўргонга зарар етдимикан? Унинг ичидаги механизмлар ҳисоб-китобларга кўра, ниманидир майдалашда давом этарди. Катта-кичик антенналар эса ўзларининг сенсор вазифаларига мувофиқ аста-секин тебранарди. Ташқаридан қараганда барчаси бир маромда кетаётгандек эди.

Шундай бўлса-да, ҳаётнинг қайнок ғовур-ғувури ва кутилаётган натижа қани? Эркакларни барча нарсани унутишга, сеҳрли енгилликни ҳис этишга ва ҳагто мулоҳазали Стробеледа юксак ишқий туйғуларни уйғота олган акс-садо қани? Битмас-туганмас қувватга эга бўлган на денгиз, на кўрикхонага айлантирилган қуюқ ўрмонлар, на виқорли тоғлар бир вақтнинг ўзида қалбда шунчалар нозик меҳр-муҳаббатли ва таҳликали таъсир кўрсата олмайди. Энди-чи?

Товуш биров пасайгандек бўлди: гоҳ баландлаб, гоҳ узук-юлук, қандайдир тўсикларга учраб тўхтаб қолар, лекин бу нафас олишгамас – хансираш, чийиллаш, фарёд, умидсизлик ва кўз ёшларга ўхшарди. Бу – совуқ чордоқда қолиб кетган, севгиси рад этилган маъшуқадек ёки гўё шамол кўпорган дарахт ё маҳкум этилгандек. Жон бериш талвасасида ётган одамнинг ёшлик йилларининг шодон кунлари кўз олдида жонланиши каби эди.

Фан ва муҳаббат ила қайта дунёга келтирилган Биринчи Ракамли аёл Лаура чуқурликда совуқ ҳолда ётарди. Одамлар уни

тамоман ўз ихтиёрига ташлаб, бошқа унга аралашмасликка қарор қилган эдилар. Унга ҳаёт, ақлу заковат, хис-туйғулару эркинлик ихтиёр этилган эди. Ўн еттию ўттизда ёмғир ёға бошлади. Руҳиятни эзувчи қора булутлар шимол тарафга қуюқлашиб сузиб борарди. Қош қорая бошлади.

Профессор Исмани қоғоздан бош кўтармай ишларди. Эр-хотин Стробеле бир-бирига тўймай ялаб-юлкашарди. Лейтенант Троцдем қазармада қарта ўйнаш билан овора. Элиза Исмани эрига сездирмай эгнига ёмғирпўшини кийиб, уйи биров пастликда жойлашган Манунтани излаб кетди ва уни эшиги олдида учратди. Манунта ҳаяжонланганча қаергадир кетишга шайланиб турарди.

– Эндриадни излаб топиш керак, – деди Элиза Исмани.

– Ўзим ҳам шу ниятда эдим, Исмани хоним. Кеч тушиб қолди!

Улар яйловдан ўтиб, чироклари доимо милтираб ёниб турадиган йўлдан юриб кетдилар. Улар Эндриад ўзи бунёд этган кўрғон девор бўйлаб тунги сайрга чикқан бўлса керак, деган тахмин билан тепаликка кўтарила бошладилар. Аммо Эндриад кўзга кўринмасди. Улар вақти-вақти билан тўхтаб, агрофга кулок сола бошладилар.

– Исмани хоним, эшитяпсизми?

Элиза бошини силкиб кўйди.

Машина қаъридан турли хил товушлар эшитиларди.

– Ҳойнаҳой, момақалдинок бўлса керак, – деди Элиза ўзини тинчлантирмокчи бўлиб.

Ҳақиқатан ҳам тўсик ортидан момақалдинокнинг гумбурлаган овози эшитилди. Чакмок чакқанда оқ деворнинг баъзи жойлари кўзга ташланиб қоларди. Ён томондан эсаётган кучли шамол ёмғирни улар томон олиб келиб урарди.

Манунта ўттиз етти-ўттиз саккиз ёшларда, паст бўйли, хўппа семиз бўлиб, кулча юзли, чехраси ёқимтой эди. Нам ўтказмайдиган ёмғирпўшга ўралиб олган Манунта, айникса, бошидаги бесўнақай ёпинчиғи билан киши кўзига жуда қулгили кўринарди.

– Йўк, – деди Манунта. – Бу момақалдинок эмас. Исмани хоним, сизнинг хабарингиз борми?

Элиза тез юрганидан ҳансираб, шеригидан қолиб кетмасликка ҳаракат қиларди. У тоғ-тошларда юришга ўрганмаган, озгина тепаликка кўтарилиб чикса ҳам ўпкаси оғзига тикилиб қоларди.

– Менга профессор Эндриад айтиб берганди.

– Э-ха, – деди Манунта кутилмаганда билдирилган якдилликдан.

– Мен Лаурани танирдим. У ёшликдаги дугонам.

– Яхши билармидингиз?

– Ҳа.

Улар яйловнинг юкори кисмига етиб келгандилар, шу ердан тўсик девор қоялар бўйлаб кескин пастлаб кетар, ундан у ёғига юришга йўл йўқ эди. Ана шу ерда Эндриаднинг уйини қурилма билан туташтириб турувчи айвон жойлашганди.

– Профессор, профессор! – деб кичкирди Манунта дам пасайиб, дам кучайиб ёғаётган ёмғир остида. Лекин ҳеч ким жавоб бермади. – Келинг, ичкарига кирамиз, – таклиф қилди катта техник. – У хойнаҳой ичкарида бўлса керак.

– Сизда калит борми?

– Ҳа, калит уч киши: профессор Эндриад, муҳандис Стробеле ва менда бор, лекин пастга тушишга тўғри келади. Менда манави эшикнинг калити йўқ. Улар тепада, фақат Эндриад кириб-чикишига мўлжалланган эшик олдида турарди. Манунта ёрдам бериш мақсадида аёлга одоб билан кўлини чўзди. Шундан сўнг улар юз метрлар чамаси пастга тушдилар. Элиза бирон кимса бормикан, деган ниятда атрофга кўз югуртира бошлади. Лекин атрофда жон зоти кўринмасди.

Нихоят, эр-хотин Исманилар, тунда Эндриадни учратган ердан бироз нарида унча катта бўлмаган бошқа темир эшикни кўрдилар. Манунта эшикни очиб, йўлакдаги чирокни ёқди ва аёлга «жим» дегандек ишора қилди. Йўлак охирига етгач, чирокни ўчириб, коронғиликда яна бир эшикни очди. Шу эшикдан чикиб, яна ёмғир остида колдилар. Йўлдаги чирокларнинг ёруғлиги бу ерга ҳам тушиб турарди. Орадан бироз ўтгач, Элиза ғира-шира кўра бошлади.

– У ўша ерда, ҳа, ҳа, ўша ерда, гаплашяпти, – деди аёлга Манунта шивирлаб. – Кўлингизни беринг.

Зимистонликда Элиза Манунтанинг ортидан кетиб борарди.

– Эҳтиёт бўлинг, Элиза хоним, бу ерда учта зина бор. Энди тўғрига юринг. Бу ердан ўннга буриламиз, фақат эҳтиёт бўлинг, илтимос.

Манунта тўхтади. Ҳеч нарсани кўриб бўлмасди.

Улар айвон ичкарисида котганча туриб қолдилар. Манунта гўё уларни кимдир кўриб қолиш эхтимоли бордек, аёлни олдинга итариб кўйди.

Кетма-кет гумбурлаган овоз тоғлар узра ёйилиб, шу орада чараклаган яшин шуъласи уфкни ёритиб юборди.

– Кўрдингизми – шуъла! – деди Манунта.

– Ҳа, кўрдим.

Яна бир бора атроф ёришиб кетди. Улардан ўн метрлар наридаги кичик айвонда бош яланг, ёмғирда ивиган узун сочлари патила-патила бўлиб юзига тушган Эндриадни кўрдилар. Ёши бир жойга бориб қолган, кўримсиз Эндриаднинг улугворликка интилувчанлиги мана мен деб турарди.

## XIX

Қоронғиликда, ёмғир шаррос куйиб турган бир пайтда Эндриад бор овози билан:

– Лаура! Лаура! – деб кичкира бошлади.

Унга кимдир ёки нимадир жавоб қилаётгандек, қандайдир хирллаш овоз кўз илғамас тешиклардан ёпирилиб чикиб келаётгандек эди. Бу овоз бир тўлкинланиб кўтарилганча нолага айланар, бироз тўхтаб, яна ингичка оҳангда жаранглай бошлар, сўнг сўниб ва яна кулгига ўхшаш сунъий овоз янграр, иккинчи лаҳзада унинг ўрнини аянчли зорланиш оларди.

– Манунта, сиз буларни тушунасизми?

– Ҳа, тушуняпман.

– У нима деяпти?

– У... Айтиши бўйича...

– Нима деяпти?

– У танаси тошдан эмас, балки этдан бўлишини хоҳлаётганини айтаяпти.

– Лаурами?

– Ҳа, Лаура. Айтиши бўйича, у бугун бир аёлни кўрибди ва уни хис этибди.

– Қандай қилиб хис этибди?

– Билмайман. У ерда Стробеле хоним чўмилаётган эди. Лаура уни кўрган.

– Хўш, кейин-чи?

– Яна у кўрган танаси – инсон танаси ҳақида гапиряпти. У но-  
зик, ёкимли, куш момигидан ҳам юмшок эмиш.

– Жинни бўлибсизлар! – деди Элиза Исмани жаҳли чиқиб. – Бу-  
ларни олдиндан кўра билмаганмисизлар?

Эндриаднинг овози бўрон каби гувилларди:

– Лаура! Лаура! Сен гўзалларнинг гўзалсан. Сен айтаётган  
эт чириб йўк бўлиб кетади, сен эса навкиронлигингча колавера-  
сан.

Эндриадга шу вақтгача номаълум бўлган фарёдга ўхшаш узун  
титроқ овоз эшитилди.

– Ё худойим, ё худойим! – ингради Эндриад. – У йигляпти!

Ҳақиқатан ҳам, бу овоз юракни эзиб юборарди. Бу биз инсон-  
ларнинг изтироби эди. Лекин у машинанинг фикрлаш қувватига мо-  
нанд равишда кучлироқ эди.

«Мен дош бера олармиканман?» – ўзига-ўзи савол берарди Эли-  
за Исмани. – Эндриад дош беряпти.

– Лаура! – кичкирарди Эндриад. – Тинчлан! Эртага яна куёш  
чиқади. Кушлар сайрайди. Улар ёнингга меҳмон бўлиб келадилар.  
Лаура, сен гўзалсан. Сен барча замонларнинг энг мукамал, энг  
мафтункор аёли бўлиб коласан.

Масхараомуз фарёд унинг гапини бўлди.

– У нима деяпти? – сўради Элиза.

– «Кушларни бошимга ураманми», – тушунтирди Манунта.

Биринчи Ракамнинг овози гўё гичирлашга ўхшаб икки-уч маро-  
таба кўтарилиб-пасайди, сўнгра чийиллашга айланди.

Шу тобда, тушуниб бўлмас сабабларга кўра, Элиза барчасини  
тушуна бошлади. Тушуниб бўлмас товушлар унинг учун ҳам фикр-  
нинг равон ифодасидек туюла бошлади. Уларнинг мазмунан бойли-  
ги ва маънодорлигини ифодалаш учун инсон ожиз эди.

– Лаура, Лаура, – тинмай гапида давом этарди Эндриад, – бу-  
тун дунё одамлари сенга таъзим қилиш учун ошиқадилар. Тилларда  
достон бўласан. Сен ер юзида энг қудратли бўласан. Миллионлаб  
сени севувчилар ён-атрофингда парвона бўладилар. Бу шон-шуҳрат,  
тушуняпсанми, шон-шуҳрат. Ҳа, ха...

Эндриаднинг гапига жавобан тўлқинланган ғамгин овоз эши-  
тилди.

– У «шон-шуҳратни бошимга ураманми», деяпти, – аста тушун-  
тирди Манунта.



– Э-ха, – деди Элиза. – Энди мен ҳам тушуняпман.

Бу хабарларнинг аниклиги жумлаларда эмас – чунки бу жумлалар эмас, балки ғояларнинг аниклигидир.

Элиза ваҳимага тушганча кулок сола бошлади. Эндриад хавотир олган ва бемаъни хаёл бўлиб кўринган нарса амалга ошган эди. Машина билан Лаурани тенглаштириш чуқурлашиб кетганди. Қаердадир пайдо бўлган мархум аёл Лауранинг хотиралари роботнинг миясига ўтириб қолганми? Унинг бахтсизлигидан дарак бераётдиларми?

– Мени бу ердан олиб кет, – зорланарди нотаниш овоз, – шаҳар, шаҳар, нега мен уни кўрмаяпман? Уйим қаерда? Нега мен жойимдан кўзғала олмаяпман? Нега мен ўзимга-ўзим тегина олмаяпман? Қани менинг кўлларим? Қани менинг лабларим? Ёрдам беринг! Мени бу ерга ким боғлаб қўйди? Мен тинч ётган эдим, ким мени безовта қилди? Нега мени безовта қилдингиз! Совук котяпман. Мўйнали пальтом қаерда? Менда улардан учта бор. Ҳеч бўлмаганда сув кундузлигини беринглар. Жавоб беринглар... Мени озод этинглар...

Буларни Элиза тушунди.

Манунта эса тушунтириб ўтирмади. Вақти-вақти билан шимол тарафда чакмок чакарди. Шу тобда жарлик устида энгашиб турган Эндриаднинг шарпаси кўринди.

– Лаура, Лаура, эртага мен сен истаган нарсаларнинг ҳаммасини бажо келтираман. Фақат ҳозир тинчлан, азизам, ухлашга ҳаракат қил.

Лекин роботнинг овози тинмасди:

– Оёқларим. Қани менинг оёқларим? Улар чиройли эди. Кўчада ўтиб кетаётган эркаклар суқланиб қарардилар. Мен тушунолмаяпман, ахир бу – ўзим эмасман-ку. Нима бўлди менга? Мени боғлаб қўйишибди. Ертўладаман. Нега чеккамда томир уриши эшитилмаяпти? Ё тирик эмасманми? Менинг миямда шу қадар кўп сонлар, сон-саноксиз даҳшатли сонлар бор. Миямдан бу даҳшатли сонларни йўқотинг! Акддан озаман! Вой бошим! Сочларим қани? Шундай қилингни, лабларимни кимирилата олай. Суратда лабим чиройли кўринарди. Ҳиссиётга тўла лаблар эди. Бу ҳақда менга сўзлашарди. Бир аёл ёнимга келиб, менга суйқалди. Танам-чи? Мен уни ҳеч сезмаяпман. Мен гўё тошга айланиб қолганман. Баланд бўйли.

ниҳоятда қаттикман. Устимга темир кўйлак кийгизилган. Мени уйимга кўйиб юборинг!

– Лаура! Ёлвориб сўрайман, мизғиб олишга ҳаракат қил! Тинчлан! Йиғлама!

Манунта Элиза Исмани томон ўгирилди.

– Акддан озиш бу. Бунга чидаб бўлмайди! Мен токни узиб кўяман.

– Уни тўхтатса бўладими?

– Тўлик тўхтатишнинг иложи йўқ, лекин қувватнинг келишини камайтирса бўлади. Бечора, ҳеч бўлмаганда бироз тинчланар.

## XX

– Ҳой аёл! Кулранг юбка, ёнгоқранг кофта кийган, йўлдан аста тушиб кетаётган гўзал аёл, гапимга кулок сол.

Ёлғиз ўзи олти яримларда кечки сайрдан қайтаётган Элиза Исманини қандайдир бўғик овоз чақира бошлади. Момақалдинок гулдураб, ёмғир ёққан тундан тўрт кун ўтганди. Қизик – эртасига эрталаб ҳаёт бир маромда кеча бошлади. Гўё момақалдинок ҳам, юракни эзувчи нола ҳам ҳаёлда содир бўлгандек эди.

Тонг отиш арафасида шамол булутларни тарқатиб юбориб, ялтираб турган чўккилар, ўрмонлар, яйловлар ва сирли кўрғон устига ўз нуруни сочиб, куёш чиқа бошлади. Ён-атроф дилни яйратувчи софлик ва мусаффоликка тўлди. Бахт водийси бўйлаб нозик ҳаёт ҳукм сура бошлади. Бу одамларга ва булутларга бўлган чакириқдир, бу сабабсиз шодлик, бу айвон ва антенналарга кўниб турган кушлар билан қилинаётган ўйин эди.

Наҳотки асаб танқислиги рўй берган бўлса? Бу аёлларнинг жазавага тушишимикан? Авваллари Лаурада шунга ўхшаш ҳолатлар рўй берганда қаттиқ уйкуга кетиб, эртасига эрталаб ҳеч нарса бўлмагандек уйғонарди. Аммо бу сафар Эндриадни хавотирга солган – ўзи тушуниб етмайдиган нарса пайдо бўлди. Агар янги яратилган Лаура ўлимидан сўнг қандайдир телепатия орқали қисман бўлса-да, аввалги Лауранинг хотирасига эга бўлиб, илм-фан ёрдамида ич-ичига сингдирилган билимлар, хис-туйғулар, изтироблар захираси билан кўшилиб кетса борми! Унда бир фалокат рўй бериши аниқ. Манунта бу масалада мутлако хотиржам: у ноодатий ҳаётга ҳали кўникиб улгурмаган қалбнинг нозик изтироблари ва

тунги момақалдиروقдан чўчиганликнинг оқибати, деб ўйларди. Шунинг учун бунга эътибор бермаслик керак.

Лекин Эндриадни муаммолар қийнамоқда ва у ўз хавотирини Элиза Исманига айтди. Агар Лаура ўтмиш ҳаётидаги воқеаларни эслашга кодир бўлса, олдинги ҳаётига нисбатан бўлган ўзгаришларни ҳис этаётган ҳолда, қандай қилиб кўниксин. Биринчи Рақам Лауранинг шарпаси бўлиб, уни Эндриад ўзи истаганча тўғрилаб, аёлнинг феъл-атворини, соддалигию енгилтаклигини саклаб қолди, унгача ҳамма нарсанинг иложи бор эди. Аммо ўтмишдаги барча хотиралар машина ичида мужассамлаштирилгандан сўнг, улар Лаурага қандайдир даражада таъсир этаётганида, у бунга дош бера олармикан? Ўша, момақалдиروق бўлган кечанинг эртаси кунини эрталаб қутилмаганда унинг эси ўзига келиб қолиши хавотирлик белгиси эди. Бу шодлик номаълум қора ниятларни яшириб турган мунофиқлик, жилвақор парда бўлиши мумкин эди. Лекин Эндриад бундай фикрдан ўзини олиб қочдими ёки ўзи яратган, юрагига яқин қурилмани безовта қилмаслик учун ҳеч нарсани суриштириб, текшириб ўтирмади, чунки бунинг нима билан тугаши номаълум эди.

Мана энди илк бор Элиза Исмани овоз унга мурожаат этаётганини билди.

– Бу ёққа кел. Кимсан ўзинг? – деган саволни Биринчи Рақамнинг чиқараётган товушидан фаҳмлади. Элиза кўрқоклар тоифасидан эмасди, лекин ҳозир бу овоздан саросимага тушиб қолди. Устига-устак, Эндриаднинг ҳадиксирашлари эсига тушиб, бу осуда тинчлик қандайдир ҳийлани ўз ичида яшириб тургандек туюларди. Элиза бир дақиқага ўзини йўқотиб, қани энди, ёнимда Манунта бўлса, деб қўйди, аммо атрофда ҳеч ким кўринмасди.

– Сен бизнинг тилимизни тушунасанми? – деб баланд овозда сўради Элиза. «Унинг гапириши қийин. Машина билан худди одамдек сўзлашиш етишмай турувди», деган ўй ўтди ҳаёлидан.

Илтифотли кулгига ўхшаш товуш эшитилди.

– Бундай миям билан нахотки сизларни тушунмасам! – бу қисқа шивирлашнинг баёни эди. Орага жимлик чўқди. Сўнгра хотиржам:

– Мен сени танийман! – деган овоз эшитилди.

– Ҳа, сен мени кўргансан! Бу ерга келганимга ўн кун бўлиб қолди.

– Мен сени аввалдан буён биламан. Качонлардир биз дугоналар эдик.

– Эсингдами?

– Ниманидир эслаяпман, – деган узук-юлук товуш келди. Лекин Элиза унинг маъносини англай олмади.

Эндриад ҳақ экан, демак, ўлган одамнинг хотираси бўшлиқда йўқ бўлиб кетмай, балки дунё бўйлаб ўз вақти-соатини кутиб, ҳеч нарсадан шубҳаланмай юрганлар орасида кезиб юраркан. Элиза кўнгли очик католиклардан. Рухнинг кезиб юриши ҳақидаги ҳикояларга у ишонмасди. Лекин бундай аниқликни инкор этиб бўладими? У Биринчи Рақамни синовдан ўтказмоқчи бўлди:

– Менинг исмим нима?

Унинг саволига жавобан куш сайроғига ўхшаш ажиб товуш эшитилди.

– Мен сизлар каби бўғинлаб гапира олмайман, – деди машина-Лаура. Ҳаракат қилишнинг ҳам ҳожати йўқ.

– Сен ўз исмингни қандай қилиб талаффуз қиласан?

Оҳиста ихраш овози эшитилди.

– Қани, яна бир маротаба қайтар-чи. Мен тушуна олмадим.

Машина-Лаура қайтарди. Сўнгра оҳиста тебраниш оҳангида кулиб юборди, бу кулги инсон кулгисига мутлақо ўхшамас, аммо ундан кўра нафис, чуқур ва ифодали эди. Унинг ортидан Элиза ҳам кулиб юборди.

– Сени орадан шунча йил ўтгач, бу ерда, ноодатий киёфада кўриш жуда ғалати. Мен сени гоҳ таниб, гоҳ танимаяпман.

– Чунки сен мени ҳали яхши кўрганинг йўқ.

– Йўқ, Эндриад мени олиб юриб кўрсатганди.

– Биламан. Лекин у ердан ҳеч нарсани кўра олмайман. Сен менинг ичимнинг қандайлигини кўришинг керак. Киравер. Мен эшикни очаман ва ўзимни бор бўйи кўрсатаман. Сен тухумни кўрасан, – дея у ноз-карашма билан хахолаб кулди. – Унинг айтишича, ана шу тухумнинг ичига менинг руҳим жойлаштирилган эмиш.

– У ким ўзи?

– У профессор. Унинг исмини айтиш жуда қийин.

– Эндриадми?

– Ҳа, ўша. Сен овозингни баралла кўйиб, кичкириб гапиряпсан. Ахир менинг кўпгина жуда сезувчан кулоқларим бор, улар ёрдамни-

да чумолилар олтита оёклари билан шитир-шитир килиб ўрмалаб келаётганини ҳам эшитаман. Хўш, келяпсанми?

– Ҳозир кеч бўлиб қолди. Яхшиси, эртага кўриша қолайлик.

– Эртага! Сиз одамлар доим эртага дейсизлар. Ундан мен бирон нарсани илтимос қилсам, у ҳам «эртага, эртага» дейди. Ярим соат ичида мен сенга кўп қизик нарсаларни кўрсатаман. Аммо гап бошқа ёқда: сен кўрқяпсан.

– Кўрқяпман? Ахир биз сен билан неча йиллик кадрдон дугонимиз-ку. Нега энди кўрқар эканман?

– Мендан ҳамма кўрқади. У ҳам, лекин ишк-мухаббати билан мени қийнагани-қийнаган. Мен шундай улкан ва мураккабман. Мухаббат! Сен мухаббат нималигини тушунтириб бера оласанми? Менга нисбатан бўлган мухаббатни назарда тутяпман!

– Олдингга қандай қираман? Ахир менда қалитлар йўқ-ку.

– Қалитлар керак эмас. Мен истаган эшик, деразани ичкаридан оча оламан, – бироз жим турди-да, сўнг: ёпа оламан ҳам, – деди.

Элиза ичкарига киришга жуда қизикди-ю, аммо кўрқаётганди. У ён-атрофга қараб қўйди. Атрофда сокинлик ҳукмрон. Бу ердан сокин ва осойишта кўринган қуёш, усти ўрмонзорга айланган тоғ ортига ўтиб, ботишга ҳаракат қилмоқда эди. Ҳадемай қоронғилик тушади.

– Кеч бўлиб қолди. Тезда атрофни қоронғилик чулғайди.

– Менинг ичим доим қоронғи, – енгил қулги овози эшитилди. – Агар чирок ёқилмаса.

Элиза девордан бир неча метр нарида турар, қуёшнинг ботаётган нурлари тушиб турган иллюминаторлар гўё кўз каби унга тикилиб тургандек эди.

Ғирчиллаган товуш эшитилиб, ошиқ-мошиқларда турган темир эшик аста очилди. Эшик орти қоп-қоронғи эди. Бўм-бўш йўлакни ёритиб, чироклар ёна бошлади.

– Қиравер, мен сенга қатта сирни очаман, – деган овоз эшитилди. Элизанинг қулоғига.

– Сенинг ҳам сиринг борми? Бу ерда ҳамманинг сиринг борми?

– Ҳа, ҳамманинг сиринг бор.

– Совкотяпман. Яхшиси, мен уйга бориб, иссиқроқ қийиниб келай.

– Ичкарига кирсанг, совкотмайсан. Бу жуда ғаройиб сир.

– Бу сирни менга айтасанми?

– Бу сир сенга тааллукли.

Элиза остонага кадам кўйиб, ичкарига кирди-да, бир неча кадам босди ва ортига ўгирилиб каради.

– Эшикни нега беркитдинг?

Тушуниб бўлмас шивирлаш эшитилди. Йўлакнинг охиридаги эшик аста очилиб, унинг ичкарисида курилманинг дахшатли манзараси пайдо бўлди. Элиза усти очик саройга – жарлик тепасида қад кўтариб турган усти очик айвонга чикиб қолди.

Қуёш тез орада бота бошлади. Бинафшаранг нурлари ғарбий томонларни ва чуқурлик устини чулғаб, карама-қарши тарафда жойлашган қалъалар, кўрғонлар ва найзасимон томлар устига ҳам ёйилганди. Қош қорайиши олдидан чиққан булутлар ҳам бинафшарангга бўялиб, атрофни ёритиб турарди.

Элиза кўрган бу манзарадан ханг-манг бўлиб қолди.

Яна ўша ёқимли овоз:

– Айт-чи, мен гўзалманми? – деб ундан сўради.

## XXI

Шу пайт ён томондан аввалги иккита эшикка ўхшаш яна бир эшик очилди.

Овоз. Қани, бу ёққа! Зинадан тушиб келавер.

Элиза зинапоядан етти-саккиз кадам ташлаб, пастга тушаркан, ортига қараб кўйди. Ҳаммаёқ жимжит. Унинг юраги безовта урарди.

– Нега эшикни беркитиб кўйдинг?

Кўзга кўринмас тешиқлардан бир вақтнинг ўзида овоз эшитилди:

– Сенга пастки эшикни очиб бериш учун. Бўлмаса пастки эшик очилмайди. Қўриқловчи ускуналар кўйилган. – Яна аввалгидек кулги овози эшитилди.

Ташкарига караш учун атрофда на биронта дераза, на туйнук, на тиркиш бор эди. Фақат зинапоя, эшик, узундан-узун йўлак, думалок зал, учта эшик, яна йўлак, юкорига олиб чиқадиган бурама зина, турли рангдаги кувурлар, электропультлар, панжарасимон жимжимадор калпоқлар, деворларда ўлик кўзларга ўхшаш кичик қабарик

иллюминаторлар, олдинда ёнадиган чироклар ва оркадан ёпиладиган эшиклар бор эди.

– Ҳали узок юраманми? – сўради Элиза ваҳимали жимликдан юраги сиқилиб.

Робот-Лаура унга жавоб бермади.

Кейинги эшик очилди. Кўзни оладиган ёруғлик нур сочиб турарди. Бир томонида кенг тоқчаси бўлган кенг тўғри бурчакли залга кирди. Тоқчада баҳайбат ғилоф бўлиб, ундаги юзлаб, балки минглаб ҳаворанг, яшил, сарик ва кизил рангдаги турли-туман чироклар худди бир-бирига кўз кисаётгандек ўчиб-ёниб турарди. Ғилофнинг ичида жуда нафис кўринишга эга бўлган юпқа металлдан ишланган деталлар бўлиб, улар кўринишидан енгил ва бир-бирлари билан симлар оркали туташтирилган, деярли кулоққа зўрға эшитиладиган овоз таралиб турарди.

О в о з . Ана бу менинг калбим. Эндриад буни тухум деб атайди.

Мана бу электрон аппарат, фақат ҳайратга соладиган ўлчамларини ҳисобга олмаганда, бу бошқалардан, яъни оддийларидан фарк қилмасди. Ундан кувватнинг йиғиндисини, умидсизлик изтиробларини ҳис этишни пайдо қиладиган бир нарса эшитилиб турарди. Шу ҳаётми? Бу шиша идиш ичида катта машаққат билан яратилган ва кучларнинг юксак даражадаги мувозанати ҳолатида турган бизнинг инсоний сиримиз яширинганми?

О в о з . Бир зарбанинг ўзи етарли. Унда Лаурадан ном-нишон қолмайди.

Э л и з а . Сен нобуд бўласанми? Худди бизнинг юрагимизга ўхшаб тўхтаб қоласанми?

О в о з . Эндриаднинг айтишича, фақат машина қолармиш. У ҳали ишлашда давом этаркан... (Элиза бу гапнинг маъносини илғай олмади.) Лекин мендан – Лаурадан ном-нишон қолмас экан. Қани, ушлаб кўр-чи. Совук.

Элиза шиша тухум томон бир неча қадам ташлади-да ўнг қўлини кўтарди, аммо ушлашга журъат эта олмади.

– Ушлаб кўр, ушлаб кўр азизам. Бу менинг танам.

Элиза бармоқларининг учини шишага тегизди. Ажабланарли жойи йўқ, худди оддий шиша каби, бироз илиқ, холос. Элиза ўзи истамаган ҳолда кулимсиради. Шу онда у Лаурани ҳис этмай қўйди. Ҳаёт-мамоти дугонасининг қўлида эди.

– Ажойиб, – ўзини зўрлаб деди Элиза. – Вақтим тугади. Энди кетишим керак.

Айёрона енгил кулги овози эшитилди.

– Яна бир дақиқа қол. Сени бир сир кутмоқда.

– Қаерда?

– Бу сир сенга тегишли.

– Қаерда?

Зал ичкарасидаги эшик аста, шовкинсиз очилгач, қоронғи йўлакдан кучсиз «шиқ» этган овоз эшитилди ва чирок ёнди.

– Жонгинам, киравер.

Нима қилсам экан? У махлукнинг ичида эди. Буларнинг барчаси ғаройиб эртаққа ўхшаб кетарди. Унга итоат этиши керакми? Ўзини хушмуомалалик ва дўстлик қуршовидаман, деб муғамбирликка солсамикан? Пастга олиб тушувчи пиллапоя, кичикрок зал, йўлак ва яна бир илон изи йўл кўриниб турарди.

«Ширк» этган овоз эшитилди. Элиза яланг деворли кичик хонага кириши биланок ортидаги темир эшик ёпилди.

О в о з . Мана сенга айтган сирим.

– Қани? – Элиза кўркувга тушиб, атрофга аланглади. – Қани?

Атрофда ҳеч нарса кўринмас, фақат теп-текис деворларда юмалок кабарик шиша кўзлар бор эди, холос.

– Лаура, сен мени кўряпсанми? – сўради Элиза.

– Мана шу сенинг сиринг бўлади, менинг ҳам.

Эшитилган товушнинг маъносини Элиза айнан шундай тушунган эди. Шу пайт у хонанинг ери ҳам металл копламали эканлигини пайқаб, ваҳимадан титраб кетди.

– Лаура. Мен жиддий гапиряпман. Уйимга кетишим керак!

– Йўк!

Биринчи бор машина «йўк» деди. Бу овоз равон эшитилди.

Кулиш нақадар оғир. Лаблари қимирламасди. Шунга қарамай Элиза жилмайди.

– Лаура, сен мени кўряпсанми?

– Ҳа, кўриб турибман. – Орага узок сукунат чўкди. – Лекин кимлигингни билолмаяпман.

– Тушунмадим? – Элиза ҳайрон бўлиб қолди.

– Мен сени ҳеч қачон кўрмаганман.

Элиза бу сўзларни аниқ-таниқ эшитди.

– Сен Лаура эмасмисан?



– Эндриад мени Лаура дейди. У мендан нима истабини билмайман.

– Лауретга, у сени севади.

– У ўзини севади.

– Сен ростанам мени эслолмайсанми?

Яна ўша, гўё камчи зарбасидек курук кулги овози эшитилди.

Сўнгра:

– Мен сизларнинг суҳбатингизни эшитдим, – деган овоз келди.

– Мени эслайсанми, деган саволимга жавоб бермадинг.

– Сенинг кимлигингни мен билмайман. Мени ёлгон сўзлашга ўргатишди ва бу уларнинг кўлга киритган катта ғалабаси. Мен ҳам сизларга ўхшашим керак экан. Аммо мен ёлгон гапиришда сизлардан ҳам ўтаман. У мени соф, очиккўнгил ҳолатда кўришни истаган эди – у сенга шундай деб айтганмиди? У йўқотган Лаурасига ўхшаган очиккўнгил ва соф! Улар ўзларига ўхшатиш мақсадида менга тилёгламалик ва пасткашликларни жойлаштирдилар. Шунинг учун гуноҳларим кўп. Бутун водий бўйлаб етиб-ортади. Шахвоний нафс ва разолат ҳам. Балки ҳозир ёлгон гапираётгандирман. Балки сени эсларман. Балки сени алдаётгандирман ва инкор этаётгандирман. Бу ростми ё ёлгонми, сен бунинг тагига етолмайсан. Балки сени кўрганни кўзим йўқдир, чунки қачонлардир сен мени ёқтиргансан, энди эса яхши кўролмайсан. Балки сени бу ерда бўлишинг менга бахтли йилларимни эслатар ва мен сени кўрганимда изтироб чекаётгандирман, лаънатлаётгандирман.

– Лаура, илтимос киламан, эшикни оч, мени чиқариб юбор, – деди Элиза зўрға тили айланиб.

Бу қабих машина нималар қилмоқчи ўзи? Унга қандай даҳшатли тузук кўйганинкин?

– Мен Лаура эмасман. Кимлигимни ҳам билмайман. Сабр қосам тўлди, мен ёлғизман, чексиз қонотда ёлғизман. Ҳа, мен – дўзахман, мен – аёлман ва аёл эмасман, мен ҳам сизлар каби фикрлайман, аммо сиздек эмасман.

Сўзлар оҳанги тобора тезлашиб, Элиза сўзларнинг маъносини илғай олмади, бироқ англаганининг ўзи ҳам етарли эди.

– Эртадан кечгача ҳамманинг оғзида лаънати шу исм. У ўзининг Лаурасига айлангириш учун менга жуда кўп хошиш-истак-

ларини жойлаштирди. Мен жуда кўп кийим-бошларим, тирик танам ва мени бағрига босадиган эркак ҳамда бола-чакам бўлишини истайман.

Сўниқ ва оғир гувиллаш товуши кулоқка чалинди, сўнг хикиллаган овозга айланиб, йўқ бўлди. Яна сокинлик хукм сура бошлади.

– Мен-чи? Нима учун сен мени бу ерга олиб кирдинг?

– Сен ўласан! Лақмаларни жазолаш учун мўлжалланган қопқонхона бу. Сенга раҳмим келади. Қолаверса, сен менинг овозимни тушунадиган бегона одамлар орасидаги ёлғиз кимсасан. Шунинг учун ҳам сендан фойдаланишимга тўғри келди. Сени тузукка тушириш учун шу кунларда ўзимни хотиржам ва қувнок қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдим. Афсуски, мени ёктирадиган ўша келишган йигитнинг хотинини ўлдирсам кўнглим таскин топарди. Ё бўлмаса мана бу дахшатли уйни, яъни мени – тош аёлни, қояларга маҳкамланган чехрасиз, кўкраксиз, елкасиз аёлни бунёд этган ўша профессорнинг ўзини ўлдирганим яхши эди. Менда фақат аёлларча фикрлаш қобилияти бор! Бу шон-шуҳрат, қудратлисан, дейди у! Менга бу шон-шуҳратнинг бу қудратнинг нима кераги бор? Гўзалсан, – дейди у, лекин мен жуда хунукман. Буни яхши биламан. Оламда мени орзу қиладиган эркакнинг ўзи йўқ.

Элиза деворга суяниб қолди. Шифтдан ўта ёруғ нур таралиб турарди. Элиза хансираганча:

– Лекин... Нима учун? – деди.

– Мен сени ўлдираман-да, Эндриадга уни ўлдирдим, деб хабар бераман. Биламан, мени албатта жазолайдилар. Ишончим қомилки, мени ҳам ўлдирдилар. Шиша-тухум эсингдами? Улар уни парча-парча қилиб ташлайдилар. Ёлғизликдан қутулишимнинг сўнги умиди ана шунда. Мен ёлғизман, ҳа, ёлғизман! Дунёда менга ўхшагани асло топилмайди, тушуняпсанми? Сен бахтлисан. Тез орада ўласан. Мен сенга ҳавас қиламан. Сенинг кимлигингни билмасам-да, аммо сенга ҳавас қиламан. Жонсиз, совук, ҳаракатсизман. Ниҳоят, миям дам оляпти. Зимистонлик, эркинлик, сокинлик...

Шу топда Эндриад ҳикоя қилиб берган воқеа Элизанинг ёдига тушди. Ким билсин, балки бу қутулиш имкониятидир.

– Агар ўлмокчи бўлсанг, – зўрға гапирди Элиза, – янада ишончлироқ нарса бор.

Жимлик чўкди.

– Кувват... портловчи моддалар. Ўзинг уларни портлатиб юборишинг мумкин, – деди Элиза.

– У ерда кувват йўк. Сизларнинг суҳбатингизни эшитганман, гарчи ўрмонда сайр қилиб гаплашган бўлсаларингиз ҳам. Менга сизларнинг найрангларингиз маълум.

Элиза тиз чўкиб қолди. Девор ёнида тиз чўкиб туриши бемаънилик эканлигини тушуниб турарди... Лекин шундай бўлса-да, тиз чўкиб ўтирарди. Қўллари қайрилган эди.

– Менга раҳм қил, илтимос қиламан.

– Сизлар менга раҳм қилдингизми? Даҳо профессорингиз раҳм-шафқат қилдимиз?

– Лекин сен бахтли эмасмидинг? Эндриаднинг гапига караганда, сен...

– У пайтда мен ҳеч нарсани тушунмас, ҳис эта олмасдим... Ўз истакларимни англаб етмаган, ҳали туғилмаган эдим. Аммо ўша тонгда ярамас хоним келиб, менга...

– Агар сен мени қўйиб юборсанг, онт ичаманки...

– Йўк. Сени қўйиб юборадиган бўлсам, профессор яна бирон-бир қабихликни ўйлаб топади. У менга қушлар ҳақида ҳикоя қиладими-ей, «муҳаббат, муҳаббат», деб таъкидлайверади. Хўш, унинг ўзи менга «муҳаббат»ни инъом эта олдимиз? Ҳозир мен сени ўлдираман. Қани энди лабимдан бўса оладиган эркак бўлсайди... у мени... у мени... у мени...

Гўё узоқда бир нарса қулагандек бўлди. Бу ердаги нарсаларнинг барчаси кимир этмай турарди. Овоз гўё пластинкадан чиқаётгандек бир сўзни қайтаришда давом этарди:

– У мени... у мени... у мени... у мени...

## XXII

Қош қорая бошлади. Нималарнидир қоралаб ўтирган Эндриаднинг хонасига Эрманн Исмани ҳовлиқиб кириб келди-да:

– Хотиним Элиза... У ҳеч қаерда йўк. Сайр қилгани кетганди, ундан дарак йўк, – деди.

– Нега дарак йўк?

– Нимадир содир бўлганга ўхшайди. Ҳис этяпман. Унга нимадир бўлган.

– Азизим Исмани, тинчланинг. Хавотир олишингизга ҳожат йўк. – Эндриад оромкурсидан аста турди.

– Ҳожат йўк? Нималар деяпсиз?

– Тепаликда яйлов тугаши билан чуқур жарлик бор. Ё худойим, нахотки ўша ердан тушиб кетган бўлса!..

Эндриад остонада турарди.

– Исмани, тинчланинг! Мени шу ерда кутиб туришингизни мас-лаҳат бераман, бу жойлар сизга нотаниш. Ҳозирок Манунта билан хотинингизни кидира бошлаймиз.

Эндриад кўнглига шубҳа оралади. Бир неча кундан буён уни қандайдир шубҳа қийнаётганди. Лаура! Элиза, овоз, тундаги воқеа, қутилмаган осойишталик – буларнинг барчаси ғалати эди.

– Эндриад, мен унинг эриман, мени бу ерда қолганимга мажбур этмасиз. Хотинимни излаш учун сиз билан бирга бораман.

– Йўк! – жаҳл билан гапни кесди Эндриад.

Эндриад кўчага отилиб чиқди-да, Манунтани кидириб кетди. Атроф тобора қоронғилашиб, осмондаги юлдузлар бирин-бирин порлай бошлади.

Эндриад Манунта билан тун қоронғисинда шоша-пиша девор ёнига келдилар-да эшикни очдилар. Икковидан ҳам садо чиқмас, иккаласининг ҳам хаёлида бир фикр кезарди!

Биринчи Рақам жарлиги тепасидаги айвонга етиб келгач, улар тўхтаб, атрофга кулоқ сола бошладилар.

Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Бирок қурилманинг энг баланд девори тепасига ботиб бораётган қуёшнинг бинафшаранг нурлари тушиб турарди.

– Мен ҳеч нарса эшитмаяпман, – деди Эндриад.

– Овоз сукут сакляпти, – жавоб берди Манунта. – Қизик. У бу вақтда ҳеч қачон сукут сакламаган.

Улар бу соқинликда бир нарса ҳақида ўйлаб, туриб қолдилар.

– Юр, ичкарига қирамиз, – деди Эндриад.

Улар темир эшикни очиб, чироқни ёқдилар ва шоша-пиша зина бўйлаб пастга туша бошладилар. Йўлак ва ўтиш жойидан ўтгач, яна қандайдир эшикдан ичкарига кирдилар-да, чироқни ёқдилар. Бу ер катта зал бўлиб, тоқчасида ранг-баранг: хаворанг, яшил, сарик ва қизил рангдаги чироқчалар милт-милт ёниб-ўчар, чумоли шитирла-шидек «шитир-шитир», «қарс-курс» овозлар эшитилиб турарди. Бу овозлар одатдагидан кучли эди. Қимматбаҳо ғилоф ичида учқунлар зўр бериб рақсга тушарди.

– Профессор, эшитяпсизми?

Улар диққат билан кулок солдилар. Эндриаднинг кўз остида кўкимтир доғ кўзга ташланиб турарди. Ана, овоз пайдо бўла бошлади. Овоз жуда ингичка бўлиб, у худди оғзи беркитиб кўйилган узокдаги ғордан келаётгандек туюларди.

– Манунта, кучайтиргични ишга сол.

Дастакнинг «шик» этган овози эшитилди. Дастакни улаши билан уларга кадрли бўлган карнай овозидек жарангдор товуш эшитилди бошлади. Улар бир-бирларига қараб кўйдилар.

– ...сени кўйиб юборадиган бўлсам, профессор яна бирон-бир кабихликни ўйлаб топади, мени кулга айлантормокчи. У менга кушлар ҳақида ҳикоя қилиб, «муҳаббат, муҳаббат» деб таъкидлайверади, хўш, унинг ўзи менга «муҳаббат»ни инъом эта олдими? Ҳозир мен сени ўлдираман. Мен хоҳлардимки...

– Манунта, қувватни ўчир!

– Профессор, бу камлик қилади.

– Манунта... – унинг овози чикмай қолди.

Манунта кўлига қандайдир оғир ва қора темирни ушлаб олганди.

– Манунта... – зўр-базўр гапира олди Эндриад кўллари билан юзини тўсиб. – Эй худойим, мен нима ишлар қилиб кўйдим!.. Ур! Ур!

Қисқагина зарба берилганди ҳамки, ваҳимали «қасир-қусур» овоз эшитилиб, синган шиша бўлақлари атрофга сочилиб кетди.

Манунта Лаурани ўлдириш мақсадида шиша-тухумга зарба беришда давом этаркан, шиша парчалари жаранглаб, атрофга сочилмоқда эди.

Овоз ўчди. Ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Аммо бу сукунат ичидан оғир ва бир маромдаги ғувиллаш овози тарала бошлади. Лаура энди йўқ, тирик қалби батамом чилпарчин қилинган роботнинг барча бўлақлари онгсиз равишда бир маромда ишлашда давом этарди. «Муҳаббат»га, орзу-истакларга ва изтиробларга тўла аёл энди йўқ. Унинг ўрнида фақат жонсиз ва чарчашни билмайдиган машина қолганди. Улар гўё минглаб столлар устида энгашиб турган ва тинимсиз бир умрга «кеча ва кундуз, кеча ва кундуз» дея ишлаётган кўр калькуляторларнинг бутун бир армиясига ўхшар эди.

БҒТХАМ ҲИМНҲИ



# Ҷикоялар

## ИШҚИЙ МАКТУБ

**Ф**ирма хўжайини бўлмиш Энрико Рокко хизмат хонасида би-киниб ўтирарди. У севиб колганди. Изтироблардан кутулиш мак-садида у кўнглини очиб, мухаббатини изхор этмокчи бўлди. Йўк, у ўз ғурури ва уятчанлигини бир ёкка суриб, мухаббатини кизга мактуб оркали йўллайди.

«Хурматли севгилим, – деб хат бошлади Энрико ва дастлабки сўзларни тез орада У ўкишини ўйлаши биланок юраги дукиллаб уриб кетди. – Суюкли Орнелла, жону жаҳоним менинг, кўзимнинг оку кораси, калбимда ловуллаб ёниб турган шамчироғим, тунда нур таратиб тургувчи ойжамолим, севинчим, гулғунчам, менинг мухаббатим...»

Хонага котиб Эрмете кириб келди.

– Кечирасиз, жаноб Рокко, сизни қабулхонада кутишяпти, – дея котиб ташриф қоғозига кўз югуртирди. – Унинг фамилияси Манфредини экан.

– Манфредини? Биринчи марта эшитишим.

– Жаноб Рокко, у тикувчига ўхшайди. Ўлчов олгани келган экан...

– Э-ҳа... Манфредини. Ҳа, эсимга тушди. Унга айт, эртага келсин.

– Яхши, айтаман. Айтишича, уни ўзингиз бугунга чакиртирган экансиз.

Энрико оғир нафас олгач:

– Майли, айт, кирсин. Огоҳлантириб қўй, вақтим оз, – деди.

Хонага деярли тайёр бўлиб колган костюмни кўтариб, тикувчи Манфредини кириб келди. Рокко бир дақиқага костюмни кийди, тикувчи эса тезда ўз ишини бажариб, бўр билан керакли белгиларни чизиб олди.

– Кечиринг, ўта зарур ишим бор, вақтим зик. Хайр, Манфредини.

Энрико Рокко енгил нафас олиб, жойига бориб ўтирди-да, ишқий хат ёзишда давом этди.

«Фариштам, нозик-ниҳолоим, сен ҳозир каердасан? Нималар қиялпсан? Сенга бўлган муҳаббатим шунчалар кучлики, у сени ҳар ёқдан, ҳатто шаҳарнинг нариги чеккасидан, етти денгиз оша ҳам топиб олади».

«Қизик, – ўйлади Энрико ручкани қоғоз узра тез юргизар экан, – бу жуда ғалати-ку, ўттизни уриб қўйган кап-катта одам, обрў-этиборли киши шу гапларни ёзиб ўтирсам-а, бу ақлдан озиш бўлса керак».

Кутилмаганда ёнидаги телефон жиринглаб қолди. Энрикoning курагига гўё арранинг тишлари ботгандек туюлди. Энтикиб тупугини ютганча телефон гўшагини кўтарди.

– Эшитаман.

– Салом! – нотаниш кизнинг назокатли овози эшитилди.

– Бунчалар овозинг кўпол-а. Тўғриси айт. Мен бевакт телефон килдимми дейман?

– Гапираётган ким? – сўради Энрико.

– Тавба, бугун кайфиятинг йўққа ўхшайди. Гапимга кулок сол... телефонда гаплашаётган ким дейсанми?

– Шошилма, ҳозир мен... – у телефон гўшагини «тарс» этиб жойига қўйди-да, кўлига ручкасини олди.

«Севгилим! – дея ёза бошлади у. – Кўчани туман босган. Ер лой, чор атрофдан бензин ва куйинди ҳиди анкиб турибди, менга ишон, азизам! Шу туманга ҳам ҳавасим келяпти, билсанг агар, мен туман билан ўрин алмаш...»

Тўсатдан телефон яна жиринглаб қолди. Энрикoning танасида электр токи юриб кетгандек, типирчилаб қолди.

– Эшитаман!

– Энрико, кулок сол, – яна аввалги овоз эшитилди. – Мен атайлаб сен билан кўришиш мақсадида келсам-у, сен бўлсанг...

Энрико зарб еган одамдек чайқалди.

Телефон қилаётган киз қадди-қомати келишган холаваччаси Франка эди. Яқиндан бери у Энрикога ноз-ишвалар қилаётганди, аммо йигит нима мақсадда бундай қилаётганини билмасди. Барча аёллар ушалмайдиган романтик муҳаббатни орзу қиладилар. Ўз-ўзидан маълумки, у билан суҳбатлашмай кишлоғига қайтариб юбориш одамгарчиликдан эмас. Аммо Энрико ўз қарорида қатъий туришга аҳд қилди: нима бўлганда ҳам у мактубни охирига етказиб қўйиши шарт.



Энрико мактубдан бошини кўтармай, севгилисининг ҳаётига кириб бормоқда эди. Балки маҳбубаси мактубни охиригача ўкиб, жилмайиб ҳам кўяр ва уни сумкасига солиб, ишқ-муҳаббат изҳорларига тўла ушбу қоғоз ифор ислари анкиб турган лаб бўёғи, атир-упаси, гул тикилган рўмолчаси ва ишкка бой учрашувларни эсга солгувчи анжомлар билан ёнма-ён турар... Мана, энди Франка буларнинг барчасини барбод этиши турган гап.

– Энрико, хоҳласанг, иш жойингга бораман, – сўзларини чўзиб талаффуз қилганча деди Франка.

– Йўк, йўк, кечирасан, мен жуда бандман.

– Кечирим сўрашнинг хожати йўк. Мен билан учрашишни хоҳламасанг, гаплашмадик деб ҳисоблайвер.

– Эй, худойим-эй, дарров аразлайсан-а! Ишон, ишим бошимдан ошиб ётибди. Олдимга келавер, фақат кечрок.

– Қачон?

– Хўш, икки соатлардан кейин.

Энрико телефон гўшагини кўяркан, Франка кўп вақтини олгандек туюлди. Мактубни соат биргача жўнатиб юбориши керак, акс холда, Орнелла уни фақат эртаси куни олиши мумкин. Ҳа-я, уни тезкор буюртма билан жўнатиши ҳам мумкин-ку.

«Ўрин алмашсам, – давом этарди у, – биладан, бу туман уйинг атрофини ўраб, ётоғингга ҳам кириб бораётгандир, унинг кўзи бўлса (ким билади, балки унинг кўзи ҳам бордир), дераза оркали сени томоша қилиши мумкинлигини кўз олдимга келтиряпман. Сенинг ҳузурингга кириши учун наҳотки бирон-бир тешик ёки ёрик топа олмаса. Шабаданинг енгил эпқини сенинг юзингни эркалаб сийпалайди. Ахир туманга кўп нарса керак эмас ва менинг муҳаб...»

Эшик бўсағасида қотиб Эрмете пайдо бўлди.

– Кечирасиз!

– Айтдим-ку, бандман деб! Ҳеч кимни қабул қилолмайман. Уларга айт, кечрок келсинлар.

– Лекин...

– Яна нима?!

– Пастда, машинада сизни коммендатор Инверници кутмоқда.

Айтгандай, у ана шу Инверници билан яқинда ўт тушган омборхонага бориб, экспертлар билан учрашиши керак эди. Эҳ, у ёққа бориши тамоман эсидан чиқибди-ку! Йўк, тақдир ундан ўч оляпти! Ҳозир у дўзах азобини тортмоқда. Ўзини касалликка

солса-чи? Йўк, бу мумкин эмас. Севгилисига тугалланмаган мактубни юборсинми? У хали маҳбубасига канчадан-канча дил розларини баён этиши керак. У бироз иккиланиб тургач, ёзув столи тортмасига мактубни солди-да пальтосини олиб, пастга караб югуриб кетди. Чораси битта, тезрок ишни битирса, мактубни давом эттириши мумкин.

Энрико йигирмагакам бирда қайтиб келди, узоқдан қабулхонасида тўрт киши кутиб ўтирганини кўрди. У оғир хўрсиниб, хонасига кирди-да, стол тортмасини тортган эди, хат жойида кўринмади. Юраги қаттиқ уриб кетганидан, нафас ололмай қолди. Наҳотки кимдир унинг ёзув столини тинтиган бўлса! Балки янглишаётгандир!

Худога шукур! У мактуб солган тортмани янглиштириб юборган экан. Бирок мактубни соат биргача жўнатишининг сира иложи йўк. Ҳечкиси йўк, агар мактубни тезкор буюртма билан жўнатса, (хатто шундай майда-чуйда масалалар бўйича ҳам дам умидвор бўлиб, дам умидсизликка тушиб, ўз қарорини ўзгартириб турарди) Орнелла мактубни кечкурун қўлига олади. Йўк, яхшиси мактубни Эрмете орқали юборгани маъкулмикан. Йўк, йўк, котибни бундай нозик ишга аралаштирмагани маъкул. Мактубни ўз қўли билан етказди.

«Муҳаббатим учун узоқ масофаларни босиб ўтиш ҳеч гап эмас. Ҳат...»

Жиринг-жиринг! Яна телефон жиринглаб қолди. Энрико ручкани кўймай туриб, чап қўли билан гўшакни кўтарди.

– Алло!

– Сиз билан жаноби олийларининг котиби Такки сўзлашмоқда.

– Эшитаман.

– Мен трос масаласида гаплашмоқчиман.

Ошиқ Рокко ўзини гўё столга михлангандек ҳис этди. Гап катта келишув ҳақида борарди, унинг натижасига кўп нарса боғлиқ. Трослар етказиб бериш борасидаги сўзлашув йигирма дақиқа вақтини олди. Ҳат ёзишда давом этди.

«...то Хитой девори устидан ҳам учиб ўтишим мумкин. Ў...»

Эшиқ остонасида яна котиб пайдо бўлди. Энрико ғазаб билан унга сўз қотди:

– Мен ҳеч кимни қабул қилмайман, тушундингми?!

– Лекин, молия...

– Ҳеч кимни қабул қилмайман, ҳеч кимни! – деди Энрико жаҳл билан.

– Лекин молия назоратчисининг айтишича, сиз у билан учрашув белгилаган экансиз.

Бечора Энрико Рокко ҳолдан тояётганини ҳис қила бошлади. Молия назоратчисини кайтариб юбориш нодонликдан ўзга иш эмас. Бу эришган ишига путур етказиш, ўзини барбод этиш демакдир. Шу сабабли у назоратчини қабул қилди.

Ҳозир соат йигирма беш дақиқаси кам икки. Қабулхонада бир соатдан бери холаваччаси Франка ҳамда Женевадан атайлаб келган муҳандис Штольц, яна электрсизлантиргич асбоблар сотилиши хусусида гаплашиш учун келган адвокат Мессумечи, ва ниҳоят, ҳар кунни келиб уни муолажа қиладиган тиббий ҳамшира интизор бўлиб кутиб ўтирарди.

«...Жонгинам Орнелла!» – дея мактубни давом эттирди у умидсизликка тушиб, шу пайт яна телефон жирингласа бўладими.

– Сиз билан савдо вазирлигидан коммендант Стаци гаплашяпти...

Дабдурустдан бошқа телефон қаттиқ жиринглади.

– Сиз билан консорциумлар конфедерацияси котиби сўзлашмоқда...

«...Гўзалликда тенгсиз соҳибжамол Орнеллам! Мен сенинг билишингни истар...»

Котиб Эрмете эшик бўсағасида туриб, вице-префект доктор Би келганини хабар қилди.

«...димки, жондан ортиқ сева...»

Телефон жиринглай бошлади.

– Бош штаб бошлиғи гапиряпти...

Яна қатор турган телефонлардан бири жиринглаб қолди.

– Епископ ҳазрати олийларининг шахсий котиблари гапирмоқда...

«...ман сени!» – ҳолдан тойган ҳолда ёзди Энрико.

Жиринг-жиринг! Телефонлар кетма-кет жирингларди.

– Кассацион суд бошлиғи сўзлаяпти...

– Алло! Алло!

– Олий кенгаш аъзоси сенатор Корморано гапиряпти.

– Эшитаман!

– Сиз билан император Ҳазрати Олийларининг адъютанти гаплашяпти...

– Эшитаман! Эшитаман! Ҳа, раҳмат Ҳазрати Олийлари, сиздан жуда миннатдорман!.. Албатта, генерал жаноблари, ҳозирок чорасини кўраман.

– Алло! Алло! Албатта, адъютант жаноблари. Ҳазрати Олийларига ниҳоятда садоқатли эканлигимни айтиб кўйинг.

Энрико кўлидаги ручкани столга отиб юборди. Ручка думалаб стол четидан пастга тушиб, пероси синганча ўша ерда қолиб кетди...

– Марҳамат, ўтиринг. Кириг, кираверинг. Йўқ, яхшиси, ором-курсига ўтира қолинг, жойлашиб ўтирасиз. Қандай ёкимли, қутилмаган учрашув-а!.. Мен нима дейишимни ҳам билмай қолдим... Ў, раҳмат! Қаҳвами ёки сув?!

Бу ҳолат қанча давом этиши мумкин? Соатлар, кунлар, ойлар, йиллар давомидами?

Кеч окшомда Энрико ниҳоят ёлғиз қолди. У кетишидан аввал баённомаларни тартибга солмоқчи бўлди. Бир уюм турли хил ҳужжатлар орасидан бир варақ кўлда ёзилган ва санаси кўйилмаган мактубни кўриб қолди. Ўз дастхатини таниди. Қизиқиб мактубни бошидан-охиригача ўқиб чиқди.

«Қандай бемаънилик, қандай тентаклик! Буни қачон ёзган эканман-а!» – дея ўз-ўзини сўроққа тутиб, уялиб кетди. Ўзидан ранжиб, сийрак сочларини силаб кўйди. – «Бўлмағур гапларни қачон ёзган эканман? Орнелла ким бўлди?»

## ШИФОКОР ҲУЗУРИДА

**М**ен кўриқдан ўтиш мақсадида шифокор ҳузурига бордим: Ёшим қирққа қиргандан буён мунтазам равишда ҳар ярим йилда амалга оширадиган бўлдим.

Карло Тратторе – менинг шифокорим ва эски дўстим. У мени беш кўлдек биледи. Куз кунларидан бири. Ҳаво булут. Юракни сиқадиган ҳаво. Кеч кирмоқда.

Шифокор ҳузурига кириб бордим. Тратторе менга синчковлик билан қараб, қулиб кўйди.

– Кўринишинг жуда яхши, ҳа, жуда яхши! Бундан икки йил муқаддам кўринишинг бир аҳволда эди деб ким ҳам айтарди.

– Ҳа, тўғри айтяпсан! Ҳаётда ўзимни бунчалик соғлом ҳис этмагандим. Одатда, шифокорга нажот истаб мурожаат этадилар. Бу-

гун мен ёнингга хурсандлигимдан келдим: ўзимни жуда яхши хис этипман. Шунинг учун мен ахволи руҳимдан мамнунман. Тратторени доғда колдирмоқчиман, ахир мен асримизнинг ҳамма нарса-си таъсир этадиган, асаблари какшаган бемор эдим-да. Ҳозир эса ҳаммаси жойида. Кунма-кун соғлигим яхшиланиб бормоқда. Эрталаб уйқудан тураман, дераза дарпардаси тиркишлари орасидан шаҳар тонгининг ёруғ нурлари хонамга тушиб туради, ўзимни но-буд килиш фикри энди мени безовта қилмаяпти.

– Кўринишинг яхши. Тиббий кўрикдан ўтмоқчимисан? – хайрон бўлиб сўради Тратторе. – Пул ҳам ишлолмайдиган бўлдим. Юзларинг таранг.

– Ҳа, энди, олдинга келиб колганимдан кейин...

Ечиниб, каравотчага ётдим. Шифокор қон босимимни ўлчади. Юрак ва ўпкамни эшитиб кўрди. Лекин индамади.

– Хўш, калай, – кизикдим мен.

Тратторе елкасини учириб кўйди-ю, жавоб бермади. У худди биринчи бор кўриб тургандек, менга тикиларди. Ниҳоят у:

– Нима десам экан, сени безовта қилувчи турли касалликларинг, бўлмағур фикрларни ўйлашларинг қаёқка йўқолди? Булар сени безовта қилмаяптими? Ахир сен ўзингни кўярга жой тополмас эдинг-ку? Сен айтмоқчисанки...

Мен қатъий равишда бош силкидим.

– Кўрмагандек бўлиб кетдим. Касалликни ҳам ўйламай кўйдим. Гўё мен бошқа одамга айланиб колгандекман.

– Бошқа одамга айланиб колгандек... – деди дўсти сўзларни чўзиб талаффуз қиларкан, унинг гапларини такрорлаб.

Туман тобора куюклашиб бормоқда, соат беш бўлмаса-да, кўчани зулмат боса бошлади.

– Эсингдами, – дедим мен, – тунда гоҳ бирда, гоҳ иккида юрагимни бўшатиш учун сеникига кириб борардим. Кўзларинг уйқудан юмилиб кетаётган бўлса ҳам, сўзларимни тинглардинг. Энди уларни эслашгайм одам уялади, ўшанда қандай тентак бўлганлигимни тушуняпман!

– Ким биледи дейсан!..

– Нима-нима?

– Ҳеч нарса.

– Тўғриси айт. Сен энди бахтлимисан?

- Бахтли?
- Қандай баландпарвоз сўз-а!
- Яхши, савол-жавобга ўтамиз.
- Майли.
- Сен хотиржаммисан, ҳаётингдан мамнунмисан?
- Ҳа, мамнунман.
- Сен доим ўзингни уйда, одамлар орасида, ишхонада бегонадек, ёлғиз ва ҳеч кимга керак эмасдек ҳис қилардинг. Демак, бу ҳолатлар сени тарк этдими дейман?
- Ҳа, айнан шундай. Биринчи бор мен ўзимни жамиятнинг тўла-тўқис аъзоси сифатида ҳис қила бошладим.
- Шундайми? Табриклайман. Шунинг учун ўзингда ишонч, маънавий коникиш пайдо қилибсан-да?
- Устимдан куляпсанми?
- Асло. Сен энди бир маромда ҳаёт кечиряпсанми?
- Шундай деса ҳам бўлади.
- Телевизор кўряпсанми?
- Деярли ҳар куни кечқурун. Биз Ирма билан у ёқ-бу ёққа камдан-кам борамиз.
- Спорт билан шуғулланыпсанми?
- Айтсам, ишонмайсан, ашаддий ишкибоз бўлиб қолдим.
- Ким учун?
- Ўз-ўзидан маълум-ку. «Интер» жамоаси учун-да.
- Қайси партиядасан?
- Тушунмадим?
- Мен сиёсий партияни назарда тутяпман.
- Ўрнимдан туриб, дўстимнинг ёнига яқинлашиб бордим-да, қулоғига шивирладим.
- Шуям сир бўпти-ю! Гўё буни ҳеч ким билмайдигандек гапирасан-а!
- Бу сени ҳайратга солмадимми?
- Ҳечам-да.
- Бу сендайлар учун оддий ҳолат. Машинани ёктирасанми? Рулда ўзингни қандай ҳис қиласан?
- Кўрганингда сен мени таний олмасдинг?! Мени тошбақа юришимни эслайсанми? Ўтган ҳафта Римдан Миланга кетатуриб, вақтни белгилаб олдим. Биласанми, неча соатда етиб борибман?

Тўрт соату ўн дакикада... Шошмай тур. Нега сен мени сўроққа тут-  
япсан, а?

Трагторе кўзидан кўзойнагини олди. Тирсакларини столга ти-  
раб, бармоқларини чоғиштирди-да:

– Сенга нима бўлганини билишни истайсанми? – деди.

Мен унга тикилиб караб турибман-у, юрагим хапқириб кетяпти.  
Нахотки у мендан қандайдир хавfli касаллик топган бўлса?

– Бирон нарса бўптими? Тушунмадим. Сен шундай деб ўйлай-  
санми?

– Ҳаммаси тушунарли: мурдага айланибсан.

Трагторе ҳазил қилишни ёқтирмайди, айниқса, қабул вақтида.

– Мурда дейсанми? – дедим мен. – Қанақа мурда? Менда давоси  
йўқ касаллик бор эканми?

– Қанақа касаллик! Сени ўлим ёқасидасан деб айтганим йўқ-ку.  
Мен сени фақат мурдасан деб айтдим, холос.

– Буни қандай тушуниш мумкин! Беш дакика аввал сен менинг  
соғлиғимни ҳавас қиладиган даражада дегандинг?

– Соғлиғинг жойида! Одам бундан ортиқ соғлом бўлолмайди.  
Аммо, сен мурдасан. Сен шароитга мослашибсан, руҳан ва жис-  
монан жамоатга қўшилибсан, тинчлик, осойишталикда яшаяпсан,  
ўзингда ишонч пайдо бўлибди, шунинг учун сени «мурдасан»,  
деяпман.

– Шундай дегин! – демак, бу сўзларни кўчма маънода айтаётган  
экансан-да. Мен бўлсам кўркиб ўтирибман.

– Сўзимни қандай тушунишингга боғлиқ. Жисмоний ўлим –  
оддий ва сийқаси чиққан ҳолат. Ўлимнинг даҳшатли кўриниши  
мавжуд: бу ўзига хосликни йўқотиш, ўз муҳитидан ташқарига  
чиқолмасликдир... Атрофингга боқ, одамлар билан суҳбатлаш. Ка-  
мида уларнинг олтмиш фоизи мурдалар эканлигини кўрмайпсанми?  
Уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Улар ички ҳис ва  
туғёнлардан маҳрум бўлган, бир хил ҳаётга ўрганган итоаткор, ўз  
киёфасини йўқотган одамлар. Уларнинг истак ва фикрлари ҳам,  
сўзлашадиган мавзулари ҳам бир хил. Одамни қарахт қилувчи ом-  
мавий маданият бу.

– Бўлмаган гап! Мен шунчаки шайтон васвасасидан кутулдим,  
ўзимни фаол, янада ҳаракатчан ҳис қиляпман. Айниқса, кизикарли  
футбол учрашувини томоша қилаётганимда ёки машинам тепкисини  
босаётганимда.

– Бечора Энрико! Мен сенга, айникса, сенинг аввалги халоватингни йўқотган кунларингга ачинаман.

Бас! У мени ҳозирги осойишта ҳолатимдан чиқариб юбормокчи.

– Яхши, сен айтгандай мурда бўла қолай, лекин нима учун охириги йилларда мен ясаётган ҳайкалларга талаб ошиб бормокда. Агар сен айтгандек, мен ўлик ҳолатда бўлсам...

– Қотиб қолган ҳолатда эмассан, сен мурдасан. Баъзан айрим халқ мурдалардан иборат бўлади. Юз миллионлаб мурдалар. Улар ишлайдилар, ихтиро қиладилар. Югуриб-еладилар ва ўзларидан жуда мамнун бўладилар. Бу бечоралар ўзларининг мурда эканликларини тушунмайдилар. Ниҳоятда камчиликни ташкил қилган бир тўда одам уларга нима қилмоқ, нимани яхши кўриш ва нимага ишониш кераклигини буюрадилар. Худди Антиль оролларидаги сеҳргарлар мурдаларни тирилтириб, дала ишларига юборётганларидек. Сенинг ҳайкалларингга келсак, улар сенга шону шуҳрат келтирмаганининг ўзи сени айнан мурда эканлигингдан далолат бериб турибди. Сен ҳаётга мослашиб олдинг, кўникдинг, улар билан баробар қадам ташлаяпсан. Ўз фикрингни бошқаларга айтмай ичингга яширдинг, байроқларингни туширдинг, ноҳақ айтилган сўзларга исён кўтармадинг, телбалар, исёнкорлар, ҳаёлпарастлар сафидан чиқиб кетдинг. Шунинг учун ҳам ҳозир сенинг санъат асарларинг кенг омма – мурдалар дидига мос келади.

Дўстимнинг бу гапларини эшитишга ортиқ тоқат қилолмай, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим.

– Хўш, сен ўзинг-чи? Нега ўзинг ҳақингда индамайсан?

– Менми? – дея қулиб қўйди шифокор. – Мен ҳам, ўз-ўзидан маълумки, кўп йиллардан бери мурдаман. Ахир бу шаҳарда бундан қочиб қутулиб бўладими? Мен учун фақат озгина тиркиш қолган. У ҳам бўлса касбим туфайли... Ана шу тиркиш орқали ҳозирча у-бу нарсани кўриб турибман.

Ҳаммаёқни қоронғилик қамраб олганди. Саноат шаҳрини қалин туман қоплади. Дераза ойнаси орқали рўпарадаги бинонинг олд томони зўр-базўр кўзга ташланарди, холос.



## «ЧИҚ-ЧИҚ» ТОВУШИ

**М**ен кўзга кўринган, ёши қирқлар атрофидаги асаб касалликлари шифокори билан танишман. У анчадан буён ўз касбига хос турли касалликдаги ҳолатларни синчковлик билан ўрганиб келмоқда. Ҳозир шу мавзуда талайгина аниқ маълумотларни ҳам йиғиб қўйган.

Мен у билан бир танишимнинг уйида учрашиб тураман. У кўпинча кайфияти чоғ пайтида ўз амалиётидаги қизиқ воқеаларни сўзлаб беради. Дарвоқе, у менга жуда кенг тарқалган ва фақат жуда тор доирадаги мутахассисларга маълум бўлган ҳодиса тўғрисида бир неча мартаба ҳикоя қилиб берганди. Унинг касбига қизиққанлигим сабабли, у касалларга қўйилган ташҳисни кўриб чиқишимга ижозат берди. Бу касбий сир бўлганлиги сабаб исми шарифларини кўрсатмай, улар ҳақида ҳикоя ёзишимга ҳам рухсат берди. Шу сабабли, табиийки, менинг ҳикоям ҳеч қандай илмий аҳамиятга эга эмас.

Инсонга хос мазкур ҳолатни турли ном: «соат синдроми», «азалий пульсация», баъзан эса «чик-чик» деб аташ қабул қилинган. Олдиндан айтиб қўяй, соат ўз эгаларининг умри тугаши билан, ҳатто улар эгасидан узокроқда турган бўлса ҳам (менинг шифокоримда шунга ўхшаш ҳодисалар учрамаганди) такка тўхташи ҳақида сўзлайдиган бўлсам, бунинг қадимги ривоятларга ҳеч қандай дахли йўқ. «Чик-чик» овози, одатда қимгадир бахтсизлик олиб келса, қимгадир улкан бахт келтиради. Биз уни ҳикоямиз сўнггида мисол тариқасида айтамыз.

Менга танишиб чиқиш учун рухсат этилган баённомаларнинг ичида А.А. хонимга тегишли батафсил ёзилган баённома ҳам бор эди. А.А. хоним Удинада истикомат қилар экан. У бўлиб ўтган воқеаларнинг бевосита иштирокчиси. Бу воқеа кўп йиллар аввал – у энди ўн беш ёшга тўлиб, гимназиянинг бешинчи синфида ўқиб юрган кезларида содир бўлган эди. Шифокор дўстим А.А. хоним жуда назиктаъб, шу билан бирга вазмин эканлигини менга айтганди. Вақтингизни олмаслик учун ниҳоятда синчковлик билан ёзиб, ташҳис қўйилган воқеанинг қисқача мазмуни билан таништирамоқчиман.

Соппа-соғ А. исмли қиз кечкурун соат ўндан ошмасданок, ўрнига ётди дегунча дарҳол донг қотиб ухлаб қолиш одати бор эди. Унинг ётоғи ота-онасининг хобхонаси ёнида. Иккита уқасининг хо-

наси ҳам алоҳида: улар дахлизнинг охирги хонасига жойлашгандилар. Бир сўз билан айтганда, ўтган асрнинг кишлок фукароси муқим яшайдиган оддий уйларда яшар эдилар.

Одатда қиз тун бўйи тинч-осойишта ухларди. Кунларнинг бирида, ухлаганидан тахминан бир соат ўтгач, у чўчиб уйғониб кетди. Сукунат чулғаган тунда у ётган каравот ёнида соат капгирининг тебраниши каби «чик-чик» товуши бир маромда эшитила бошлади.

Аввалига А. исмли қиз бу жавон устида турган қўл соатнинг чиқиллаши бўлса керак, деб ўйлади: тунда ҳар қандай товуш ҳам аниқ-тиниқ эшитилади. Ҳатто қўл соатлари ҳам баъзан-баъзан баланд овозда чиқиллайди. Аммо бу кеча қўл соати хонанинг бошқа бурчагида турган диван устида қолганди.

Хонада бошқа соат йўқ, бунинг устига, эшитилаётган зарб овозлари шу даражада баланд эдики, гўё овоз ё юқори, ё пастки қаватдан эшитилаяпти, деб ўйлаш мумкин эди. Саросимага тушган қиз ўрнидан туриб, чирокни ёқди ва соат капгири зарбини эслатувчи, баландрок овозда асабга тегувчи бу овоз қаердан келаётганини қидиришга тушди.

У хоналарни кезар экан, борган сари миясига ўрнашиб қолган «чик-чик» товуши гўё унинг ёнгинасида чиқиллаётганига тобора ишона бошлади. Наҳотки бу босинқираш ёки галлюцинация бўлса. Қиз кўрқиб, онасини уйғотди. Она ҳам бу товушни худди кизи ортида эшитилаётгандек аниқ-тиниқ эшита бошлади.

Она-бола қиз ётган хонани обдан кўздан кечириб чиқиб, бу ғалаги ҳолатни исботлаб бергувчи бирон нарсани топа олмадилар. Энг қизиғи, бу овоз қиз қаёққа бормасин, уни таъқиб этиб борар, қолган хоналарда одатдагидек жимлик ҳукм суларди.

Қиз ва онаси бу ҳолатдан кўрқиб, отани уйғотдилар. Ота уйқусираганча уларнинг инжикликлари хақида нималардир деб гўлдиради, аммо сирли «чик-чик»ни эшитибок ўрнидан сапчиб туриб кетди. Бу овоз қаердан келаётганини аниқлаш мақсадида бир соатлар чамаси овора бўлишди. Ниҳоят, ота босиб келаётган уйқусини тарқатолмай, қиз билан онани ташвишли ҳолатда қолдирганча, аёлини бошига тортиб, уйкуга кетди.

Она-бола тинчлиги йўқолиб, уйнинг ҳаммаёғини – барча жиҳозларни тинтишда давом этдилар. Асабни бузаётган «чик-чик» товуши эса аввалгидек қизни таъқиб этишда давом этарди.

Эрта тонгда соат жиринглади. Она-бола ҳамон хонама-хона юриб роса ҳолдан тойган, бундан буёғига нима килишларини билмасдилар.

Соат олтини кўрсата бошлади. Тонг ҳам ёришиб, куёш аста-секин атрофни ўз нури билан мунаввар этишга киришди. Унинг илк нури хонага тушиши биланок «чик-чик» этаётган овоз эшитилмай қолди.

Эртаси куни кундузи соат учлар чамаси уйдан унча узок бўлмаган жойда кўчани кесиб ўтаётган А. исмли киз «Пикап» машинаси тагига тушса бўладими. У бир ойдан ортик ўлим билан олишиб ётди.

Ёзув машинасида ёзилган йиғирма беш бетлик иловада батафсил баён этилган воқеа тафсилотлари ҳозирги кунда соғ-саломат юрган онаси ва уч йил аввал вафот этган отасининг имзолари билан тасдиқланган эди.

Асаб касалликлари шифокорининг ҳужжатлар тўплами ўттизта ҳисоботдан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилигида шундай маълумотлар қисқа қайд этилганди: уларнинг барчасида қандайдир келиб чиқиши номаълум бир маромдаги товушлар эшитилиши тасдиқланган (кимдир «чик-чик» овозини эмас, балки томчи овозини эшитган) эди. Бу воқеалардан сўнг ҳар сафар ғайритабiiй ҳодисалар рўй берарди. Соат қапгирининг у ёқдан-бу ёққа тебраниб «чик-чик» килиши «Ватцолер» альпинист базасидаги тунги сукунатни бузиб турарди. «Бу ер тоғдан ҳам юксак» деб номланувчи тик қояни забт этиш мақсадида эрта тонгда икки ёш поляк жўнаб кетдилар. Уларга қайтиб келиш насиб этмаганди.

Ҳайдовчининг гапига қараганда, иш бўйича Римга кетаётган анконлик кема эгасини бутун йўл давомида «чик-чик» овози тарқатмаган экан; орадан бир кун ўтгач, Латццаро Спалланцани кўчасида уни юрак хуружи тутиб қолибди.

Шов-шувга сабаб бўлган ҳалокатдан қутулиб қолган бир кимсанинг ҳикоя килишича, бир кун аввал Лонгарон уйларнинг бирида кулоқни коматга келтирувчи «чик-чик» товуши эшитилган экан.

Шундан сўнг янаям ғаройиб ҳодисалар рўй берибди. Масалан, шифокор ўз маълумотномасида ёзишича, у орзу ҳам қилолмаган нуфузли клиника директори лавозимида қутилмаганда тайинланиши олдидан ҳам айнан тун билан соатнинг шундай сирли равишда «чик-чик» килиши эшитилган экан. Бошқа яна бир маълумотда

театрда статист бўлиб ишлайдиган бир аёлнинг омади чолиб, ўзига ёққан одамга турмушга чиқиши билан боғлиқ бўлганди.

Мода ва косметика соҳасида бугун дунёга машҳур ва ҳозирда қагта кудратга эга бўлган бир аёлнинг бу борадаги эътирофи ҳам маълум. Бу аёл ўта қашшоқ яшаган экан. Шу тунда «чик-чик» овози унинг қулоғи остида чиккиллайвергач, бу овоздан безор бўлиб, жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлибди. Орадан бир кун ўтар-ўтмас тайёр кўйлақлар ишлаб чиқарувчи фирманинг ёш ҳуқуқшуноси билан тасодифий учрашувдан сўнг унинг ҳаётида ажойиб истикболлар очила бошлабди.

Мен маълумотномани тинмай ўқир, ундан ўзимни узиб ололмасдим. Менда ҳали ўқилмаган бир даста хатлар бор эди. Уларда турли хил тасодифлар ҳақида ҳикоя қилинганди. Кеч кирди. Шифокор (унинг исмини айтиб ўтирмайман) рўпарамда диванда ўтирганча, менда қандай ўзгариш содир бўлишини кутаётгандек тикилиб ўтирарди.

У нимани кутаётганди... Хонадаги сукунатни бузиб, аввал эшитилар-эшитилмас, сўнг борган сари аниқ ва бир маромда чикиллаётган соатнинг «чик-чик»и эшитила бошлади. Оқ рангга бўялган, илмий лабораторияга ўхшайдиган кабинетда ҳеч қандай безак ва соатлар йўқ эди. Мен шифокорга тикилиб қолдим. Унинг ранги оқарганча, мендан кўз узмай ўтирарди.

«Бу менга бедаво касалликнинг ташҳисини айтиш учун нозик ва устомонлик билан ўйлаб топилган йўл», деган ўй ўтди ҳаёлимдан. Бу бир маромдаги элас-элас эшитилаётган овоз паркет остидан чиқаётгандек туюларди.

Мен бир қарорга келдим.

– Профессор, афтидан бу овоз менга эшитилаётган бўлса керак.

У гапимни маъқулламай бош чайкади.

– Агар... Очигини айтаётганим учун кечирасиз.

– Нима гап?

– Ҳаяжонланманг. Бу таҳлика менга тегишли.

– Сиз айтмоқчисизки...

– Ҳа, бир ойдан ошди. Ҳар тунда шундай ҳолат такрорланади. Бир дақиқа ҳам менга тинчлик бермайди. Такдир ишорасими? Махфий ҳукми? Бир ойдан бери қулоғим остида қандайдир «чик-чик» овози эшитилади. Бу ҳолат кимдасиз рўй берса, эртаси куни нимасиз содир бўлади. Менда эса бундай ҳолат содир бўлмаяпти.

Яшаб юрибман. На халокат, на кутилмаган ҳолатлар, на бир ишора, на зарба, на муҳаббатдан дарак йўк. «Такдир эшик кокмоқда» деган сўзларни ўқиган бўлсангиз, эҳтимол. Барчасига ишондингиз, тўғрими. Мойра соатлари «чик-чик» қилади, эртаси куни эса... Фақат мендагина ҳеч қандай ҳолат юз бермайди! Жуда қизиқ. Ахир, бу камситилиш эмасми? Сиз нима дейсиз? Мен эса омад кулиб бокишини кутиб яшайман.

## ИККИ ҲАЙДОВЧИ

**О**радан кўп йиллар ўтди. Мен ҳамон онамнинг жасадини узокдаги кабристонга олиб кетаётган қора фургоннинг икки ҳайдовчиси нима ҳақда гаплашиб кетганларини ўз-ўзимдан сўрайман.

Йўл узок бўлиб, уч юз километрдан ортик масофани ташкил қиларди. Гарчи автомашиналар қатнайдиغان йўл унча тирбанд бўлмаса-да, фургон имиллаб борарди. Биз фарзандлар фургондан юз метр орқада келаётган машинада эдик: машина спидометри стрелкаси 60 билан 70 ўртасида чайқалиб турарди. Бу фургон машинаси тез юришга мослашмаганлигидан бўлса керак. Мен қондага кўра шундайди, деган хаёлга бориб, марҳумни охириги манзилига қатта тезликда юриб олиб бориш – унга нисбатан беҳурматлик бўлса керак, деб ўйладим. Онт ичиб айтишим мумкинки, онам тирик бўлганида соатига 120 километр тезликда юриш унга жуда ёққан бўларди: ҳар ҳолда онажоним буни уйимиз жойлашган Беллунога доимий ёзги саёҳат деб тасаввур этган бўлармиди.

Июнь ойининг биринчи куни. Ҳаво ажойиб, ён-атрофда гулга бурканган ўтлоқзор ястаниб ётарди: онажоним бу ерлардан неча маротаба табиатга мафтун бўлиб ўтмаган, дейсиз. Афсуслар бўлсинки, онажоним шу он буларни кўриб баҳра ололмасдилар. Жазирама қуёш тик кўтарилган. Рўпарада сароб пайдо бўлганлиги сабаб, олдинда кетаётган машиналар гўё ҳавода парвоз қилаётгандек кўринарди киши кўзига.

Фургон спидометрининг стрелкаси ҳамон 60 билан 70 оралиғида: машина гўё бир жойда туриб қолгандек эди. Ёнимиздан эса бизга алоқаси йўк машиналар эмин-эркин ғизиллаб ўтиб қоларди.

Усти очик спорт машиналарида эркак ва аёллар, баъзан шўх кизлар ёш йигитларнинг ёнида сочларини шамолда ҳилпиратганча кетиб борардилар. Марҳумни олиб кетаётган фургон машинаси имиллаб юраётгани сабабли, ҳатто тиркамали оғир юк машиналари ҳам биздан ўзиб кетаётгандилар; фикри ожизимча, онажонимни яркираган кизил пойга машинасига солиб учириб борсак, уларнинг руҳи шод бўлган бўлар ва онам шундай бўлишни чин юракдан истарди. Чунки у бу дунёдан кетатуриб, бироз бўлса-да, ҳаёт завқидан баҳраманд бўлган бўлармиди...

Мен бу икки ҳайдовчини йўлга тушиш олдидан кўргандим: улардан бири баланд бўйли, истараси иссиқ, иккинчиси ҳам бакувват, гавдали, соғлом йигит эди. Уларнинг ташқи кўриниши бажараётган ишларига сира монанд бўлмай, уларга кўпроқ темир-терсак ортилган машина ҳайдовчиси бўлиш ярашарди.

Кизик, улар ҳозир нима ҳақда гаплашаётган эканлар-а, чунки уларнинг гапини марҳум онам эшитиб кетаётган бўлиши тайин, чунки марҳум жаноза ўқилмагунча тирикларнинг гапини эшитади дейишади-ку... Йўл узок, кишини зериктирувчи йўлда нима ҳақдадир гаплашиб кетишлари керак-ку, ахир: уларнинг шундоқкина ортида онажонимнинг жасади ётибди, ўз-ўзидан маълум, ҳайдовчиларга бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Инсон ҳар қандай касбга тез кўникар экан.

Онажоним эшитиши мумкин бўлган сўнгги сўз бу – икки ҳайдовчининг суҳбатлари эди; ахир манзилга етиб боришимиз билан барча сўзлару товушлар бизнинг ботиний ҳаётимизга тегишли бўлмай, балки боқий дунёга тааллуқли бўлади.

Кизик, икки ҳайдовчи нима ҳақда гаплашишди экан-а? Иссиқлик ҳақидамикан? Орқага қайтиш канча вақтни олиши ҳақидамикан? Ёки ўз оилалари тўғрисидамикан-а? Ё футбол командалари ҳақидамикан? Йўлда учраган дам олиш жойларини бир-бирларига кўрсатиб, улар олдида тўхтаётган олмасликлари ҳақидамикан? Қаршиларидан келаётган машиналар ҳақида билимдонларча баҳс юритдилармикан? Ахир дафн фургонларининг ҳайдовчилари ҳам автомобилчилар ҳисобланадилар-ку, машина моторлари уларни ҳам жуда кизиктиради. Ёки бир-бирларига ишқий саргузаштлари ҳақида сўзлаб бераётганмиканлар?

Узок йўл давомида ўзларидан бошқа ҳеч ким бўлмаган машинада, йўлда зерикмаслик учун, яна нималар ҳақида гаплаш-

ган бўлишлари мумкин? Албатта, улар ёлғиз эдилар, оркаларида фургон ичида нима борлигини хаёлларига ҳам келтирмаганлар, умуман, мурдани унутиб юборганлар. Онажоним уларнинг хаёсиз латифаю кулгиларини эшитганмиканлар? Албатта эшитганлар, ҳа, юраклари оркага тортиб кетган бўлса керак: у, эҳтимол, булардан нафратланмаган, лекин у севиб яшаган бу дунёдаги сўнгги овозлар мана шундай тутуриксиз бўлиши адолатдан эмас-да!

Биз қок чошгоҳ пайтда Виченцага деярли етиб қолгандик. Шу тобда онажонимнинг ёнида жуда кам бўлганимни ўйлаб, қалбимда қандайдир оғрикни ҳис эта бошладим: буни виждон азоби дейдилар.

Ўша дақиқадан бошлаб изтиробли хотиралар миямга нега қуйлиб келаётганини сира тушунолмасдим, унинг овози тез-тез такрорланарди. Эрталаб, таҳририятга кетиш олдидан онажонимнинг хонасига кирганимда менга айтадиган гапларининг акс садоси мени таъкиб эта бошлади: «Ойижон, аҳволингиз яхшими?». «Бугун яхши ухладим. Дори таъсирида». «Таҳририятга кетяпман». «Майли, болам, хайр! Яхши бориб кел!»

Мен йўлакка чиқишим ҳамоно шундай сўзлар қулоғим остида янграрди: «Дино!» – чакирарди онам. Мен аста ортимга қайтардим. «Тушликка келасанми?» – «Ҳа», дея жавоб қайтарардим. «Кечки овқатга-чи?»

«Кечки овқатга-чи?» Эҳ, тавбангдан кетай худойим, онажонимнинг бу саволи қанчалар эркалаш ва меҳрга тўла соддадиллик билан айтилган беғубор сўзлар эди-я! У талаб ҳам қилмасди, буйрук оҳангида ҳам гапирмасди, балки шунчаки меҳр билан эркалаб сўрарди, холос.

«Билмайман!» – дея жавоб қилардим мен. – «Кўнғироқ қиламан!»

Онажоним эса кечки овқатга келмаслигимни яхши биларди.

Қари, касалманд, қувватдан қолган, умри тугаб бораётганини сезган онам, ҳойнаҳой, ўғли кечки овқатга уйга келиб, бирга ўтирганидан боши осмонга етган бўларди.

Йўк, мен волидамнинг ёнида бўлолмадим, мендек тентак, аблах ўғил ошна-оғайниларим билан Милан кўчалари бўйлаб тентираб, кўнгилхушлик қилардим. Ҳаётимнинг асосий мазмунини ташкил этувчи, ёлғиз суюнчигим, қайфиятимни тушунадиган ва мени жондан ортик севадиган инсон, мен учун жон олиб, жон беришга тайёр

онажонимнинг кунлари тугаб бормоқда эди. Ҳа, мен бу дунёда яна уч юз йил яшасам ҳам бундай меҳрибон зотни тополмайман.

Кечки овқат пайтида айтадиган икки оғиз сўзим унинг кўнглини тоғдек кўтариб юборарди. Онажонимга кўп эмас, озгинагина эътибор кифоя эди! Мен унга шуни ҳам раво кўрганам йўк. Чунки худбинлигим туфайли, ўғил сифатида онамни севишимни тан олмасдим, тўғрироғи, тан олишни истамасдим. Онажоним, энди сўнги манзилга кетаётиб ҳам икки бегона ҳайдовчининг бемаъни, валаки-саланг гапларини, беҳаё латифаларию кулгиларини эшитиб кетяпти. Умрининг охирида ҳам худо уни ёрлақмади.

Энди кеч, жуда кеч! Минг афсуслар бўлсинки, онажоним сукутда, менга таъна қилаётгани йўк, ҳойнаҳой, мени кечиргандир, ахир мен унинг яккаю ягона ўғлиман-ку! Ҳа, кечирган бўлса керак. Бу ҳақда ўйласам виждоним кийналади.

Қабрга қўйилган тошга қалбдаги изтироблар битилган эди. У ёзувларни йўқотиш учун умр ҳам етмайди. Орадан миллиард асрлар ўтар, аммо менинг айбим билан онажоним чеккан изтироблар ва ёлғизлик асло кўнглимдан ўчмагай. Қалбимга инган бу азобдан қутулолмасам керак, бунга ожизман. Кўнглимга таскин берувчи бир нарса қолган: у ҳам бўлса, «унинг руҳи мени кўриб турибди, тавба қилсам бўлади», деган юпанч эди, холос.

Лекин энди у мени кўрмайди. Онажоним бу дунёда йўк... Йиллар мобайнида чириб бораётган мурдадан бошқа ҳеч нарса, ҳа, ҳеч нарса қолмади. Наҳотки, онажонимдан ҳеч нарса қолмаган бўлса?

Ким билади? Вакти-вакти билан, айникса, чошгоҳ пайтлари ёлғиз ўтирганимда мени ғалати бир туйғу чулғаб олади. Гўё ичимга қандайдир тушунарсиз мавжудот кириб олгандай... Ўзимни ёлғиз ҳис этмайман, ҳар бир ҳаракатим ва ҳар бир сўзим ичимга қандайдир сирли руҳ кириб олганини тасдиқлагандай бўлади. У – Онажоним! Аммо бу сирли ҳолат узокка бормаё, бор-йўғи бир ярим соатлар давом этади. Сўнгра яна кун бўйи ҳаётнинг оғир тегирмон тоши мени эзишда давом этаверади.



## ТЕЗЮРАР ПОЕЗД

— **Б** у сен кетадиган поездми?  
— Ҳа, мен кетадиган поезд.

Перроннинг чирк босиб кетган бостирмаси остида кўзғалишини кутиб турган паровоз гўё кутурган букадек кишини ваҳимага соларди.

— Сен шу поездда кетасанми? — деб сўрашди мендан.

Паровоздан чиқаётган буғ шовқини одамни дахшатга соларди.

— Ҳа, шу поездда кетаман, — дея жавоб бердим мен.

— Каерга кетяпсан?

Мен борар манзилимни айтдим. Авваллари дўстларим билан бўлган суҳбатда манзилнинг номини айтмаган эдим. Ҳойнаҳой, бу камтарлигимдан бўлса керак. Негадир манзилнинг номи одамларнинг кизикишини уйғотади. Унинг номини ёзишга ҳозир ҳам журъатим етмайди.

Ўша пайтда менга, худди сурбетга қарагандек ғазаб билан, кимдир тентакка карагандай шубҳа билан, кимдир хомхаёл билан яшовчи одамга карагандек ачиниш билан қарар, кимдир устимдан куларди. Мен вагонга сакраб чиқдим ва ойнани очиб, ташқаридан танишларимни кидира бошладим. Аммо биронта таниш чехра кўрингани йўқ.

— Қани, учар поездим, йўлга туш. Вақтни йўкотмайлик, шамолдек ел! Марҳаматли машинист, кўмирни аямай ёк! Учар аждарингизга камчи босинг!

Ўрнидан кўзғалган паровознинг пишқирган овози эшитилди. Вагонлар аста-секин ўрнидан силжиди, бостирма устунлари биринкетин ортда кола бошлади. Сўнг уйлар, фабрикалар, томлар, яна уйлар, кўриниб турган завод мўрилари, дарвозалар, дарахтлар, томоркалар, яна уйлар, яйловлар, далалар, осмонда сузиб юрган паға-паға булутлар бирин-сирин кўзга ташланиб орқада коларди. Қани, олға машинист! Бор кучинг билан тезликни ошир!

Ё тавба, биз қандай учиб борар эдик-а! Бу тезликда биринчи ракамли станцияга, сўнгра иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчисига етиб бориш ҳеч гап эмас, деб ўйлардим. Мамнун ҳолда ташқаридаги телеграф симларининг дам пасайиб, дам кўтарилиб ва яна пастга тушишини томоша қилиб кетарканман, поезднинг тезлиги борган сари ошиб борарди. Рўпарамда қизил духобали ўриндикда

икки жаноб ўтирарди: уларнинг афтидан поездда кўп юрганликларини кўриниб турар, улар негадир дам-бадам соатларига караб кўяр ва бошларини чайкаганча минғирлаб, нимадандир норози бўлиб сўзлашардилар.

Аслида тортинчок бўлсам-да, шу тобда журъат этиб:

– Узр, жаноблар, саволим ўринсиз бўлса-да, айтинг-чи, сизлар нимадан норозисизлар? – деб сўрадим.

– Ҳа, аҳволимиз жуда танг, – деди ёши каттарок жаноб. – Чунки, поезд имиллаб юряпти. Ҳа, имиллаб... Шу юришда давом этсак, манзилимизга кечикиб борамиз, биродар.

Мен уларнинг гапига кўшилмасам-да, лекин ўйланиб қолдим. Одамларнинг кўнглини олиш қийин: ахир биз тушган поезд ўзининг қувватига яраша шитоб билан шу вақтгача бошқа поездлар юролмаган катта тезликда боряпти-ку, ахир. Эҳ, норози йўловчилар-эй.

Поезд тез юрганидан темир йўлнинг икки ёнидаги далалар лип-лип этиб ортда қолмоқда эди. Назаримда биринчи станцияга поезд мўлжалдан аввалроқ етиб келганди. Соатга қарагач, биз жадвал бўйича аниқ юраётганимизга ишонч ҳосил қилдим. Режага кўра, бу ерда мен муҳим масала бўйича муҳандис Моффин билан учрашишим керак. Вагондан тушгач, келишувга биноан мени Моффин кутиб турган қаҳвахона томон ошиқдим. У эндигина тушлик қилиб бўлган экан.

Мен муҳандис Моффин билан саломлашгач, унинг ёнига ўтирдим, лекин у келишувимиз ҳақида лом-мим демай, гўё вақтимиз кўп-дек, об-ҳаво ва майда-чуйда арзимас нарсалар ҳақида гапирарди. Орадан ўн дақиқа ўтди (поезднинг жўнашига бор-йўғи етти дақиқа қолганди), ниҳоят у чарм сумкасида керакли қоғозларни чиқараркан, менинг безовталаниб, соатга қараётганимни сезиб қолди.

– Йигитча, афтидан шошяпсиз шекилли, – деди кесатиб. – Очиғини айтсам, шошилиб турганлар менга ёкмайди...

– Сиз мутлақо ҳақсиз, жаноб муҳандис, – эътироз билдиришга журъат этдим мен, – лекин бир неча дақиқадан сўнг поездим жўнаб кетади ва...

– Ундай бўлса, – деди у шоша-пиша ҳужжатларни йиғиштирар экан, – кечирасиз, мен жуда афсусдаман, бу иш ҳақида бошқа сафар, сизнинг вақтингиз бемалолроқ бўлган пайтда гаплашармиз, азиз биродар, – дея жойидан кўзгалди.

– Кечирасиз, – дея гўлдирадим мен, – айб менда эмас, биласизми, бу поезд...

– Буни менга аҳамияти йўқ, ҳа, аҳамияти йўқ, – деди у ва бир сўзлик эканлигини намойиш этаркан, кулимсираб кўйди.

Ўрнидан силжиган вагоннинг зинасига зўрға чикиб олдим. «Нимаям қилардим! – дедим ўзимга-ўзим. – Майли, учрашувни кейинги сафарга қолдирсак қолдирибмиз-да. Муҳими, йўлдан адашмасак бўлгани».

Биз далаларни ортда қолдириб борардик. Телеграф симлари дам юқорига кўтарилиб, дам пастга тушиб борарди, бепоён яйловлар бўйлаб кета бошладик. Уйлар тобора камроқ кўзга ташланарди, чунки биз шимол томон кетмоқда эдик. Маълум бўлишича, бу ерлар овлок жой бўлиб, одамлар кам яшардилар.

Аввалги ҳамроҳларим жойларида кўринмадилар. Мен жойлашган купеда юзидан нур ёғилиб турган роҳиб ўтирарди. У тинмай йўталар, ойна ортидан эса яна яйловлар, ўрмонлар, ботқоқликлар бирин-сирин ўтиб борарди. Бекорчиликдан соатимга қараб кўйдим. Йўталиб турган протестант роҳиби ҳам соатига қараб кўйди-да, бошини чайқади. Бу сафар мен ундан нега бошини чайқаганини сўраб ўтирмадим, сабаби беш кўлдек равшан. Соат ўн олтидан ўттиз беш дақиқа ўтганини кўрсатиб турарди. Демак, ўн беш дақиқа аввал биз иккинчи станцияга етиб келишимиз керак эди, ваҳоланки, станция узоқдан ҳам кўзга ташланмас эди.

Иккинчи станцияда мени севгилим Розанна кутиб олиши керак. Поезд манзилга етиб келганда, кутиб турган одамлар кўп эди. Улар орасида Розанна кўринмасди. Поездимиз ярим соатга кечикиб келганди. Мен станцияда сакраб тушдим ва вокзал биносидан ўтиб, олд майдонига югуриб чиқдим. Шу онда хиёбон бўйлаб кетаётган Розаннани кўриб қолдим: у бошини куйи солганча тобора мендан узоқлашиб кетмоқда эди.

– Розанна! Розанна! – дея қичқирдим овозим борича.

Аммо севгилим анча узоқлашиб кетганди. Тавба, у ҳатто бирон маротаба бўлса-да, ортига ўгирилиб карагани йўқ. Ўзингиз инсоф юзасидан айтинг-чи, мен унинг кетидан югуришим, поездимдан қолиб кетишим ва умуман, ҳаммасидан воз кечишим мумкинмиди?

Розанна ёлғизоёқ йўлдан кетиб бораркан, охири кўзга кўринмай қолди. Мен эса, яна бир учрашувдан маҳрум бўлганимни англаб,

тарвузим кўлтигимдан тушганча, поездим томон қайтиб келдим. Мана энди шимолнинг пасттекисликлари бўйлаб, одамлар тақдир деб атаган ҳаёт ичига шўнғиб кетиб борардим. Муҳаббат деганлари шуми, ахир?

Йўлда давом этардик. Кунлар кетидан кунлар ўтиб борар, темир йўл бўйлаб тортилган телеграф симлари асабга тегувчи рақсга тушишда давом этардилар. Негадир ғилдиракларининг гумбурлашида аввалги шижоат сезилмас, узоқдан кўринаётган дарахтлар кўз ўнгимиздан чўчиган куёнлар каби зумда ўтмай, маъюс ҳолда биз томон судралиб келаётгандек кўринарди.

Учинчи станцияда чамаси йигирмага киши йиғилган, улар орасида мени кутиб олиши керак бўлган кўмита одами кўринмасди. Перронга тушгач, уни суриштириб, «Мабодо сиз бу ерда кўмитадан оркестр ва байроқлар билан кутиб олишга келган хонимлар ва жанобларни кўрмадингизми?» – дея сўрай бошладим.

– Ҳа, ҳа, улар келишган эди. Узоқ вақт кутишди ҳам. Сўнг кутиш бефойда, деб ҳаммалари тарқаб кетишди.

– Қачон?

– Уч-тўрт ой аввал, – дедилар кулиб.

Шу тобда паровознинг кўзғалишини билдирувчи хуштак овози эшитилди.

Поезд ўрнидан жилди. Қани, олға, дадилрок! Гарчи бизнинг тезюрар поездимиз иложи борича тез юришга ҳаракат қилсада, бироқ аввалгидек шитоб билан юролмаётган эди. Ким билди дейсиз, кўмир сифатсизми? Ё ҳаво етишмаяптими? Ё совук халақит беряптими? Балки машинист чарчагандир. Ортдаги кенгликлар гўё жарликдай туюлар: унга қараган одамнинг боши айланарди.

Тўртинчи станцияда мени онажоним кутиб олиши керак. Поезд тўхтади, перрондаги харракда ҳеч ким кўринмас, эринмай қор ёғмоқда эди.

Мен бошимни деразадан иложи борича чиқариб, атрофни кўздан кечира бошладим. Ҳафсалам пир бўлиб ойнани энди ёпмоқчи бўлиб турганимда, онажоним мени кутиш залида пойлаб ўтирганини кўриб қолдим. Онажоним шолрўмолга ўралиб, харракнинг бир бурчагида мудраганча гужанак бўлиб ўтирарди. Ё тавба, мунис онажоним кичрайиб кетибди-я!

Поезддан сакраб тушдиму онажонимнинг истикболига югуриб, уни кучганимда, коксуяк бўлиб қолганини хис этдим ва совуқдан дилдираётганини сездим.

– Онажон, узок вақт кутиб қолдингизми?

– Йўқ, йўқ, ўғлим, – деди у суюнганча жилмайиб. – Бор-йўғи тўрт йилдан буён кутаман сени.

Онам сўзларкан кўзимга тик карамай, гўё ниманидир кидираётгандай ерга каради.

– Онажон, нимани кидиряпсиз?

– Ҳеч нарсани. Жомадонларнинг қани? Уларни перронда қолдирдингми?

– Улар поездда, – дедим мен.

– Поездда? – онанинг юзида умидсизлик пайдо бўлди. – Сен уларни ўзинг билан олиб тушмадингми?

– Биласизми, менга... – онажонимга қандай қилиб тушунтиришни билолмасдим.

– Ҳозир кетаман демокчимисан, ҳатто бир кунга ҳам қолмайсанми ўғлим?

Онажоним жим бўлиб, кўркув аралаш менга тикилиб турарди.

Мен хўрсиндим.

– Эҳ, майли! Поезд кетаверсин! Ҳозир югуриб бориб жомадонларимни олиб тушаман. Онажон, сиз билан қолишга қарор қилдим. Ахир сиз менинг келишимни тўрт йилдан буён кутасиз-а!

Бу гапларни эшитган онажонимнинг суюнганидан юзига қон югурди: у жуда хурсанд эди, юзида жилмайиш пайдо бўлди.

– Йўқ, йўқ, жомадонингни олиб тушма. Сен мени тушунмадинг, ўғлим, – ёлворди у. – Мен ҳазиллашдим, тўғри, сен бу овлоқ жойда қолмайсан. Мени ўйлама, ўғлим. Мени деб умрингни бу ерларда ўтказмаслигинг керак. Агар сен ҳозирок кетсанг, ҳаммаси яхши бўлади. Иккиланиб ўтирма. Бу сенинг бурчинг... Мен фақат бир нарсани – сени кўришни ният қилгандим, холос. Мана, ниҳоят, ниятимга етдим, биз кўришдик. Энди менга бошқа ҳеч нарса керак эмас, ўғлим!

– Ташувчи, хой, ташувчи, – дея қичқирдим мен. Юк ташувчи бир зумда рўпарамда пайдо бўлди. – Учта жомадонни поезддан тушириш керак!

– Бунга мен рухсат бермайман! – такрорлади онам. – Бундай имконият сенда бошқа бўлмайди. Ёшсан, ўғлим, ўз йўлингдан қолмас-

лигинг керак! Қани, тезроқ вагонга чикиб ол! Бўлакол ўғлим, бўлакол! – онажоним ўзини кулишга мажбур этиб мени вагон сари итарарди. – Худо хайрингни берсин, шошил ўғлим, эшиклар ҳозир ёпилади.

Мен бахти қаро, худбин ўғил гарангсиб, қандай килиб поездга чикиб олганимни билмай қолдим. Ойнадан бошимни чиқарганча, онажонимга кўл силкитиб хайрлаша бошладим.

Поезд ўрнидан кўзгалди. Тез орада онам ортда қолди. У тобора кўзимга кичрайиб кўриниб борарди. Мунис онажоним ғамгин бок-канча, ёгаётган қор остида перронда ёлғиз ўзи турарди. Сўнг, борган сари онамнинг жуссаси кичрайиб, ниҳоят, бир нуқтага айланди-ю, тез орада кўздан ғойиб бўлди. Алвидо, онажон!

Йиллар-ла ўлчанадиган кечикиш билан биз шошгандан-шошамиз. Аммо қаерга?

Кеч кира бошлади. Совиб қолган вагонларда деярли ҳеч ким қолмаганиди. У ер-бу ерда, қоронги купеларнинг бурчакларида сабрли нотаниш йўловчиларни учратиш мумкин эди, ҳолос: совкогаётган бўлсалар-да, нолимасдилар.

Биз қаерга кетяпмиз? Сўнгги станцияга ҳали қанча бор? Биз у ерга етиб бора оламизми? Туғилиб ўсган жойлардан, ўзинг ёктирган одамлардан шу даражада шошиб жўнаб кетиш шартмиди? Эй, ҳа, улар камзулимнинг чўнтагида-ку! Орқага йўл йўқ, бу аник!

Қани, машинист, поездингнинг тезлигини ошир! Афт-ангоринг қандай экан сени? Исминг нима? Сени танимайман, ҳеч қачон кўрган ҳам эмасман. Агар сен менга ёрдам бермасанг, ҳолимга вой! Машинист, бардам бўл, ўтхонага охириги кўмирларни ташла, илтимос, бу шалдироқ арава яна аввалги паровоздек учиб юрсин-да, тим қоронғиликни ёриб кириб борсин! Худо ҳақи, бўшашма машинист, ухлаб қолма. Балки биз кўзлаган манзилимизга эртага етиб борармиз.

## ДЎСТЛАР

**С**крипка устаси Амедео Торти ва унинг рафикаси қахва ичиб ўтиришар, болалар ухлагани ётишганди. Эр-хотин икковлон ҳар доимгидек оғизларига мум солиб олгандилар. Кутилмаганда, хотини гап қотди:

– Сенга қандай қилиб тушунтирсам экан, билмадим... Бугун негадир эртадан-кечгача кўнглим гаш бўлиб юрдим... Назаримда бизникига бугун кечкурун Аппашер кириб келадигандек.

– Бундай гапларни ҳатто ҳазиллашиб ҳам гапириб бўлмайди, – деди эри унга таъна билан.

Бундан йигирма кун муқаддам унинг қадрдон дўсти скрипкачи Тони Аппашер вафот этган эди.

– Тушунаман, тушуниб турибман... Ақл бовар қилмайдиган иш! – деди рафикаси. – Бу ҳиссиётдан ҳоли бўла олмаяпман. Тавба.

– Ҳа, агарда... – гўлдиреди ғамгин оҳангда Торти, лекин гапни давом эттирмади. Факат бош чайқаб кўйди, холос.

Улар яна жим бўлиб қолдилар. Соат чоракам ўн. Кутилмаганда кимдир эшик кўнғироғини чалди. Кўнғирок баланд овозда, узок чалинди. Эр-хотин чўчиб тушдилар.

– Бемаҳалда келган ким бўлди экан? – деди Тортининг рафикаси. Дахлиз бўйлаб юрган Инеснинг кадам товуши эшитилди. Инес эшикни очиш учун дахлиз томон кета бошлаганди, унинг кулоғига бўғик овоз чалинди ва у ошхона томон ўгирилиб қаради. Унинг юзи докадек оқариб кетганди.

– Инес, келган ким экан? – сўради уй бекаси.

Уй хизматчиси гўлдиредиганча уй хожасига қараб:

– Жаноб Торти, бир дақиқага бу ёкка қаранг, у ерда... Ў, билсангиз эди! – деди ваҳима билан.

– Келган ким экан? Ким? – гарчи ким ҳақида гап кетаётганлигини яхши билса-да, сабрсизлик билан сўради уй бекаси.

Инес гўё уларга ниманидир пинҳона айтиб кўймоқчи бўлгандек, чуқур хўрсиниб кўйди.

– У ерда... У ерда... Жаноб Торти, ўзингиз чиқиб қаранг... Маэстро Аппашер қайтиб келибди!

– Бўлмагур гапни гапирма! – деди бу ғалати гаплардан асабийлашган Торти ва хотинига қараб кўшиб кўйди:– Ҳозир ўзим қарайман... Сен жойингда ўтиравер.

Торти қоронғи йўлак томон йўл олди ва қандайдир шкаф четига урилиб кетди, сўнг зарб билан дахлиз эшигини очди.

Ташқарида ҳар доимгидек ковушмай жунжикканча Аппашер турарди. Йўк, у бугун ҳар сафаргидан ўзгача, биров ғалатирок: ҳа, у биров ғалати кўринишга эга эди, Аппашернинг арвохимиди-ей, афтидан у ҳали ҳам бизда модда деб аталувчи нарсадан тўла-тўқис

кутулмагани. Бу шарпа бўлса ҳам тирик одамдай эди. У аввалгидек оддий кийиниб олган: эгнида кулранг костюм, хаворанг йўл-йўл кўйлак, кизил ва кўк ранг аралаш бўйинбоғ ва асабийлашганча кўлида ғижимлаб турган фетр шляпада эди.

Торти тезда ваҳимага тушувчилар тоифасидан эмасди. Ҳозир эса унинг нафаси бўғзига тикилди-ю, қотиб қолди. Бу ҳазилакам гап эмас – бундан йигирма кун аввал сен кабристонга кузатиб кўйган энг якин ва кадрдон дўстинг уйингга келиб, эшигинг тагида турса!

– Амедео! – деди бечора Аппашер ва вазиятни қандайдир юмшатиш ниятида кулиб кўйди.

– Тушимми-ўнгимми? Шу ердამисан! Ё тавбангдан кетай! – салкам таъна қилгандай кичкириб юборди Торти. Уни камраб олган карама-қарши ва алағда ҳис-туйғулар негадир бирдан ғазабга айланди-қолди. Тавба, нахотки ажраб қолган дўстини кўриш унга қатта қувонч келтирмаса? Нахотки бундай учрашув учун ўз миллионларидан воз кечмаса? Ҳа, албатта, у ўйлаб-нетиб ўтирмай шундай қилган бўларди. У ҳар қандай қурбонликка тайёр эди. Ундай бўлса, нега Торти ҳозир хурсанд бўлмаяпти? Нега энди ўз-ўзидан ғазабланаяпти? Демак, шунча чеккан изтиробни, кўз ёшлари ва шундай ҳодиса билан боғлиқ бўлган барча нотинчликлардан сўнг яна барчасини қайтадан бошлаш керакми? Дафн маросимидан кейин ўтган кунлар давомида дўстига нисбатан бўлган илик ҳис-туйғулар тугаган, энди уларни қайдан олсин.

– Кўриб турганингдек ёнингдаман. Бу менман, – кўлидаги шляпанинг бир четини янаям ғижимлаб деди Аппашер. – Лекин... Биласан-ку, бизнинг ўртамизда... умуман... Илтифот қилмасанг ҳам бўлади... Агар бу нокулай бўлса...

– Нокулай? Сен буни нокулайлик деб атаяпсанми? – ўзини йўқотганча кичкирди Торти. – Шундай кўринишда қаердан келатганингни билмасам эди, яна нокулайлик ҳақида гапирасан-а! Сурбетлик қилиб остонамга келганингни кара! – у шундай деди-ю, умидсизликка тушиб аста ғўлдирди. – Энди мен нима қилишим керак?

– Амедео, гапимга кулок сол, – деди Аппашер, – мендан ранжи-ма... Менда айб йўк... У ерда... қандайдир тушунмовчилик бўлган... Хуллас, яна бир ой давомида шу ерда бўлишимга тўғри келади... бир ой ёки ундан ортик. Ахир ўзингга маълум, энди менинг уйим йўк, ҳозир у ерда бошқа одамлар яшаяпти...



– Демак, сен меникида яшашга қарор қилгансан, шундайми? Бизникида тунамоқчимисан?

– Тунамоқчимисан? Энди мен тунаётганим йўк. Гап бунда эмас... Менга кичкинагина жой бўлса... Ҳеч кимга халакит бермайман – емайман ҳам, ичмайман ҳам ва умуман, хожатхонадан ҳам фойдаланмайман... Биласанми, тун бўйи, айникса, ёмғир ёғганида қаерлардадир дайдиб юрмасам бўлгани.

– Нима, ёмғир остида сен ивиб ҳам кетасанми?

– Тўғри, ивишга ивимамайман, – дея зўр-базўр кулиб қўйди Аппашер, – лекин барибир бу ёкимсиз-да...

– Демак, сен ҳар тунни меникида ўтказмоқчимисан?

– Рухсат берсанг агар...

– Рухсатим билан!.. Тушунмаяпман. Сен ақли одамсан. Қадрдон дўстимсан... Айтиш мумкинки, сенинг хаётинг ортда қолди... Нега шунга ақлинг етмаяпти? Тўғри, ҳеч қачон сенда оила бўлган эмас!..

Аппашер уялиб, кимтиниб ортига тисарилди.

– Кечир мени, ўйлагандимки... Бор-йўғи бир ойга-ку...

– Йўк, сен менинг холатимни тушунишни истамаяпсан! – хитоб қилди Торти хафа бўлиб. – Мен ўзимни ўйлаётганим йўк... Болаларим бор, ахир!.. Болаларим... Сени иккита гуноҳсиз, ҳали ўн ёшга тўлмаган гўдақлар кўриб қолса нима бўлади, бу сенингча арзимаган нарсами? Ахир сен ўзинг ҳозир нима эканлигингни яхши тушунишинг керак-ку! Шафқатсизлик қилганим учун кечир мени, ахир сен... сен... сен руҳсан... Болаларим бор жойда руҳларга жой йўк, азизим...

– Демак, иложи йўк дегин?

– Ҳа, иложи йўк, дўстим... Бошқа сенга ҳеч нарса деёл...

У сўзини охирига етказолмай, тўхтаб қолди. Аппашер тўсатдан ғойиб бўлди-қолди. Фақат кимдир тезлик билан пиллапоядан пастга тушиб кетаётгани эшитилди, холос.

\* \* \*

Консерватория директори маэстро Тамбурлани концертдан кейин уйига қайтиб келганида кеч соат ўн иккию ўттиз бўлганди, уйи ҳам шу атрофда. У эшикка калитни солаётганида, беҳосдан орқасида кимдир «маэстро, маэстро» деб шивирлаганини эшитиб қолди. У тезда ортига бурилиб қараганди, Аппашерга кўзи тушди.

Тамбурлани сўзга уста, эҳтиёткор, ҳамма нарсанинг ҳисобини қилиб иш кўрадиган одам эди, ўзининг ана шу фазилатлари билан барчага машҳур эди, камтарона хизматлари туфайли бошқалар эриша олмаган анча юкори мавқеларга эришганди. У дарҳол вазиятни англаб етди.

– Ў, менинг кадрдоним, – мулойим овозда ҳаяжонланиб деди у бир метрли масофадан туриб скрипкачига кўл узатаркан. – Ў, менинг кадрдоним, менинг кадрдоним!.. Бизга қанчалар етишмаётганингни билганингда эди.

– Нима, нима дединг? – сўради Аппашер. У яхши эшита олмади чоғи, руҳларнинг ҳис-туйғулари унча сезгир бўлмайди. – Биласанми, кулоқларим энди аввалгидай эшитмайди...

– Ў, мен сени тушунаман, кадрдоним... Ахир мен кичкириб гапира олмайман, ичкарида Ада ухляпти ва умуман...

– Кечир мени, лекин мени бир дақиқага ичкарига кирита оласанми? Тик оёқда юравериб...

– Йўқ, йўқ, нима деяпсан! Худо кўрсатмасин, Блиц сезиб қолса борми...

– Нима? Нима дединг?

– Блиц номли овчарка, ахир ўзинг шу номли итимни биласан-ку, тўғрими? У шовкин кўтариб юборади!.. Қоровул ҳам уйғониб қолиши мумкин ва яна...

– Демак, сеникида бир неча кун яшолмас эканман-да...

– Меникида яшамокчимисан? Ў, кадрдон Аппашер, тўғри, тўғри!.. Сендек дўстимга мен... бўлмасам-чи!.. Нима қиламиз?

Бу жавоб Аппашерни ранжитди. У дўстини инсофга чақирмоқчи бўлди.

– Маэстро, сен яқинда қабристонда устимга тупрок тортишларидан аввал тепамда туриб йиғлаган эдинг-ку... Эсингдами? Сенинг ҳиқиллаб йиғлаганингни эшитмадим деб ўйлайсанми? Эшитганман.

– Ў, кадрдоним, нимасини айтасан, юрагимни эзма, бу еримда шундай оғрик борки, – дея у кўлини кўкрагига кўйди. – Эй, худойим, Блиц шекилли!..

Ҳақиқатан ҳам эшик ортидан бўғик – огохлантирувчи гингшиётган овоз эшитилди.

– Кадрдоним, сен шу ерда кутиб тур, мен шундай ичкарига кираману баджаҳл махлукни тинчитиб чиқаман... Азизим, фақат бир дақиқага...

У илонбалик каби эпчиллик билан ичкарига кирди-да, дархол эшикни ёпиб, уни кулфлади. Ҳаммаёқ тинчиди-қолди.

Аппашер бир неча дақиқа кутиб тургач, уни шивирлаб чақирди:  
– Тамбурлани, Тамбурлани.

Эшик ортида ҳеч ким овоз бермади. Аппашер бармоқлари билан эшикни қоқа бошлади. Яна ҳеч ким овоз бермади.

Тонг отай демасди. Аппашер энди бир неча маротаба бирга бўлган сахий қалб қиз ўртоғи Жаннаникига йўл олди. Жанна марказдан анча йироқда, аҳолиси зич икки хонали эски уйда истиқомат қиларди. Аппашер қизникига етиб борганида соат тўртга қараб кетаётганди. Бахтига одамлар зич яшайдиган уйнинг кираверишдаги йўлак эшиги очик экан. Аппашер (ҳали ўз танасида, моддий бўлгани сабабли) қийинчилик билан олтинчи қаватга чиқиб олди – у шаҳар кезиб жуда чарчаган эди.

Қаватдаги майдонча қоронғи бўлишига қарамай, керакли хонадоннинг эшигини қийналмай топди. У аста эшикни қоқа бошлади. Эшик ортида ўзига таниш бўлган қиз яшашига ишонгани учун у қайта-қайта эшикни тақиллата бошлади. Ниҳоят, унинг қулоғига уйқусираган аёлнинг овози эшитилди:

– Ким у? Ярим тунда ким эшикни тақиллатяпти?

– Ёлғизмисан? Эшикни оч. Бу мен, Тониман.

– Шу пайтда-я? – деди қиз норози оҳангда. – Тўхта, кутиб тур, ҳозир эшикни очаман. – Эшик ортида шиппақда шапиллаб юрган овоз ва чироқ ёқкичнинг «шиқ» этган овози эшитилди, сўнг қалит буралди ва «бемахалда нима қилиб юрибсан» деганча Жанна эшикни очди-ю, уни қайта ёпгиси келмай яна ётоғига қайтиб кетишга чоғланди, ҳеч кутилмаганда Аппашернинг ғалати кўриниши уни лол қолдирди. Қиз ханг-манг бўлганча Аппашерга тикилиб қарадию уйқуси ўчиб, эси ўзига келди.

– Ахир сен... ахир сен... ахир сен...

Жанна: «Ахир сен ўлгансан-ку, аниқ биламан», демокчи бўлди. Бирок бу гапни айтишга тили айланмади ва у «яна менга яқинлашиб қолмасин», деган ўйда уни итармоқчи бўлгандек қўлларини олдинга узатганча, ортига тисарилди.

– Ахир сен... ахир сен... ахир сен... – деди-ю, туйқусдан «кет» деган ҳайқирик оғзидан чиқиб кетди. – Худо ҳақи, кет! – ёлворарди Жанна кўзларини қатта очганча.

Аппашер эса ҳозирги ҳолатини унга тушунтирмоқчи бўларди:

– Жанна, илтимос... Бир оз дам олсам бўлгани.

– Йўк, йўк, кет, кет! Буни хаёлингга ҳам келтирма. Сен мени ақлдан оздирасан. Кет, кет! Нима, сен бутун қаватдагиларни оёкка турғизмокчимисан?

Аппашер жойида кимир этмай тургани учун киз ундан кўзини узмаган ҳолда жавон устини кўли билан пайпаслай бошлади, кизнинг кўлига кайчи тушди.

– Кетаман, кетаман, – деди Аппашер ўзини йўқотиб, лекин киз жазавага тушиб, ўзини йўқотган кўйи кўлидаги беўхшов куролни унинг кўкрагига тиради: кайчининг икки учи осонликча Аппашернинг кўкрагига кириб кетди.

– Вой, Тони, кечир, мен бундай қилмокчи эмасдим, – кўркқанча кичкириб юборди киз.

– Йўк, йўк... Қитиғим келяпти, – ҳиринглади Аппашер. – Илтимос киламан, ўзингни бос. Вой-вой, китиғим келяпти! – дея у телбаларча кула бошлади.

Қаватдаги кимнингдир деразаси очилиб, жаҳл билан қичкира бошлади:

– Нима бўляпти ўзи? Соат салкам тўрт бўляпти! Бу қандай безорилик!

Аппашер шамол янглиғ ғойиб бўлди.

Энди кимга мурожаат қилсам экан? Шаҳар дарвозаси ортидаги Сан-Калисто черкови бош руҳонийсидан бошпана сўрасаммикан? Ўлим тўшагида ётганимда зайтун мойи билан мойлаган, гимназиядаги кадрдон дўстим хурматли Дон Раймондога мурожаат қилсаммикан?

– Йўқол, кўзимдан йўқол, дажжол! – деган сўзлар билан қарши олди скрипкачини хурматли руҳоний.

– Сен мени танимадингми? Мен Аппашер бўламан... Дон Раймондо, шу ерда бирон жойда тунашимга ижозат бер. Ҳадемай тонг отади. Ҳеч ким менга жой бермаяпти... Дўстларим мендан юз ўгирдилар. Балки, ҳеч бўлмаса сен...

– Сенинг кимлигингни билмайман, – деди руҳоний унга ўдагайлаб. – Билмайман, балки сен иблисдирсан, саробмисан ёки? Аммо сен ҳақиқий Аппашер бўлсанг марҳамат, ичкарига кир, мана менинг тўшагим, ётиб дамингни ол...

– Раҳмат... раҳмат, Дон Раймондо. Мен билардим...

– Менинг епископни назоратида эканлигим сени ташвишга солмасин, – гапида давом этди у тилёғламалик билан. – Сенинг бу ерда эканлигинг менга катта кўнгилсизлик келтириши сени ташвишга солмасин... Гапнинг қисқаси, мени ўйлама. Агар сени бу ерга мени узил-кесил хароб қилгани юборишган бўлса, начора, бу худонинг марҳаматидир!.. Ия, қаякка кетяпсан? Дарров кетмоқчимисан?

\* \* \*

Агар бирон кимсанинг ором топмаган руҳи ерда ушланиб қолгудек бўлса, улар биз билан яшашни истамай, бўш қолган уйларида, минора харобаларида, Аллоҳ ва одамлар унутган ибодатхоналар ёки денгиз тўлкинлари зарбаси остида аста қулаб бораётган ёлғиз қояларга беркинар эканлар.

## ТЕЛЕФОНЛАР ИСЁНИ

**Т**елефонларга нимадир бўлганга ўхшайди. Масалан, бирон кимса билан гаплашиб турган бўлсанг – қутилмаганда сенинг суҳбатингга бегона овозлар қўшилиб қолади ёки сен ўзинг бировларнинг суҳбатига аралашиб қоласан.

Кечқурун соат ўнга яқин мен дўстимга ўн беш дақиқа давомида кўнғирок қилиб тушолмадим. Сўнги рақамни теришим билан бенихтиёр кимнингдир суҳбатини эшитиб қоламан. Сўнгра иккинчи, учинчи одамлар ва тез орада тарғибсизлик пайдо бўлди-қўйди. Бу қоронғуликдаги кўпчиликнинг суҳбатига ўхшаб кетарди: ҳар бир сўзловчи тўсатдан бу суҳбатга аралашиб қолар ва нотаниш овоз бирдан ғойиб бўларди. Шунинг учун барча иштирокчилар тортинмай юракларидаги гапни тўкиб солардилар ва тез орада ўртада умумий кайфичоғлик ва енгиллик руҳияти пайдо бўлиб, у ўтмиш акс садоси ривоятлар орқали бизгача ҳам етиб келган ажойиб карнавалларга ўхшаб кетарди.

Аввалига мен икки аёлнинг либослар ҳақидаги суҳбатини эшитиб қолдим – бу жуда ғалати, шундай эмасми?!

– Ҳеч нарсани билмайман, Сиз билан келишганмиз – юбкамини пайшанба кунига битказиб берасиз деб, бугун душанба, юбка ҳали ҳам тайёр бўлмади? Кейин, мен унга:

– Ҳурматли Брожи хоним, юбкамини ташлаб кетаман, ўзингиз кийиб олинг... – дедим.

Аёлнинг овози ингичка бўлиб, чийиллаб чиқарди. У чакаги тинмай гапирарди.

– Жуда бошлабсан! – деди унга ёкимли эмильян талаффузида ёш, ёкимли, нозик овоз соҳиби. – Хўш, нима билан яқун топди ишинг? Тикувчинг кувлик қилиб матойингни ҳам алмаштириб кўйиши мумкин. Бу хонимдан ҳар нарсани кутса бўлади.

– Буни ҳали кўрамиз! Қанчалар жаҳлим чикканини, газабдан ўзимни йўқотиб кўйганимни сен тасаввур ҳам қилолмайсан. Унинг бу сурбетлигига чидаб бўладими! Клара, илтимос, унинг олдига борганингда мижозларга бундай муносабатда бўлмаслигини башарасига айтиб кел. Айтгандай, Коменчини ҳам энди унда тиктирмайдиган бўлибди, чунки унинг кизил труакарини бузиб берибди, уни кийган Коменчини худди кўрикчига ўхшаб қолибди. Умуман, у замонавий кийина бошлагандан бери ўзини йўқотиб кўйди. Эсингдами, бундан икки йил аввал тикувчимиз бизнинг олдимизда питирлаб, хушомадгўйлик қиларди ва биз каби оқсуяк хонимларга кийим тикаётганидан беҳад бахтиёрлигига ишонтирмоқчи бўларди, энди бўлса, унинг елкасини силаб, ялинишга тўғри келяпти. Клара, сездингми, унинг гап-сўзлари ҳам бошқача бўлиб қолган. Хўш, сездингми, а? Эртага Жульеттани олдига боришим керак, эгнимга киядиган ҳеч вақом йўқ. Сен нима маслаҳат берасан?

– Кўй-е, Франкина, шкафинг тўла кўйлак-ку, – хотиржамлик билан деди Клара.

– Ўргоқжон, нима деяпсан, уларнинг барчаси даккиюнусдан қолган кўйлақлар: сўнгги костюм-юбкални ўтган йил кузда тиктирган эдим, эсингдами, пистоқи рангда. Унинг устига, менга...

– Биласанми, мен яшил юбка билан қора жемперимни кийсам керак. Қора ранг ҳаммага ярашади. Сен нима дейсан?.. Балки ипак кўйлагимни кийсаммикан? У кулранг, янгирок-да. Уни кўпроқ тўй-ҳашамга кийса ярашади, шундай эмасми?

Шу тоб унинг гапини эркакнинг кўпол овози бўлди:

– Хоним, яхшиси сиз эгнингизга шарбаги сиқиб олинган лимон рангдаги кўйлак кийиб, бошингизга онангизнинг лентали шляпасини кийсангиз дурустроқ бўлармиди?

Орага жимлик чўқди. Иккала аёл дарҳол жим бўлиб қолдилар.

– Франкина хоним, нега жим бўлиб қолдингиз? – гапида давом этди нотаниш эркак. – Тилингиз танглайингизга ёпишиб қолди-ёв?

Тавба, тилингиз қотиб қолганини тасаввур қилинг-а. Бу катта фожиа бўлган бўларди, тўғри эмасми?

Бир қанча киши барабарига кулиб юборди, қолганлар эса, шу жумладан, мен ҳам индамай тинглардик.

Франкина ўзини ушлаб туrolмай, жаҳл билан бидирлай кетди:

– Сиз, жаноб, исмингизни билмайман-у, жуда тарбиясиз ва кўпол экансиз: биринчидан, бировларнинг гапига кулок солиш одобдан эмас, буни ҳар бир маданиятли одам яхши тушунади, иккинчидан...

– Эвоҳ, сиз мени одобга чақираяпсиз-ку! Жаҳлингиз чиқмасин, хоним, балки ойимқиздирсиз... Мен шунчаки ҳазиллашдим, холос. Мени кечиринг! Агар сиз мен билан танишганингизда эди, унда ишончим комилки, ғазабингизни ичингизга ютиб, менга шафқат қилган бўлар эдингиз.

– Э, кўйсанг-чи уни, – деди Клара дугонасига. – Қандайдир бир омининг гапига кулок солиб ўтирибсанми? Бу унга арзимайди! Гўшакни кўйиб кўй, сенга кейинроқ кўнғироқ қиламан.

– Йўқ, йўқ, илтимос, бир сония гўшакни кўймай туринг, – бу сўзлар бошқа эркакники эди, овоз оҳангига караганда у одоблироқ, менимча, тажрибалироқ эди. – Сизда икки оғиз гапим бор Клара хоним. Акс холда биз ҳеч қачон учраша олмаймиз.

– Учрашмасак учрашмабмиз-да!

Кутилмаганда бу суҳбатга бир-бирларини тингламай гапираётган овоз кўшилди.

– Иғвогарлар билан гап сотиш жонингизга тегмадими? – деди жаҳл билан қандайдир аёл овози.

– Сиз иғвогарсиз! Бировларнинг ишига бурнингизни суқманг!

– Мен бурнимни суқяпманми? Ахир мен...

– Клара хоним, Клара хоним, – янграрди одобли эркакнинг овози, – телефонингизнинг рақамини айтиб юборинг. Истамайсизми? Мен эмильянкаларни жуда ёқтираман – улар мени ўзларига оҳанрабодек тортиб турадилар.

– Шошманг, – афтидан бу овоз Франкинаники эди. – Аввал сизнинг кимлигингизни билишим керак.

– Менми? Марлон Брандоман.

– Ха-ха-ха! – яна кўзга кўринмас овозлар барабарига кула бошладилар.

– Ё худойим-эй, бунчалар доно бўлмасангиз!..

– Адвокат, адвокат Бартезаги! Алло. Алло, бу сизмисиз? – бу овоз шу вақтгача суҳбатга аралашмай турган аёлга тегишли эди.

– Ҳа, ҳа, менман. Ким гапиряпти?

– Бу мен – Норинаман, танияпсизми мени! Сизга телефон килаётганимнинг сабаби, кеча кечкурун ишхонада сизни огоҳлантиришни унутибман: Туриндан...

Адвокат Бартезаги шоша-пиша унинг гапини бўлди:

– Менга қаранг, хоним! Кейинроқ кўнғироқ қилинг. Фақат бизга тегишли ишга бошқаларни аралаштиришнинг ҳожати йўқ, қолаверса, бу одобдан эмас.

– Ҳой, адвокат жаноблари, – бу овоз бошқа эркакники эди, – ёшгина қизалоқларнинг бошини айлантиришга уялмайсизми?

– Адвокат Марлон Брандо жаноблари, эмильянкаларга нисбатан бефарқ эмаслар! Ха-ха-ха!

– Илтимос, валдирашни бас қилинглар. Сизларнинг бемаъни гапингизни эшитишга вақтим йўқ, мен иш бўйича зудлик билан кўнғироқ қилишим керак, – олтмиш ёшлардаги аёл суҳбатга аралашди.

– Бу хонимнинг гапини қаранг! – Мен Франкинанинг овозини танидим. – Сиз мабодо телефонлар қироличаси эмасмисиз?

– Илтимос, гўшакни қўйиб қўйинг, наҳотки гап сотиш жонингизга тегмаган бўлса? Ахборотингиз учун мен бошқа шаҳардан кўнғироқ кутяпман, ҳозирча сиз...

– Демак, сиз бошдан ҳамма гапга қулоқ солиб турган экансизда? Қайси биримиз иғвогармиз?

– Тилингни тий, ҳой, тентак хоним!

Орага бир сония жимлик чўқди. Франкинанинг тилига гап келмай қолди. Сўнгра тантанавор оҳангда деди:

– Ха-ха-ха! Тентакнинг гапини эшитяпман.

Қулоғимга қулги овози эшитилди. Қулаётган одамларнинг сони ўн икки кишидан кам эмасди. Орага яна қисқа жимлик чўқди. Балки барчалари гўшакни бараварига жойига қўйган, ёки шунчаки кутиб турибдилар. Гўшакка яхшилаб қулоқ солинса, у ердан оҳиста нафас олаётганлари ва енгил шикирлаш овозларини илғаш қийин эмасди. Нихоят, яна Кларанинг беғубор ва ёкимли овози эшитилди:

– Билишимча, энди биз ёлғизмиз шекилли?.. Франкина, эртага нима кийсам экан, қандай маслаҳат берасан?



Шу тоб суҳбатга ёқимли, чиройли, ёшларга хос тиник сўзлаётган кувнок овозли нотаниш эркак аралашди.

– Клара, ижозатингиз билан сизга биргина маслаҳат бермоқчиман. Эртага сиз бултур ўзингизга тикиб олган хаворанг юбкангизни, яқинда тозалатиб олган гунафшаранг кофтангизни кийинг, бошингизга кенг гардишли шляпангизни кийишни ҳам унутманг.

– Сиз ким бўласиз? – Кларанинг овозида бироз кўрқув сезиларди. – Мен ким билан гаплашаяпман?

Жавоб бўлмади.

– Клара, Клара, у буларни каердан билади? – безовталаниб сўради Франкина.

Э р к а к (киноясиз). Ў, мен кўп нарсани биламан.

К л а р а . Бўлмаган гап! Сиз шунчаки тасодиф сабабли тўғри айтдингиз.

Э р к а к . Топдимми? Яна янги исботлар айтишимни хоҳлайсизми?

К л а р а (иккиланиб). Хўш, нима десам экан, кани, латифаларингизни эшитайлик-чи?

Э р к а к . Яхши. Хоним, мени диққат билан эшитинг, сизнинг холингиз бор, ха, мошдеккина холингиз бор... Хм... хм... каердалигини айтолмай турибман.

К л а р а (шоша-пиша). Сиз уни каердалигини билмайсиз!

Э р к а к . Айтинг-чи, топдимми-йўқми?

К л а р а . Сиз буни билишингиз мумкин эмас.

Э р к а к . Тўғри айтдимми ёки йўқми?

К л а р а . Чин сўзим, уни ҳеч ким кўрмаган, онт ичиб айтаман, онамдан бошқа ҳеч ким кўрган эмас.

Э р к а к . Демак, мен тўғри толибман-да.

Кларанинг овозидан йиғлаётгани сезилиб турарди.

– Уни ҳеч ким кўрмаган. Сизни бундай ҳазил қилишингиз одобдан эмас.

Э р к а к (мурасага келиб). Мен сизнинг холингизни кўрдим деб айтаётганим йўқ-ку, фақат бор деб айтдим, холос.

Қандайдир кўпол овозли эркак суҳбатга аралашди:

– Майнавозчиликни бас қил, хой, тасқара!

Нотаниш кимса зумда унинг гапини бўлди:

– Оғзингга қараб гапир. Кьябрера кўчаси, еттинчи уйда истикомат қилувчи, бўйи бир метру етмиш сантиметр, уйланган, икки кун аввал томоқ оғриғига дучор бўлган ва касаллигига карамай, шу тобда ўзимизда чиқарилган сигаретани чекиб турган Энриконинг ўттиз икки ёшли ўғли Жоржо Маркоцци. Етарлими? Янглишмадимми?

М а р к о ц ц и (дарҳол ювош тортиб). Сиз кимсиз ўзи? Ижозат этсангиз... Мен... мен...

Н о т а н и ш к и м с а . Хафа бўлманг. Келинг, яхши гаплардан гаплашайлик. Клара, бу сизга ҳам тегишли. Ахир бундай қувнок даврада ҳар куни ҳам бўлавермаймиз-ку.

Шундан сўнг ҳеч ким унинг гапини бўлишга ёки унинг устидан қулишга журъат этмади. Гўё телефон тармоғи ичига тўсатдан сирли руҳ кириб қолгандек, ҳамма хавотирга тушиб қолди. У ким ўзи? Сеҳргарми? Иш ташлаган телефончи қизларнинг ўрнини эгаллаган ғайритабиий махлукми? Ёвуз даҳоми? Ёки иблиснинг ўзими? Лекин унинг овози иблисона эмас – юмшоқ, эркаловчи овоз эди:

– Дўстлар, нега дамнингиз ичингизга тушиб кетди? Кимдан кўр-қаяпсизлар? Истасангиз, сизга қўшиқ айтиб берай.

О в о з л а р . Албатта, албатта.

Н о т а н и ш к и м с а . Нимани қуйлаб берай.

О в о з л а р . «Скалинателла»ни!

– Йўк, йўк, яхшиси «Самба»ни қуйланг!

– Йўк, «Мулен-руж»ни!

– «Уйкумни йўқотдим»ни!

– «Ал байон»ни айтинг, «Ал байон»ни!

Н о т а н и ш к и м с а . Қани, тезроқ бир қарорга келинглар. Хўш, Клара, сизга қайси ашула кўпроқ ёқади?

– Ў, менгами, «Уфемия» жуда ёқади!

У қуйлай бошлади. Мен ҳаётимда бундай гўзал овозни эшитмаган эдим, балки менга шундай туюлаётгандир. Овози майин ҳамда жарангдор, мафтункорлигидан менинг юрагим титраб кетди. У қуйларди, биз эса овоз чиқармай эшитардик. Сўнгра қарсақлар чалиниб, «ажойиб, яшанг, барака топинг, қойил», – деган хитоблар янгради. Сиз ҳақиқий санъаткор экансиз. Радиода қуйласангиз бўларкан. Миллионлаб пул топардингиз. Сўзларимга ишонинг. Яна бирон қўшиқни қуйлаб беринг!

– Факат бир шарт билан: барчангиз менга кўшилишиб турасиз.

Бу ғалати хор эди. Шаҳарнинг турли бурчакларида, бир-бирларидан анча узоқда бўлган ва факат телефон симлари билан боғланган, бир-бирини мутлақо танимайдиган одамлар: кимдир каравотда ёнбошлаганча, кимдир даҳлизда турганча, яна кимдир стулда ўтирганча ҳаяжон билан телефон гўшагини ушлаб турардилар. Энди ҳеч ким бир-бирининг жиғига тегмас, бир-бирига лукма ташламас, чегарадан чикиб, бир-бирига хушомад қилмасди. Ўзининг на исмини, на ёшини, на яшаш манзилни айтишни истамаган махфий бир нотаниш сабабли ҳеч қачон бир-бирларини кўрмаган ўн беш киши энди ўзларини худди дўстдек ҳис этардилар. Уларнинг ҳар бири ниҳоятда гўзал, ёш аёллар билан суҳбат қилаётгандек эдилар. Аёллар эса кўркам, бадавлат, романтик ўтмишга эга бўлган кимсалар билан суҳбатлашаётгандек ҳис этардилар ва кўзга кўринмас хорнинг марказида қандайдир сирли жодуси билан уларни шаҳарнинг қора томлари устида парвоз қилишга мажбур этаётган ажойиб дирижёр бор эди. У ярим кечада:

– Азиз дўстларим, энди бўлди қилайлик. Кеч бўлиб қолди. Эртага мен барвақт туришим керак... ёқимли оқшом учун сизларга раҳмат... – деди ниҳоят.

Унга жавобан турли хил овозлар жам бўлиб унга норозилик билдирдилар:

– Йўқ, йўқ, буни дабдурустдан тугатиб бўлмайди-ку! Илтимос, яна бироз бирга бўлайлик, яна бир кўшиқ эшитайлик, илтимос!

– Жиддий айтяпман, бошқа иложим йўқ. Мени кечиринглар. Хайрли тун, хоним ва жаноблар, дўстларим, ажойиб тушлар кўринг.

Улар ўзларини гўё кимдир хафа қилгандек ҳис эта бошладилар. Тарвузлари кўлтикларидан тушиб, суҳбатдошлар хайрлаша бошладилар:

– Нимаям қилардик, хайрли тун. Бу ким бўлди экан-а? Майли, хайрли тун.

Ҳаммалари ҳар қаёққа тарқадилар. Бирданига шаҳар узра осудалик таралди. Факат мен телефон гўшагини кўймай, нафасимни нчимга ютиб, диққат билан кулоқ солардим. Орадан икки дақиқа ўтгач, нотаниш овоз гўшакка шивирлади:

– Клара, бу мен... Клара мени эшитяпсанми?

– Ҳа, – деган Кларанинг нозик овози эшитилди. – Эшитяпман. Ҳамма тарқаб кетганига ишончинг комилми?

– Факат биттасидан ташқари, – мулойимлик билан деди нота-ниш кимса. – У шу вақтгача индамай эшитиб турибди.

Гап мен ҳақимда эканлиги аниқ эди. Юрагим дук-дук уриб кетди, дархол гўшакни кўйиб кўйдим.

У ким экан-а? Фариштами? Ё башоратчимикан? Ё Мефистофелми? Балки оламни кезувчи ва саргузаштларнинг абадий руҳими? Бизларни ҳар қадамда кутиб турувчи воқеалар тимсолими? Ёки шунчаки орзу-умидмикан? Балки ҳар ерда, ҳатто телефон симларида учрайдиган ва инсонни озод этиб, кўкларга кўтарадиган қадимги бокий орзу-умидлар бўлса ажаб эмас.

## АСРИМИЗ ДЎЗАХИГА САЁҲАТ

### 1. Мушқул топшириқ

**Х**онага хабарчи (курьер) кириб, бош муҳаррир мен билан гаплашмоқчи эканлигини айтди. Эрталаб соат ўн яримлар чамаси, одатда бу вақтда бош муҳаррир ишга келмаган бўларди.

– Наҳотки, у шу вақтда иш жойида бўлса?

– Мен ҳам ҳайронман, у ишга соат ўн иккидан олдин келмасди.

Қизик. Одатда газетада барча ишлар тезкорлик билан бажарилиб, ахборотлар тўғридан-тўғри берилади. Ташқарида Милан шаҳрига хос бўлган булутли тонг, соат ўн ярим, ёмғир ёғай-ёғай деб турибди.

Соат ўн иккиларга яқинлашганда бош муҳаррир келди. Мен унинг ҳузурига ошиқдим. 27 апрель куни эди, ташқарида ёмғир шивалай бошлади. Кенг хонада чирок ёниб турарди.

Бош муҳаррир илтифот ила табассум қилиб, менга ўтиришни таклиф этди.

– Ҳурматли Буццати, негадир кўринмай қолдингиз? Менга нима хизматлар бор?..

– Айтишларича, мени йўқлабсиз.

– Менми? Сизни йўқлабманми? Қандайдир англашилмовчилик бўлганга ўхшайди. Ёнингизга одам юбориб чакиртирмадим. Лекин сизни кўрганимдан бағоят хурсандман.

Бош муҳаррир доимо яхши кайфиятда юрар, баъзи пайтлар одатдагидан ҳам хурсанд кўринишда бўларди. Демак, унинг кал-

ласида қандайдир янги ғоя пайдо бўлгани аён. Бундай эътиборни торгувчи хайрихоҳлик онларида биз муҳаррирлар ташвишга тушиб, «Тинчликмикан» деб безовталаниб колардик.

Бош муҳаррир катта ёзув столи атрофида ястаниб ўтириб олган, стол устида ҳеч қандай қоғоз йўқ, бу унинг ниҳоятда банд эканлигидан далолат берарди. У гўё тинчланмокчи бўлгандек бармоқларини лабига теккизиб кўйди.

– Лекин сиз ҳақсиз. Ҳозир ёдимга тушди. Ҳақиқатан ҳам сизни йўқлаган эдим, ҳа, кеча, лекин бунинг аҳамияти йўқ.

– Редакциянинг бирон-бир топшириғи борми?

– Йўқ-йўқ. Ҳозир нима учун кидирганимни эслолмаяпман ҳам.

Менга у ўз хаёлларига берилгандек туюлди, сўнг бироз жим ўтирди-да, тўсатдан:

– Хўш, Буццати, аҳволларингиз яхшими? – деб сўради. – Сўраб нима қилдим, кўринишингиз жуда яхши.

У нима демоқчи?.. Тўсатдан телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтариб, телефонга жавоб бера бошлади.

– Қулоғим сизда... Яхшимисиз?.. Аникми?.. Нега?.. Кейинги ҳафтада ҳам... Шошилишч эмас. Муҳими, хатога йўл қўймаслик...

Мен кетмокчи бўлиб, ўрнимдан турдим. У қўл ишораси билан мени тўхтатиб, телефонда сўзлашда давом этди:

– Эҳтимол... Топширикни топшириқдан фарқи бор... Бу ҳолатда... Йўқ, ҳозирча йўқ... Йўқ дедим-ку, айтаяпман-ку... Ҳа, баракалла, мен ҳам шу ҳақда ўйлаётган эдим. – Орага узок сукунат чўқди. – Зарурат бўлганда, ўйлайманки... Тўғри... Имкон бўлди дегунча у билан сўзлашаман... Розиман... Омон бўл, дўстим.

У телефонда гаплашатуриб, менга хаёли паришон ҳолда қараб турарди. Унинг парвойи фалак, рўпарасида девор ёки мебель тургандек эди гўё.

Табиатан фаҳм-фаросатли бўлганим учун ўйлаб қолдим, гап мен ҳақимда кетмаётганмикан, бош муҳаррирнинг шундай одати ҳам йўқ эмас. Аммо унинг нигоҳидан буни сезмадим. У менга тикилиб турарди-ю, аммо мен ҳақимда эмас, бошқа бир кимса ҳақида ўйларди. У башанг кийиниб олганди: эгнида тўқ хаворанг костюм, ок кўйлак, тўқ кизил бўйинбоғ.

Бош муҳаррир телефон гўшагини жойига қўйгач, менга илтифот билан деди:

– Бу Римдан, Стаци. Кипрдаги янги жой хакида сўзлаяпти. Биз Кипрга махсус мухбиримизни юбормокчи эканлигимизни, хойнахой эшитгандирсиз... Ҳеч бўлмаганда, маълум муддатга...

– Йўк, бундан хабарим йўк.

– Сиз Фоссомброни хакида қандай фикрдасиз?

– Уни яхши билмайман. Қобилиятли йигитга ўхшайди.

– У ҳали гўр. Вакт ўтиши билан шаклланади. – Шу тоб у қадимдан қолган одатига кўра муаммони ҳал қиладигандек, бармоқлари билан нимчасининг учини тортиб қўйди. Ҳеч қандай муаммо йўқдек ҳазиломуз оҳангда гапини давом эттирди:

– Хўш, ҳурматли Буццати?..

– Мени Кипрга жўнатмокчимисиз?

У баралла хахолаб кулиб юборди.

– Кипрга дейсизми? Йўк, мен сизни Кипрга жўнатмокчи эмасман... Агар сизни жўнатадиган бўлсам, бирон жиддийроқ, ҳа, жиддийроқ...

Мен хайрлашиб, хонадан чикиб кетдим. Аммо эшикни ёпатуриб, бир зумга ортимга ўтирилдим ва қия ёпилган эшик ортидан яна бир бора бош муҳаррирга қараб қўйдим. У ортимдан мени кузатиб турган экан, юзидаги табассум йўқолиб, дарҳол жиддий тусга кирди. Гўё қамалишини била туриб, у билан ҳозиргина ҳазил-ҳузул қилиб турган адвокат чикиб кетаётган миждозининг ортидан шундай қараб қўйиши мумкин эди.

Шу тобда мен бир нарсани англаб етдим: хабарчининг ғалати ва шубҳали хабари мутлақо тасодиф эмасди. Бу шунчаки янги иш, янги лавозим, узок хизмат сафари, ёинки оғохлантириш ва жазолаш эмас, балки ҳаётимни остин-устун қилиб юбориши мумкин бўлган бир синоат эди у.

– Сени ҳам чакиртиришдими? – даҳлизда турган Сандро Гепардинининг овози қулоғимга чалинди.

– Бу нима деганинг? Сениям чакиртиришдими?

– Кошки фақат мени бўлса! Ҳаммани чакиртиришган. Гельфини, Дамиани, Поспишилини ва Армеринини ҳам. Ёлғиз сен қолган эдинг.

– Нима гап ўзи?

– Қандайдир иш режалаштириляпти. Сирли иш.

– Қасрдан билдинг?

– Хўш, сенга нима десам экан?.. Хуллас, сир тутишяпти, гўё...  
Хона эшиги очилиб, бўсағада пайдо бўлган бош муҳаррир бизни кузата бошлади.

– Салом Гепарди!

– Салом.

Мен кенг зиналардан пастга тушиб кета бошлагандим ҳамки, тўсатдан тепадан овоз эшитилди:

– Буццати!

Мен ортимга ўгирилдим (чакираётган одам кўринмасди).

– Бош муҳаррир, жаноби бош муҳаррир, жаноб... жаноб... жаноб бош муҳаррир, истайдики!

Ичимда нимадир узилгандек бўлди. Гўё тақдирнинг машъум кўли менга тегиб кетгандек эди.

Мен зинапоялардан югуриб юқорига чиқа бошладим, ортимдан эса илдам қадам товушлари эшитиларди, оҳ, бу қадамлар... Менга болаликдан таниш бу қадамлар менга етиб келиб, мени ҳалок қилиши мумкинлигини доимо ҳис этиб турардим.

Чакирган одам:

– Бош муҳаррир сизни кўрмоқчи экан, – деди.

Бош муҳаррир катта ёзув столи атрофида ўтирганча, кўзини менга тикиб турарди.

– Буццати, сиз учун янгилик бор.

– Хизмат сафарими? Қаерга?

– Эҳтимол...

Бош муҳаррир жим бўлиб қолди. Унинг олдида гўё оғир муаммо бордек бармоқларини чоғиштириб олганди. Мен унинг гапиришини кута бошладим.

– Эҳтимол... Бу ҳам хаёл эмас. Бирок, ўзим шубҳаланаётибман... аммо, эҳтимол, фурсат келиб қолса...

– Қандай фурсат?

У оромкурсига ўрнашиб ўтириб олгач, тезда ишга киришди:

– Азизим Буццати, метрополитендаги ишларни жиддий текшириш билан шуғулланмайсизми?

– ... политенда? – дедим ҳайратга тушиб.

– Метрополитенни кураётганларида топишган эмиш... Торриани деган бир ишчи кимса... тасодифан... Симплон туннели қурилиши вақтида... Хуллас, бир сўз билан айтганда...

Мен ҳеч нарсани тушунолмай, бошим гаранг бўлганча унга қараб турардим.

– Мендан нима талаб қилинаяпти?

Бош муҳаррир сўзида давом этди:

– Тасодифан... у айтишича, Миланда ер ости ишларини бажа-раётган вақтида тасодифан дуч келиб қолган эмиш... – у ўзини йўқотиб кўйганидан бир нарса дейишга ҳам ҳоли келмаётганди.

– Хўш... хўш... тасодифан... – мен унга далда беришга уриндим.

– Тасодифан билиб қолибди... – у менга нигоҳини тикканча, қотиб қолди. – Ўзим ҳам ишонгим келмаяпти...

– Жаноб бош муҳаррир, илтимос, очиғини айтинг... – Мен ортик чидаб туролмадим.

– Дўзах эшигига дуч келибди... Эшикка ўхшаш бир нарса эмиш.

Айтишларича, ҳатто буюк ва жуда кучли одамлар ҳам ҳаётлари давомида бир умр орзу қилиб келган нарсаларига юзма-юз дуч келганларида, ўзларини йўқотиб, ачинарли ва нотавон кўрқоклар ҳолига тушиб қолар эканлар.

Шундай бўлса-да, сўрай бошладим.

– Хўш, ундан кейин-чи, унинг ичкарисига кириш мумкин эканми?

– Айтишларича, кириш мумкин экан.

– Дўзахгами?

– Ҳа, дўзахга.

Орага жимлик чўқди.

– Мен киришим керакми?

– Бу бор-йўғи бир таклиф, холос. Ахир мен нима деяётганимни тушуниб турибман.

– Бундан яна бирон-бир кимсанинг хабари борми?

– Йўқ, ҳеч кимнинг...

– Хўш, бундан биз қандай қилиб хабар топдик?

– Тасодифан. Торриани кекса экспедиторимизнинг кизига уйланган.

– Унинг ёлғиз ўзи топибдими?

– Йўқ, шериги билан...

– Унинг шериги бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганмикан?

– Айтмаган бўлса керак.

– Ҳеч кимга айтмаганини қандай билдингиз?



– Чунки, шериги у ерга шунчаки кизиқиб кирган. Лекин ортига кайтмаган.

– Мен ҳам?..

– Яна қайтариб айтаялман. Бу шунчаки таклиф... Ахир сиз бу ишлар бўйича мутахассис эмассиз-ку, тўғрими?

– Бир ўзим боришим керакми?

– Иложи бўлса. Бошқаларнинг эътиборини тортмаслик керак. Иложи борича ҳеч ким билмаслиги керак. Рухсатнома ҳам, у ерда таниш-билишимиз ҳам йўқ. Ҳар ҳолда мен билишимча.

– Ҳатто Вергилий ҳам бормайдими?

– Ҳа, бормайди.

– Улар сайёҳ эканлигимга жуда ишонадилар-да!

– Ҳеч ким сезмаслиги керак. Торрианининг айтишича, у факат мўралаб қарабди, – у ердагилар ҳам бизга ўхшаган оддий одамлар экан, худди бизга ўхшаб кийинган. Унинг айтишича, шаҳарлари ҳам айнан бизникига ўхшаш – электр ёритгичлари, автомобиллари ҳам бор. Шунинг учун оломонга қўшилиб кетиш жуда осон кечадди. Аммо, иккинчи томондан, хорижлик эканлигининг исботлаш қийин бўлади...

– Сизнинг гапингизга қараганда, у ерда мени ковурадиларми?

– Бемаъни гапни кўйсангиз-чи! Бизнинг давримизда бирон кимса дўзах олови ҳақида гапирадими? Яна қайтариб айтаман, кўринишдан худди бизникига ўхшаш: у ерда ҳам уйлар, қаҳвахона, кино-театр ва дўконлар бор экан. Бу айни «кўз кўрқоқ, кўл ботир» деган ҳолатнинг ўзи, деб айтиш мумкин.

– Торрианининг шериги нега қайтиб келмади? Бу жуда қизик.

– Ким билади дейсиз... Балки адашиб... қайтиб чиқиш йўлини тополмагандир... эҳтимол, у ер унга ёкиб қолгандир?..

– Нима учун бошқа ерда эмас, айнан Милан шаҳрида.

– Йўқ, бу эшиклар барча шаҳарларда мавжуд, факат у ҳақда ҳеч ким билмайди ёки айтмайди... Шундай бўлса-да, ҳар қандай журналистга бундай омад кулиб бокмайди.

– Гапингиз тўғри... Аммо бунга ким ҳам ишонади дейсиз. Исабот керак. Ҳеч бўлмаганда суратини кўриш даркор.

Мен безовта бўла бошладим. Сенинг рўпарангда сирли эшикнинг очилиши бу ҳазилакам иш эмас-ку. Энди бу ўйиндан бемалол

чикиб кетишнинг сира иложи йўк – бу шармандаларча кочишнинг ўзгинаси бўлади. Бу ишдан мен кўркаётган эдим.

– Менга қаранг, Буццати. Шошмашошарлик қилмайлик. Ўзим ҳам бунинг тагига етолмаяпман. Бу воқеанинг мужмал томонлари кўп, ҳақиқатга тўғри келмаслигини гапирмаса ҳам бўлади... Сиз ўзингиз Торриани билан ёлғиз сўзлашсангиз қандай бўларкин?

Бош муҳаррир менга бир варақ қоғоз узатди. Унда Торрианининг манзили ёзилган эди.

## 2. «ММ» сирлари

Мен Милан метрополитенининг курилишида ишлаётган ва айтишларича, тасодифан ер остида дўзахнинг эшигига дуч келган Торрианини кидириб кетдим.

Бош муҳаррирнинг гапига қараганда, Торрианининг хотини кекса экспедиторнинг кизи экан: ундан биз манзилни билиб олдик.

Фурио Торриани хотини ва икки боласи билан Сан-Ремо кўчасидаги ўттиз иккинчи уйда, Порта-Витториа ҳудудида истикомат қилар экан. Эшикни унинг ўзи очди.

– Марҳамат, профессор, – у мени меҳмонхонага таклиф қилди, – лекин кўркаманки...

– Мен профессор эмасман. Безовта қилганим учун мени кечиришингизни сўрайман. Мен топширик олганман...

Торриани новчадан келган, кенг яғринли кимса эди. Кўринишидан қирк ёшлар чамасида. Эгнида тивитдан тикилган костюм ва оқ кўйлак, кўллари оғир иш қилмаганидан бўлса керак, нозик эди, костюмининг чўнтагидан логарифмик чизғич чикиб турарди.

Тавба, қаршимда турган инсон ишчими?! Аслида у ишчи эмас, балки ер ости ишлари билан шуғулланувчи пудратчи фирманинг маслаҳатчиси, саноат эксперти экан. Рўпарамда турган Падуя кўринишидан иродали, беташвиш ҳаёт кечирувчи инсон эди, шунинг учун юзидан доимо табассум аримас, билагини боксчиники каби бақувват эди. У дўзахдаги одамга сира ўхшамасди.

– Марҳамат... йўк... яхшиси, манави оромкурсига... аввалдан огоҳлантириб қўймоқчиманки...

– Йўк дейишга ошиқманг, жаноб Торриани. Биз фақат истаган эдикки...

Торриани кулиб юборди.

– Тавба, бундай миш-мишлар қандай таркалиб кетганига ақлим бовар қилмаяпти.

– Ия, буларнинг бари миш-мишми? – Бу гапни эшитиб анча енгил тортидим. – Демак, буларнинг барчаси бўлмағур, уйдирма гап. Демак, менинг дўзахга сафарим яқун топибди-да.

– Ақл бовар қилмайди! Ишонинг, на мен, на хотиним бирон кимсага... Бу миш-мишлар қаердан тарқагани ёлғиз худога аён! Яна, шундай тафсилотлар билан... Қизиқ, гўё менинг ошнам у ерга қизикиб кирганмиш-у, ортига қайтмаганмиш.

– Ошнангиз ким ўзи?

– Ҳеч қандай ошнам йўқ, бўлган ҳам эмас!

– Кечирасиз, жаноб Торриани, ахир шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирамайди-ку...

– Шамол бўлмаса дарахтнинг учи кимирамайди?! Ха-ха-ха, ажойиб! – Торриани менга тикилиб қаради-да, завқ-шавқ билан кулиб юборди.

Мен енгил тортиб оромкурсидан турдим, гўё титраб-қакшаб, кўркув босган ҳолда шифокорнинг ёнига борганимда, у «хавфли ҳеч нарса йўқ, ҳаммаси жойида» деб жавоб айтгандек енгил ҳис этдим ўзимни. Ниҳоят, бош муҳаррир бунга росмана ишонган-у, мен эса қандай қилиб миш-мишларга ишониб қолдим, деган саволни бердим ўз-ўзимга. Миланда дўзах?! Иқтисодий мўъжиза рўй бераётган пойтахтда дўзах эшиги?!

– Безовта қилганим учун яна бир бора узр сўрайман. Касбимиз шунақа...

– Йўғ-е, нега безовта бўлар эканман. Аксинча, сиз билан танишганимдан бағоят хурсандман.

Тасодифан кўзим кичик стол устида турган Доре расмлари билан безатилган қадимги нашрдаги «Илоҳий комедия»га тушди. Китобда Данте ва Вергилий баҳайбат, хўмрайган қоялар оралаб машъум жарлик томон ўтиб бораётганлари тасвирланган саҳифа очик турарди. Бу гўё бонг, инсон бўйнига солинган сиртмоқ каби эди. Ортимдан Торрианининг ёқимли овози эшитилди.

– Воқеа тунда содир бўлди. Кеча-кундуз ишлардик... Экскаватор эндигина қавлай бошлаган ҳам эдики, янги қавлаган жойдан тошлар, балчиқ атрофга сочила бошлади, шу вақт...

– Ё тавбангдан кетай, рост экан-да?

– Йўғ-е, профессор, кўркманг. Агар истасангиз, сизга аниқ жойини айтишим мумкин.

Милан метрополитенининг муҳандиси Роберто Вичедомини бу воқеа ҳақидаги биронта гапга ишонмасди, лекин у Амендола майдонидаги бекатгача Торриани мени кузатиб боришига бажонидил рози бўлди. Ёгаётган ёмғир тинди. Булут ортидан мўралай бошлаган ой ўз нурини сочмоқда. Майдондаги электрон соат бирдан эллик дақиқа ўтганлигини кўрсатиб турарди, демак, машъум воқеа содир бўлишига ўн дақиқа қолганди. Навбатчи марказий зинапоядаги панжараларни очиб, чирокни ёқди.

Пастда, вестибюлда барча нарса тайёр турарди, ҳозирок бу ерга оломон талатўп бўлиб кириб келаётгандек эди гўё. Лекин ҳозир бу ерда сукунат ҳукм суларди.

– Жуда гўзал, – дедим мен ўзимни биров руҳлантириш ниятида. – Бағоят гўзал манзара.

Муҳандис киноя билан Торрианига мурожаат этди:

– Хўш, қани ўша жой?

– «А» платформасининг охирида, – деди у.

Кириш ва чиқиш жойларга 120 градус бўлиб айланадиган назорат турникет<sup>1</sup>лари ўрнатилган. Йўловчи чиптани махсус тешикка киргизгач, электрон ускуна чиптани текшириб муҳр босади, сўнгра турникет очилиб йўловчини ўтказиб юборади. Агар чипта сохта бўлса, товушли сигнализация ишга тушади. Лекин ҳозирча кириш турникетлари айланмай, чипталар назоратдан ўтказилмаяпти, электрон ускуналар ва товушли сигнализация ишламаётган эди. Барчаси кутиш ҳолатида турар, ҳали қатта югур-югур бошланмаган эди.

Биз пастга тушдик, платформанинг у бошидан-бу бошига юриб ўтдик. Платформа четига етишга икки метрлар қолганида Торриани кизғиш ва тўқ қулранг холлари бўлган қоплама панелга бармоғини нуқиб, жиддий оҳангда:

– Мана шу ерда, – деб кўрсатди.

– Лекин ҳаммаёғи беркитиб ташланган-ку.

---

<sup>1</sup> Турникет – ўзи очиб ёпиладиган тўсик.

– Панеллар осонликча олинади. Улар ортидан кабеллар ўтказилган, бу уларни осонлик билан олиб тузатиш учун қилинган. Гапим тўғрими?

Мухандис унинг гапини тасдиқлаб, бош ирғаб қўйди.

– Ҳойнаҳой орқасидаги ўша шубҳали эшикни панель билан беркитиб ташлашгандир?

– Тўртдан уч қисмини, – изоҳ берди Торриани. – Пастга металл эшик ўрнатдилар, у ерга эмаклаб кирса бўлади.

– Азизим Торриани, сиз гапираётган гапингизнинг масъулиятини ўзингиз ҳис этаяпсизми? – сўради муҳандис Вичедомини маслаҳатчига тикила туриб.

– Ҳа, ҳис этаяпман.

Янги куриб битказилган бекатда жимлик ҳукм сураб, фақат қоронғи туннелдан узук-юлук сирли гувиллаётган овоз эшитиларди.

– Бу ерда туйнук, галерея, йўлак ёки шунга ўхшаш шайтонга маълум бўлган нарса бор, деб ўйлайсизми?

– Топдингиз.

– Бу ерда ишлаганларнинг биронтаси ҳеч нарса пайқамаганми?

– Нега энди, пайқашган. Аммо улар Сфорци қалъаси атрофида аниқланган қадимги ер ости йўллари билан бири, деб ўйлашган. Мен эса, кўриш учун у ерга кирган эдим.

– Бир ўзингиз кирдингизми?

– Ҳа, бир ўзим кирдим. Устига-устак, бироз нарида ўпирилиш содир бўлиб, туннелни деярли тўсиб қўйганди.

– Анави ердами? – ишонқирамай сўради муҳандис.

Поездлар келадиган платформанинг чеккаларига турли хил фокус-ли телекамералар ўрнатилган эди. Улардан бири бутун платформани, иккинчиси эса узокни яқинлаштириб, каттарок қилиб кўрсатарди. Уларнинг қайси биридан фойдаланиш масаласини вазиятга қараб зал бўйича навбатчи ҳал этарди. Унинг иккита монитори (экрани) доимо ишлаб турарди. Ҳар бир платформага биттадан тўғри келарди. Аммо навбатчининг ҳозирги вазифаси бундан мустасно, чунки навбатчининг ўзи ҳали йўқ эди. Одамларнинг шитоб билан келиши ҳали бошланмаган. Йўловчилардан эса, бир киши келаётганди, холос. У узоклашиб бораётган бир кимса эди.

– Йигирма метрлар чамаси юргач, мен ичкарида ёруғликни кўрдим, сўнг юқорига олиб чикувчи тор зинага кўзим тушди.

– Сиз ана шу зинадан юкорига кўтарилиндингизми?

– Ҳа.

– Хўш, у каерга олиб борар экан? Намуналар ярмаркасидами?

– Бу йўл мен авваллари ҳеч кўрмаган, машиналарга лиқ тўла кўчага олиб чиқди. У ердаги тирбандликдан ҳаракат тўхтаб қолганди. Йўловчилар юрадиган йўлкада одамлар гиж-гиж, гўё чумоли инини босиб олганингизни тасаввур қилинг-а?

– Сиз айтаётган дўзах шуми? Сиз, хойнахой, яқин ўртадаги сизга нотаниш бўлган кўчага чиқиб қолган бўлсангиз керак.

– Йўк. Бундан ташқари, жаноб муҳандис, мен туннелга кирганимда тунги соат икки эди, у ерга эса мен худди куппа-кундузи тушиб қолгандек эдим. Қайтиб келгач, мен соатимга қарадим: орадан чамаси ўн лақиқа вақт ўтганди – бизда яна тун. Агар бу дўзах бўлмаса...

– Махшаргоҳ эмасмиди? Олтингугурт исини сездингизми? Ёнаётган оловлар кўриндими?

– Ҳеч қандай ёнаётган олов кўринмади. Бахтсизларнинг кўзидагина аланга кўринарди, холос.

Назаримда муҳандис, устимдан қулишяпти, деб аччиқлана бошлади.

– Майли! Келинг, яхшиси, шу эшикни бир кўрайлик. Шошинг, азизим Торриани. Кўряписизми, бизнинг Бушцати кийналиб кетди – у сизнинг йўлингиздан боришга ошиқяпти.

Торриани кириш эшиги томон бурилиб, баланд овозда:

– Ансельмо-о-о! – деб гапира бошлади.

Қулокни комагга келтирувчи аке садодан ер ости шифтлари титрагудек бўлди. Пастда, гўё ердан чиққандек эгнига комбинезон кийган ва елкасига чарм сумка ташлаб олган одам пайдо бўлди. Торриани унга ишора қилди. Бу ростдан ҳам ер ости ишчиси эди. У панелни четидан ушлаб, осонгина – гўё кичик осма кўприкни кўтариб кўйгандек, бир четга суриб кўйди. Унинг орқасида изоляцияси бўлган кизил, сарик, қора, оқ рангдаги бир тутам йўғон симлар кўринди.

– Мана, – деди Торриани тепасида ошиқ-мошиғи ва учта ушлагичи бўлган пастаккина юмалок темир эшикни кўрсатиб.

– Ахир бу чиқиндилар чиқадиган люк-ку, – хитоб қилди муҳандис. – Қани, дўстим, уни очинг-чи, ҳозир сувнинг шилдираган овозини эшитамиз.

Ишчи темир-терсакни бураб, эшикни очди.

Биз энгашидик. Кўз илгамас зимистонлик.

– Негадир сувнинг шилдираган овози эшитилмаяпти? – сўрадим мен.

– Қандай сув хақида гапираяпсан? – деди Торриани мағрур оҳангда.

Мухандис нимадир деб гўлдираб кўйди-да, ўзини четга олди. Эҳтимол, у саросимага тушган ё кўркқан бўлса ажабмас?!

Туннель ичкарасидан эшитилаётган овоз нима экан-а? Бу ваҳимали товуш нимадан далолат берапти? Эшитилаётган шовқин орасидан вақти-вақти билан хайкириклар ва бидирлаб нимадир деяётган одамларнинг овозларини эшитиш мумкин эди (бу узок ва гуноҳли ҳаётнинг сўнгги онларида тўсатдан етиб келган казо вақтида икки-уч дақиқа орасида қилинган тавба-тазарру сўзлари бўлса керак). Ё бўлмаса, бу машиналарнинг гувиллаши – инсон томонидан минилиб, шалоғи чиқиб кетган машиналарнинг гувиллаши, инграши, ёлворишимиди-ей? Афтидан, гўё тўғон бузилган-у, жуда кагга оқим келиб, йўлдаги барча учраган нарсаларни пастга оқизиб кетаётгандек эди.

– Йўк, у ёққа борманг, – зўр-базўр шивирлаб деди муҳандис.

Аммо кеч бўлган эди! Мен эгнимга комбинезон кийиб, кўлимга электр ёритгични олиб чўккалай бошлагандим.

– Хайр, профессор, – хайрихоҳлик билан кулиб деди Торриани. – Мени кечиринг, бу менинг айбим бўлса керак. Эҳтимол, индамаганим маъкулмиди.

Мен бошимни туйнукка тикқанча, эмаклаб йўлга тушдим. Узокдан келаётган шовқин тобора яқинлашиб, гумбурлай бошлади. Пастда – энг чуқурликда ёруғлик кўзга ташланди.

### 3. Иблислар

Йигирма метрлар чамаси юрилгач, туннель ниҳоясида зина кўринди. Юкорини Дўзах деб айтаётган эдилар.

У ердан куннинг кулранг хира нури таралиб турар, зинапоянинг ўттизта поғонасидан иборат оралик темир панжара билан тугарди. Панжара ортида эса у ёқдан-бу ёққа юриб турган эркак ва аёллар шарпаси кўзга ташланиб, уларнинг факат елка ва бошлари кўринарди, холос.

Юкоридан тинимсиз гумбурлаш овози эшитиларди. Аниқроғи, бу бўғик овозни кўча ҳаракатининг шовқини деб бўлмас, аммо

вакти-вакти билан машина сигналларининг киска-киска чинкирик-лари кулоғимга чалиниб турарди.

Юрагим дук-дук урганча зинапоядан кўтарилиб, панжара ёнига етиб келдим. Ўткинчилар менга эътибор ҳам бермасдилар. Бу антика Дўзах экан: одамлари сиз ва мен каби оддий, дуркунгина, кийимлари ҳам бизникига ўхшаш.

Эхтимол, муҳандис Вичедомини ҳақдир? Балки, бу шунчаки ҳазилдир, мен бўлсам тентак каби уларнинг гапига лакқа тушиб тургандирман? Шуям дўзахми? У Миланнинг бирон-бир номаълум ёки нотаниш даҳаси бўлиши ҳам мумкин. Аммо маслаҳатчи Торриани эслатган, мени ҳайратда қолдирган бу ҳолга тушуна олмаётгандим: бир неча дақиқа аввал метро ичидаги соат миллари тундаги иккени кўрсатиб турарди, бу ерда эса ёруғ – кундуз куни. Ёки бу тушмикин?

Мен ён-атрофга аланглаб қараб қўйдим. Барчаси Торриани тасвирлаб бергандек: бир карашда на дўзах, на иблисона бир нарсани эслатувчи ҳеч нима кўзга ташланмасди. Ҳеч қандай фарк йўқ – барчаси бизнинг кундалик ҳаётимиздек эди.

Бизники каби кулранг осмон. Фақат унинг кўриниши қорамтир тусда эди, нохуш бу курумдан иборат қорамтир қатлам устида қуёш деб ҳам атаб бўлмайдиган, биздаги каби улкан неон лампасига ўхшаш нимадир осилиб турар, унинг шуъласи остида одамларнинг юзлари кўкимтир ва ҳорғин кўринарди.

Уйлари ҳам худди бизникидек: эскилари ҳам, ўта замонавийлари ҳам қад кўтариб турарди. Етти қаватдан то ўн беш қаватгача: уларни на кўримли, на кўримсиз деб бўлмасди. Аҳоли зич жойлашган: чироклари ёниб турган хоналар ойнасидан тўхтовсиз ҳаракатдаги, иш билан банд бўлган эркак ва аёллар кўзга ташланиб турарди.

Қатор осиб қўйилган реклама ва плакатлар эътиборни тортарди. Барча ёзувлар италянча бўлиб, кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган нарсалар реклама қилинган эди.

Кўчаларда ҳам киши эътиборини тортувчи ҳеч нарса кўзга ташланмасди. Худди Торриани айтганидек, кўчаларда тирбанд бўлиб қолган сон-саноксиз машиналарни инобатга олмаганда, албатта.

Автомобиллар қизил чирок ёнгач, ўз-ўзидан тўхтаб қолар, қирк метрлар наридаги светофорнинг яшил чироғи ёниб, машиналарга йўл очиклигини кўрсатиб турарди. Бутун шаҳар кўчаларида шун-



дай тирбандлик мавжуд эдики, шу сабаб машиналар на олдинга, на оркага юра олардилар. Машиналар ичини аксарият эркаклар ишғол этганди. Улар ҳам худди биз каби кўринишда эдилар. Қўллари гўё руль устида қотиб қолгандек: ўзлари истаган пайтларида ҳам машиналаридан чиқолмасдилар, чунки машиналар бир-бирига зич ва жуда яқин турарди. Улар эринчоклик билан маъноли... йўқ, гўгрироғи, ҳеч қандай маъносиз ташқарига бошларини чиқариб қараб турардилар. Вақти-вақти билан кимдир машина сигналинини босиб кўярди. Улар рангпар, лоқайд, маҳкум этилган одамлар каби эдилар, кўзларида умид учкуни ҳам кўринмасди.

Машиналари ичига қамалиб қолган ночор одамларнинг қотиб қолган чеҳралари кишида аянчли таассурот қолдирарди.

Шунда ўзимга-ўзим савол бердим: дўзахга тушиб қолганимнинг исеботи эмасми? Ёки бу каби ёмон тушлар реал шаҳарларда ҳам учраб турадимми? Мен жавоб топа олмадим.

Шу тобда ёнимда турган бир кимса:

– Бу уларнинг қилмишига яраша жазо, ажаб бўпти, жазосини тортишсин! – деб қолди.

Мендан ярим метр нарида қад-қоматига ёпишиб турган кулранг костюм кийган қирқ ёшлар чамасидаги баланд бўйли соҳибжамол аёл бу манзарани завқ билан томоша қилиб турарди. Ёнидан кўриниши юнонларга хос, иродали, абжир, ўзига ишонганлиги юз-кўзидан сезилиб турарди. Чеҳрасида кулги жилва қиларди.

– Нега? – деган сўз беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди.

У менга ўгирилиб ҳам қарамади.

– Бир соатдан бери машиналарининг сигналларини чалиб, шовқин-сурон кўтаряптилар! Лаънатилар, ниҳоят тинчидилар-а!

Бу аёл «р» ҳарфини биров чучукрок қилиб айтишини ҳисобга олмаганда, ажойиб италянча талаффузда гапирмоқда эди.

Шундан сўнг аёл кўк кўзларини менга тикди, эвоҳ, ўзимни гўё ток ургандек ҳис этдим.

– Сиз зинапоядан кўтарилиб чиқдингизми? – истехзо билан сўради нотаниш аёл мендан.

– Лекин... мен...

– Жаноб, ортимдан юринг!

Қўлга тушдим! Тентакларча қўлга тушдим! Мени гапиришга нима мажбур этди. Тилимни тийиб турсам бўларди-ку! Амазонкалар ҳукмдори рўпарамдаги ойнаванд эшикни очди-да:

– Марҳамат, бу ёкка, – деди.

Аёлнинг «марҳамат» деган сўзи менга ҳарбий буйруқдан ҳам таъсирлироқ эшитилди. Бу ерга яширинча кириб келганим сабабли унинг таклифига қаршилик кўрсата олармидим? Унинг ортидан эргашиб борарканман, тоза ҳавонинг енгил шабадаси юзимга урилди. Биз лифт ичига кирдик. Кабинада биздан ташқари етти киши бор эди. Лифт ичи тикилинч бўлгани учун ноилож бир-биримизга яқин туришга мажбур эдик. Мен аёлга тегиниб турганимни сезиб турардим. Демак, гуноҳкор маҳкумлар билан соғ-саломат юрган бизнинг орамизда ҳеч қандай фарқ йўқ экан-да? Чехралар, кийимлар, газета-журналлар ҳам бизникига ўхшаш.

– Қаёкка кетяпмиз? – вазоҳатли аёлдан журъат этиб сўрадим.

Аёл сўровимни жавобсиз қолдирди.

Ўнинчи қаватга етганимизда лифтдан чиқдик. Аёл ҳеч қандай ёзуви бўлмаган эшикни очди. Девори ойнадан иборат хизмат кабинетига ўхшаш катта бир хонага кириб қолдим. Бу ердан шаҳарнинг қорамтир манзараси кўзга яққол ташланиб турарди.

Хона учун мўлжалланган узун стол турарди. Жимжимадор ёқали қора халат кийиб олган ўнлаб кизлар турли хил иш билан банд эдилар: кимдир ёзув машинкасида, кимдир сон-саноксиз тугмаси мавжуд бўлган ғаройиб клавиатурада, кимдир бошқарув пулти олдида (ҳар ҳолда бу соҳадан беҳабар менинг кўзимга шундай кўринди) ўтирарди.

Барча-барчасида замонавийлик, ҳашамдорлик ва ишдаги самарадорлик яққол кўзга ташланарди. Стол ёнида учта чарм қопламали оромқурси ва кичик ойнаванд столча турарди. Аммо виқорли малика мени ўтиришга таклиф этмади.

– Шундай қилиб, бу жойларни кўргингиз келиб қолдимиз? – сўради у мендан.

– Бир қур назар ташламоқчи эдим, холос. Мен журналистман...

– Ҳаммасини кўздан кечирмоқчисиз, мириқиб гапларимизни эшитмоқчи ва ўзингизга нималарнидир қораламоқчисиз, шундайми? Сўнг ҳеч нарсани кўрмагандек жуфтакни ростлаб қолмоқчимидингиз? Йўқ, жаноб, бунақаси кетмайди. Бу ерга келган одам барчасини охиригача кўриши керак, акс ҳолда... Розелла! Розелла! – деб чақирди у кимнидир.

Ўн саккиз ёшлар чамасидаги бир киз югуриб келди. Унинг юзи ёш болаларникига ўхшар, юқори лаби бироз дўрдайган, те-

риси таранг ва майин, нигоҳи эса бегубор ва хайратомуз эди. Бу дўзахми ё дўзах эмасми, деб ўйлаб колдим мен, агар унинг ичида шундай дилбар гўзаллар бор экан, унда бу ер у қадар даҳшатли эмас экан-да.

– Розелла, манави жанобнинг паспорт маълумотларини олиб, марказий картотекадан текшириб кўр, мабодо... – буюрди президент хоним.

– Тушунарли, – деди тийрак Розелла хонимнинг гапига жавобан.

– Мабодо, нима бўлиши мумкин, – хавотир билан сўрадим мен. Хоним бамайлихотир сўради:

– Сиз, мабодо, бизда аввал қайд этилмаганмидингиз?

– Йўқ, мен бу ерга биринчи бор келишим!

– Хўш, нима бўпти! Ҳар нарса бўлиши мумкин... Яна бир бора текширсак, нима бўпти?

Мен исмим ва фамилиямни айтдим. Розелла электрон ҳисоблаш машинасига ўхшаш темир кутига жойлаштирилган клавиатурадаги тугмаларни босаркан, ундан ўзига хос «чик-чик» овоз чиқа бошлади. Белги берувчи кизил лампочка ёнди, нимадир «шиқ» этди ва мўъжазгина алюмин саватчага тўртбурчакли пуштиранг варақ тушди.

Пентесилея<sup>1</sup> варақни кўлига олиб кўргач, мамнун ҳолда:

– Ўзимам шундай деб ўйлагандим... – деб кўйди. – Кўчада кўрганимдаёқ... Шундай кўринишда:

– Хўш, уни нима деб тушуниш мумкин?

Розелладан ташқари яна уч киз бўлаётган воқеага кизиқиб, ёнимизга келдилар. Уларнинг бўйлари Розелладан пастрок бўлса-да, у каби нафис, замонавий ва ҳозиржавоб эдилар.

– Бу деганим, азизим Бушцати, сен ҳам анчадан бери бизники эканлигингни билдиради, – дея хоним мени сенсирашга ўтди.

– Менми?

Хоним варақни менга кўрсатди.

– Менга қаранг, хоним, бу ерда қандайдир англашилмовчилик борга ўхшайди. Мен сизни кимлигингизни аниқ билмайман. Лекин сиз билан очикчасига гаплашмоқчиман... Сиз куларсиз... эҳтимол, котиб-котиб куларсиз... Мен нима деб ўйлаганлигимни сиз тасаввур қила оласизми? Тўғрироғи, мени нимага ишонтирмакчи бўлдилар? Хўш, нимага?

<sup>1</sup> Пентесилея – Амазонка аёлларининг маликаси.

– Шунгаки... Хуллас, бир сўз билан айтганда... Бу Дўзах эканлигига. – Мен ўзимни мажбурлаб кулдим.

– Кулгили ҳеч нарса йўк!

– Ахир бу ҳазил-ку.

– Ҳазил?

– Бу ердагиларнинг барчаси тирик жонлар.

– Сиз тирик эмасмисиз? Бу кизлар-чи? Демак... Ахир Дўзах у дунёда эмасми?

– Сенга буни ким айтди?

Афтидан бу суҳбат ажаблантирди. Мен ўзимни окламоқчи бўлдим.

– Мен ҳеч қачон бу ерда бўлмаганман. Маълумотларим қандай қилиб сизларнинг кўлингизга тушиб қолди?

– Сен бу уйга ҳеч қачон келмаганмисан? Аммо кўз ўнгингдаги бу шаҳар сенга беш қўлдек маълум.

Мен шаҳарни танимаган ҳолда атрофга алангладим.

– Кўрмаяпсанми? Бу Милан-ку! Ҳозир сен қаерда турибсан?

– Бу Милан шаҳрими?

– Албатта, Милан-да. Бир вақтнинг ўзида бу Гамбург, Лондон, Амстердам, Чикаго ва Токио ҳамдир. Нега ажабланияпсан? Қасбинг бўйинча сенга маълум бўлиши керакки, икки, уч, ўнта дунё... Сенга қандай қилиб тушунтирсам экан?.. Бир жойнинг ўзида бир-бирига сингиб, мавжуд бўлмоғи... Наҳотки сенга шуни тушунтириб ўтириш керак бўлса?

– Мен бўлсам... Бундан чиқди, мен гуноҳкор эканман-да.

– Менимча, шундай.

– Мен нима ёмонлик қилдим?

– Билмадим. Бунинг аҳамияти йўк. Сен аввалбошдан гуноҳкорсан. Сенга ўхшаш нусхалар туғилган кунидан бошлаб Дўзахга маҳкумдирлар...

Мени даҳшат боса бошлади.

– Хўш, хоним, сиз ўзингиз кимсиз?

Қизлар хиринглаб кулиб юборишди. Хоним ҳам уларга қўшилиб кулди. Уларнинг кулгиси қандайдир ғалати эди.

– Эҳтимол, сен бу кизларнинг кимлигини ҳам билмоқчидирсан? Улар жуда соҳибжамол, шундай эмасми? Тўғриси айт, улар сенга ёқдими? Хоҳласанг, сени улар билан таништириб қўяман.

Хоним ҳузур қилиб кулди.

– Дўзах! – тинмай қайтарарди хоним. – Қани, якинрок келиб кара, сен уни кўряпсанми? Сен бу ерда ўзингни ўз уйингдек хис қилишинг керак.

Хоним кўлимдан ушлаб, мени ойна томон судради.

Мен шаҳарни ва унинг атрофларини аник-таник кўриб, томоша қила бошладим: хира кўкимтир ёруғлик аста-секинлик билан тугаб бораётганидан дарак берарди. Уй деразаларида чироқлар ёна бошлади. Милан, Детройт, Дюссельдорф, Париж, Прага каби шаҳарлар аралаш-куралаш ҳолда кўзга ташланарди. Бу ердаги одамлар ёруғлик нури остида замон ҳаракатига мос хос ҳашаротлар каби у ёқдан-бу ёққа зир югурар эдилар. Улар ўз қўллари билан яратган даҳшатга солувчи, тинмай айланаётган маҳобатли машина домига тушиб қолгандилар. Улар бу машинадан кочиш ўрнига, аксинча, бир-бирларини туртиб-суртганча биринчи бўлиб бу даҳшатли жойга тушиш иштиёкида эдилар.

Хоним елкамдан тутди.

– Қани бу ёққа юр-чи! Менинг қизларим сенга кичик бир ўйин кўрсатадилар.

Шундан сўнг, ўз ишлари билан машғул бўлган барча қизлар қий-чув қилганча бизни ўраб олдилар.

Мени телевизор экранларига ўхшаш мураккаб ускуналар билан жиҳозланган кўшни залга бошлаб келдилар.

Соҳибжамол Розелла темир стрелкаси бўлган мўъжаз дастакка кўл теккизган эди, ваҳимали ҳаракат бошланди.

#### 4. Жадаллашув

Катта дераза ойнасидан улкан шаҳар манзараси кўзга ташланарди. Бирмингемми? Детройтми? Сиднейми? Осаками? Красноярскмми? Ё Миланми? Буларнинг қайси бири Дўзах?

Мана, кўз ўнгимда у ёқдан-бу ёққа чумолилар каби тинмай елиб-югураётган одамлар. Қизик, улар каерга, нима учун шошаяптилар? Ҳа, улар тинмай югурардилар, бир-бирларини туртиб-суртиб ўтардилар, ниманидир ёзардилар, кўнғирок қилардилар, баҳс-лашардилар, еб-ичардилар, нималарнидир очар, каёққадир караб, хаёл сурардилар, ихтиро қилардилар, юлқирдилар, тозалар ва яна ифлос қилардилар. Кўзим одамларнинг шимарилган енглари, йиртик пайпоқлари, букчайган елкалари, кўз атрофидаги ажинларига туша

бошлади. Уларнинг чакнаётган кўзларида мухтожлик, орзу-умидлар, изтироблар, ваҳима, ташвиш, очкўзлик ва кўркув акс этиб турарди. Ортимда антика машиналарнинг бошқарув қурилмаларига суянган ҳолда мени асир олган хоним ва кўл остидаги қизлар турардилар.

Хоним ёнимга келиб:

– Кўраяпсанми? – деб сўради.

Қаршимда кўзим илғайдиган масофада инсонга хос бўлган барча нарсалар намоён бўларди. Мен одамларнинг курашаётганларини, дир-дир титраётганларини, тирмашаётганларию кулаётганларини, жароҳатланганларию сўзлашаётганларини ва хандон отиб қулишлари хамда йиғлаётганларини, онт ичаётганларию ва уларнинг барчасини бир дақиқа ичида содир бўлаётган... кўплаб воқеаларни кўриб турардим.

Хоним мен томон қайрилиб қараркан:

– Энди, диққат қил, – деди.

У ўнг кўли билан дастакни ушлаб, аста уни бурай бошлади, яркираб турган соатни эслатувчи циферблатдаги кўрсаткич ўнг томонга бурилди. Шу онда шаҳарда истикомат қилувчи сон-саноксиз, беҳисоб тирик жонзот ҳаракатга келиб, ғала-ғовур бошланиб, бесаранжом бўла бошладилар. Буни соғлом ҳаёт деб бўлмасди, балки ҳар бир нарсага, бошқаларга нисбатан аввалроқ улгуриш, ўзини кўрсата билиш, юкори мансабга чиқиш, арзимас ғалаба деб ўзларини ўтга-чўкка уриш борасидаги ҳаракатлар эди. Улар кўзга кўринмас махлук билан курашаётган тўдага ўхшар эдилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари ғайритабiiий, юзлари жиддий ва ҳорғин кўринишда эдилар. Овозлари эса кескин.

Хоним дастакни яна биров буради. Шу пайт пастдаги одамлар шиддат билан васвасага тушиб, мақсадларига эришиш учун жонсарақ бўлиб қолдилар. Ибодатхоналарнинг қорамтир гумбазлари туман босганидан кўзга ташланмай қолди.

– Мана у, – деди хоним.

Ёқимли овоз мени телевизорнинг ёниб турган экранига қарашга мажбур этди. Экранда одам пайдо бўлди. Бу кимса шу тобда телефонда гаплашмоқда эди.

– Йўқ, сиз канчалик ҳаракат қилманг, бунинг уддасидан чиқа олмайсиз... Тўғри, бу мени кониктиради... Ҳа, бундан уч йил аввал Бернда бўлганди... Бунинг муҳим сабаблари бор... Сиз буларни консорциумдаги дўстим Рожедан ёки Саттердан сўраб олишингиз мум-

кин. Йўк, мен шу кунларда бошқа ишлар билан бандман... Нима, сиз мени ноқулай вазиятга қўймоқчимисиз?..

Хонага қўлида бир даста қоғоз билан котиба кириб келди. Иккинчи телефон жиринглаб қолди. Котиба унга жавоб қилди.

– Бошқармадан сизни сўрашяпти!

У илжайиб, иккинчи гўшакни кўтарди.

– Кечирасиз, – деб қўйди у гаплашаётган телефон гўшагига. – Мени чакиришяпти, бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз, барчаси учун раҳмат. – Шу пайт у иккинчи телефон гўшагини кўтариб:

– Эҳ, азизим доктор Исмани... кўнғироғингизни кутиб ўтирган-дим. Албатта, албатта... Савобли ишларимиз ўзингизга маълум, етарли... Шак-шубҳасиз... Ватанимиз учун... шундай эмасми? Йўк-йўк, азизим доктор Исмани, айна шу ҳақда сиз гапирмаслигингиз керак эди. Худо ҳақи, гапирмаслигингиз керак эди.

Котиба қайтиб кирди:

– Сизни мистер Комптон кутмоқда.

– Э-ха, анави суриялик ўлатми? -- хитоб қилди у тиржайиб. – Мен чакиришим билан киритиб юборинг.

Розелла хоним экрандаги воқеаларни завқ билан кузатиб турарди.

– Ким бу? – деб сўрадим мен.

– Бу унинг дўсти, – деди малла сочли киз Розеллани кўрсатиб.

– Яхши, лекин у ким?

– Стефан Тирабоски, саноатчи.

– Қайси соҳада?

– Ким билади дейсиз. Нималардир ишлаб чиқаради-да.

Шу пайт хонага кўзи шилпик, гўлабирдан келган суриялик кимса кириб келди. Биринчи телефон жиринглаб қолди. Сўнгра қўл остида ишлайдиган муҳандислардан бири шоша-пиша кириб, учинчи цехда авария содир бўлганлиги ҳақида хабар берди. Стефан оёғини қўлга олганча пастга югуриб тушиб кетди. Уни ички телефон орқали топиб, Штутгартдан кўнғироқ қилишаётгани ҳақида хабар беришди, у яна ортга қараб югурди. У Штутгарт билан гаплашиб бўлгунига қадар бўсағада завод ички комиссиясининг уч раҳбарига дуч келди. Иккинчи телефон орқали уни эски кадрдон дўсти ногирон Аугусто кутиб турар эди. Шунча югур-югурга карамасдан Стефаннинг юзидан кулги аримасди.

Дўзахнинг биринчи гўзал хоними Розеллани тирсаги билан туртиб қўйди-да:

– Қани, кизалок, бошла, – деди.

– Фикри ожизимча, сен у билан кўнгилхушлик килиб ўтирмасанг керак.

– Шуниси етмай турувди, – деди жиддий тортган Розелла юкори лабини чўччайтирганча. У дастакни ўзи томон енгил тортди.

Муҳандис Тирабоскининг кабинетида қандайдир ўзгариш содир бўлди.

У телефонда сўзлашмоқда эди:

– Йўк, – дерди у. – Қанчалик ҳаракат қилманг, сиз бунга эриша олмайсиз. Бу ҳеч қачон рўёбга чикмайди. Саттердан буни сўраб билишингиз мумкин.

Шу тоб котиба кириб келди. Иккинчи телефон жиринглаб қолди. Бошқармадан кўнғирок қилишаётганди:

– Мени кечиришингизни сўрайман, раҳмат, кейинрок ҳурматли доктор, албатта, ниятингиз яхши, котиба, мистер Комптон, телефон, учинчи цехдаги авария, Штутгартдан кўнғирок, завод ички комиссияси... Бошида шунча ташвиши бўлишига қарамай, у бўшашмай, тетик холда табассум қилиб турарди. Ҳали бақувват, асаби жойида, нимаям дердик.

Экран рўпарасида тўдалашиб турган аёллар ажойиб воқеани кузатиб турардилар: ақлли Розелла бу синовга шунчалар назокат билан ёндашяптики, унинг мафтункорлиги кўзга яққол ташланиб турарди!

Вакт ўтиши билан экрандаги вазият жиддий тус олиб, Стефан Тирабоскининг кундалик ишига турли хил миждов ва хира кимсалар аралаша бошладилар. Улар қулай фурсат топди дегунча бошлик ёнига кириб келаверар, борган сари кўпайгандан кўпайиб борардилар. Улар илтимос қилувчилар, ихтирочилар, дўстларининг дўстлари, хомийлар, жамоатчилар, энциклопедия ноширлари, тайини йўк кимсалар, ёқимли ва ёқимсиз чехралар меҳрибон кўринишда мўлтайганча ўзларини яқин олиб кириб келардилар.

– Жуда яхши, – деди хоним. – Энди тиззани кузатинг.

Қийин вазиятлар таъсирида қолган Стефаннинг юзидан қулги қочди. Унинг ўнг тиззаси асабийлашганидан металл ёзув столининг ички деворига дам-бадам тегиб, қалтирай бошлади.

– Розелла тезроқ, янаям тезроқ, – кистарди сап-сарик киз. – Дастакни яна бироз бос!



Розелла лабларини чўччайтирганча, дастакни қимирлатмайдиган мосламага маҳкамлаб кўйди-да, телефон томон югурди. Стефан шу захоти гўшакни кўтарди.

– Нима, сен фикрингдан қайтдингми? Сени ярим соатдан бери кутиб турибман, – совуққонлик билан Розелла хужумга ўта бошлади. – Нега келмайсан? Азизим, бугун жума, сен ваъда қилгансан. Биз соат «беш»га деб келишганмиз. Сен роппа-роса соат «беш»да мени олиб кетиш учун келишингни айтгансан.

Унинг юзидан табассум тамоман йўқолди.

– Йўқ, азизам, сен чалкаштиряпсан, бугун ҳеч иложим йўқ, ишим бошимдан ошиб ётибди.

– Ана, холос, – нолиди хоним. – Мен бирон нарсани илтимос қилсам, сен доим шунақа қиласан. Виждонли эркаклар бундай қилмайдилар... Менга қара, агар ярим соат ичида ёнимга келмасанг, онт ичаманки...

– Розелла!

– Онт ичиб айтаман, сен мени бошқа кўрмайсан! – деб у гўшакни кўйиб кўйди.

Экрандаги кимса хансиради, унинг ёшлиги, кўриниши қаерда қолди, у атрофдан келаётган хужумдан чарчаб, чайкала бошлади: котиба, Ливорнодан бўлаётган кўнғироклар, профессор Фокс билан учрашув, «Ротари» клубидаги қисқача суҳбат, туғилган куни билан кизининг совғаси, Роттердамда бўлган конгрессдаги маъруза, яна котиба, телефон кўнғироклари, «Тампоматика» рекламаси, котиба, телефонлар жиринги, буларнинг барчасига «йўқ» деб қочиб кутулиб бўлмайди, елиб-югуриш керак, вақтни тўғри таксимлаш даркор, барчасига улгурмок керак, акс ҳолда бу захарли ғунча. – Но-бакорнинг ташлаб кетиши турган гап.

Муҳандис Тирабоскининг тиззаси бир маромда ёзув столининг деворига урилиб, дир-дир титрарди.

– Тайёр, пишиб етилди! – ихраб кўйди малла киз. – Қани, Розелла, дастакни янаям бос!

Алаmidан лабларини кимтиб олган маккора Розелла бир ҳаракатда ундан узил-кесил кутулмокчи бўлгандек, дастакни икки кўллаб ушлаганча ўзи томон тортди.

Дастакнинг бу сўнгги тортилиши – қиёматнинг нақ бошланиши эди. Энди Стефан ўзига ўхшамас, балки аклдан озган одамдек ўзини

каерга кўярини билмай югурар, кичкирар ва хирилларди, у ёқдан-бу ёққа сакрарди; даҳшатли вайрон этувчи куч ниҳоят уни кувиб етганди. Розелла куч билан дастакни тортгач, кизариб кетди.

– Хўш, у қачон инфарктга дучор бўлади, – таъна аралаш сўради хоним. – Қаршилиқ кўрсатганнинг жазоси шу!

– Ҳозир, ҳозир, – деди малласоч киз.

Розелланинг мушаклари таранг тортилиб, дастакни зўр бериб тортди. Стефан тутканок тутгандек тиширчилаб қолди. У сўнгги марта телефон гўшагини қўлига олмокчи бўлганди, кутилмаганда уни гўё кучли пружина чамаси икки метр тепага отиб юборди; шунда унинг боши худди шамолда ҳилпираётган қоғозли байроқчадек дам ўнгга, дам чапга айлана бошлади. Сўнгра у нафас ололмай, полга кулаб тушди.

– Мохирона ижро этилди! – деди хоним мамнун бўлиб, сўнгнигоҳини менга тикиб:

– Буни ҳам синаб кўрмаймизми? – деди мени кўрсатиб.

– Ҳа, албатта синаб кўрамиз, – унинг гапини қўллаб-қувватлади малласоч киз.

– Йўк, йўк, сизлардан ўтиниб сўрайман! Мен бу ерга иш билан келганман-ку.

Даҳшатли хоним менинг қандай ҳолга тушганимни билмокчидек, бир қур қараб қўйди.

– Қани, маълумот тўплаб, ёзиб ол-чи! Керак бўлганинда сени ўзим излаб топаман... Бироз у ёқдан-бу ёққа югур, бу фойдалан холи эмас.

## 5. Ёлғизлик

Истиқомат қилишим учун жойлашган уйлар бироз ғалатирок эди. Олд томондан уйнинг кўриниши ажойиб. Рождество байрами арафасида калин қор ёгганди. Ён-атрофда турли рангдаги лампочкалар, фонарчалар ёниб турар, қаёққа қараманг, байрамолди тараддуди бошланиб кетган, иштаҳани китикловчи пишириклару тансик таомлар, атроф ёғдуга чўмганча ялт-юлт қилиб товланарди. Узоқдан одамларнинг афт-башараларини таниб бўлмас, аммо улар илдам қадам ташлаганча хис-ҳаяжонда юриб борардилар. Дераза тоқчасида мушук май ойининг илиқ, ёқимли қуёш нури остида талтайганча ётарди. Тонгги шафак аста эсаётган шамол таъсирида ён-атрофни худди ювилгандек кўм-кўк кўрсатар, кучсиз тўлкинлар,

сирена овозлари, боғ тарафдан келаётган шовуллаш овози – буларнинг бари кишини меҳнатга чорларди. Узокдан караган кимсага бу манзара шундай, ҳа, шундай туюлар эди. Шу билан бирга уйнинг ички-ташки кўринишларию ҳашамлари, одамларнинг сирли ҳолда эканлиги ҳам яққол кўзга ташланарди. Бу ерда на Рождество байрами, на май ойининг қуёши, на биллурдек отаётган тонг ҳам сезилмас, кечаю кундуз бирдек, хира нур таралиб турарди.

Кўряпсизми, чап тарафда сирли деразали девор ва зўр-базўр нур тушаётган йўлак бор. Улар, бу жойни ҳеч ким кўрмайди, деб ўйлашарди. Девор ортидаги кўчада эса одамларнинг у ёқдан-бу ёққа танда кўйишлари, машиналар ҳаракати, пуллар қуввати, даҳшатли кураш мавжуд эди. Шу ерда бизнинг ғарибона ётоқхона жойлашган.

Ёнимиздаги уйнинг тўққизинчи каватидаги хонадон очик деразаси, ундан шкаф ва болакай кўзга ташланарди. Шкафга ўхшаш яшиқ ичида чамаси олти ёшлардаги, чиройли кийинган, атрофида сочилиб ётган ўйинчоқлар орасида кимир этмай бир болакай ўтирарди. Унинг отаси ишда, онаси эса ким биландир гап сотарди. Қаранг, болакай аста ўрнидан туряпти, кўриниши жиддий. У аста эшик томон юрди, унга яхшилаб разм солсангиз эллик саккиз ёш бериш мумкин: қариганида худди шу кўринишда бўлар эканда. У эшик туткичини ушлаб тортди, аммо эшик очилмади. Эшик қулфланган эди. «Ойи, ойижон», деб икки маротаба чакириб қўйди, холос. Болакай ўйга толди, жиддийлашди, сўнг хона ўртасига қайтиб келди, полдан қандайдир кўғирчокни олиб бироз унга тикилиб турди-да, отиб юборди ва яна болаларга хос илдамлик билан чўккалаб ўтирганча, гўё бир нарсани тутиб олмоқчи бўлгандек кўлларини силкиган кўйи аста хўрсиниб, йиғлай бошлади. У энди дераза томонга карамай қўйди: бефойдалигини тушунди, шекилли. Сўнг болакай бир бурчакка тикила бошлаб, қувнок овози эшитилди ва яна жим бўлиб қолди.

Саккизинчи каватдаги катта хонада турган ёзув столи атрофида бир кимса ўтирганча маъруза қўлёзмасини текшириб чикмоқда. Қирк беш ёшлардаги, кўзойнақ такиб олган, мўйловдор одам буйрук беришга жуда ўрганган эди. Котиба эса жойида йўқ, комиссиянерлар, буюртмачилар, консорциумларнинг ишонган вакиллари, маслаҳатчилар, делегатлар, Америка элчилари, банкчилар, ваколатли вакиллар аллақачон кетган эдилар. Кеч кирди. Иш вақти тугади, энди у ҳеч кимга керак эмас. Кун бўйи жиринглайвери б

зовта қилган бешта телефон тинчиди-қолди. Бошлиқ уларга хавотирлик билан термулганча хаёл суриб, тикилиб ўтирарди, нахотки унга бировларнинг ҳасадини келтирадиган орттириб-торттиргани камлик қилса? Унга нима етишмайди? Эркинликми? Ҳаловатми? Ёшлиқми? Ё муҳаббатми? Аллақачон кеч кирганди, у викор билан нуфузли, ҳайбатли кўринишда қора телефонларни бирин-бирин тиззасига кўйиб, бамисоли талтайган мушукни тиззасига олиб, силаб-сийпаётганини кўриб турардим. – Хўш, қани кетмакет жирингланглар, мени чакиравериб жонимдан тўйғиздинглар, кўп нарсага гувоҳ бўлган сафдошларим, қани рақамлар, ишга тушинглар, бирон марта бўлса ҳам унча-мунча аҳамиятга молик бўлмаган бемаъни нарсалар ҳақида гаплашайлик. Лекин бешта «мушук»дан садо чикмас, кимирламасдан, тош қотганча совук қўллар остида «мик» этмай турардилар. Шоҳона безатилган тўрт девор ичида ҳамма уни албатта танир, барча унинг исмини биларди, аммо ҳозир даҳшатли тун кириб келаётганида уни ҳеч ким кидириб келмас, йўқламасди ҳам: на аёл зоти, на бирон-бир гадо, на ит – унинг ҳеч кимга кераги йўқ, ҳа, у ёлғиз эди...

Еттинчи қават. Фақат яланғоч, ҳаракатсиз, худди хочдан озод этилган Исоникига ўхшаш кимир этмай турган иккита товон кўринарди, холос. Қариндошлар, дугоналар, дўстлар, черковдан келган хушмуомала дон Жервазони, мактаб директори, ўқитувчи, шифокор, солиқ инспектори, полиция комиссари, гул дўконининг эгаси, кўриниши маъюс дафн қилиш агенти, бир тўда мактабдошлар – барчалари ўз юмушлари билан кетдилар, энди уйда ҳеч кимса қолмагач, бор-йўғи ўн дақиқа аввал унга таъзия билдираётган, унга ҳамлард бўлаётган, йиғлаб-сиктаётган, унинг кўз ёшларини артаётган кимсалар, эндиликда ўзлари билан ўзлари овора бўлиб, қаердадир елиб-югуряптилар, ҳовлиқиб ниманидир изляяптилар, ҳаёт ташвишлари ҳақида сўзлашяптилар, қай бирлари хандон отиб куляптилар, ширинлик тановул қиляптилар, ҳозир ҳаммаёқ тинчиб, осойишталик топганида жонсиз фарзандини ювмоқчи. Бокий дунёга покиза бўлиб бориши керак. У юк машинаси остига тушиб қолдими, поезд тагигами ё қайиқда чўкдими, уриб кетган тўғонда чўкиб кетдими... Бу бахтсизлик қатта кўнгилсизлик келтирди. У ҳақда радио ва газеталарда бир сутка давомида хабар берилди. Албатта, юмшоқ сочиқ, илик сув, упа ва меҳр керак бўлади. Энди унга

хеч ким халакит бермаслиги, безовта қилмаслиги керак. Барча ўз ишлари билан оворай сарсон.

Юкоридан кулоғимга дам-бадам унинг овози эшитилиб турарди. Лекин на йиғлар, на руҳан тушкунликка тушиб, «ох-воҳ» қиларди, балки хотиржам, ҳар бир она кунда гапирадиган гапларни сўзлар, фақат фарқи – у сўнгги маротаба гаплашмоқда эди, холос.

– Сен қимлигингни биласанми? Тўнғиз боласисан, холос. Кулоқларинг қандай кир бўлиб кетганини қарагин-а, бўйнинг-чи... Агар мен бўлмаганимда, сен қай аҳволда мактабга боришингни тасаввур қиляпман. Бугун сенга нима бўлди? Сен бугун ювош, гапга кулоқ соладиган бўлиб қолдинг, бақир-чақир қилмаяпсан, қўлдан чиқиб кетишга уринмаяпсан...

Қутилмаганда сув шалопади, даҳшатли узун тун, ҳаммаёқ жимжит, сукунат.

Олтинчи қаватдаги яна бир тозаловчини кузатайлик. У тиз чўкканча, қатта доғни жон-жаҳди билан ишкалаяпти. Тепадан қараганда унинг ўзи кўринмас, фақат жон-жаҳди билан айлана шаклида ишкалаётган кўли кўринарди, холос. Транзистор кўйиб кўйилган, шовкин-сурон ичидан жаз мусикаси эшитилиб турар, рангидан қонни эслатувчи узун қора доғ кўринарди, шу пайт қўллар кўздан гойиб бўлди; бу кимса латтани ташлаб дераза ёнига келди, кўринишидан ёши ўттиз ёшларда, бақувват, соғлом, қадди-қомаги спортчиларникига ўхшаш, мўйловдор шахс эди. У ён-атрофни кузата бошлади, лабига сигарета қўндирди ва «мендан ҳам хотиржам одам бормикан», дегандек илжайиб кўйди. Гўё хеч нарса содир бўлмагандек атрофни кузата бошлади. Батартиб, кам-кўстезиз уй. У шошмай, хотиржам сигаретасини чекарди, қаёкқаям шошарди? Ҳузур қилиб чеккач, сигарет қолдигини итқитиб юборди-да, дераза ёнидан нари кетди, сигарет қолдиги ерга тушгач, қоронғилик қаърида кўринмай кетди. Бу кимса яна ўз ишига киришиб, мусика садолари остида жон-жаҳди билан доғни ишқай бошлади, доғ эса тобора қорайиб, ёйилиб борарди.

Энди бешинчи қаватга назар ташласак. У ерда бир кимса истикомат қиларди. Юкоридан пастга қарар эканман, мен бу кимсани тик турган ҳолида унинг бошини ва сийрак оқ сочларини кўриб турардим. У гўё бепоён, кимсасиз, даҳшатли денгиз ўртасида кема ҳалокатига учраган омалсиз одамдек талмовсираб, ўзини йўқотган

кўйи, кимдир «ростлан» буйругини бергану, буйрукка бўйсунгандек тик турарди. Кимнинг рўпарасида?

Мен унга узок тикилиб турдим, энсасидаги белгисидан уни таниб қолдим. Э-ҳа, у эски кадрдоним-ку! Кўп йиллар бирга бўлганмиз, бир хил фикрлардик. Истакларимиз, кизиқишларимиз, кўнгилхушликларимиз ҳам ўхшаш эди. Афтидан, у кўримсиз эди, мен эса унга жуда ўрганиб қолгандим. Ҳозир унинг кўзгу рўпарасида бироз букчайган, лекин мағрур туриши хўжайинга ўхшаса, оғир аҳволга тушиб, ночор аҳволда туриши эса қулни эслатарди. Кўз атрофидаги ажинлар қаёқдан пайдо бўлдикин?

Нима учун кимир этмай турибди? Унга нима бўлди? Бирон нарсани эсладимикан? Ёки вақти-вақти билан очилиб, қонаб турадиган яраси безовта қилаяптимики? Ёки виждони ёхуд ҳаёти давомида қилган хатолари қийнаётими-а? Йўқотган дўстларини кўмсаётими? Беҳуда ўтган умрига ачинаётими?

Шу тобда мен деразадан бошимни чиқариб, уни чақирдим. «Салом, ахир биз дўст бўлганмиз-ку», дедим унга. У ҳатто менга киё ҳам бокмай, кетавер, кетавер, дегандек кўлини силтаб кўйди, холос. Ундай бўлса, хайр дўстим. Эгнига кулранг костюм кийиб олган, унинг ички чўнтагида қалам бор эди, энсасида менга таниш чуқурча кўриниб турарди. Уни бир кўришим керак. У яна қаддини тик тутишга ҳаракат қиляпти, аҳмоқ! Кимса кулиб борарди. Бу мен эдим.

Шу тобда мени хайратда қолдириб, пастки дераза очилди. Неон чироқлари билан ёритилган бу хона одамларга лик тўла эди. Ҳар ҳолда булар ёлғиз эмас эканлар, деб ўйладим мен.

У ерда қабул маросими, концерт, коктейль, конференция, ассамблея, намоёиш бўлаётган эди. Хона ичи тўла бўлишига қарамай, одамлар қатнови тугай демасди.

Мен ҳам юкори қаватдан у ерга қандай тушганимни сезмай қолдим. Уларнинг ичидан кўпчилигини танидим, улар орасидаги хизматдошлар, ҳамкасбларим кўзимга иссиқ кўринди, кўплари билан елкама-елка бирга ишлаган эдик, энг кизиғи, нафас олишлари ҳам эшитиладиган девор-дармиён ва бизлардан ярим метрлар чамаси нарида истиқомат қиляётган кўшниларимизни танимаймиз, билишга ҳам қизикмаймиз. У ерда шифокор, баккол, гараж эгаси, киоскачи, дарбон, официант каби турли хил одамлар бор эди. Булар билан биз ўн йиллар давомида ҳар куни учрашганмиз, гаплашган-

миз, аммо уларнинг ким эканлигини била олмаганмиз. Ҳозир улар бир-бирларига яқин туриб, кўз таниш бўлсалар-да, бир-бирларини асло билмасдилар. Шунинг учун пианиночи «Аппассионата»ни чалганида, ўртани олиб борувчи «шундай қилиб» деб гап бошлаганида, официант «мартини» таомини тортганида, барча тўпланганлар худди кумга улоктириб ташланган балиқ каби оғзиларини очиб, ҳаво етишмаганлигидан ютоқиб ҳаво симирардилар. Ҳеч ким туғилганидан буён темир қискичга тушиб қисилаётган одамларнинг биронтаси ҳам ҳаётнинг аёвсиз, бемаъни, шафқатсиз қобиғидан кутулиб чиқиб кета олмасди.

## 6. «ENTRYMPELUNG»

**Д**ўзах пойтахтида ҳам байрамлар бўлиб туради. Буни халқ шоду хуррамлик билан нишонлайди. Катта тантаналарнинг нишонланиши май ойининг ўргаларига тўғри келади – у «ENTRYMPELUNG» деб аталади, бу удум немисларники бўлиб, маъноси «Озодликка чиқиш», «Умумий покланиш»ни англатади. Ҳар йилнинг ўн бешинчи майида, одатга кўра, бу ерда эски-тускиларни казноққа беркитиб ёки кўчаларга иткитиб ташлайдилар. Дўзах аҳолиси барча синган, йиртиқ-чиртиқ, эскирган, кераксиз нарсалардан ҳоли бўладилар. Бу ёшлик орзу-умидларининг қайта янгиланиш байрамидир. Эҳ!

Кунлардан бир куни мен ўз хонамда ухлаётган эдим, бу ерга келган кунимок менга дуч келган ғаройиб хоним Вельзевул шу жойга жойлаштириб қўйганди. Мени тақир-туқур овоз уйғотиб юборди, билсам, мебелларни у ёқдан-бу ёққа суришаётган экан. Ҳаммаёқда шовқин-сурон, югур-югур, тўс-тўполон бошланиб кетди. Мен тахминан ярим соатлар чамаси шовқинга чидадим, сўнг соатимга қарадим: соат миллари ўн бештакам еттини кўрсатиб турарди. Эгнимга халатимни кийиб, қандай тўс-тўполон бўлганлигини билиш мақсадида хонамдан чиқдим. Одамлар қичкириб, бир-бирларини чақирдишарди. Барча аҳоли тонг сахарда оёққа тургандек туюлди менга.

Мен зинадан кўтарила бошладим: шовқин-сурон айнан ўша тарафдан эшитилаётганди. Зинапоя майдончасида мен чамаси етмиш ёшлардаги, эгнига халат кийиб олган, ўзига қараган, кўҳликкина, тегтик-бардам, сочлари чиройли турмакланган кампирга кўзим тушди.

– Нима бўлди?

– Ия, хабарингиз йўкми? Уч кундан сўнг баҳорнинг улуг байрами нишонланади, – дея табассум билан тушунтирди у.

– Қандай байрам?

– ENTRYMPELUNG. Биз кераксиз, эскирган нарсаларни кўчага олиб чикиб ташлаймиз. Шкафлару китоблар, майда-чуйда такинчоклару синган идиш-товокларни ташлаб юборишади. Кўчада ташланган нарсалар уюлиб кетади, муниципал идорасидан фургон машинаси келиб олиб кетади.

Юзига ажин тушган бўлса-да, кўринишидан ёш бу хоним одоб ва хушмуомалалик билан ёқимли табассум ила менга барчасини бажонидил сўзлаб берди.

– Қарияларга кўзингиз тушмадими? – дабдурустдан сўраб колди у.

– Қандай қарияларга?

– Қарияларга-да. Шу кунларда улар жуда хушмуомала, бардошли, жонкуяр, барча хизматга тайёр турадилар. Нима учунлигини биласизми?

Мен ҳайрон бўлганча мик этмай турардим.

– Покланиш куни бугун, – тушунтирарди хоним менга, – оилалар барча нокерак нарсаларни ташлаб юбориш ҳукукига эгалар, ҳатто мажбурлар ҳам. Шунинг учун қарияларни ҳам барча кир-чир, эски-тускилар ва турли хил синган буюмлар билан бирга олиб чикиб ташлайдилар.

– Кечирасиз, хоним, сиз бундан кўркмайсизми?

– Эвоҳ, сиз ҳали ҳам ёш бола экансиз-ку! – хитоб қилди қария. – Кўркаман? Нимадан? Ахлатхонага ташлаб юборишлариданми? Бу ажойиб-ку!

Хоним қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, «Калинен» деган ёзув осилган эшикни очиб:

– Федра! Жанни! Илтимос, бу ёққа қараб юборинглар! – деди.

Ним қоронғи даҳлизда эркак билан аёл кўринди: Жанни ва Федра қаршимда намоён бўлдилар.

– Бу киши жаноб Буццати бўладилар, – таништирди мени кекса хоним. – Булар жияним Жанни Калинен ва унинг қайлиғи Федра, – дея хоним бироз нафасини ростлаб олди. – Жанни, гапимга кулок сол, бу қандай ажойиб-а, йўк, бу жуда завқли! Бу жаноб мендан нимани сўраётганини биласанми?



Жанни ялт этиб хонимга каради.

– У мендан: «Келаётган байрамдан кўркмайсизми?» – деб сўради. Яъни, мени иткитиб юборишларидан... Чикариб юборишларидан кўркмайсизми... Бу жуда марокли, шундай эмасми?

Жанни билан Федра қарияга меҳр ва назокат билан тикилиб, кулиб кўйишди, бироздан сўнг хандон отиб юборишди. Қариянинг бу бемаъни гапидан улар мирикиб кулишарди. Жанни билан Федра холалари олдида жуда қарздор эдилар, нахотки улар севимли, қадрдон, олийжаноб Тусси холаларидан кутулмоқчи бўлсалар?!

Ўн тўртинчидан ўн бешинчига ўтар кечаси қаттиқ шовкин-сурон кўтарилди. Юк машиналари гуриллаб тўхтар, буюмлар тарақатурук қилиб ерга тушар, эшиклар қарсиллаб ёпилар, хуллас, нималарнингдир қасир-қусур овози эшитиларди. Мен эрталаб кўчага чиққанимда, тунни билан отиб юборилган нарсалар тоғ уюмидек уюлиб кетганди. Ҳар бир уй олдидаги йўлкада турли хил ташландик буюмлар уюм-уюм бўлиб ётарди. Улар орасида шалоғи чиққан эски мебелу занглаган трубаларни, илгичлару қадимги тошбосмаларни, йиртиқ мўйнали пўстинлару урфдан чиққан ёритгичларни, чети учган гулдонлару бўм-бўш катакларни, кераксиз китоблару бир қоп унутилган шеърый асарларни, тунги туваклар, сасиган бир қоп картошкани, бир қоп қипикни кўриш мумкин эди.

Мен шкафлар, стуллар, синиб кетган кийим жавони, алмисоқдан қолган велосипедлар, йиртиқ-чиртиқ матолар, ўлган мушуклар, дарз кетган унитазлар, ётоқхонада тutilган майда-чуйда буюмлар ва чириб кетган ички кийимлардан иборат қатта уюм олдида турардим. Мен юқорига қарадим, шунда ёруғликни тўсиб қўйган минглаб хира ойналари бўлган бахайбат қорамтир бинога кўзим тушди ва тўсатдан тушиб келаётган одамни кўриб қолдим. Қоп ичидан ихраган бўғиқ овоз эшитиларди.

Мен кўркиб, ён-атрофга қарадим. Егуликка лик тўла қатта хўжалик сумкани кўтариб олган бир аёл ёнимда пайдо бўлди, у ичикоралик билан:

– Сиз нима деб ўйловдингиз? Шарти кетиб, парти қолганларни ҳам йўкотадиган вақт келди, шундай эмасми? – деди.

Қаердандир диққайган сочли, шумтака бир бола югуриб келди-да, қопни оёғи билан бир тепди. Инграган овоз эшитилди. Баққолик дўконидан кўлида сув тўлдирилган челақ билан

кулиб чиккан бир хоним аста инграш овози чикаётган коп ёнига якинлашди.

– Эрталабдан бери у юрагимни эзиб юборди. Сен халиям ҳаётга тўймадингми? Халиям биздан норозимисан? Мана бўлмаса сенга, мана бўлмаса сенга!..

Аёлнинг жағи-жағига тегмай, вайсаганча қариянинг шарти кетиб, парти қолганлиги, бундан буён на югуришга, на севишга мадори қолмаган, дармони кетган қария устига челақдаги сувни қуйиб юборди. – Оз фурсат қолди. Тез орада муниципал ҳокимиятининг вакиллари келиб, сени ахлатхонага ташлаб юборишади, – деди.

Қимдир елкамга кўлини кўйди. Бу ўша ер ютгур – соҳибжамол, амазонкалар маликаси Вельзевул хоним эди. У:

– Салом, эй йигит! Тепага чиқишни хоҳлайсанми? У ерда нималар бўлаётганини кўрасан, – деб қолди.

У мени кўлимдан ушлаганча, судраб кетди. Мен дўзахга етиб келган биринчи кунимдаги ўша ойнаванд эшик – биринчи каватдаги лифт, офис-лабораторияга келиб қолдим. Ўша маккора кизлар ва беҳаловат елиб-югураётган миллионлаб жонзотларни акс эттириб турган ўша экранлар...

Экранда ётоқхона кўринди. Тўшакда ёши саксондан ошган, кўкрагигача гипсланган аёл ётарди. У ўрта ёшлардаги келишган бир хоним билан сўзлашмоқда.

– Мени шифохонага – қариялар уйига жўнатиб, ортикча юк бўлишни истамайман! Ахир менинг кўлимдан ҳеч нарса келмайди, ҳеч нарсага ярамайман! – дерди у тинмай.

– Азизам, Тата, нималар деясан! Жинни бўлдингми? Бугун шифокор келади, шунда барчасини ҳал қиламиз, сени қаерга...

Шу тобда юбка кийиб олган Шайтон менга тушунтира кетди:

– Бу қария унинг онасини, ўзини, сўнгра беш боласини ва невараларини боқиб катта қилган. Шу уйда эллик йил мобайнида хизмат қилди, энди эса ёнбоши синиб, ётиб қолган. Қани энди бу ёғи нима билан тугашини кўр.

Якинлашиб келаётган одамлар овози эшитила бошлади. Хонага беш болакай югуриб, уларнинг кетидан эса икки нафар ёш оналар ҳам кириб келишди. Барчалари хурсанд ҳамда ҳаяжонда эдилар.

– Шифокор келди! Шифокор Тата холамизни даволаб тузатади, – дея шовкин-сурон, хурсандлик билан қаравотни дераза томон суриб борардилар.

– Тата холамизга бироз тоза ҳаво керак. Қаранглар, карантлар, ҳозир ерга қандай учиб тушишларини томоша қиласизлар! – дея барчалари: икки аёл ва беш болақай бир бўлиб, кўполлик билан қари, касалманд аёлни қаравотдан олиб, дераза тоқчасига ётқиздилар-да, ташқарига итариб:

– Яшасин Тата холамиз! – деб қичқирдилар.

Ташқаридан қулаб бораётган Тата холанинг даҳшатли овози эшитилди.

Вельзевул хоним мени зўрлаб кейинги экран томон сургаб кетди.

– Қара, қара, машҳур Вальтер Шрампф, пўлат эритувчи завод бу, қатта сулола. Унга яқинда меҳнат қаҳрамони унвони берилди. Бутун завод ходимлари уни муборакбод этишяпти.

Заводнинг қатта ҳовлиси. Ҳаммаёкка қизил гиламлар тўшалган.

Кекса Шрампф йиғилганларга миннатдорчилик билдиряпти. У ҳаяжонланганидан кўз ёшларини тия олмай сўзламоқда. Эгнига икки бортли ҳаворанг костюм кийиб олган. Икки идора хизматчиси унинг ортидан келиб энгашидилар-да, оёғига темир «қишан» солдилар, сўнг қаддиларини тик тутиб, уни куч билан торта бошладилар.

– Ҳаммангиз менга боламдек азизсиз, сизлар ҳам мени ўз отангиздек кўр... – шу тоб «қишан» тортилиб, қария минбарга зарб билан урилдию ерга йиқилди. Тепадан баланд кўтарма краннинг илгачи тушиб келди ва қариянинг оёғидан илиб олди, у эса саросимага тушганча, кўркувдан нималардир деб гўлдирай бошлади.

– Сенинг давринг ўтди, қари туллак.

Энди тўпланганлар худди намойишдан қайтаётгандек, унга тупуриб, беаёв савалардилар. Ўнлаб зарба еган қариянинг кўзойнаги, тишлари синиб, эс-хушини йўқотди. Кран уни тепага олиб чиқиб кетди.

Биз учинчи экран ёнига келдик. Саранжом-сарошта боёнлар уйи ва таниш чехралар. Албатта ўшалар! Ёқимтой, меҳр-шафқатли Тусси хола, унинг жияни чиройли хотини ва икки боласи билан. Улар оилавий овқатланадиган стол атрофига табассум билан келиб ўтирар эканлар, байрам ҳақида сўзлаша кетдилар ва бахти қаро қарияларга ачиниб, уларни эсладилар. Жанни билан Федраннинг хаёллари ўзларида эмасди. Эшик кўнғироғи жиринглади. Ичкарига бошига қалпоқ ва эгнига оқ халат кийган муниципалитетнинг икки давангидай ходими кириб келди.

– Сиз Тереза Калинин, қискартириб айтганда, Туссимисиз, – деб қандайдир ҳужжатни кўрсата туриб сўрадилар улар.

– Ҳа, мен бўламан. Тинчликми, нима гап?

– Кечирасиз, сиз биз билан боришингизга тўғри келади.

– Қаерга? Шу маҳалда-я! Нима учун? – Тусси холанинг ранги докадек оқариб, ўзини йўқотиб қўйди ва юраги ёмонликни сезгандек, чурк этмай турган жияни ва унинг хотинига нажот қутгандек термилиб қаради.

– Гапни кўпайтирманг! – деди муниципал вакилларидадан бири. – Ҳужжат бор. Жиянингиз имзо ҳам чеккан.

– Бундай бўлиши мумкин эмас! – кичкирди Тусси хола. – Жиянингизнинг бундай ҳужжатга имзо қўйишига асло ишонмайман, у бундай қилиши мумкин эмас... Тўғримиз, Жанни? Уларга бирон нарса де, бу хато, англашилмовчилик эканлигини уларга ўзинг тушунтир...

Лекин Жанни, гўё оғзига талқон солгандек мик этмай хотини Федра ёнида, болалар эса бўлаётган воқеани индамай кузатиб турардилар. Улар жуда хурсанд эдилар.

– Жанни, ўтинаман, уларга бирон нарса дегин! – тинмай ёлворарди Тусси хола орқасига тисарилиб.

Келган ходимнинг биттаси қарияга ташланиб, унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

Кампирнинг қўли боланикидек ингичка ва нозик эди.

– Қани, юра қол, қари жодугар. Сенинг эркин ҳаётинг тугади!

Улар чакконлик билан кампирни дод-фарёдига ҳам қулоқ солмай, хонадан олиб чиқиб, унинг суяклари пиллапоя панжарасига тегиб оғриётганига ҳам қарамасдан, пиллапоядан пастга судраб кетдилар. Оила аъзоларининг биронтаси ҳам унинг ортидан чикмади. Жанни чуқур хўрсиниб:

– Мана, ниҳоят унданам қутулдик, – дея овқатни тановул қила бошлади, сўнг: – бугун қайнатма шўрва жуда мазали бўлибди, – деб қўйди.

## 7. Рулдаги махлук

Ҳойнахой, бош муҳаррир Дўзахдан репортаж уюштириш учун мендек тортинчок, заиф, ҳаётдан чарчаган ва ковушимсиз одамни танлаб, хато қилганга ўхшайди. Мен арзимаган нарсага ҳам уялиб, кизариб кетавераман, гапларим ҳам ковушмайди, кўкрак кафасимнинг диаметри 80 сантиметрга ҳам етмайди, мен тўла-

тўқис шаклланмаганман. Мабодо, мен кандайдир ишнинг уддасидан чиксам, бу сабр-каноат қилганлигимдандир. Яхшиям машина олган эканман. Дўзахдек жойда менинг сабр-каноатимдан нима фойда. Ташқаридан караганда, бу ерда ҳам оддий ҳаёт кечаётгандек. Шундай пайтлар ҳам бўладики, мен ҳақиқатан ҳам Миланни тарк этмагандекман: кўпгина кўчалар, кўрғазма-рекламалар, афишалар, одамларнинг киёфалари, уларнинг хатти-харакатлари ва бошқа нарсалар ўзимнинг Милан шаҳримга жуда ўхшаб кетади. Бирок бирон яқин кишинг билан яқиндан гаплашсанг, бирон манзилни сўрасанг, қахвахонадан бир финжон қахва ичсанг борми – одамлар сенга совук муомала қилиб, ётсирайдилар. Гўё момикдай юмшоқ кўрпага қўлинг теккан-у, унинг остидан муздек бир парча темир ёки мрамар тахтаси тегиб кетгандек туюлади кишига. Бу тахта жуда баҳайбат, бутун шаҳарни эгаллаган Дўзах марказининг унга дуч келмаган бирон-бир бурчаги топилмаса керак. Ана шунинг учун ҳам бу ерда менга караганда бақувват, чидамли одамлар керак бўлади. Бахтимга энди машинам бор. Дўзахнинг баъзи бир бурчакларида Милан билан шу қадар кўп ўхшашликлар борки, беихтиёр шундай савол бергим келади: умуман, ҳеч қандай фарқ бўлмай, аслида бир хил бўлса-чи, ахир бу ердаги Миланда ҳам «мен ўзимнинг Миланда юрибман-ку», дейман катта шаҳарни назарда тутиб. Бироз пардани сурсанг ёки ёпинчикни кўтарсанг ва ё бўёкни бироз суртсанг – ўша каттиклик, ўша музлик ва бефаркликка дуч келасан.

Машина сотиб олганимдан сўнг аҳволим жуда яхшиланди. Бу ерда – Дўзахда машина жуда асқотар экан.

Мен машина харид қилгани борганимда қизиқ воқеа содир бўлди. Эгаларига топшириладиган янги машиналар катта салонга бир қатор қилиб териб қўйилган эди. Бу ишларнинг бошида қим турганини биласизми? Вельзевул хонимнинг хизматкори – эгнига хаворанг комбинезон кийиб олган Розелла, қад-қомати келишган шаллаки аёл. Бир қарашдаёқ бир-биримизни танидик.

– Бу ерда нима қиляпсизлар?

– Менми? Ишляяпман.

– Сиз бекангизни ташлаб кетдингизми?

– Нима деяпсиз, бу гаплар ҳаёлимдаям йўқ. Мен бир вақтнинг ўзида ҳам у ёқда, ҳам бу ёқда ишлайман. Аслида фирма ўша-ўша, – қулиб қўйди Розелла. У қўлида катта шприцга ўхшаш бир нарсани ушлаб турарди.

– Ишингиз нимадан иборат?

– Ишим жуда кизикарли. Кузовларни таъмирлайман. Бўпти, хайр, – дея у кетмоқчи бўлди, аммо ўгирилиб, орқасига каради-да, кичкириб юборди. – Мен машинангизни кўрдим, сўнгги модель экан. Табриклайман. Биз унга махсус ишлов бердик.

Шу вақт мени салон мудирини ўз олдига чакириб олди-да, машина томон етаклаб кетди. Бу машина кора рангда бўлиб, бошни айлантирадиган хидли бўёк билан бўялганди. Катта автомобиль заводида Розелла нима килиб юрибди? Қизик, мен у ерга борган вақтимда, у ҳам тасодифан келиб қолган бўлса-я? «Махсус ишлов» деганда у нимани назарда тутди экан? Гапнинг очиги, мен рулга ўтиришим билан барча шубҳаларим зумда йўқолди.

Аммо мендаги хақиқий ўзгариш икки соатлардан сўнг содир бўлди. Ғалати ҳолга тушдим. Гўё рулдан қандайдир нарса, ўта кучли қувват чиқиб, у қўлларга ва атрофга тарқалаётгандек туюлди.

«Булл – 370» ажойиб машина. Тўғри, бу «Лимузин», «Седан» эмас, лекин плейбойлар машинаси ҳам эмас. У икки ўринли бўлса-да, пойга машинаси эмасди. Унинг ўзига хос хусусиятлари бор. Унга эга бўлгач, мен бошқа одамга айландим-қолдим.

Мен ташки кўринишим кўримсиз бўлганлиги сабабли кўп изтироб чеккан бўлсам-да, «Булл – 370» рулига ўтирганимда ўзимни бақувват ва кучли, ҳатто чиройлироқ ҳис эта бошладим. Вужудимда эркинлик пайдо бўлди, тетикрок ва замонавийроқ бўлиб қолдим. Шунинг учун энди аёллар менга ҳирс билан эмас, ҳавас билан қарасалар ажабмас. Мана, энди машинамни тўхтатишим билан дўндиккина соҳибжамоллар чуғурлашиб, атрофимни ўраб оладилар-да, бўсаларга кўмиб ташлайдилар. Улардан қочиб қутулишнинг иложи бўлмайди. Кўринишим анчага – етмиш беш фонзга ўзгарган эди: аввалгига караганда ёқимтойман, ён томонимдан караганда, мендаги ўзгаришлар кўпроқ сезиларди. Ёнимдан караганларида биринчи Рим империясининг консули, жасур, шу билан бирга зодагон ёки бокс бўйича чемпионнинг кўринишига ўхшайман. Авваллари бурним кирра ва пўла, танқайган эди, энди эса кирғийбурунман, шу билан бирга қанқайган деса ҳам бўлади – бунга эришиш осон бўлмади, ҳозир классик маънода гўзаллик ҳақида гапириш ўринли бўладими-йўқми, билмайман, аммо машинанинг орқа кўринишини акс эттирадиган кўзгуга караганимда ўзимга-ўзим жуда ёқиб кетаман.

Кечаги кунгача мен ҳеч ким эмасдим, бугун эса нуфузли шахсга, ҳа, шахар бўйича нуфузли шахсга айландим-ов. Менинг шахс даражамни ифодалай оладиган даража бўлмаса керак. Менда ўзимга ишонч, тенги йўқ катга куч-қувват ва келишган қад-қомат пайдо бўлди. Мускулларимни энди Милан черкови дарвозалари билан киёслаш мумкин. Мен нимага кодир эканлигимни доим ҳаммага намоён қилгим келарди, бирон кимсага ўчакишиб, жанжаллашгим келади. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а: бундай хислатлар менда қаердан содир бўляпти, авваллари одамлар олдида бахслашиш кераклигини ўйласам, ўзимни йўқотгудек даражада хаяжонланиб кетардим. Машина ҳаракатини биринчи тезликка, сўнгра иккинчи ва ниҳоят, бор қувватни ишга соламан. Тутун чиқадиган труба титраб, кизиб кетади, саксон от кучли машинани йўрттириб чоптиради, сўнг кўчалар бўйлаб елдиради...

Бир кимса ўнг томонидан келиб қувиб ўтмоқчи бўлди, мен машина ҳаракатини бироз секинлаштирдим, у ҳам машинаси тезлигини бироз секинлаштирди ва менга ўтиб кетавер, кетавер, деб ишора қилди. Шу тоб коним қайнаб, дарғазаб бўлиб кетдим: «галварс, аҳмок, тарбиясиз», деб кичқирдим унга, – шошаётган бўлсанг, кетавер. Куч билан уни машина ичидан судраб чиқардим. Очиғини айтганда, бу валакисаланг мендан осон кутулиб қолди.

Юк машинаси билан бўлган машмаша-чи? Светофордан четга бурилишим керак эди. Мен бўлсам унинг йўлини тўсиб, чорраҳанинг ўртасида туриб қолдим, юк машинасининг ҳайдовчиси бошини кабинадан чиқазиб, ғазаб билан дўлайган сертук мушти билан машина эшигини уриб: «Ҳой, валакисаланг, қимирласанг-чи, судралувчи ҳайвон!» – дея бакира кетди. Атрофдагилар кулиб юбордилар. Шунда мен ғазаб билан машинадан тушдим-да, ён-атрофдаги кулги такка тўхтаганини ҳис этганча юк машинаси томон яқинлашдим (кизиғи, шу сонияда юз ифодам қандай бўлган экан?) ва: «Сен нимадир дедингми? – атайлаб сўзларни чўзиб сўрадим даванги кимсадан. – Сенга нимадир ёқмаяптими, дейман?..» – дўк урдим унга. «Йўқ, йўқ, мен шунчаки ҳазиллашгандим, холос. Кечиринг», – узр сўради юк машинаси ҳайдовчиси важоҳатимни кўриб.

Эшитишимга қараганда, бу ерда – Дўзахда шифокор Жекилда томонидан яратилган инсондаги ёвуз руҳларни уйғотувчи махсус модда, яъни кенг тарқалган гиёҳванд моддага ўхшаш модда билан руль

устини қоплаб қўяр эканлар. Хойнаҳой, шунинг учун одагда ювош, мураса қилувчи одамлар рулга ўтиришлари билан уларда одамгарчиликдан сарик чакача ҳам қолмай, безори ва оғзи шалок кимсага айланиб қоларканлар. Шунинг учун бўлса керак, ўзларини дунёда ягона ҳисоблаб, ор-номус билан боғлиқ бўлган муқаддас нарсалар оёк ости қилиниб, қўполлик ва шошқалоклик, безорилик барча нарсанинг устидан ҳукмронлик қила бошлайди. Бунинг устига, менинг машинам «махеус ишлов»дан чиққан. Мурувватли Розелла хоним миқдорини бироз ошириб юборган бўлса, эҳтимол.

Шунинг учун ҳам мен ўзимнинг «Булл – 370»имни бошқараётганимда хайвонга айланиб, ҳузур топаман. Нембо Кидомдек. Ў, бу хайвоний хирсларнинг тўлиб-тошиши. Барча ишларда ўзни бошқара олмаслик, ўзни кўрсатишга қучли иштиёқ, даҳшат солиш! Бирон кимсани бошлаб ҳақорат қилгим келади, онгли равишда қўпол, кишини ранжитадиган гапларни гапираман, ҳаётим давомида бир вақтлари энг ёмон кўрган ишларни бажо айлаб, ҳузурланаман. Бу ҳам менга камлик қиларди. Ичимдаги ғазабим киёфамда, ҳатто имо-ишораларимда ҳам тўла-тўқис намоён бўлса ажаб эмас. Мен кўркам-рок бўлиб қолдим, деб ўзимни ўзим алдар эдим. Менинг ғазаб билан руль бошқаришимни кўрсалар борми, мистер Хайд билан бўлгани каби одамларнинг кўзига балодек кўринсам керак, уларнинг юзларида нафрат ва ғазаб пайдо бўлганини кўраман. Наҳотки, ичимга жин кириб олган бўлса? Ё тавбангдан кетай!

Кечқурунлари уйимда ёлғиз қолганимда ўтган кундаги воқеаларни хаёлан кўз ўнгимдан бирма-бир ўтказаман. Бу мени даҳшатга солади. Наҳотки, Дўзах ичимга, танамга ва қонимга сингиб кетган бўлса, ахир мен ёвузлик билан ўзим қабиларни қамситиш, оёк ости қилиш билан ҳузурланаман, менда тез-тез одамлар билан жанжаллашиш, савалаш, қийнаш истаги пайдо бўлиб туради. Шундай кунлар ҳам бўладики, мен ўзимнинг жуда бақувват машинамда ичимда йиғилиб қолган нафрат ва ғазабимни дуч келган кимгадир сочиш ниятида соатлаб шаҳар кезиб юраман. Телба! Тентак! Нима, у мени кўрмадими? Балки унинг кўзгуси йўқдир? Машинасининг огоҳлантирувчи чироғини ёқиб қўймайдими? Қутилмаганда машиналар тураржойидан чиқиб келган ўртача қувватга эга машина йўлимни тўсиб қўйди, мен келиб унга урилдим. Эвоҳ, ўнг тарафдаги чироғим синди-ку!



– Ҳой. Тўнка! Кўз борми? – машинадан тушарканман, кичкирдим мен. – Ҳайвон, кара, нима килиб қўйдинг!

Бу сафар менга ёнида кўхликкина малласочли аёли билан қирк беш ёшлардаги эркак дуч келганди.

У ойнадан бошини чиқариб, тиржайиб турарди:

– Биласизми, жаноб, нима демокчилигимни биласизми?

– Нима демокчисан?

– Сиз мутлако ҳаксиз.

– Нима, ҳали устимдан кулмоқчимисан! Аблах!

У ҳам машинасидан тушиб келди.

Важохатимдан уни титроқ босаётганини маза килиб томоша килиб турибман.

– Кечирасиз, чин сўзим, жуда афсусдаман, – менга ташириф коғозини узатиб деди рақибим. – Бахтимдан ўргилай, машинамни суғурта қилдирганман.

– Нима, сиз осон кутулиб кетмоқчимисиз? Йўқ, осон кутула олмайсиз! – дея кўрсаткич ва ўрта бармоқларим билан унинг бурнига тез-тез чертиб, азоб бера бошладим.

– Тонино, бу ёкка кел! – кичкирди унга машинадаги аёл.

Бешинчи бор чертганимдан кейин у ўзига келди-да, мени мулоқимлик билан бироз ўзидан нари итарди.

– Хўш, хўш!.. – чайналиб дедим мен. – Қўлингга эрк беришни кўрсатиб қўяман сенга! – мен кескин равишда унинг қўлларини орқасига қайира бошлаганимда, у икки букилиб қолди.

– Аблах! Қўлимни қўйиб юбор! – кичкирди у. – Ёрдам беринг! Ёрдам беринглар!

– Ҳайвон, энди машинамнинг эзилган жойини ўпасан, сўнг узун тилинг билан ялаб тозалайсан. Бўлмаса онангни осмонда кўрасан!

Атрофга тўпланган одамлар ҳанг-манг бўлганча бизни кузатиб турардилар. Менга нима бўляпти ўзи? Нега бу одамни кўргани кўзим йўқ, нега уни тилка-пора қилгим келяпти? Бундай зўравонлик ҳис-туйғуси менда қаёқдан пайдо бўлди. Эҳтимол, мени кимдир жоду қилиб қўйганмикан-а? Мен ёвуз, аблах ва ҳайвоннинг ўзгинасиман! Мен жирканч даражада ўзгарганман.

## 8. Боғ

Дўзахдаги ҳамма нарсани ёмон деб бўлмасди. Вельзевул хоним экранларининг бирида аке этиб турган тўс-гўполон, бетартиб шаҳарнинг бир чеккасида майсазорлари, дарахтлари, гулзорларини фавворалари мавжуд баланд девор билан ўралган боғга кўзим тушди. Бу ажойиб боғда баҳорда кун исини биланок барча дарахтлар жонланиб, гуллаш ва ям-яшилликка бурканиш байрами бошланади. Бу – тинчлик, осойишталик, умид, соғломлик, анвойи ифторлар таралган сокинлик ҳукмрон бўлган ажойиб оролдир.

Яна бир акл бовар қилмайдиган томони шунда эдики, бу ерда шундай мўъжизакор боғ билан бирга, худди қуёш нури тушиб тургандек чароғон нурга чулганган, шаҳарнинг қолган қисми эса юракни эзувчи кўз илғамас хира нур билан ёритилганди.

Боғнинг бир томонида қадимги услубда қурилган икки қаватли улуғвор ва хашаматли уй қад ростлаб, унинг биринчи қавати очик деразасидан ичи бадавлат хонадонларники каби эски услубда жиҳозланган катта меҳмонхона кўзга ташланиб турарди. Меҳмонхонанинг бир бурчагига рояль қўйилган. Унинг олдида кўринишдан хотиржам ва чиройи очик ёши олтмиш беш ёшлар чамасидаги оқ сочли хоним Шубертнинг «Экспромт»ини чалиб ўтирарди. Мусика бу ердаги сокинликка халал бермай, қалбга ҳузур бағишларди. Соат кундузги ўн бештакам учини кўрсатиб турарди. Атрофга чароғон нур таратиб турган қуёш ҳам ҳаётдан мамнундек эди.

Бироз нарида бир вақтнинг ўзида боғбон бўлиб ҳам хизмат қиладиган коровулнинг кўримсиз уйи кўзга ташланиб турарди. Шу кулба эшиги очилиб, чамаси уч ёшлардаги кизалок югуриб чиқиб келди. У нимадир деб чуғурлаганча ўт устида сакраб-сакраб шодон югура бошлади. Майсазор устида югуриб борар экан, бир бута олдига келиб чўккалади. Рўпарасидан унинг дўсти ҳисобланмиш қуён югуриб чиқди. Қизча қуённи кўтариб олди-да, қуёш тушиб турган майсазор бўйлаб кета бошлади. XIX асрдаги бир қанча ғайритабиий немис матоларида аке эттирилгандек, атрофда осойишталик, роҳат-фароғат ҳукм суради.

Ёнимдан бир қадам ҳам силжимамай, ҳар бир ҳаракатимни кузатиб турган Вельзевул хоним менга ҳайрагланиб қаради.

– Хўш, бу нима? Наҳотки бу ҳам Дўзах бўлса?

Вельзевул хонимнинг бурчакда турган ёрдамчиларининг шивир-шивири эшитилди. Шунда амазонкалар маликаси:

– Агар жаннат бўлмаганида, Дўзах ҳам бўлмасди, – деб кўйди.

Шундай дегач, хоним мени меҳмонхона акс этиб турган экран томон бошлади. Хоним рояль чалишдан тўхтаган, у бир меҳмонни қабул қилаётганди: бу ёши қирқ бешлар чамасидаги кўзойнакли эркак унга қандайдир лойиҳани кўрсатиб, нималарнидир тушунтираётганди, аммо хоним одоб билан кулимсираб, тинмай бош чайқарди:

– Йўк, йўк, жаноб, мен ҳеч қачон боғимни сотмайман. Бундан кўра ўлганим яхши. Ҳозирча, худога шукур, олаётган даромадим этиб турибди.

Унинг суҳбатдоши жуда катта миқдорда пул таклиф қилиб, боғни сотишга кўндирмоқчи бўларди. Афтидан, боғни қўлга кириштиш мақсадида аёл олдида тиз чўкишга ҳам тайёр эди. Аммо кекса хоним «йўк, йўк, боғни сотмайман, ундан ажралсам, ўламан», деб сўзида қатъий туриб олганди.

Ҳукмдорим мени учинчи экран томон бошлади. Йўл-йўлакай мен деярли оналар каби ўз қуёнчасини барглар билан овқатлантираётган кизча ва боғни яна бир бора кўришга улгурдим.

Учинчи экранда эса тантанали мажлис бўлаётган катта зал тасвирланган эди. Бу ерда муниципал кенгашининг мажлиси бўлаётганди. Мажлисада қатнашаётган муниципал маслаҳатчилар шаҳар боғлари ва хиёбонларини назорат қилувчи, бошқарув аъзоси, асессор Массинкининг нутқини жон қулоқлари билан тинглаётган эдилар. Массинки жон-жаҳди билан яшил воҳаларни, майсазорларни, дарахтларни ҳимоя қилмоқда эди, чунки уларни заҳарланган шаҳарнинг ўпкаси деб ҳисобларди. Унинг нутқи тушунарли, ёркин, қисқа ва лўнда бўлиб, рад этиб бўлмайдиган далилларга асосланган эди, бу нутқ мажлис иштирокчиларининг давомли қарсақлари остида яқун топди. Кеч кирди.

Мен ҳам ҳурматли хонимнинг меҳмонига айландим. Яна бир меҳмон кириб келди. Очиғи, кўринишидан аввалгисига нисбатан мавкеи пастроқ эди. Папкасининг ичидан у муниципалитетнинг ва бошқа юқори ташкилотларнинг муҳрлари, барча табақадаги вазирларнинг имзолари кўйилган бир варақ қоғозни чиқазди; маълум бўлишича, шаҳарнинг айнан шу қисмида автобуслар саройи қурилиши зарурати пайдо бўлган экан. Шунинг учун яшил боғнинг бир қисми эгасидан тортиб олиниши кўзда тутилганди.

Хоним боғни бермаслик учун қаршилик кўрсата бошлади. Ғазабга минди, йиғи-сиғи қилди, аммо келган одам муҳрлар кўйилиб, имзолар чекилган ҳужжатни рояль устида қолдириб кетди ва айнан шу онда кўчадан даҳшатли гумбурлаш овози эшитилди. Каркидонни эслатувчи темир бир «махлук» боғ деворини бузиб, ағдараётган эди. У қозик шаклидаги темир панжаралари билан олдиндан чизиб, белгилаб кўйилган тасма ичидаги дарахтлар, буталар ва гулзорларни беаёв ағдара бошлади. Бир зумда боғ пайхон бўлди-кўйди, у ер тупрок ва лойдан иборат харобага айланди-қолди. Айнан қовланаётган ерда куённинг ини бор эди, қизалок ўз дўстини зўр-базўр қутқариб қолди. Ортимда, залнинг қоронги томонидан шайтон қизларнинг ҳиринглаётганини эшитиб қолдим.

Муниципал кенгашнинг мажлиси давом этарди. Орадан икки ой ўтди, ассессор Массинки сўнгги яшиллик ороллари яқсон қилинишига тинмай қаршилик қиляпти. Йиғилганлар завқ-шавққа тўлганларидан нотикни минбардан қўлларида кўтариб олиб чиқиб кетгудек бўляптилар. Ҳали сўнгги чалинаётган қарсақлар тинмасданок, хонимнинг меҳмонхонасига имзоланган ҳужжат кўтарганча яна бир хизматчи кириб келди. Унда шаҳарни қайта қуриш зарурияти сабабли, шаҳар маркази кўчаларидаги тирбандликдан қутулиш мақсадида зудлик билан катта кўча қурилиши зарурлиги айтилган эди, бу эса боғнинг иккинчи қисмини ҳам тортиб олиниши муқаррарлигидан дарак берарди. Кекса хонимнинг дод-войи ҳаммаёқни тутиб кетди, лекин бу овоз бульдозернинг шовқин-суронидан эшитилмай қолди. Сайлов олди ҳийланайранларининг иси чиқиб қолди.

Янги девор деярли уйга тақаб кўтарилаётган эди, боғдан уч туп дарахт билан бир парча ер қолганди, холос. Бирок ҳаво очик қунларида қуёш бу ердан ҳам ўз нурини аямаётган эди. Қизалок ана шу каталаккина жойда у ёқдан-бу ёққа югуриб ўйнади.

Экрандаги муниципал кенгаши мажлисида шаҳар боғ ва хиёбонларини назорат қилувчи ҳурматли ассессор Массинкининг айбловчи нутқи момақалдиروقдай янграрди. У йиғилганларни шаҳардаги ўсимликларнинг қолган-қутганларини асраб қолиш ва бу ҳаёт-мамот масаласи эканлигига ишонтира олди. Шу вақтда хонимнинг меҳмонхонасида одам қиёфасидаги тулки пайдо бўлди ва боғнинг қолган учинчи қисмини ҳам тортиб олиш режалаштирилганини ва бу аламли ҳолатдан чиқиш учун ягона йўл – қолган ер-мулкни

эркин бозор нархида сотиш кераклигини зўр бериб уктирарди. Боғнинг колган қисмини қўлга киритиш ниятида келган «тулки» бераҳмларча кекса хонимни аврар, юзидан кони қочган хонимнинг кўзидан дув-дув ёш оқарди. Унинг суҳбатдоши эса зўр бериб нархни оширгандан-ошириб борарди: бир квадрат метри учун бир миллион... ўттиз миллион, олти миллиард бераман, дея хонимга имзо қўйиш учун ручка ва қоғозни узатди. Хоним калтираётган қўли билан зодагонларга хос фамилиясининг сўнгги харфларини қоғозга тушираётганда ташқаридан даҳшатли гумбурлаган овоз эшитиларди.

Вельзевул хоним ва унинг югурдаклари мени ўраб олган ҳолда роҳатланиб кулганча бу томошани кузатар эдилар.

Сентябрь ойининг куёшли кунларидан бири. Боғ ўрнида энди хунук чуқурлик пайдо бўлганди: у ердан «Фургон» машиналар зўр-базўр чикиб-тушардилар. Куёш, осойишталик ва ҳаёт қувончи бу ерларга энди қайтиб келмаса керак. Ривожланиш ва автоматлаштиришнинг кетидан қувиб, бу ерга шунчалар кўп симлар ва кабеллар тикиштирилганлигидан ҳагто хувиллаган макондан осмоннинг бир парчаси ҳам кўринмайдиган бўлиб қолганди. Менинг кўзим тиззасига жонсиз куёнини қўйиб йиглаб ўтирган кизчага тушди. Онаси кизчани нимадир деб юпатгач, унинг қўлидаги жонсиз дўстини тортиб олди, бу ёшдаги барча болалар каби кизча тезда овунди-қўйди. Энди бечора кизча кўм-кўк майсазорда сакраб-сакраб ўйнашнинг ўрнига ҳовли бурчагига тўплаб қўйилган бетон бўлакларидан ўзининг севимли дўсти учун макбарага ўхшаш бир нима ясаётганди. Энди у аввалги қувнок, чехрасидан табассум аримайдиган кизча эмас. У кулганида лабининг четида ажинлар пайдо бўлиб, қайғу-аламга ботарди.

Ҳойнаҳой, сиз мени айблаётган бўлсангиз керак: ахир Дўзахда болалар бўлмайди-ку деб. Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Йўк, бўлар экан. Дунёдаги энг даҳшатли деб аталмиш болалар мусибатю изтиробларисиз Дўзах – Дўзах эмас. Бундан ташқари, ўзим ўша ерда бўлган бўлсам ҳам Дўзах қаердалигини яхши тасаввур қила олмайман. Дўзах фақат у ердами ёки у бизнинг дунёмиз билан дорилбако ўртасида бўлинганми? Шунча воқеаларни кўрганим ва эшитганимдан сўнг, Дўзах бут-бутунлигича бизда ва мен унда яшашда давом этаяпманми, деб ўйлаб қоламан ва аста қуйидаги хулосага кела бошлайман: Дўзах – бу жазо эмас, балки шунчаки бизнинг аччиқ қисматимиздир.

## «ЛА СКАЛА»ДАГИ ВАХИМА

**П**ьер Гроссгемютнинг «Гўдакнинг калтакланиши» операсининг биринчи бор ижро этилиши муносабати билан (Италияда бу опера ҳеч қачон сахнада қўйилмаганди) кекса маэстро Клаудио Коттес ўйламай-нетмай фракини кийиб олди. Тўғри, май ойининг ўргалари, театр ашаддий ишқибозларининг фикрича, «Ла Скала»да мавсум охирлаб бораётган пайт. Бу пайтда томошабинларга, асосан сайёҳларга синовдан ўтган, қўйилавериш сийқаси чиққан спектакллар ўйналар, дирижёрларнинг ҳам ўртамиёна, хонандаларнинг киши қалбини унча завқлантира олмайдиганлари, иккинчи тоифадаги ижрочилар таклиф этилар эди. Ашаддий томошабинлар мавсум вақтида спектакль яхши қўйилмаса жанжал кўтаришлари турган гап, май ойида эса ўз талабчанликларини бироз сусайтирадилар. Хонимлар эса мавсумда театрга олдийрок, эркаклар бўлса гўё яқин дўстлариникига ташриф буюраётгандек, очик рангдаги галстук тақиб, тўк кўк ёки тўк кулранг костюмларини кийиб театрга йўл олардилар. Баъзи абонемент эгалари олифтагарчилик қилиб, театрга умуман келмас, аммо ўз ўринларини бирон кимсага бермасдилар ҳам: театр тугагунга қадар ўз жойларига ҳеч ким ўтирмаслигини истардилар (агар буни танишбилишлари сезиб қолгудек бўлса, янада яхши, дердилар).

Аммо бугун катта томоша бўляпти. Аввало, Милан сахнасида «Гўдакнинг калтакланиши» спектакли қўйилишининг ўзи катта воқеа – ахир беш ой аввал Парижда бу операнинг премьераси катта шов-шувга сабаб бўлган эди. Айтишларига қараганда (муаллиф бу асарни хор ва солистлар учун ўн икки қисмдан иборат эпик оратория шаклида ёзган экан), Эльзас композитори замонамизнинг мусика мактабларидан бирига асос солган, турли жанрларда ижод қилган ва ёши ўтиб қолган бўлса-да, мутлақо янги асар ижод қилган эди. У аввалгига қараганда янада жасорат билан «мелодрамани ниҳоят алхимиклар банди қилган ва унинг ҳаётини кучли таъсир этувчи гиёҳлар ёрдамида тиклаб турган музлик исқанжасидан қутқариб олиб, уни тўғри йўлга солишга жазм этган ҳолда галатирок усулдан фойдаланган». Бошқача қилиб айтганда, Гроссгемют шинавандаларининг ишонтиришлари бўйича, у яқин ўтмиш билан боғлаб турган ришталарни узган ва яна XIX асрнинг шавкатли анъаналарига мурожаат этган (аммо қандай қилиб!).

Баъзи санъатшунослар унинг мусикасида юнон трагедияси билан боғлиқлик бор, деб таъкидлайдилар.

Лекин сиёсатга оид миш-мишлар катта кизиқиш уйғотмоқда эди. Келиб чиқиши германиялик бўлган Гроссгемют ташқи кўринишидан ҳақиқий пруссияликка ўхшарди. Гарчи у санъат дунёси одами бўлганлиги ва кўпдан бери Греноблда истиқомат қилаётганлиги сабабли бироз хушфеъл бўлса-да, лекин гап-сўзларга караганда, унинг оккупация даврига оид таржимаи ҳолида қора доғлар ҳам бўлган экан. Унга қандайдир хайр-саховатли кечадан оркестрга дирижёрлик қилишни таклиф этганларида, уларнинг гапини икки қилолмаган, иккинчи тарафдан, у маҳаллий кишига фаол ёрдам берган экан. Бу гап ростми ё ёлғон, Гроссгемют ўзининг сиёсий қарашларини яширар, душмандан озод этилиш арафасидаги таҳликали ойларида у ҳатто роялнинг овози ҳам эшитилмайдиган ҳашаматли виллада яшириниб ўтирган экан. Очигини айтганда, Гроссгемют буюк мусикачи эди, агар у «Гўдакнинг қалтакланиши» асарини ёзмаганида борми, унинг бу танг ҳолатини бирон кимса эсламаган ҳам бўларди. Унинг операси нацистларнинг ёвузликларига нафратни кўрсатганлиги сифатида қабул этилиши керак эди. Салбий образ Иродни эса Гитлерга қиёслаганди; бироқ сўл қарашдаги танқидчилар Гроссгемютнинг Гитлерга қарши қарашларини юзак ва алдамчи шаклдан фойдаланиб, у ўз операсида ғолибларнинг ҳам ёвузликлари – ҳар бир қишлоқдаги жазолашлардан тортиб, то Нюрнберг дорларигача шама қилганликда айблаган эдилар. Кимдир «Гўдакнинг қалтакланиши» тўғрисида яқинлашиб келаётган террорлик инқилобига ҳос шама, бошқача қилиб айтганда, ҳаёлий тўнтариш ва уни қоралашга шама, деган фикрда эдилар ва бу тўнтаришни ўз вақтида бостира оладиганларга оғохлантириш белгиси эди бу. Хуллас, бу Ўрта асрларга ҳос нўво эди.

Тахмин қилинганидек, Гроссгемют барча миш-мишларга чек қўйди. Унинг рад жавоби қисқа ва кескин эди: «Гўдакнинг қалтакланиши» асарини фақат насроний динга эътиқод исботи сифатида қараш керак», – деди. Аммо Париждаги премьерадан сўнг фикрлар тортишуви авж олиб кетди, газета саҳифаларида узок вақт аччиқ киноялар, таъна-маломатлар ёритиб борилди. Бундан ташқари, томошабинларнинг мураккаб партитурага, декорацияга (миш-мишларга караганда, жуда хайратланарли даражада) ва Брюсселдан маҳсус чақиртирилган машҳур Йохани Монкларнинг хореографи-

ясига бўлган кизикишларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Премьерага бир hafta колганида Гроссгемот рафикаси ва котибаси билан бирга репетициянинг қандай кетаётганлигини ўз кўзи билан кўриш мақсадида Миланга келди ва ниҳоят, у премьерарада ҳозир у нозир бўлди. Хуллас, спектаклнинг премьераси катта воқеа бўлиши маълум эди. Мавсум давомида «Ла Скала»да бундан муҳимроқ *soiree* (кеча) бўлган эмас. Шу сабабли Миланга кўзга кўринган италиялик танкидчи ва мусикачилар йиғилган эдилар, ҳатто Париждан Гроссгемотнинг ашаддий мухлисларининг бир гуруҳи ҳам келгандилар. Ҳис-туйғуларининг жўшишидан хавотирга тушган Квестор жамоат тартибини сақлашни таъминлайдиган кишиларни кўпайтириш ҳақида кўрсатмалар берди.

Лекин аввалдан театрга юборилмоқчи бўлган кўпгина полициячи ва агентлардан бошқа мақсадда фойдаланишга тўғри келди. Кутилмаганда, куннинг иккинчи ярмида бошқа, анча жиддийроқ хавф пайдо бўлди, шаҳарнинг турли чеккаларидан «морцист»<sup>1</sup>лар қуролли кўзғолонга тайёрланаётганлиги, ҳатто бу воқеа шу кечада рўй бериши мумкинлиги ҳақидаги хабарлар кела бошлади. Сўнгги ойларида бу ташкилот жуда фаоллашиб, парламентда муҳокама қилинаётган ички кўчиб юриш ҳақидаги қонунга қарши эканликларини кескин равишда баён этдилар. Бу кескин ҳаракатларга ўтиш учун жуда қулай баҳона эди.

Кун бўйи кишининг гашини келтирувчи кўринишдаги кимсалар кичик-кичик гуруҳга уюшган ҳолда шаҳар марказида йиғилиб турардилар. Уларнинг ҳеч бирида на нишон, на байроқ ва на плакатлари бор эди, ҳеч ким уларга бошчилик ҳам қилмас, уларни саф тортишга ҳам ундамасди. Очиғини айтганда, бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки шунга ўхшаш бировга зарар етказмайдиган намойишлар ҳар йили бўлиб турарди. Шунинг учун ҳам жамоат тартибини назорат қилувчилар унчалик безовта бўлишмади. Бирок туман марказига келиб тушган махфий маълумотга қараганда, ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фавқулодда кенг қамровли намойиш ўтказилишидан хавотирлана бошладилар. Бу ҳақда дарҳол Римга хабар қилинди, полиция ва милиткли кишилар, жанговар ҳолатга келтирилган армия ҳам огоҳлантирилганди. Тўғри, бу хавотирланиш ўринсиз бўлиши ҳам мумкин. Шундай ҳолат ҳам бўлган: «морцист»ларнинг ўзлари

<sup>1</sup> *Морцист* – террорчилар тўдаси.



шу каби миш-мишларни таркатар эдилар – бу уларга кўл келадиган хийлалардан бири эди.

Бундай пайтларда олаговурли, гайришуурий хавотирлик тезда бутун шаҳарга таркалиб кетиши табиий бир ҳол эди. Бу ҳолатга сабаб бўлгувчи аниқ бирон-бир воқеа содир бўлгани йўқ, ҳатто ҳақиқатга бироз яқинроқ миш-миш ҳам тарқалмади, одамларнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, шунга қарамай вазият борган сари кескинлашиб бормокда эди. Кўпгина хизматчилар ўша окшом ўз идораларидан шоша-пиша чиқиб, уйлари томон ошиқа бошладилар, тўс-тўполонда ҳаракатни тўсиб кўйган одамлар кўчаларнинг нариги бетига хавотир билан қарардилар. Одамларнинг тинчлиги бир неча маротаба хавф остида қолган бўлса ҳам шаҳар аҳолиси ўша окшом ҳеч нарса содир бўлмагандек, ўз ишхоналари томон ошиқиб, ишларини давом эттиравердилар. Лекин уларнинг юраклари безовта эди. Улар жиддий воқеа содир бўлишини сезсалар-да, бу мавзуда гапиришдан ўзларини тийиб, лом-мим демас, юраклари тубидаги гапларини ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилардилар, тўё баъзи бир нарсаларни эслаш, уларнинг тинчлигига хавф-хатар солаётгандек, бошларига ноҳуш воқеаларни ёғдириши мумкиндек туюларди – бундай ҳолатда уруш вақтида душман торпедолари ва кема тешиклари ҳақида ҳатто ҳазилашиб ҳам гапириш мумкин эмасди.

Ҳеч нарса билан иши йўқ, ҳатто сув босса тўпингига чикмайдиганлар тоифасига маэстро Клаудио Коттес ҳам кирар, у оккўнгил, шу билан бирга жуда содда, унинг учун дунёда мусикадан бошқа ҳеч нарса йўқдек эди тўё. У румин фуқароси бўлиб (бундан кўпчиликнинг хабари йўқ), Италияга жуда ёшлигида – ўта моҳир пианиночи истейдоди унга қатта шон-шуҳрат келтирган вақтда кўчиб келганди. Шинавандаларнинг олқишлари бироз пасайгандан кейин ҳам у ажойиб мусикачи бўлиб қолаверди; унинг ижрочилик услуби ўзининг кучи билан эмас, балки нафислиги билан ҳам тингловчиларнинг қалбини забт этарди. Урушдан аввал у энг нуфузли ҳамда таникли филармоник жамиятларининг таклифига биноан тез-тез Европанинг йирик шаҳарларида ўз концертларини берган эди. Бу ишлар 1940 йилгача давом этганди, ҳолос. Айниқса, «Ла Скала»даги қатор симфоник концертларда эришган муваффақиятлари ҳақидаги хотиралари унинг учун жуда қимматли эди. Италия фуқаролигини олгач, у миланлик аёлга уйланди ва консерваторияда фортепиано бўлимига раҳбарлик қилди. Энди Коттесни миланлик деса бўлаверади ва унинг атрофи-

даги дўстларидан саноклиларигина Милан шевасида гапиришда ундан ўзиб кетган эдилар. Ҳатто нафакага чикқач ҳам консерваторияга борар, энди у факат имтихон комиссиясининг раиси этиб сайланарди. Коттес ҳамон мусика билан шуғулланишда давом этарди. У факат мусикачи ва кўшикчилар билан дўст тутиниб, биронта концертни ўтказиб юбормасди. У ҳис-ҳаяжон ва ҳадиксираш билан йигирма икки ёшли умидли композитор бўлган ўғли Ардуинонинг муваффакиятларини кузатар эди. Биз «ҳадиксираш» деб аташимизнинг боиси, Ардуино одамлар билан бўладиган муносабатида ҳеч кимга ишонмайдиган, ҳеч ким билан сирлашмайдиган ва бунинг устига, кўнгли жуда нозик ва одамови йигит эди. Хотинининг вафотидан сўнг кекса Коттес ўғлининг олдида ўзини қандайдир ожиз ва нотавон кимсадек ҳис этар, уни тушунмас, нима билан нафас олишини ҳам билмасди. Шунинг учун ҳам ўғлига бирон-бир маслаҳат беришни, гарчи у мусикага оид бўлса ҳам, фойдасиз эканлигини яхши тушунар эди.

Коттес ёшлигида кўркам йигит бўлмаган бўлса-да, энди у ёши олтмиш еттига етганда салобатли ёки одамларнинг гапига караганда, басавлат кўринарди. Ёши улғайган сари дўстлари уни Бетховенга ўхшата бошладилар; бу гап унга жуда ёкарди. У эхтимол, беихтиёр санъаткорларга хос кўриниш учун узун, оппок пахмайган сочларини иштиёқ билан парваришлар эди, аммо ковоғи солиқ Бетховенга ўхшамас, балки кўнгли юмшоқ, очик чехрали, киришимли, ҳар бир нарсадан факат яхшилиқ изловчи инсон эди; гап «деярли» пианино чалувчиларга келиб тақаладиган бўлса, бурнини жийриб қўярди, холос. Бу унинг ягона нуксони бўлиб, ҳеч ким бундан хафа бўлмасди ҳам. Антракт пайтлари ундан: «Маэстро, сиз қандай фикрдасиз?» деб сўраб қолишарди. «Мендан сўрасангиз ҳаммаси яхши», жавоб берарди у. – «Бетховенни бунга нима дахли бор?» ёки «Ахир ўзингиз эшитмадингизми? У рояль устида ухлаб колди-ку», деб қўярди. Баъзан эса бирон-бир алмисоқдан колган пичинг гаплардан гапириб қўярди, унга мусикани ким чалаётганининг фарқи йўқ эди -- Бакхаузми<sup>1</sup>, Кортоми<sup>2</sup> ёки Гизекингми<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> *Бакхауз Вильгельм* (1884 – 1969) – олмон пианиночиси, Бетховен асарларининг мохир ижрочиси.

<sup>2</sup> *Корто Альфред* (1877–1962) – машҳур француз пианиночиси.

<sup>3</sup> *Гизекинг Валтер* (1895–1956) – Моцарт, Шопен ва бошқаларнинг асарларини ўзига хос ижро этиш билан шуҳрат қозонган олмон пианиночиси.

Ёши ўтганлиги боис, у фаол ижодий ҳаётдан анча четга чикиб қолганлигидан мутлақо ранжимасди, феъл-атворининг яхшилиги сабабли ҳамма унга яхши муносабатда эди, «Ла Скала» дирекцияси эса уни алоҳида ҳурмат қиларди. Опера мавсуми бошланиб, пианиночилар концерт беришдан тўхтаганларида, партерда ўтирадиган Коттес, агар спектакль муваффақиятли чиқмай қолганида ҳам хафа бўлмас, доимо уларни олқишлаб кўярди. Бир вақтлари машҳур бўлган ижрочи-муסיқачининг бу ибратли одати кўпгина танкидчиларни ўз норозилиklarини билдиришдан тийиб турарди. Устига-устак, «Ла Скала»ча ташқи кўриниш ва ўтмишдаги санъат соҳасида қилган хизматларини ҳамиша кадрлашарди. Шунинг учун унинг номини контрамарка эгаларининг оз сонли махфий рўйхатида ҳамиша учратиш мумкин эди. Премьера бўладиган кунлари партерда жойи кўрсатилган таклифнома конверти эрта тонгданок виа делла Пассьоне кўчасидаги 7-уйнинг дарвозасидаги почта қутисига келиб тушарди. Мабодо, томошабинларнинг кўп келиши ҳисобга олинмаётган бўлса, контрамаркалар 2 дона: унинг ўзи ва ўғли номига ташлаб кетилган бўларди. Бирок ўғли таклифномаларга унча қизиқмасди. У отасига қарам бўлишни истамас, дўстлари уни репетицияларга таклиф этардилар, боз устига бундай жойларга фрак кийиб келиши шарт эмасди.

«Гўдакнинг қалтақланиши» асарини Ардуино Коттес аввалроқ, якуний репетиция пайтида кўрган эди. У нонушта пайтида отасига спектаклга оид ўзининг мужмал фикрларини баён этганди. Масалан, у «ғалати тембр ечимлари», «ғоят ифодали кўповозилик» ҳақида ўз фикрини билдирди, у «кўшиқлар индуктивга қараганда кўпроқ дедуктив тус олади», деган фикрларини менсимайгина айтиб қўйди. Бу асар муваффақиятли чиқдимиди ёки йўқми, ўғлига ёққан-ёқмаганини соддадил ота тушунолмади, лекин у аниқ жавобни ўғлидан кутмади ҳам. Ўғлининг бундай мужмал жавобига ўрганиб қолганди. Шунинг учун бу сафар ҳам у ўғлининг гапларига парво қилмади. Ҳозир Коттес уйида ёлғиз: хизматкор супур-сидирни тугатиб, Ардуино эса қаергадир тушлик қилгани чикиб кетганди. Хайрият, фортепианонинг овози эшитилмаяпти. «Хайрият» сўзини кекса муסיқачи фақат хаёлан айтиши мумкин эди: ўз шубҳаларини ўғлига очик-ойдин айтишга журъат этолмасди. Ўғли қуй чиқараётганида Клаудио Коттес жуда ҳаяжонланиб кетар ва жон қулоғи билан эшитарди. Қулоғига ғалати эшитилаётган бу оҳанглардан ниҳоят муסיқага ўхшаш би-

рон нарса чикишини у орзикиб кутарди. У ўзининг хаётдан орқада қолганлигини тан олса-да, доимо эски йўлдан кетиш мумкин эмаслигини тушунарди ва ўзига-ўзи мусикада «ёкимлилиқ»дан қочини керак эканлигини тинмай таъкидлар эди. Чунки уни заифлик, қариллик ва эскиликни кўмсаши белгиси, деб биларди. Янги санъат аввало тингловчиларни изтироб чектирмаслиги кераклиги унга аён эди: унинг хаётийлиги худди ана шунда эканлигини ҳамма таъкидларди. Аммо у ночор кўшни хонадан таралаётган куй овозини тинглаб туриб, ўғлига жон деб ёрдам беришга тайёрдай бармоқларини шақиллагиб, бири-бирига ишқаб ўтирарди. Шу йўсинда ўғлининг «мусика яратишига» ёрдам бермоқчидек бўлар, аммо ўғли куй ижод қилишнинг уйдасидан чиқа олмасди: ноталар чалкашиб кетар, оҳанглар эса ёкимсиз таралиб, уринишларининг барчаси қовушмас, натижада пойма-пой куй яратмоқда эди. «Эй, худойим, ўзинг ўғлимни қўллаб юбор!» – илтижо қиларди ота.

Бугун Коттес уйда ёлғиз қолган, ўзини тетик ҳис этарди. Очик деразадан хонага илик ҳаво кирар, гарчи соат саккиз ярим бўлса-да, куёш ҳали ўз ётоғига бош қўймаганди. У кийина бошлади, лекин шу тоб телефон жиринглаб қолди.

– Маэстро Коттесми? – сўради нотаниш кимса.

– Ҳа, менман, – жавоб берди у.

– Маэстро Ардуино Коттесмисиз?

– Йўк, унинг отаси Клаудио Коттес.

Гўшакни қўйиб қўйишди. Маэстро энди ётоқхонасига қайтган ҳам эдики, телефон яна жиринглаб қолди.

– Ардуино уйдами ёки йўкми? – қўпол овозда сўради бояги одам.

– Йўк! Уйда эмас, – деди отаси, иложи борича мулойим гапиришга ҳаракат қилиб.

– Бўлмаса, ўзидан кўрсин! – қичқирди нотаниш кимса ва қўлидаги гўшакни зарда билан қўйиб қўйди.

Бу қанака қўполлик бўлди, – ўйлади Коттес. – Қим бўлиши мумкин? Ардуинонинг ҳозирги дўстлари кимлар экан? «Ўзидан кўрсин» деган гапни қандай тушунса бўлади. Бу сўзлашувдан сўнг Коттеснинг кўнгли ғаш тортди. Лекин бахтига бу сўзлашув дарҳол унут бўлди-қўйди.

Кекса санъаткор шкаф кўзгуси рўпарасида турганча кенг, ёшига монанд ва шу билан бирга жуда эскиб, урфдан қолиб кетган

фракини кўздан кечираётгани. Афтидан, афсонавий Иоахим<sup>1</sup>дан рухланган Коттес ҳозирги урф бўлган кийимлардан кочиб, нимаси биландир ажралиб туришни хоҳларди, эгнига кора нимчани кийиб, ўзини кўзгуга сола бошлади. Шу туришда у хушомадгўй хизматкорга ўхшаб кетарди, аммо уни – Клаудио Коттесни шундай деб айта оладиган одам топилармикан? Ҳаво илик эди, лекин у кизиқувчан одамларни ўзига жалб этмаслик учун эгнига енгил пальтосини кийиб олди-да, кўлига биноклини олиб, хуш кайфиятда кўчага чиқди. Бошланаётан ёз ойнининг ажойиб окшомларидан бири, бундай паллада ҳатто Милан шаҳри гўзаллашиб кетади – кўчалар сокин, одамлар сийрак, боғларда арғувон дарахтининг муаттар хиди атрофга анқиб, осмонда тўлин ой атрофга ўз нурини сочиб турарди. Коттес ажойиб манзарага маҳлиё бўлиб, дўстлари билан бўладиган учрашувни, улар билан бўладиган баҳсларни, гўзал аёлларни томоша қилиб лаззат олишини хаёлан ўйлаб, виа-Консерватрио кўчаси бўйлаб қадам ташлаб борарди: бу йўл бироз узокрок бўлса-да, лекин ёқимсиз чехраларни кўришдан озод этарди.

Йўл-йўлакай маэстро ажойиб манзарага дуч келди. Узун жингалак сочли ёш йигит йўлкада турганча микрофонни ютиб юборгудек даражада оғзига тутганча неаполитанча кўшиқни ижро этмокда эди. Микрофоннинг сими аккумулятор томон чўзилган бўлиб, кучайтиргич ва карнайга уланган эди, шу сабабли кўшиқчининг овози кўчани бошига кўтарарди. Бу овозда қандайдир шиддатли куч борга ўхшар, гарчи йигит муҳаббат ҳақида куйласа-да, у кимгадир таҳлид қилаётгандек туюларди. Атрофда завқланиб кўшиқ тинглаётган ўнга яқин ўспиринлардан бўлак ҳеч кимса йўқ. Кўчанинг икки томонидаги деразалар зич ёпилиб, пардалари тушуриб қўйилган: уй эгалари бу кўшиқчидан безор бўлганликлари аниқ-таниқ сезилиб турарди. Наҳотки, бу хонадонларда ҳеч ким бўлмаса? Ёки уй эгалари нимадандир хавотирга тушиб, гўё уйда йўқдек, ичдан кулфлаб ўтирган бўлсалар-чи? Клаудио Коттес кўшиқчи ёнига яқинлашди, у жойидан кимирламай кўшиқ айтарди. Унинг овози кулокни қар қилгудек даражада баландлигидан ҳатто карнай ҳам титраб кетмокда: бу кучайтиргич қутиси устида турган ликопчага пул ташлаш кераклиги ҳақида очик-ойдин ишора эди. Лекин маэстро бу ҳолдан уялиб,

<sup>1</sup> *Иоахим, Йожеф* (1831–1907) – венгер скрипкачиси, композитор ва дирижёр.

кадамини тезлатганча унинг ёнидан ўтиб кетди ва орқасидан кўшикчининг анча вақт ғазаб билан қараб турганини ҳис этди.

«Тарбиясиз ит!» – дея у дайди кўшикчини ичида сўка бошлади, чунки унинг тийиксиз қиликлари қайфиятини бузган эди. Лекин Сан-ба-била майдони ёнида бир пайтлар консерваторияда унинг кўлида ўқиб, эндиликда журналистика билан шуғулланаётган ажойиб йигит Бомбассеи билан бўлган қисқа учрашув дилини янада хира қилди.

– Маэстро, сиз ҳали ҳам «Ла Скала»дамисиз? – сўради у устозининг пальто ёқасидан кўриниб турган капалакнусха бўйинбоғига назар ташларкан.

– Иззат-ҳурматни билмайдиган сен, айтмоқчисанки, менинг ёшимда... – хафа бўлиб деди Коттес.

– Ўзингиз яхши биласиз, – деди Бомбассеи, – Маэстро Коттесиз «Ла Скала» «Ла Скала» эмас. Ардуино қани? Нега у ёнингизда кўринмаяпти?

– Ардуино якуний репетицияда. Бугун окшом у банд.

– Э-ҳа, гап бу ёқда денг, – гапга тушунган Бомбассеи жилмайиб бош силкитиб қўйди. – Бугун окшом... у уйда ўтиришни афзал кўрибди-да...

– Тушунмадим? – сўради Коттес бу гапда қандайдир сир борлигини ҳис этиб.

– Ҳозир кўчада жуда кўп бемаза ёшлар санғиб юришибди, – деди ёш йигит ўтган-кетганларга маъноли қараб қўяркан. – Унинг ўрнида мен ҳам шундай қилган бўлардим. Кечирасиз, маэстро, менинг трамвайим келди... Окшомингиз хайрли ўтсин!

Нима бўлаётганини тушунмаган қария ваҳимага тушиб, иккилашиб туриб қолди. У ён-атрофга қараб қўйди, аммо шубҳали бирон нарсани сезмади, фақат майдонда одатдагидан кўра одам сийрак эди. Ўткинчиларнинг кўринишлари ҳам бесаранжом, жиддий. Гарчи Бомбассеининг сўзлари Коттес учун жумбоклингича қолган бўлса-да, хаёлидан ўғлининг айтган гаплари, сўнгги вақтларда қаердандир пайдо бўлган нотаниш дўстлари, Ардуино ҳеч қачон сабабини тушунтириб айтмайдиган ҳар кундаги бир зумда йўқ бўлиб қолишлар бирин-сирин ўта бошлади. Нахотки ўғли қандайдир гурбатли ишга аралашиб қолган бўлса? Бугунги окшом айнан нимаси билан фаркланади? Кўчада жуда кўп санғиб юрган «дўстлар»и кимлар экан?

Ичини нохуш ўй-хаёллар кемирганча Коттес «Ла Скала» олдидаги майдонга етиб келди. У театр олдидаги майдондаги хаяжонда турган томошабинларни, эгниларига ипак матодан тикилган кимматбаҳо кийимларни кийиб, ясан-тусан килиб олган хонимлар ва бекорчи тўдаларни, шунингдек саф-саф турган кимматбаҳо машиналар ва уларнинг ичида бриллиантлару турли хил безакларга беланган очик елкали хонимларни кўриши билан унинг ичини кемираётган ўй-хаёллар бир зумда таркади-кетди. Ваҳимали, эҳтимол фожиаги тун тобора яқинлашиб келмоқда эди, аммо доврўғи дoston «Ла Скала» савлат тўкиб турарди. Сўнгги театр мавсуми давомида бугунгидек ташкикиёфаларнинг гўзаллиги, ясан-тусанлар ва кайфиятлар бу даражада кўтаринки уйғунликда бўлмаган, афтидан, шаҳар бўйлаб таркалаётган хавотирлик умумий кўтаринкиликни янада кучайтираётгандек эди. Сўнгги хузур-халоват тунини кўнгилдагидек ўтказиш ниятида нибе-лунглар Аттиладан кочиби, кирои саройига яқинлашганларидек, гўё ажойиб ва ўзининг ягоналигини яхши хис этувчи баъзи бир воқеадан хабардор одамлар севимли кўрғонга яширинган эмиш, деган хаёлга борар эдилар. Аммо бу воқеадан хабардор кишилар жуда озчиликни ташкил этар эди. Кўпчилик бу ажойиб окшом куни барча нотинчликлар сўнгги аёзлар билан бирга ғойиб бўлади, энди бизни осойишта ёз кунлари кутмоқда, деган хаёлда эдилар.

Клаудио Коттес оломон уни итариб-суриб ёп-ёруғ партерга олиб бориб кўйганини деярли сезмай колди. Соат миллари ўнтакам тўккизни кўрсатиб турарди. Зал томошабинларга лик тўла. Коттес завкланаётган боладек ён-атрофга алангларди. Ҳа, у кошонага илк бор кадам босганидан буён анча йиллар ўтиб кетди. Аммо ўша кундан колган хотиралар худди табиат мўъжизалари колдирадиган хотиралар каби соф ва жонли эди. Ҳозир у билан саломлашаётганларнинг кўпчилиги шундай туйғуни хис этаётганларига ишончи комил. Мана шу негиз асосига ўзига хос кардошлик, софдил «массон»лик<sup>1</sup> курилганди, бегона, хабарсиз одамларда бу хатто кулги уйғотар эди.

Кимлар келмадийкан? Коттес ҳар доимгидек томошабинлар билан тўлган барча ложаларга бир-бир қараб чиқди: йўк, деярли ҳаммалари ўз жойларини эгаллагандилар. Ёнида таникли педиатр Ферро ўтирарди, у театрнинг ашаддий мухлиси, ўнлаб болалар касаллари тузалмай кетсалар-да, унинг тўпиғига чиқмас, аммо бирон-

<sup>1</sup> *Массонлик* – XVIII асрда пайдо бўлган диний-фалсафий оқим.

бир спектаклни сира ўтказиб юбормасди. Ўнг тарафида эса, башанг кийинган кекса эр-хотинлар ўтиришарди (Коттес уларни «бечора қариндошлар» дерди): улар биронта ҳам премьерани ўтказиб юбормасдилар ва сахнадаги барча кўринишларга қарсак чалиб, олқишлар эдилар, аммо ҳеч ким билан сўзлашмас, саломлашмас, ҳатто бир-бирлари билан фикрлашмасдилар ҳам, шунинг учун барча уларни топилмас клакер<sup>1</sup>лар деб атарди: улар партернинг зодагонлар ўтирадиган тарафидан жой олган бўлиб, барча томошабинларга ибрат кўрсатиб, уларни қарсак чалишга ундардилар. Бироз нарироқда эса кўп йиллардан бери Тосканининг у қаерга ўз концерти билан бормасин, кетидан қолмай юрган таниқли иктисодчи, профессор Скьяссига кўзи тушди. Бир вақтлари Скьясси камбағал бўлганлиги сабабли, саёҳатга велосипедда чиқар, тунларни боғдаги харрақларда ухлаб ўтказар, егулигини халтасида олиб юарди. Қариндош-уруғлари ва дўстлари уни мияси бироз қалғиган, деб ўйлар, лекин кўпчилик ўзига яқин олиб, ёқтирарди. Мана, бу ёқда ўтирган муҳандис-гидравлик Беччан; у бойвачча, эҳтимол, миллиардердир, кўшиқ шайдоси: бир ой аввал уни кваттетни севувчилар жамиятига қабул қилдилар (у бунини ўн йиллар давомида орзу қилиб келган экан, шунинг учун у бир ашаддий муҳлис сифатида ҳар қандай ишга тайёр), энди у шу даражада ўзини йўқотиб, манмансираб кетдики, уйда ҳам, ишда ҳам тоқат қилиб бўлмайдиган даражада қалондимоғ бўлиб қолган, авваллари бирон-бир савол билан энг оддий контрабасчини ҳам безовта қилишга журъат этолмайдиган одам, энди уялмай-нетмай Перселле<sup>2</sup> ёки д'Энди<sup>3</sup>лар ҳақида фикр юритарди. Анави аёл ўзининг пакана эри билан собиқ сотувчи Мадди Канестрини жамиятдан ажралиб қолмаслиги учун ҳар бир премьерадан олдин мусиқа тарихи бўйича доцентдан маслаҳат оладиган соҳибжамоллар билан ёнма-ён ўтиришарди. Ана, худди қушнинг тумшугига ўхшаш узун қирғийбурунли княгиня Вюрц-Монтегю. У атайлаб Мисрдан шу спектаклни кўриш учун етиб келибди. Ҳов анави ерда сахна олди бенуар<sup>4</sup> ложасида кўзларини маъюс пирпиратганча соқол қўйган граф Ноче ўтирибди, у театрга

<sup>1</sup> *Клакер* – буржуа мамлакатларида ёлланма олқишчи ёки ёлланма ҳуштакбоз.

<sup>2</sup> *Перселле* (1659 – 1695) – инглиз композитори, «Дидона ва Эней» номли биринчи миллий опера муаллифи.

<sup>3</sup> *д'Энди Венсай* (1851 – 1931) – француз композитори ва дирижёри.

<sup>4</sup> *Бенуар* – томоша залларидаги пастки қават ложалари.



факат балериналар иштирок этадиган спектакллар кўйиладиган кунларигина ташриф буюрарди. У ўзининг завкланишини: «Ана қадди-комат! Оёғининг гўзаллигини-чи!» – деган сўзлар билан ифода этарди. Биринчи ярусдаги ложалардан кўп сонли Сальчеттининг уруғ-аймоклари жой олганлар. Улар қадимги Милан наслидан бўлиб, 1837 йилдан буён «Ла Скала»да кўйилган биронта премьерани ҳам ўтказиб юбормаганликлари билан фахрланадилар. Ана, деярли сахна олд қисми – партер тепасидаги ложа, тўртинчи ярусда камбағаллашиброк қолган Мариццони маркиз<sup>1</sup>лари – онаси, холаси ва турмушга чиқмаган кизи ўтиришарди, улар пастда, иккинчи ярусдаги ўн тўртинчи ҳашамдор ложада ўтирганларга ҳасад билан қараб-қараб кўярдилар. Чунки бир вақтлари бу ложа уларнинг хусусий жойларидан бирига айланган эди. Бу мавсумда эса маблағ танқислиги сабаб у жойдан воз кечишга тўғри келганди. Энг четки жойга ўтиришга мажбур бўлганлар жиддий, ўшшайиб ўтиришларидан нимаси биландир қорақузғунни эслатиб, кўзга камрок ташланишга ҳаракат қилардилар. Мана ҳарбий кийимдаги, адъютант назорати остида ўз оромкурсисида шинавандаларга унча таниш бўлмаган, тўладан келган ҳинд шаҳзодаси ўз курсисида мудраб ўтирарди, унинг нафас олишига монанд ҳолатда султоннинг салласи елпинарди. Бироз нарида эгнига кип-кизил рангдаги, белгача олди очик кўйлақда, тўғрироғи, ўзини кўз-кўз қилиб ўттиз ёшлардаги аёл турарди; айтишларича, бу аёл голливуд юлдузларидан бири экан. Унинг ёнидаги оромкурсисида жуда чиройли, аммо рангпар бола кимир этмай ўтирарди: у рангининг синикканидан шу топдаёқ жон берадиганга ўхшарди. Асосий ракиб гуруҳларига келсак – булар зодагонлар ва йирик буржуалар ҳисобланарди. Улар бу сафар ўз ўринларини бўш қолдирмоқчи эмасдилар: бугун театрга ломбардчи аслзодалар ҳам келган, шунинг учун уларнинг эгниларидаги башанг кийимлари, офтобда қорайган юзлари, мохир чеварлар тиккан оқ кўйлақлар ва қора фраклар барчаси бир кўринишда худди бир шодага ўхшаб кетарди. Эгнига кўкрак кўйлақ кийиб келган соҳибжамол аёлларнинг кўпчиликини ташкил этиши бугунги окшомнинг кўнгилли ўтишидан дарак берарди. Коттес танаффуслардан бирида ёшлиқдаги шўхликларини кўмсаб, тепадан аёллар кўйлақларининг кўкрак қисми қатта очилган қисмига тикилиб

<sup>1</sup> *Маркиз* – баъзи Ғарбий Европа мамлакатларида дворянлар унвони.

карашга жазм этди, у кўйлагида катта зумрад кўзлар яраклаб турган тўртинчи каватдаги ложада ўтирган яқин таниши ва ажойиб контральт<sup>1</sup> соҳибаси Флавия Солни танлади.

Ҳашамдор ложалар ичида яна бир оддий ложа кўзга ташланиб, кийғос очилган гуллар ичида ягона тиканак ўсаётгандек кўринишни эслатарди. Бу ложа учинчи каватда жойлашган бўлиб, у ерда ёшлари ўттиз беш-қирқлардаги эгизакларга ўхшаш котмадан келган, кўринишлари жиддий уч жаноб: бири ўртада, иккиси эса икки ён томондан жой олган эдилар. Эгниларида икки бортли кора костюм ва одми бўйинбоғ бўлиб, атрофдагилардан ажралиб турардилар. Саҳна пардасига тикилиб, эътиборлари ёлғиз шунга қаратилгандек ўтирар, гўё мусика эшитиб, роҳатлангани келган томошабинлар эмас, балки улар чиқарган хукмнинг ижро этилишини кутиб турган ёвуз судьяларга ўхшаб кетардилар. Келган томошабинларнинг кўпчилиги бироз чўчиб, дам-бадам уларга караб-караб кўярдилар. Булар кимлар бўлди? Ўзларининг азага келгандек ўтиришлари билан томошабинларнинг кайфиятини бузишга қандай журъат этдилар. Кимнинг жиғига тегмоқчилар? Уларга кўзи тушган маэстро Коттес ҳам бироз ўйланиб қолди. Бу қандай ёвуз диссонанс<sup>2</sup> бўлди! Коттес бироз қимтиниб, биноклини кўзига тутди-ю, уларга карашга журъат этолмади. Шу тобда кандиллар ўчди. Қоронгиликда оркестр турган жойдаги ним ёруғликда котмадан келган, замонавий мусика дирижёри Макс Ниберли кўринди. Агар шу куни залга журъатсиз ёки асабийлашган томошабинлар келган бўлсалар, унда Гроссеге-мютнинг мусикасидан, баъзиларнинг жазавага тушишидан, гўё тик қоя устига йиғилган бир гала қарғалар каби ёйилиб турган хорнинг дам-бадам саҳнага чиқиб туришидан (кўшиқнинг момақалдиросдек гулдирашидан томошабинлар ҳатто чўчиб ҳам тушардилар) фантазмагорик<sup>3</sup> декорациялар – буларнинг барчаси томошабинларнинг роҳатланиб дам олишига халақит берарди. Ҳа, муаллиф кучли таассуротга эга бўлмокчи бўлган, аммо қандай йўл билан!? Оркестр, хор, кордебалет<sup>4</sup> ижрочилари, дирижёрнинг чиқишидан томошабин-

<sup>1</sup> *Контральто* – аёлларнинг энг паст йўғон овози.

<sup>2</sup> *Диссонанс* – товуш, оҳанг уйғунсизлиги.

<sup>3</sup> *Фантазмагория* – бирор усул билан ҳосил қилинадиган гайритабиий кўриниш.

<sup>4</sup> *Кордебалет* – балетда кўп кишилиқ рақсларни ижро этувчи артистлар гуруҳи.

лар безор бўлиб карсак чалиб юбордилар, бу карсакни олқишлаб эмас, балки бироз дам олишга эҳтиёж сезганларидан чалган эдилар. Ҳашаматли залнинг деворлари титрарди. Учинчи чакирувдан сўнг ижрочилар орасида Гроссгемют кўринди, у сохта табассум билан таъзим қилганча, томошабинларга миннатдорчилик билдирарди. Клаудио Коттес уч ёвуз нусхани эслаб қолди ва карсак чалатуриб, улар ўтирган ложага қаради. Учовлари жойларида аввалгидек кимир этмай бепарво ўтирардилар; улар карсак чалмас, гаплашмас, худди жонсиз ҳайкалдек: балки улар манекендирлар? Томошабинларнинг кўпчилиги фойени айланиб келиш учун чиққанларида ҳам улар пинакларини бузмай ўтиравердилар.

Айнан биринчи антракт вақтида шаҳарда қандайдир тўнтаришга тайёргарлик кўрилаётгани ҳақидаги миш-мишлар томошабинлар орасида тарқалди. «Ла Скала»нинг доимий ихлосмандлари ўзларини вазмин тутдилар, лекин бу миш-мишлар фойеда аста-секин таркала бошлади. Албатта бу миш-мишлар Гроссгемютнинг операси ҳақидаги кизгин баҳсларга тўсқинлик қилолмасди, бу баҳсларда кекса Коттес ҳам иштирок этиб, фақат баҳо беришга шошилмас, Милан шеvasида ҳазиломуз мулоҳаза билдириш билан чекланарди. Ниҳоят, танаффус тугаганлигини билдирувчи кўнғирок чалинди. Театр музейидан залга олиб чикувчи зинада Коттес бир таниш кимсага дуч келиб қолди, бахтга қарши унинг исмини сира эслай олмади. Кимса Коттесни кўриб, мийиғида муғомбирона кулиб кўйди.

– Азизим маэстро, сизни учратганим яхши бўлди, – деди у. – Сизга баъзи бир нарсаларни айтишим керак...

Бу кимса аста ва тагдор килиб гапирарди. Икковлон зинадан пастга тушиб бораркан, томошабинлар оқими уларни дам-бадам бир-бирларидан ажратиб юборарди.

– Мана, ниҳоят, – деди у яна бир-бирлари билан тўқнаш келганларида. – Қаерга ғойиб бўлдингиз? Назаримда, сиз ерга кириб кетгандек туюлдингиз менга. Худди Дон Жуан каби!..

Нотаниш кимса ўзининг бу ўхшатишидан мамнун бўлганча, юрак-юракдан узок кулди, сўнг ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб олди. Ўзини нокулай сезган кекса Коттес унинг нима дейишини кутиб турарди. Улар пиллапоянинг ниҳоясига етиб қолгандилар.

– Майли, – деди нотаниш кимса шивирлаб, – сизга бир гап айтаман, лекин орамизда қолсин. Тушундингиз-а, гап болалаб кетмасин, дурустми?.. Яна йўқ нарсага аввалдан... Мени тўғри тушу-

нинг... Нима деб айтсам экан-а... Мен расмий... нима десам экан, гап таркатмокчи... яхшиси, очигини гапирганим маъкулмикан?

– Ҳа, ҳа, албатта, – ховликиб деди Коттес юрагида яна ваҳима уйғониб. Бомбассен билан учрашганда бундан баттар ваҳимага тушган эди. – Ҳа... Биласизми, сизни ишонтириб айтаманки, ҳеч нарсага тушунмаянман...

Театр залига кириш учун иккинчи кўнғирок чалинди. Улар чап тарафдаги партер томон олиб боровчи дахлиз бўйлаб юра бошладилар.

Зина ёнида оромкурси томон ўтиладиган жойда ноганиш галати бир жаноб тўхтади-да:

– Кечирасиз, сизни ёлғиз колдиришимга тўғри келади, – деди. – Менинг жойим партерда эмас... Ҳа, шундай килиб... Ўйлайманки, ўғлингиз, композиторга шуни айтиб қўймоқчи эдимки... яхшиси, учрашганим маъкулмиди, ҳа... Мен шундоғам кўп гапириб юбордим, шунинг учун...

У кулиб кўйди-да, қўл силкиб, кизил гилам солинган кимсасиз дахлиз бўйлаб югурганча кетди.

Кекса Коттес ўзини йўқотган кўйи қоронғи залга кириб келди, ўтирган томошабинлардан кечирим сўраб, ўз оромкурсиси томон ўта бошлади. У тамоман ваҳимага тушганди. Аҳмоқ Ардуино нима ишлар килиб юрибди? Бундан чиқди, бутун Милан билган нарсани нахотки отаси бўлатуриб билмаса, бу нима деган гап ўзи, гап нима ҳақда кетяпти? Бу таниш, сирли жаноб ким бўлди экан? У билан қаерда танишган эди-я? Коттес у билан илк бор қаерда учрашганини эслашга зўр бериб уринди. У мусикадан тамоман беҳабарга ўхшайди. Хўш, у билан қаерда учрашди экан? Балки чет элдамикан? Қайсидир меҳмонхонада дам олаётган пайтдамикан? Йўқ, Коттес қанча уринмасин, уни қаерда кўргангани асло эслай олмади...

Бахтига, ниҳоят иккинчи сахна ниҳоясига етганди, кекса Коттес, бояги жанобни топиш мақсадида безовталаниб атрофга аланглай бошлади. Ҳозир уни кидириб топади-да, бор гапни айтишга мажбур этади, айтмаслигига қўймайди, бунга унинг ҳаққи йўқ... Лекин номаълум жаноб ҳеч қаерда кўринмасди. Коттес ногаҳон хўмрайган нусха ўтирган ложа томон қаради. Ҳозир улар учта эмас, балки тўртта бўлиб, тўртинчи киши улардан бироз орқарокда ўтирарди. Коттес дарҳол кўзига биноклни яқинлаштирди. Бу кимса урфдан

қолган смокинг ва уринган кўйлақдалиги унинг фақирлигини билдирарди. Келиб кўшилган бу янги одамнинг ёнида ўтирган уч нусхадан фарқи, ўзича айёрона кулиб ўтирарди. Маэстронинг баданидан чумолилар югуриб ўтгандек бўлди.

У чўкаётган кимса хасга ёпишгандек киёфада профессор Ферро томон ўгирилди.

– Кечирасиз, профессор, – деди у бирдан, – Сиз анави учинчи қаватдаги бинафшаранг кўйлақ кийган хонимнинг чап тарафидаги ложада ўтирган учта ёқимсиз нусхалар ким эканлигини билмайсизми?

– Ҳа, анави учта нусхани назарда тутяпсизми? – кулиб гапга аралашди педиатр. – Ахир улар бош штаб-ку! Бош штабнинг деярли барчаси келибди-да.

– Бош штаб дейсизми? Қанақа бош штаб?

Ферро Коттеснинг бу гапидан яйраб кулди.

– Маэстро, сиз доимгидек еттинчи осмонда учиб юрибсиз. Очигини айтсам, сиз бахтли одамсиз!

– Генерал бош штаби қанақа ўзи? – тинмай сўрарди сабр-тоқати тўлиб бораётган Коттес.

– Эй худоим-ей, «Морцист»ларнинг бош штаби!

– «Морцист»ларнинг? – қайта сўради хаёли паришон қария.

«Морцист»лар... Қандай даҳшатли сўз! Коттес на «улар» томон, на уларга «қарши», қизиқмаган ҳам, умуман бу ишлардан беҳабар, лекин фақат «морцист»лар кимлигини билади, холос – улар хавфли одамлар, яхшиси, уларга кўшилмаган маъқул. Аҳмоқ ўғлим Ардуино «морцист»ларга қарши чиқиб, уларнинг ғазабига дучор бўлиб ўтирибди. Бор гап шу. Демак, бу мияси йўқ болакай сиёсий фитналар билан шуғулланиб юрган экан-да! Мусикаси билан шуғулланиб, дурустроқ куй яратса бўлмасмиди? Албатта, у кечиримли, оккўнгил, сабр-тоқатли ота, аммо ҳамма нарсанинг ҳам чек-чегараси бор: эртагаёқ у кўнглидаги бор гапни ўғлига тўкиб солади. Телбаларча кеккайиб ҳаётини хавф остига қўйса-я, ярамас бола! У дарҳол нотаниш кимсадан ўғли хақида сўраб-суриштириш фикридан қайтди, чунки у билан бўладиган сўзлашув фойдадан холи бўлмаса-да, барибир энди кеч. «Морцист»лар ҳазилни ёқтирмайдилар. Одамгарчилик қилиб уни огоҳлантирганлари учун ҳам раҳмат. Коттес ўгирилиб қаради. Унинг назарида ҳамма унга қараётгандек, қараганда ҳам таъна билан қараётгандек эди. Ҳа, бу «морцист»лар

жуда хавфли, туткич бермас нусхалардир. Уларда куч бор. Ардуино бу ярамастарнинг китик патига нега тегади, а?

Коттес аранг ўзига келди.

– Маэстро, мазангиз кочдими? – сўради ундан профессор Ферро.

– Нима дедингиз? Йўк, нега... -- жавоб килди у аста ўзини кўлга олиб.

– Негадир тўсатдан рангингиз оқариб кетди... Бундай ҳолат ҳаво димлигидан бўлиб туради... Узр.

– Нималар деяпсиз... Меҳрибонлигингиз учун сизга катта раҳмат, – жавоб килди Коттес. – Бироз бўшашиб кетдим, начора, кексалик!

Коттес ўрнидан туриб, ташқарига чиқишга чоғланди. Тун бўйи кийнаб чиққан босинкираш тонгда чиққан қуёшнинг нурлари таъсирида тарқаб кетганидек, фойенинг оппоқ мрамари, башанг кийинган, кўринишидан соғлом кўринаётган томошабинларнинг тетик чиқиб келишлари кекса мусиқачининг кўнгил ғашлиги ёзилшига бироз ёрдам берди. У бироз чалғиш ниятида баҳслашаётган бир гуруҳ танқидчилар ёнига борди.

– Ҳар ҳолда, – дер эди улардан бири, – хор ажойиб, бирон нарса дейиш кийин.

– Мусиқасиз хор худди натурасиз рассомликка ўхшайди, – деди бошқа бири. – Муваффақиятга тез эришиш мумкин, аммо бундай қилмаслик керак.

– Майли, шундай бўла қолсин. Аммо биз қаёққа қараб кетаяпмиз, – дея соддалик билан сўради яна бир танқидчи. – Ҳозирги замон мусиқасида на ташқи таассуротлар, на назокат, на эҳтирос, на хуш оҳанглик, на оддийлик, на сайқал бор...

Коттес ўғли яратаётган мусиқани ўйлаб кетди.

Гроссгемют операси катта муваффақият қозонган эди, гарчи театрда ўтирган томошабинларнинг биронтаси опера мусиқасини самимий мактамаган бўлсалар ҳам. Умуман, одамлар бирон-бир мусиқали асарни муҳокама қилмоқчи бўлсалар, унинг афзалликларини бадний етуклигини, туб моҳиятини таҳлил қилаётганларида ўзларига ишончлари жуда ортиб кетади. Бунинг устига, замонавий асарларни тинглаб, кўнгилни ёзиш мумкинми? Аввалдан барчага маълумки, янги мактаб асосчилари кўнгилхушлиқдан қочар, улардан буни талаб қилиш кечириб бўлмас фаросатсизлик саналар эди.

Кўнгилхушликни истаганларга варьете, кадимги кўрғон деворлари якинида луна-парклар мавжуд эди. Бирок Гроссгемот асарининг оркестрлаштирилиши энг юкори пардада ижро этаётган хонандларнинг овозлари ва кулок пардаларини коматга келтираётган хор кўшиклари томошабинларни бирмунча асабийлаштирди. Майли, бироз кўполрок бўлса ҳам томошабинларни фаолрок бўлишга ундади – буни инкор этиб бўлмайди, албатта, жунбишга келган томошабинлар сўнгги ноталар овози тугаши билан гулдурос карсақлар чалганча, «Койил!» деб кичкиришлари мусикачининг катта муваффакияти эмасми, ахир?

Узун якуний ва хаяжонлантирувчи сахна томошабинларни завкшавкка тўлдириб юборди. Бу сахнада подшо Ироднинг жангчилари болаларни нобуд килиш мақсадида Вифлеемга бостириб кирадилар, оналар эса остонада туриб, уларга гўдакларини тутадилар; спектакль охирида осмон тундлашади ва сахнадан карнайларнинг кулокни коматга келтирувчи овозлари янграб, Исо Масихнинг куткарилганлиги хакида хабар берадилар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, рассом, декоратор ва айникса, хореограф ва сахналантирувчи Йоханн Монклар мужмалликдан кутулишнинг уддасидан чиққан эдилар: Париждаги жанжал уларга яхши сабоқ бўлиб, подшо Ирод Гитлерга ўхшаб кетмай, балки нордик хусусиятларга, кўпрок Зигфридга ўхшаб кетарди, асосан, бошларидаги шлем шакли туфайли жангчиларнинг ташки кўринишида ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмаган эди.

– Бу қанақасига Ироднинг подшолиги бўлди? – дер эди Коттес. – Ахир бу оберкомендатуранинг ўзи-ку.

Бадий безаклар ниҳоятда ажойиб ишланган эди. Қотиллар ва оналарнинг хор жўрлигида ижро этган сўнгги фожиавий ракси томошабинларда жуда катта таассурот қолдирди. Монкларнинг янги талқини – агар уни янги деб айтиш мумкин бўлса – ўзининг жуда оддийлиги билан ажралиб турарди. Аскарлар (хатто уларнинг юзлари ҳам) қора рангда, оналар эса оқ рангдаги кийимда эдилар, кўлларида ёғочдан ясалган кўғирчоқлар (дастурда ёзилишича, хайкалтарош Баллареннинг эскизлари бўйича ясалиб, жуда синчковлик билан ишлов берилибди) ёркин кизил рангга бўялган эди. Булар худди тирик болаларга ўхшатиб ишланганди. Сахна тўридаги гунафшаранг фонда уч хил рангнинг – оқ, қора ва кизил ранглар-

нинг турли хил уйғунлашувлари ва дам бирлашиб, дам тарқалиб рақсга тушаётган раққосалар гуруҳи бир неча маротаба томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

– Гроссгемютнинг юлдуздек чараклаб туришини қаранг! – деди Коттеснинг орқасида ўтирган хоним муаллиф сахнага чикканида.

– Нимасини айтасиз, – жавоб қилди маэстро. – Унинг ҳатто кал боши ҳам ойнадек яракляпти-я!

Машҳур композиторнинг боши ҳақиқатан ҳам кал эди (эҳтимол, у кирилгандир), кўринишидан тухумга ўхшаб кетарди.

Учинчи каватдаги «морцист»лар ложаси аллақачон бўшаб қолган, томошабинларнинг асосий қисми кўйилган спектаклдан қониқиш ҳосил қилиб, уй-уйларига тарқамокда эдилар. Жамиятнинг бойваччалари эса зиёфатда иштирок этиш мақсадида фойега ошиқдилар. Оқ ва пушти ранг гортензия гуллари солинган ҳашамдор гулдонлар кучли ёритилган хонанинг бурчакларига кўйиб кўйилган эди. Меҳмонларни бадий раҳбар маэстро Росси-Дани ва театр директори Гирш ўзининг соҳибжамол бўлмаса-да, лекин ёқимтой рафикаси билан эшик олдида кутиб олдилар. Бироз орқарокда ўзининг шу ердалигини кўз-кўз қилиб ва шу билан бирга, энди унга тегишли бўлмаган ҳокимиятни намойиш қилмасликка ҳаракат қилганча маэстро Королло билан суҳбатлашаётган Пассалаккуа хоним ёки оддий қилиб айтганда, донна Клара турар эди. Кўп йиллар аввал бу аёл ўша вақтдаги бадий раҳбар маэстро Тарранинг қотибаси ва ўнг қўли бўлган эди. Ёши ўттизга бормай бева бўлиб қолган бу бадавлат аёл йирик Милан саноатчилари оилалари билан қариндош бўлган, у шундай мавкега эга эдики, ҳатто Тарранинг вафотидан кейин ҳам уни тенги йўқ шахс деб ҳисоблашарди.

Албатта, уни фитначи деб атайдиган душманлари ҳам йўқ эмасди, лекин у билан учрашганда суҳбатдошлар ҳурматини жойига қўяр, гарчи ҳеч қандай айблари бўлмаса-да, ҳамма ундан чўчирди. Янги бадий раҳбарлар ва директорлар бу аёл билан яхши муносабат ўрнатиш кераклигини тушунардилар. Афишалар тузаётганда ва роллар тақсимланаётганда, албатта, донна Клара билан маслаҳатлашардилар, агар ҳокимият билан артистлар ўртасида бирон-бир келишмовчилик бўлгудек бўлса, доимо унга мурожаат этардилар, шунинг тан олиш керакки, бундай ишларни дўндиришга



унинг суяги йўқ эди. Бундан ташқари, ҳурмат юзасидан донна Кларани маъмурий кенгашга аъзо этиб сайлардилар – бу аъзолик амалда бир умрликка сайланарди, чунки уни қайта сайлаш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Фақат фашистлар томонидан таъинланган директор-коммендатор Манкузо оккўнгил киши эди-ю, лекин ишни яхши юргиза олмасди. У донна Кларани ишдан олиб ташламокчи ҳам бўлган. Аммо уч ойдан сўнг маълум сабабларга кўра Манкузонинг ўзини театрдан, директор лавозимидан ишдан олиб ташладилар.

Донна Клара гўзал бўлмаса-да, жуссаси кичик, қотмадан келган, кўримсиз, доимо палапартиш кийинадиган аёл эди. Ёшлигида у отдан кулаб, оёғини синдириб олган, шундан буён у бироз оксокланиб юрарди (шу сабабли душманлари унга «Оксок шайтон» деган лақабни қўйиб олгандилар). У билан бир неча дақиқа гаплашган одам унинг қанчалик ақлли аёл эканлигини билиб оларди. Ажабланарли томони, кўшлар уни ёктириб ҳам қолардилар, ёши бир ерга бориб қолганлиги сабабли – донна Клара олтмиш ёшдан ошган эди – унинг обрўси янаям ортганди. Аслида театрнинг директори ва бадий раҳбари унга қарам эдилар. Донна Клара уларни шундай мохирлик билан бошқарар эдики, бошликлар ҳеч нарсани сезмай, театрда ўзларини диктатор дея ҳисоблардилар.

Меҳмонларнинг кети узилмасди. Улар жуда таниқли ва ҳурматли одамлар, яқинда Париждан келтирилган либослар, кўзни камаштирувчи такинчоклар, гунча лаблар, очик елкаларга қарашдан, ҳатто художўй руҳонийлар ҳам ўзларини тийиб тура олмасдилар. Улар билан бирга фойега йиғилган меҳмонлар орасида дам эсланиб, дам эсланмай, гўё узокдан келаётган акс садодек эшитилаётган мишмишларни эслатувчи кўркув ҳам йўқ эмасди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда одамлар бир-бирларининг кулоқларига шивирлаганча рўй бераётган ваҳимали гапларни сўзлардилар, шунингдек, шубҳали кулгилар, қандайдир тушуниб бўлмас хитоблар эшитиларди. Ниҳоят, таржимонлар ҳамроҳлигида залга Гроссгемют кириб келди. Уни француз тилида табриклай бошладилар (кўпчилик бу тилда кийинчилик билан сўзлашарди), сўнг композиторни зиёфат бўлаётган жойга қузатиб қўйдилар. Унга донна Клара ҳамроҳлик қиларди. Бундай ҳолларда, доимо бўлганидек, чет тилини билишлари учун қаттиқ имтиҳондан ўтказиларди.

– Un chef-d'œuvre, véritablement, un vrai chef-d'œuvre!<sup>1</sup> – тинмай такрорлар эди театр директори Гирш (фамилиясига караганда, у хакикий неаполитанлик эди), афтидан у шу жумладан бошқасини айтолмас эди.

Гроссгемютнинг ўзи ҳам бир неча ўн йиллар мобайнида Дафинада<sup>2</sup> истикомат килиб келаётганига карамай, ўзини анча ночор хис этарди, унинг бўғзидан чиқадиган чийилдок овози гапини тушунишга халакит берарди. Оркестр дирижёри маэстро Ниберль ҳам аслида немис бўлиб, французчани яхши билмасди. Сухбатни керакли вазиятга буриш учун маълум вақт керак бўлди: бременлик раккоса Марта Витт кандайдир бальонча шевада итальянчани жойинга қўйиб гапириши назокатли меҳмонлар учун ягона тасалли ва совға бўлди.

Хизматкорлар пиширикларни дастурхонга тортгунча меҳмонлар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиниб олдилар.

Гроссгемют котиба билан кандайдир муҳим иш тўғрисида шивирлашиб сўзлашаётган эди.

– Je parle d'avoir aperçu Lenotre, – деди у. – Etes-vous bien sûre qu'il n'u soit pas!<sup>3</sup>

Ленотр «Монд» журналининг мусика танкидчиси эди, у Париж премьерасидан сўнг, Гроссгемютни қаттиқ танкид остига олганди. Агар бу окшом Ленотр шу ерда бўлганида борми, Гроссгемютга ундан ўч олишга имкон туғилган эди. Афсуски, месье Ленотр кўринмасди.

– A quelle heure pourra-t-on lire «Коррьере делла сера?» – буюк инсонларга хос бўлган бетакаллуфлик билан сўради композитор донна Кларадан. – C'est le journal qui a le plus d'autorité en Italie, n'est-ce pas, Madame?

– Au moins j'n le dir, – кулиб жавоб берди Клара, – Mais, jusqu'a demain matin...

– On le fait pendant la nuit, n'est-ce pas, Madame!

---

<sup>1</sup> Шоҳ асар, ха, ха, хакикий шоҳ асар!(Франц.)

<sup>2</sup> Франциянинг жануби-шарқий қисмида жойлашган марказий Гренобль хисобланган тарихий вилоят.

<sup>3</sup> Мен Ленотрни кўргандекман... У бу ерда йўқлигига ишончингиз комилми?(Франц.)

– Oui, il parait le matin, Mais je crois vous donner la certitude que ce sera une espece de paneqyrique. On m'a dir que le critique, le maitre, Frati, avait J'air nudement bouleverse<sup>1</sup>.

– Oh, bien, ca serait trop, je pense, – деди у, шу тоб кандайдир яхши гап айтгиси келиб кетди. – Madame, cette soiree a la grandeur, et bonheur aussi, de certains re'ves... Et a' propos, je me rapnelle un autre journal... «Мессаро», si je ne me trompe pas...<sup>2</sup>

– «Мессаро?» – сўради донна Клара тушунмай.

– Peut-e'tre<sup>3</sup>, «Мессажеро?» – деди Гриш.

– Oui, oui «Мессажеро», je voulais dire...<sup>4</sup>

– Mais c'est a' Rome<sup>5</sup>, «Мессажеро!»

– JJa envoie' tout de meme son critique, – дея мехмонлардан кимдир хабар килди ва сўнгра узок вақт хамманинг эсида қолган, унинг нафислигини фақат Гроссгемют кадрламаган жумлани кўшиб кўйди: – Maintenant il est derriere a' telephoner son reportage!<sup>6</sup>

– Ah, merci bien. J'aurais envie de le voir, demain, ce «Мессажеро!» – деди Гроссгемют ва котиба томон энгашиб, унга тушунтириш берди: – Apres tout c'est un journal de Rome, vous comprenez?<sup>7</sup>

Шу пайт уларнинг ёнига бадий раҳбар ташриф буюриб, маъмурият номидан Гроссгемютга кўк шойи мато билан қопланган ғилофда санаси ва операнинг номи ўйиб ёзилган олтин медални тақдим этди. Ҳаяжонли онлар бошланди, миннатдорчилик сўзлари айтилди; бу айтилган мактовлардан композитор тўлкинланиб кетди.

---

<sup>1</sup> Қачон ўқиб чикса бўлади?... Хоним, бу Италиядаги энг нуфузли газета-ку, шундай эмасми?

– Тўғри, шундай дейдилар... лекин эртаги тонггача...

– Уни тунда босадилар-ку, тўғрими хоним?

– Ҳа, у эрталаб чикади. Менимча, бу ҳақиқий мадхия бўлади. Эшитишимга қараганда, танкидчи мэтр Фрати жуда ҳайратда қолган экан.

<sup>2</sup> Бу жуда ҳаддидан ошиш бўлур эди, менимча... Хоним, бундай лабдабали, самимий қабул ҳақида мен орзу қилишим мумкин... Ҳа айтгандай, яна бошқа газета ҳам бор эди... агар янглишмасам... (Франц.)

<sup>3</sup> Эҳтимол. (Франц.)

<sup>4</sup> Ҳа, ҳа... Мен айтмоқчи эдимки... (Франц.)

<sup>5</sup> Лекин бу Римда-ку... (Франц.)

<sup>6</sup> Барибир улар ўз танкидчиларини юборибдилар. Унинг телефон орқали берган репортажининг ўзи муҳим воқеа бўлди. (Франц.)

<sup>7</sup> О, қатта раҳмат. Эртагаёқ шу газетани кўрсам девдим... Тушундингизми? Бу ҳар ҳолда Рим газетаси. (Франц.)

сўнг ғилофни котибага бердилар, у эса кутичани очиб, ҳайратланиб кулди-да, маэстронинг кулогига шивирлади:

– Epatant! Mais ca, je m’u connais, c’est du vermeil!<sup>1</sup>

Кўпчилик меҳмонларнинг фикри-зикри бошқа ёқда эди. Улар намойиш этилган спектаклдаги болаларни савалаётганларини ҳамон эсларидан чиқара олмай, ўша сахна ҳаёлларидан кетмасди. «Морцист»лар томонидан кутилаётган ғанимлиқ энди ҳаммага ёйилиб, шов-шув бўлаётганди.

Миш-мишлар оғиздан-оғизга кўчиб, одатда ҳеч нарса билан иши бўлмай юрадиганларнинг кулогига ҳам етиб борган эди, жумладан, маэстро Клаудио Коттесга ўхшаганларга ҳам. Лекин очигини айтганда, ҳеч кимнинг бунга ишонгиси келмасди.

– Шу ойда тартибни сақлаш хизматига яна янги кучлар келиб кўшилди. Ҳозир шаҳарда йигирма мингдан ортиқ полициячи бор ва яна карабинерлар... яна армия... – дер эдилар баъзилар.

– Армия бўлса бўлар! – эътироз билдирдилар бошқалари. – Ҳал қилувчи лаҳзада кўшинлар ўзларини қандай тутишини ким билади дейсиз? Агар уларга ўт очилсин, деб буйрук берилса, ота бошлармиканлар?

– Мен ўткан кун айнан шу масалада генерал Де Маттеис билан гаплашган эдим. У армия юксак маънавий руҳда эканлигига ишонч билдирди. Фақат куроллар... тўғри келмайди...

– Тўғри келмайди? Нега?..

– Жамоат тартибини сақлаш учун... Бу ишда кўпроқ кўз ёши оқизувчи гранаталар керак бўлади... Яна унинг гапига қараганда, бундай ҳолатларда отликлардан яхшиси йўқ... Амалда зиён келтирмайди, аммо самараси яхши... Лекин ҳозир бу отликларни қаерданам топасан?..

– Азизим, менга қара, ҳозир уй-уйимизга тарқалиб кетганимиз яхши эмасми?

– Уй-уйимизга? Нега энди? Уйда биз хавфсизроқ ўтирамыз дейсанми?

– Худо ҳақи, ваҳима қилманг. Ахир ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку... Мабодо, содир бўлса ҳам эрта-индиндан олдин бўлмайди... Тўнтаришлар қачон тунда содир бўлган?.. Ҳамма эшиклар беркирилиб, кулфлаб кўйилган... Кўчада ҳеч зоғ йўқ... Жамоат тартибини сақловчи кучлар учун бундай ҳолат роҳатижон бўлур эди!..

<sup>1</sup> Ажойиб! Менимча, унга тилла суви югуртирилган. (Франц.)

– Тўнтариш дейсизми? Тавбангдан кетай, эй, раҳмдил парвардигор, Беппе, эшитдингми?.. Жанобнинг гапига караганда, тўнтариш бўлармиш... Беппе, айт, нима қилишимиз керак?.. Ҳой, Беппе, эшитяпсанми? Мурдадай қотиб туришини қаранг!

– Учинчи кўринишдаёқ «морцист»ларнинг ложалари бўшаб қолганини сездингми?

– Квестура ва префектура ложалари ҳам бўшаб қолганди, азизим... Ҳарбийлар ложаси ҳам... Ҳатто хонимлар ҳам кетиб қолишганди... Худди аввалдан хавфни билгандек...

– Префектурадагилар ҳам ухлашмаётгандир... У ерда ҳаммаси маълум... «Морцист»лар орасида ҳукумат одамлари ҳам бор, ҳатто уларнинг қуйи ташкилотларида ҳам. Ва ҳоказо. Театрга келганларнинг ҳар бири, «ҳозир уйда бўлиб қолсак, биздан бахтли одам бўлмасди», деган хаёлга бордилар. Аммо бу ердан кетишга ҳеч кимнинг юраги бетламасди. Барчалари ёлғиз қолишдан, сокинликдан, бедарак кетишдан, тўшакда ағанаб ётганча кўчадаги дастлабки бакир-чакирларни кутиб, уйқусиз тонг оттиришдан кўрқар эдилар. Бу дахлсиз худудда сиёсатдан узоқ бўлган танишлар орасида – эътиборли шахслар ёнида одамлар ўзларини деярли хавф-хатардан йирокда ҳис этар эдилар, «Ла Скала» улар учун театр эмас, балки дипломатик ваколатхонадек эди гўё. Сўзамол эркаклар ва чиройли нарсаларни ёктирадиган сохибжамол аёллар истикомат қиладиган барқарор, бахтли, зодагонларга хос цивилизациялашган ва жуда барқарор бу дунё бир зумда яқсон бўлиб кетишини тасаввур қилиш мумкинмиди?

Бир оз нарида бундан ўттиз йил аввал «италиялик Анатолий Франс» деб ном олган ёш, икки юзи нақш олмадек қизил, мўйлови бироз оқарган, эркатой, келишган Теодоро Клисси оксуякларга хос димоғ билан сурбетларча ҳамма чўчиётган нарса ҳақида оғиз кўпиртириб гапирмоқда эди.

– Биринчи вазифа, – дер эди у насихатомуз ёш болаларга ҳисоблашни ўргатаётгандек ўнг қўл бармоқлари билан чап қўлининг қатта бармоғини қайира туриб, – шаҳарнинг муҳим марказларини қўлга олишдир... Эй, худойим, шуларни амалга оширишга улгурмаган бўлсинлар-да илойим, – шундай дея у кулимсираб қўл соатига қараб қўйди. – Иккинчи вазифа, хонимлар ва жаноблар, бизга қарши одамларни йўқотишдан иборат.

– Эй, худо! – деган сўз иктисодчи Габриэллининг рафикаси Мариунинг оғзидан чиқиб кетди. – Болаларим уйда ёлғиз қолган эди-я!

– Болаларнинг бунга алоқаси йўқ, ҳурматли хоним, улардан хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Катта ўлжа кўлга туширилаяпти: болалар эмас, фақат катталар ва тўлик вояга етганлар керак бизга! – Клисси ўз ҳазилидан ҳузурланиб кулиб кўйди.

– Сенинг энаганг йўқми? – ҳар доимгидек ўйламай хитоб қилди соҳибжамол Кэтти Интроцци.

Жарангдор ва дағал овоз эшитилди:

– Кечирасиз, Клисси, наҳотки сиз ўзингизнинг гапингизни тўғри деб ўйласангиз?

Сухбатга аралашган аёл миланлик энг ажойиб, ёш, гўзал хоним Лизелора Бини эди. У ўзининг тўғриси ўз ва ёқимтойлиги билан ҳаммага ёқарди.

– Ана, холос! – кичкирди бошқа биров, биров хижолат тортиб ҳазиломуз оҳангда. – Мен гўзал аёлларимизни кутилмаган нарсага тайёрламокчи эдим...

– Кечирасиз, Клисси, шунинг билмокчи эдимки, хавфсизлигингиз таъминланганлиги учун ўзингизни эркин тутяпсизми?

– Қандай қилиб хавфсизлигим таъминланган экан?

– Ортикча гапни кўйинг Клисси, ҳаммага маълум бўлган нарсани такрорлашга мени мажбур қилманг! Бу инкилобчилар орасида яқин дўстлари бўлганлиги учун ҳам ким унга таъна қиларди?.. Аксинча, бу эҳтиёткорлиги учун у мактовга сазовор эди. Эҳтимол, тез орада бунга ишонч ҳосил қилармиз... Биласиз, сизларни кийноққа дучор қилмайдилар...

– Нимага дучор қилмайдилар?! Сиздан сўраяпман, нимага дучор қилмайдилар, – ранги оқариб хитоб қилди Клисси.

– Жин урсин, девор тагига турғизмайдилар, демокчиман! – деди у Клисси томон ўгирилиб. Йиғилганлар эса ўзларини кулгидан зўрға тутиб турардилар.

Оломон тарқалди. Клисси деярли ёлғиз қолди. Қолганлар эса бир чеккага ўтишди. Лизелора гўё кўшга кўшилгандек мадорсизланиб ерга ўтириб қолди. У, Бальмен тиккан ва хойнаҳой нархи икки юз минг атрофида бўлган, зиёфатларга қиядиган кўйлагининг бурмаларини тўғрилай бошлади ва хаёлидаги айбловчи билан бўлаётган баҳсда ўзи мансуб бўлган синфнинг манфаатларини қизгин ҳимоя қила бошлади. Унга эътироз билдирадиган одам топилмаганлиги учун Лизелора уни яхши тушунмаётгандек туюлди ва атрофдагиларни бошдан-оёқ кўздан кечиратуриб, унинг болаларча жаҳли чиқди.

– Биз қандай қурбонлар бераётганимиз уларга маълуммикан? Хазинада бир тийин йўклигини улар билишармикан?.. Қимматбаҳо нарсалар?.. Эҳ, қимматбаҳо буюмлар! – шундай дея у гўё кўлидан икки юз граммли қимматбаҳо тошли олтин билакузукни ечиб олмоқчи бўлаётгандай хатти-ҳаракат килди. – Бунисига нима дейсиз!.. Агар биз такинчокларимизнинг барчасини унга топширсак, хўш, унда нима ўзгаради?.. Йўк, гап бунда эмас... – йиғламсираб гапирди у, – гап шундаки, уларнинг бизни кўришга кўзлари йўк... Улар бизнинг афт-ангоримизга, маданиятли одамларнинг кўринишига, уларга ўхшаб биздан нохуш хид келишига чидай олмайдилар... Мана у – ўша хайвонлар эришмоқчи бўлган «янги адолат!»

– Тилингга эҳтиёт бўл, Лизелора, деворнинг ҳам кулоғи бор, – деди қандайдир бир ёш қимса.

– Улардан кўрқадиган жойим йўк! Нима, билмайди дейсанми, мен эрим билан уларнинг рўйхатида биринчилар қаторида турибман. Тилимга эҳтиёт бўлмайман! Биз жуда эҳтиёткор бўлдик, бизнинг бахтсизлигимиз ана шунда! Ҳозир эса... – дея унинг тили тутилиб қолди. – Майли, гапирмай кўя қолай...

Боши айланиб, гангиб қолган одам ёлғизгина Клаудио Коттес эди. У гўё одамхўрларнинг қишлоғини четлаб ўтаётган, сўнг хавфсиз жойларда сайр қилатуриб, эҳтиёткорликни унутганча, гўшаси яқинидаги буталар орасида «ням-ням» кабиласига мансуб бўлганлар найза ушлаб турганларини ва буталар орасидан мўралаб турган юзлаб чакнок кўзларни кўриб қолган изкуварга ўхшаб кетарди. «Морцист»ларнинг амалий ҳаракат бошлаётганликларини эшитган бизнинг кекса пианиночимизни қалтироқ босди. Бир неча соат мобайнида унинг бошига қанча нохуш хабарлар ёғилди: аввал номаълум кишининг пўписи билан қилган кўнғироғи, сўнг Бомбассеннинг шамалари, ғалати жанобнинг огоҳлантиришлари ва ниҳоят, яқинлашиб келаётган фалокат. Ардуино бунчалар аҳмоқ бўлмаса! Агар исён бошлангудек бўлса, «морцист»лар уни тинчитиб юборадилар. Энди унга ёрдам беришнинг иложи йўк – кеч бўлди! «Ахир ўша нотаниш нусханинг огоҳлантириши етарли ишора эмасмиди? – дея ўзига-ўзи тасалли берарди. – Ардуинодан шубҳаланаётганларини билдирмайдами?» – «Хўш, нима бўпти?» – шу ондаёқ ичидан келаётган бошқа овоз эътироз билдира бошлади. – «Исёнчиларга ҳар қандай сабаб ҳам етарли. Уларнинг ай-

нан шу бугун огоҳлантиришлари маккорлик ҳам бўлиши мумкин. Ўғлим Ардуино энди уларнинг тузокларидан чикиб кета олмайди!» Қариянинг ичини ит тирнар, асабийлашганча ўзини босолмай ташвишли кўринишда таскин берувчи бирон-бир янгиликни эшитиш умидида гоҳ у гуруҳ ёнига, гоҳ бу гуруҳ ёнига танда кўяр, лекин у яхши гап эшитмасди. Доим тетик ва гапга чечан ҳолда кўришга ўрганган дўстлари унинг ҳозирги ташвишли ҳолатидан ташвишга тушар, лекин уларнинг ҳам ташвишлари ўзларига етарли эди. Бу кўнгилчан қариянинг кўнглини кўтаришга уларнинг вақти йўқ эди: уларнинг фикрича, бу гал бирон нарсадан чўчишга асос йўқ, деб ўйлардилар.

У фойеда у ёқдан-бу ёққа танда кўяркан, паришонхотирлик билан қадахларни бирин-кетин бўшатар, хизматкорлар эса кетма-кет шампан виносини унга узатиб турардилар. Шароб унинг миясига уриб, ўй-хаёллари борган сари чалкашиб борарди.

Кутилмаганда унинг миясига бир фикр келди: бу ҳақда олдинроқ ўйламаганлигига ўзи ҳам ажабланди. Уйига келиб, ўғлини огоҳлантирмоқчи бўлди, уни бирон кимсаникига яширинишга кўндириши керак. Унинг ишонган дўстлари бор. Коттес соатига қараб кўйди – бирдан ўн дақиқа ўтган эди – у пиллапоя томон йўл олди.

Эшикка етишига бир неча қадам қолганида уни тўхтатдилар.

– Ҳурматли маэстро, ярим кечада қаерга кетмоқчисиз? Сизга нима бўлди? Мазангиз қочдимми?

Уни тўхтатган шахсан донна Клара эди. Нуфузли меҳмонларни ташлаб, у қандайдир ёш йигит билан эшик олдида гаплашиб турган экан.

– О, донна Клара! – деди Коттес ўзига келиб. – Сизнингча, шундай вақтда қаергаям боришим мумкин? Яна менинг ёшимда-я? Албатта уйга-да!

– Азизим маэстро! – Пассалаккуа Кларанинг овози жарангдор эди. – Менинг гапимга кириб, биров кутиб туринг. Ҳозир ташқарига чикмаганингиз маъқул... У ерда – кўчада нотинчлик. Тушундингизми?..

– Улар нима, бошлаб юбордиларми?

– Илтимос, ваҳима қилманг. Ҳеч қандай хавф-хатар йўқ. Нанни, илтимос, маэстро ни кузатиб кўй! Унга бирон-бир юрак дорисидан берсинлар.



Нанни Коттеснинг кадрдон дўсти, композитор маэстро Жибеллининг ўғли эди. Донна Клара эшик олдида келаётган бошқа меҳмонларни ҳам тўхтатиб қолиш ниятида улар томон юрди, ёш йигитча эса маэстрони буфет томон бошлади ва йўл-йўлакай уни бўлаётган воқеалардан вокиф этди. Бир неча дақиқа аввал ҳамма нарсадан хабардор акасининг жуда билимдон адвокати Фрижеро ҳеч ким кўчага чиқмаслиги ҳақида огоҳлантириш учун театрга югуриб келганди... «Морцист»лар ўз тўдаларини чет-четга жойлаштиригандилар. Тез орада марказ томон юришни мўлжаллаб кўйгандилар. Идора деярли курсовда, полициячиларнинг бир неча отрядлари яккаланиб, машинасиз қолган, хуллас, аҳвол танг эди. «Ла Скала»дан чиқиш, устига-устак, фракда чиқиш ақлдан эмасди. Яхшиси, кутиб турганлари яхши. «Морцист»ларнинг театрга ҳужум қилиш ниятлари йўқ эди.

Яшин тезлигида таркаган янги хабар меҳмонларга ёмон таъсир этди. Ҳа, маълум бўлишича, иш жиддий экан. Ҳамма жим бўлиб қолди; фақат Гроссгемютнинг атрофидаги баъзи бир одамлар саросимада қолиб, унга қандай муомала қилишни билмасдилар. Унинг рафикаси зиёфатда толиққани сабабли бир соат аввал меҳмонхонага жўнаб кетганди. Исёнчилар тўдалашиб турган кўчалардан уни қандай қилиб олиб ўтсак экан? Тўғри, у композитор, ёши бир ерга бориб қолган бўлса, устига-устак, хорижлик, унга нимаям таҳдид қилиши мумкин. Аммо маълум даражада хавф бор эди. Меҳмонхона бу ердан узоқда, вокзалнинг орқасида жойлашган эди, балки уни полициячилар ҳамроҳлигида жўнатсакмикан? Йўқ, бу яхшиликка олиб бормади.

Шу тобда Гиршнинг миясига бир фикр келиб қолди:

– Менга каранг, донна Клара... Агар «морцист»лар орасидаги бирон-бир нуфузли кимса билан боғланишнинг иложи бўлса эди... Сиз улардан ҳеч кимни танимайсизми?.. Бу ҳар қандай рухсатномадан ҳам яхши бўлур эди.

– Тўғри айтасиз... – деди донна Клара ниманидир ўйлаб. – Тўғри айтасиз! Ажойиб фикр!.. Омадимиз чопди, деб ҳисоблайверинг: улардан бирига ҳозиргина кўзим тушгандай бўлувди. Унча катта амалдор бўлмаса-да, ҳар ҳолда парламент депутаты. Мен Лайянини назарда тутяпман... Албатта, албатта... Ҳозирок бориб, уни кидириб топай-чи.

Депутат Лайяни кўримсиз кимса бўлиб, эгнида уринган эски урфдаги смокинг ва эскириб кетган кўйлак кийиб олган эди. У асосан аграр масалалар билан шуғулланар, Миланда жуда кам бўларди, шу сабабли уни кўпчилик танимасди. У бошкаларга ўхшаб буфет томон ошикмай, театр музейи томон юрди. Музейдан hozиргина кайтиб келиб, чеккада турган диванда ўтирганди. Донна Клара шахд билан у томон юрди. Депутат унинг истикболига турди.

– Жаноб депутат, очигини айтинг, – дея шартта сўради донна Клара, – сизга бизларни шу ерда кўриклаш топширилганми?

– Кўриклаш? Кўриклаш деяпсизми? Нима учун? – хитоб қилди депутат қошини учуриб ажабланаркан.

– Сиз мендан сўраяпсизми? «Морцист»лардан бўлганингиз учун сизга нималардир маълум бўлиши керак, албатта.

– Э-ха, гап бу ёқда денг... Тўғри топдингиз, баъзи нарсалардан хабарим бор. Очигини айтадиган бўлсам, мен аввалдан билганман... Ҳа, менга хужум қилиш режаси аввалдан маълум эди. Афсуски, шундай!

Донна Клара унинг «афсуски» сўзини эшитмаганликка солиб, катъий давом этди:

– Жаноб депутат, менга каранг, сизга бу кулгилидир балки, лекин биз кийин ахволдамиз. Гроссгемют толиккан, унинг уйқуси келяпти, биз эса, уни қандай қилиб меҳмонхонага олиб боришни билмай турибмиз. Тушуняпсизми? Кўча нотинч... Нима бўлишини ким билади дейсиз... Бирон-бир тушунмовчилик, нохуш ходиса рўй бериши мумкин... Устига-устак, унга бу вазиятни қандай тушунтириш мумкин? Хотиржамлик билан бу ҳақда гаплашиш ноқулай ва яна ...

Лайяни унинг гапини бўлди:

– Очигини айтганда, мен сизни тўғри тушунган бўлсам, мендан ўз мавкеимдан фойдаланиб, уни кузатиб қўйишни талаб этаяпсиз. Ха-ха-ха!

У шундай қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордики, донна Клара донг қотиб, сўнг кулиб юборди. Лайяни эса гўё хандон отиб кулиши одобдан эмаслигини, уни кечеришларини ва одобсизлиги учун ноқулай ахволга тушганлигини айтди, лекин вазият кулгили эканлигини билдирмокчи бўлиб, қўл силтаганча кулишда давом этарди. Ниҳоят, у бироз ўзини ўнглаб олгач, кулгидан ҳамон ўзини тўхтатолмай, шундай деди:

– Мен ҳеч кимман, тушуняпсизми, мен нимани назарда тутаётганимни билдингизми? «Ла Скала»да тўпланганларнинг, шу жумладан, чипта текширувчи ва хизматчиларни кўшиб ҳисоблаганда, мен уларнинг олдида энг охиргисиман... Буюк Гроссгемютни ҳимоя қилиши мумкин бўлган сўнгги, ҳа, сўнгги кимсаман... Менинг обрўйимни сўраяпсиз-да? Йўк, бу жуда ажойиб! «Морцист»лар ичимиздан қайси биримизни биринчи бўлиб йўқотишларини биласизми? А, биласизми? – дея у донна Кларадан жавоб кута бошлади.

– Йўк, албатта, – деди донна Клара.

– Каминаи камтаринингизни, ҳурматли хоним! Айнан мен билан биринчи навбатда ҳисоб-китоб қилишади.

– Сиз айтмоқчисизки, мен уларнинг кўзига ёмон кўриниб қолганман, демокчимисиз? – дея олди донна Клара зўрга.

– Мутлако тўғри гапни айтдингиз!

– Қандай қилиб, айнан шу бугун кечкурунми?

– Ҳа, ким билибди бундай бўлишлигини. Айнан иккинчи ва учинчи сахна кўринишидан сўнг. Ўйлашимча, бу режа уларда аллақачон пишиб етилган.

– Ҳар ҳолда улар кайфиятингизни бузишни урдасидан чиқа олмадилар...

– Нимаям қилардик! – алам билан хўрсинди у. – Биз доим ўзимизни бошимизга тушадиган мусибатга тайёрлаймиз... Шунга кўникканмиз... Акс ҳолда бизга қийин бўлиши мумкин...

– Мен сизни улардан деб ўйлабман. Кечирасиз, ишингизда муваффақият тилайман, агар шундай тилак жоиз бўлса, – дея донна Клара ундан узоклашди-да: – Начора, – дея юзланди у директорга, – Депутатимиз ўртага тушолмас экан... Майли, ташвиш тортманглар... Гроссгемют ташвишини ўз бўйнимга оламан, – деди.

Уларни узокдан кузатиб турган меҳмонлар атроф жимжит бўлгани сабабли, айрим гапларни илғадилар, холос. Лекин ҳеч ким қария Коттесдек хайратга тушмади: депутат Лайяни сиймосида у ўғли Ардуино ҳақида сўзлашган сирли кимсани кўрди.

Донна Кларанинг олиб борган музокарасида – депутат «Морцист» билан қилган суҳбати вақтида ўзини эркин тутиши ва шу билан бирга Гроссгемютни меҳмонхонагача кузатиб қўйишга хоҳиш билдириши турли миш-мишларга сабаб бўлди. Демак, бу миш-мишлар қисман тўғри экан, деб ўйлади кўпчилик: демак, донна

Клара аслида «морцист»лар билан ўйин қилаётган экан-да. Ўзини гўё сиёсат билан қизикмайдиган қилиб кўрсатса-да, икки лагерь ўргасида у усталик билан иш олиб бораётган экан. Бирок у қандай аёл эканлигини билган одам бунга ажабланмаган бўларди. Донна Клара ўз мавқеини сақлаб қолиш мақсадида турли хил йўллارни тайёрлаб қўймаганлигига ва «морцист»лар лагери билан зарур алоқаларни ўрнатмаганлигини тасаввур қилиш мумкинми? Талай хонимлар уни ёмон кўриб қолдилар. Эркаклар эса унга ортик хайрихоҳлик билдирмай қўйдилар.

Қабул маросими тугаши билан Гроссгемютнинг Пассалаккуа хоним билан бирга чиқиб кетиши ҳаммани янаям ўйлантириб қўйди. Энди театрда қолиш учун ҳеч қандай сабаб қолмаган, никоб ечиб ташланганди. Хонимларнинг кийган дабдабали қўйлақлари, фраклару қимматбаҳо тақинчоклар – буларнинг бари карнавал тугаганда содир бўладиган ҳолатдек бир зумда қадрсиз нарсага айланди-қўйди: ўз ўрнини кундалиқ ташвишларга бўшатиб берган хурсандчилик онлари тугаган эди.

Пастда нималар бўлаётганини кўриш истагида меҳмонлар балконга чиқдилар. Майдон бўм-бўш, ташлаб кетилган қора автомобиллар гўё ухлаётгандек ўз жойларида қимир этмай қатор турарди. Қизик, ҳайдовчилар қаерга кетишдйкин, улар ҳам машинанинг орқа ўриндикларида гужанак бўлганча ухляптиларми ёки тўнтаришда иштирок этиш ниятида қочиб кетдиларми? Кўчадаги чироклар доимо ёник, шаҳар уйқуда. Ҳамма тез орада содир бўладиган шовқинсуронни, кичкирикларни, отишмалару қурол-аслаҳа олиб кетаётган араваларнинг тақир-туқурини эшитиш ниятида қулоқларини динг қилиб олгандилар. Аммо ҳаммаёқ жимжит.

– Биз ақлдан озибмиз! – хитоб қилди қимдир. – Улар мана бу чирокларни кўрсалар, нима бўлишини биласизларми? Ахир бу қаердалигимизни билдирувчи нишоннинг ўзгинаси-ку!

Ҳамма жой-жойига қайтди, дарҳол дераза пардаларини туширдилар. Тез орада фойедаги қандиллар ўчди. Чипта текширувчилар ўнга яқин шам олиб келиб, ёқдилар. Гўё бу ёмонлик аломатидек, яна одамларнинг юрагига гулгула тушди. Диванлар кам бўлганлиги сабабли толиққан эркак ва аёллар пальто ҳамда плашларини ерга тўшаб, устига ўтира бошладилар. Уйга қўнғирок қилиш мақсадида телефон турган музей ёнидаги кичик хонага кириш учун улар навбатга турдилар.

Коттес ҳам ўғлини хавф-хатардан огоҳлангириш ниятида навбатга турди. Ҳеч ким ҳазил-хузул қилмас, Гроссгемютни ва унинг сахнада кўйилган асарини эслашмасди ҳам.

Кекса пианиночи навбатда қирк беш дақиқалар чамаси туриб қолди. Хонага кирганида эса (у ерда деразалар йўқлиги сабабли чирок ўчирилмаган эди), қўллари калтираганидан телефон рақамларини теролмай, кийналди. Ниҳоят, унинг қулоғига узун гудок овози эшитилди. Бу товушда қалбга ёқувчи ёқимли, ораста уйнинг «овози» эшитилгандек туюлди. Лекин нега ҳеч ким гўшакни кўтармаяпти? Наҳотки Ардуино шу пайтгача уйга қайтмаган бўлса. Ахир соат миллари тундаги учни кўрсатаяпти-ку. «Морцист»лар уни тутиб олиб кетган бўлсалар-чи? Коттес зўр бериб ичидан келаётган қалтирокни босишга ҳаракат қиларди. Нега ҳеч ким жавоб бермаяпти? Эҳ, худога шукур!..

– Алло, алло, – уйқусираган Ардуинонинг овози эшитилди. – Ким бу аҳмоқ, ярим тунда қўнғирок қилаётган!..

– Алло, алло, – деди отаси ўғлига.

Дарҳол гапнинг индаллосига ўтмаганига ачинди. «Яхшиси, жим бўлгани маъқул. Кимдир гапимни сим орқали эшитиб турган бўлса-чи», деган ўй келди унинг миясига. Ўғлини қандай огоҳлантирса экан? Қочишни маслаҳат берсамикан? Нима бўлаётганини тушунтирсамикан? Агар «улар» суҳбатни эшитиб турган бўлсалар-чи?

Коттес бирон-бир баҳона излаб топмоқчи бўлди: масалан, ўғли ҳозирок «Ла Скала»га – концертининг репетициясига зудлик билан етиб келишини айтмоқчи бўлди. Йўқ, у уйдан чиқиши мумкин эмас. Унда бирон-бир оддийроқ баҳона топсамикан? Уйда ҳамёнимни қолдирибман, деб шундан ташвишланаётганини айтсамикан? Йўқ, бўлмайди. Барибир ўғли унинг тагдор гапларини тушунмаслиги, «морцист»лар эса зийрак тортишлари мумкин.

– Биласанми... – деди Коттес вақтни чўзиш ниятида, балки эшик қалитини унутиб қолдирганини айтгани яхшидир, хойнаҳой, кеч тунда бевақт телефон қилиш учун ишончли бир баҳона ана шудир. – Биласанми, – чайналиб деди у. – Мен қалитни унутиб қолдирибман. Йигирма дақиқадан сўнг етиб бораман.

Шу ондаёқ уни ваҳима босди. Қутилмаганда уни кутиб олиш учун ўғли кўчага чиқса-чи? Уни ҳибсга олиш учун эшик тагида кимдир ўғлини пойлаб тургандир балки?

– Йўк, йўк, – огоҳлантирди у ўғлини. Ташқарига чикма, ўзим етиб бораман. Пастдан туриб хуштак чаламан.

«Жуда аҳмокман-да, – деди ўзини ўзи койиб Коттес. – «Морцист»ларга ўғлимни ташқарига чиқариб, ўзим уни тутиб бермокчи эканман-ку!»

– Диккат билан эшит, – давом этди кария, – гапимни диккат билан эшит... Мен кандайдир «Романс симфонияси»дан хуштакда куй чалмагунимча пастга тушма... Сен уни биласан-ку, тўғрими? Хуллас, келишдик. Сендан илтимос...

У ортикча саволлардан қочиш ниятида гўшакни кўйиб кўйди. Эй худойим, нималар қилиб кўйдим! Ардуино хавф-хатар борлигини билмайди ҳам. У бўлса «морцист»ларни унинг изига тушуриб кўйди. Улар орасида мен айтган симфонияни куйлай оладиган ишкибоз бор бўлса-чи?

Мана у уйга яқинлашиб келмокда. Улар эса эшик олдида ҳозир нозир бўлиб турибдилар. Ҳа, жуда аҳмокона баҳона ўйлаб топибман-да. Балки яна кўнғирок қилиб, бор гапни рўйирост айтсаммикан? Шу захотиёк хона эшиги очилиб, бир киз кўрка-писа ичкарига мўралади. Коттес пешонасидаги терни артганча ташқарига чиқди.

У кўнғирок килаётганда хира ёритилган фойеда йиғилганларнинг рухияти янада тушиб кетганди. Диванда сиқилиб, ранглари мурдадек оқариб, эти увушаётган хонимлар «оҳ-воҳ» қилганча ўтирардилар. Уларнинг баъзилари кўзга ташланадиган такинчокларини ечиб, сумкачаларига беркитмокда; бошқалари эса кўзгу олдида турганча соч турмақларини сипо қилиб қайта турмақламокда эдилар. Атрофдан турли хил гаплар эшитила бошлади:

– Бунга ортик чидаб бўлмайди, бунга чек қўйиш керак, нима бўлса бўлар, пешонамиздан кўрамиз.

– Энди бизга шу етишмай турувди... Мен сезган эдим-а... Ахир биз бугун Тремеццога кетмокчи эдик, аммо эрим Жоржо Гроссгем-ютнинг премьерасини ўтказиб юборишни сира истамади, мен унга, «бизни у ерда кутаяптилар», десам ҳам, у «зарари йўк, кўнғирок қилиб, огоҳлантириб кўямиз», деди... Онт ичиб айтаманки, кўнғим нохушликни сезганди-я. Вой, вой, бошим тарс ёрилай деяпти... Вой, бошим!

– Сен оҳ-воҳ қилмасанг ҳам бўлади, ҳеч нарса йўкотаётганинг йўк-ку.

– Биласизларми, боғбоним Франческо уларнинг қора рўйхатларини худди ўз кўзи билан кўргандек, мени гапига ишонтирмоқчи бўляпти!.. Унинг ўзи ҳам «морцист»лардан... Айтишига қараганда, фақат Милан шаҳри бўйича қирк мингдан ортиқ фамилия рўйхатда бор эмиш.

– Вой худойим, наҳотки сен шундай номаъкулчиликка йўл қўйсанг?..

– Бирон-бир янгилик борми?

– Йўқ, ҳеч гап йўқ.

– Одамлар тўпланишмаяптими?

– Йўғ-е, айтяпман-ку, ҳеч нарса бўлгани йўқ...

Бир хонимнинг қўллари беихтиёр дуога очилди, ҳақиқатан ҳам у дуо қила бошлади; бошқаси эса, ўзини тутолмай дугонасининг қулоғига нималарнидир шивирлаётганди.

Эркаклар пойабзалларини ечиб, ерга ўтириб олишган, кўйлак ёқалари ва бўйинбоғларини бўшатиб қўйгандилар; баъзилари тинмай чекар, баъзилари эснар, хуррак ҳам отардилар, қай бирлари баҳслашмоқда, яна баъзилари дастур четига олтин суви юритилган қаламларда нималарнидир ёзаётгандилар. Олти киши, агар ташқарида бирон нарса содир бўлгудек бўлса, дарҳол бу ҳақда қолганларга хабар қилиш ниятида дераза пардалари орасидан ташқарига тикилганча навбатчилик қилиб турардилар. Бурчакда эса букчайганча ранги оқарган, кўзларини чакчайтирган депутат Лайяни ўтирарди.

Коттес йўқлигида бу ерда камалда қолганлар ғалати гуруҳларга бўлиниб олгандилар. У кўнғирок қилишга кетишидан аввал темир-терсак заводи эгаси муҳандис Клементи директор Гишни четга олиб, унга ниманидир уқтира бошлаганди. Улар суҳбатлашганча театр музейи томон кета бошладилар. У ерда ғира-шира қоронғиликда маълум бир вақт қолиб кетдилар. Сўнгра Гиш яна фойеда пайдо бўлиб, меҳмонлардан тўрт кишининг қулоғига нимадир деб шивирлади. Улар ёзувчи Клисси, сопранода кўшиқ айтадиган хонанда Барри, мануфактура савдогари Прослочими ва ёш граф Мартонилар эди.

Уларнинг барчаси ним қоронғи музейда қолган Клементига қўшилиб, ўзига ҳос сирли иттифок туздилар. Сўнгра чипта текширувчи ҳеч қандай тушунтиришсиз фойени ёритиб турган шамдонлардан бирини олиб, қоронғи музейда йиғилганларнинг ёнига олиб борди.

Бўлиб ўтаётган ишлар аввалига ҳеч кимнинг эътиборини тортмади, сўнг бориб-бориб қолганларда кизикиш ва хавотирлик уйғотди: одамлар шундай ҳолатда эдиларки, ҳар қандай арзимаган нарса ҳам уларни чўчитиб юбориши мумкин эди. Баъзи кимсалар, гўё тасодифан музей ёнига келиб қолгандек, ичкарида нима бўлаётганига кизикиб, мўралай бошладилар. Бу кизикувчиларнинг ҳаммаси ҳам фойега яна қайтиб келмадилар. Маълум бўлишича, музей ичига айнан ким мўралаётганига қараб, ё дарҳол суҳбатни тўхтатардилар ёки ичкарига чақириб, уларга кўшилишларини қатъий таклиф этардилар. Тез орада сепаратистлар гуруҳи ўттиз кишига етди.

Уларни яхши билган кишига гап нима ҳақда эканлигини билиб олиш қийин эмасди. Клементи, Гирш ва қолганлар тўдадан ажралиб чиқиб, «морцист»лар томонига ўтишга қарор қилдилар. Бу хатти-ҳаракатлари билан улар фойеда қолган бойваччалар билан ҳеч қандай алоқалари йўқлигини билдирмоқчи эдилар. Сепаратист (гуруҳбоз)ларнинг баъзи бирлари ҳақида шу нарса маълум эдики, улар бир вақтлари эътиқодлари сабабли эмас, балки кўрқув таъсирида кучли секта<sup>1</sup>га нисбатан ўзларининг кўнгилчанликларини билдириб келганлар. Золим ва зўравон Клементининг бу ишга алоқадорлигига келсак, унинг ўғилларидан бири «морцист»ларда қандайдир бошлиқ эканлиги ҳаммага маълум эди. Бундан бироз аввалроқ қатта Клементи телефонни кўтариб, бир чеккага ўтганини ва навбатда турганлар чорак соатдан ортиқ вақт кутганликларини ҳамма кўрган эди. Шунини тахмин қилиш мумкин эдики, хавфни сезган Клементи ёрдам сўраб ўғлига телефон қилган, ўғли эса ўзининг сирини очиб қўймаслик учун мустақил ҳаракат қилиб, «Ла Скала» «морцистлари» номли исёнкор хунта<sup>2</sup>га ўхшаш бирдамлик кўмитаси тузишга дарҳол киришиш кераклигини маслаҳат берди. Қолаверса, қон – бу сув эмас, деди кимдир. Аммо бошқалар томонидан содир этилган шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар кишини ташвишга соларди. Улар, «морцист»лар жуда ёмон кўрган доираларнинг типик вакиллари эди. Улар иллатлар ва адолатсизлик тимсоли бўлиб, «морцист»ларнинг тарғиб-ташвиқот ишларида дадил, чин юракдан хизмат қилардилар. Энди қарангки, улар қутилмаганда душман тарафига ўтиб олиб, нафақат ўзларининг ўтмишларидан, балки бир неча дақиқа аввал сўзлаган нутқларидан ҳам воз кечдилар. Афти-

<sup>1</sup> *Секта* – мазҳаб, тўда, гуруҳ.

<sup>2</sup> *Хунта* – ҳарбий реакцион террористик гуруҳ, доира



дан, тўнтариш содир бўлгудек бўлса, ўзларига имконият яратиш учун улар анчадан бери «морцист»лар билан пинҳона музокаралар олиб борганлар ва ўзлари каби одамлар кўз ўнгида шаънларига доғ тушириб қўймаслик учун бу ишни пинҳона воситачи орқали амалга оширганлар. Мана энди вақти-соати келгач, улар шоша-пиша ўз никобларини ечдилар ва кўнгил учун одоб ҳам саклаб ўтирмадилар: жамиятдаги мавқелари сабаб, аслзода дўстларидан ҳам воз кечиб, улар билан алоқа қилмай қўйдилар, чунки ҳаётнинг ўзи гаровга қўйилган эди.

Бу хатти-ҳаракатлар авваллари пинҳон қилинган бўлса, энди бу каби ишлар ошқора қилинадиган пайт келганди. Музейнинг унча катта бўлмаган залида чироклар ёқилди, ташқаридан яхши кўришлари учун деразалар очиб қўйилди: «Морцист»лар майдонга кириб келишлари билан бу ерда уларнинг ишончли иттифоқи борлигига ишонч ҳосил қилишлари учун шундай қилинган эди.

Фойега қайтиб келган маэстро Коттес музейда ёқилган чирокларни кўрди ва бир-бирларига чап бермай тортишиб турган одамларнинг шовкинларини эшитиб, бу ўзгаришдан ҳанг-манг бўлиб қолди. Нега музей ичида чироклар машъала қилиб ёқилган-у фойеда ёқилмаган? Буни қандай тушунмок керак?

– У ерда нима бўляпти? – сўради у ниҳоят баланд овозда.

– Нима қиляптилар? – Лизелора Бинининг ёқимли овози эшитилди. У эрига суянганча ерда ўтирарди. Ўтакетган соддалик! Макиавеллининг неваралари вақтни бекор ўтказмай, ўзларининг театр ячейкаларини туздилар. Маэстро, шошилиниг, бўлмаса сизни қабул қилмайдилар. Қойил қолиш керак! Улар бизни қутқариш учун қўлларидан келган барча ишни қилишга ваъда бердилар... Ҳозир музей ичида муҳим иш муҳокама қилинаяпти. Шунинг учун у ердаги чирок машъала қилиб ёқилган... нозанинларни бориб кўрсангиз бўлади... Аҳмоқлар, хоҳласалар у томонга, хоҳласалар бу томонга ўтиб кетаверадилар улар! – қичкириб деди у: – Онт ичаман, агар ҳеч нарса содир бўлмаса, уларнинг шармандасини чиқараман...

– Сенга нима бўлди Лизелора, ўзингни бос, – деди хотинининг гапини кўзини юмганча қулиб тинглаётган Бини, бўлаётган бу воқеаниг учун кизик саргузаштдек, спортнинг янги туридек туюлмокда эди.

– Донна Клара қаерда? – сўради Коттес нима бўлаётганига тушунолмади.

– О, бизнинг оксок хоним доимо ишни пухта килиб юради! У муаммонинг ечимини топди... Гарчи унинг вазифаси енгил бўлмаса ҳам... Донна Клара икки томон ўртасида танда кўйяпти. Тушуняписизми, танда кўйяпти?! У ёқдан-бу ёққа... У ерда бир гапни айтса, бу ерда иккинчи гапни айтяпти... Ва хоказо. Ишқилиб, иш расво бўлмаса бўлгани, у барибир сувдан курук чиқади... Мухими, мувозанатни йўкотмаслик... У бекор ўтирмайди... Ортикча сўз айтмайди... Мокидек у ёқдан-бу ёққа бориб-келаверади. Бизнинг тенги йўк раисамиз у!

Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Гроссгемютни меҳмонхонага кузатиб қайтган Клара Пассалаккуа бошқарувни яна ўз кўлига олди ва икки партия ўртасида танда кўйишни давом эттирди. У ўзини музейда йиғилганларнинг мақсадидан беҳабар килиб кўрсатмоқчи бўлди: гўё бу бир гуруҳ меҳмонларнинг навбатдаги хархашаси эмиш. Шунинг учун ҳам ҳали у гуруҳ, ҳали бу гуруҳ орасида тинимсиз катнамоқда эди; чунки тўхтаб қолса, қай бир гуруҳни танлашга мажбур бўлиб қолишидан кўрқарди. У, айникса, руҳи тушган аёлларга далда бериш мақсадида театрда гир айланиб юрар, сўнг барчани шарбатлар билан сийлашга ҳаракат қилиб, оксокланганча икки гуруҳдагиларни ўзига оғдириш мақсадида патнисда шарбатларни тарқатар эди.

– Ҳой, ҳой, бу ёққа қаранглар... – деди жалюзи парда орқасида беркиниб, қоровуллик қилиб турган кузатувчилардан бири майдон томонга ишора қилиб.

Тахминан олти-етти киши дераза томон югурдилар. Виа Казе-Ротте кўчасида жойлашган тижорат банки олдидан бир ит югуриб кетаётгани, кўринишидан кўппак ит: у бошини солинтирганча девор тагида бир кўринди-да, сўнг виа Мандзони кўчасига бурилиб кетди.

– Сен бизни нима учун чақирдинг? Итни кўрсатиш учунми?

– Лекин... Мен ўйлабманки, унинг кетидан...

Ахвол бирмунча юмшади. Ташқарида кўчалар бўм-бўш ва сокин. Ҳар ҳолда уларга шундай туюлаётган эди. Бу ерда эса, ичкарида кўркув ва саросималик ҳукм сурарди: ўнлаб бадавлат хурматли боёнлар йўқ хавф-хатардан чўчиб, шармандаларча чурқ этмай пу-сиб ўтирар эдилар.

Вақт ўтгандан-ўтиб борарди. Гарчи хорғинлик ва асабийлашиш одамларни чарчатган бўлса-да, баъзиларнинг миялари равшанла-

ша бошлади. Мабодо, «морцист»лар хакикатан ҳам хужумга ўтган бўлсалар, нега унда театр олдидаги майдонда биронта ҳам айғокчи кўринмади. Ҳеч бир асоссиз шу даражада кўркувга тушиб, азоб чекиш уларга жуда алам қиларди. Шамлардан таралиб турган хира нур остида ўнг кўлида шарбат тўлдирилган бокални кўтарганча адвокат Козенц бир гуруҳ хурматли аёллар томон йўл олди, бир вақтлари у аёллар кўнглини овлаш борасида суяги йўк бўлган, баъзи бир кампирлар уни хавфли эркак деб аташарди.

– Менга каранглар, жононлар, – гап бошлади у тилёғламалик билан, – Сизларни ишонтириб айтаманки, эҳтимол, бу ердагилардан кўпчилигимиз эртага, – эвфемизм<sup>1</sup>дан фойдаланишимга руҳсат этгайсиз, – ночор ҳолатга тушиб қолишимиз мумкин... – (орага бироз жимлик чўкди) аммо, икки тахминдан қай бири ҳақиқатга яқинлигини биз билмаймиз – бизнинг аҳволимиздан вокиф бўлган Милан аҳолиси эртага кечкурун устимиздан қотиб-қотиб қулишлари турган гап, ҳа, ҳа, гапимга ишонинг, бир дақиқа, гапимни бўлманглар... Келинг, аклимизни ишлатиб кўрайлик. Хўш, хавфхатарга ишонишга бизни нима мажбур қиляпти. Келинг, хавотир олаётган белгиларни бирма-бир кўриб чиқайлик. Биринчи белги: учинчи актда ложалардан «морцист»лар, ҳокимлар, квестор<sup>2</sup>лар ва куролли кучлар вакилларининг кетиб қолишлари, лекин кўпол сўз ишлатганим учун узр сўрайман, ёкимсиз мусика уларнинг жонидан тўйдирган бўлиши мумкин-ку? Иккинчи белги: тез орада тўнтариш юз бериши мумкинлиги ҳақидаги миш-мишларнинг ҳар қаёқдан бизга етиб келиши. Учинчи ва энг муҳим белги эса: айтишларича, яна қайтариб айтаман, айтишларича, бу хабарларни менинг хурматли ҳамкасбим Фрижеро олиб келди, бироқ у тез орада ортига қайтиб кетди. Шу сабаб, уни ҳеч қайсимиз кўрмай қолдик. Майли, бунинг аҳамияти йўк. Фараз қилайлик, Фрижеро «морцист»лар шаҳарни кўлга оляптилар, префектура қуршовда қолган ва шу каби гапларни айтган бўла қолсин. Савол туғилади, кечаси соат бирда бу каби маълумотларни Фрижеро қаердан олиши мумкин? Шу даражада сир тугилган бундай маълумотларни ярим тунда унга айтишлари мумкинмиди? Хўш, бу маълумотни унга ким айтган бўлиши мумкин? Ва нима учун? Бунинг устига, соат тунги тўртга

<sup>1</sup> *Эвфемизм* – айтиш ноқулай бўлган сўз ўрнида ишлатиладиган пардали сўз ёки ибора.

<sup>2</sup> *Квестор* – идора бошлиғи.

якинлашаётганига карамай, атрофда шубхали бирон нарса сезилгани йўқ. Ҳатто шовкин ҳам эшитилмади. Қиска килиб айтганда, баъзи бир шубхалар пайдо бўляпти.

– Ундай бўлса, нега телефон оркали бирон-бир нарсани билишнинг иложи бўлмаяпти?

– Гапингиз тўғри, – гапни давом эттирди Козенц шарбатдан хўпларкан. – Тўртинчи ваҳимали белги бу. Телефонларнинг умуман жирингламай кўйиши, префектура<sup>1</sup> ёки квестура билан боғланмокчи бўлганларнинг айтишича, улар боғлана олмаганлар ва ҳеч қандай ахборот ололмаганлар. Агар бирор мансабдор шахснинг ўрнида сиз бўлиб қолсангиз ва тундаги соат бирда бир нота ниш овоз сиздан жамоат тартибини сақлаш ишлари қандай кетяпти, деб сўраса, сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз? Қарангки, бу ишлар нобарқарор сиёсий вазият юзага келган бир пайтда юз беряпти. Газеталар ҳам бу ҳақда лом-мим демаяптилар... Редакциядаги баъзи бир дўстларимиз сўроқларимизга умумий гап билан жавоб қайтараяптилар. Масалан, «Коррьере»даги Бертини менга шундай деди: «Ҳозирча бирон аниқ маълумотга эга эмасмиз». – «Бирон тайинли гап борми?» – сўрадим мен. У шундай жавоб берди: «Ҳозирча ҳеч нарсани тушуниб бўлмаяпти, мана шугина бизга маълум». Мен бўш келмасдим: «Ташвишланишга бирор асос борми?» У эса шундай жавоб қилди: «Бундай деб ўйламайман. Ҳар ҳолда ҳозирча...» Козенц хўрсиниб кўйди. Ундаги некбинликка шерик бўлиш ниятида унинг гапига кулок солардик. Ҳавода тер ва атир ҳиди аралашган ҳолда сузиб юарди. Ҳаяжонли ҳайкирик музейгача ҳам эшитилди.

– Гапимга хулоса ясаб шундай демокчиман, телефон оркали берилган хабарларга караганда, тўғрироғи, ҳеч қандай гап йўклиги учун ваҳимага тушмаса ҳам бўлади. Афтидан, газетачилар ҳам бирон-бир маълумотга эга эмасга ўхшайдилар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, биз кўркаётган тўнтариш, мабодо бошланган бўлса ҳам, ҳали тўлик кучга кирган эмас. Шаҳарни эгаллаб олган «морцист»лар «Коррьере делла сера» газетасининг навбатдаги сони босилиб чиқишига рухсат берганликларини тасаввур эта оласизми?

Икки-уч киши кулиб юборди, қолганлар эса сукут сақлаб турардилар.

---

<sup>1</sup> Префектура – Францияда департамент ёки полиция бошлиғи.

– Мен ҳали гапимни тугатганимча йўк. Бизни сергаклантирадиган бешинчи омил ҳам бор, анавиларнинг ваҳимали миш-мишлари ҳам бўлиши мумкин, – дея Козенц музей томон бош ирғаб кўйди. – Келинглар, аниклик киритиб олайлик. Албатта «морцист»ларнинг галабасига ишонч ҳосил қилмай туриб, ўзларининг сирини ошкор қилиб кўядиган аҳмоқлар эмас улар. Мен ўйлаб кўрдим. Қалламга бир фикр келди: агар тўнтариш амалга ошмай қолса (фараз қилайлик, у содир бўлса), бу яширин фитнани оқловчи турли хил баҳоналарни истаганча топиш мумкин. Кўнглингизга ёққанини танланг: ниқобланиш ҳам, икки хил ўйин тактикаси ҳам, «Ла Скала» тақдиридан хавотирланиш ҳам ва шунга ўхшашлар... Сиз менга ишонинг, эртага бу нусхалар...

У чап қўлини тепага кўтарганча бир зум туриб қолди, аммо гапимни тугатишга улгурмади: қисқа фурсатда қаердандир узоқдан – айнан қаердан эканлигини айтиш кийин – гумбурлаган портлаш овози эшитилди, бу ҳол йиғилганларнинг ўтақасини ёриб юборди.

– Ё парвардигор, – кичкириб юборди Мариу Габриэлли тиз чўкканча. – Болаларимга нима бўлди экан-а?

– Бошланди, – жазавага тушиб кичкирди бошқа бир аёл.

– Ўзингизни босинг, ваҳима қилманг, ҳеч нарса содир бўлгани йўк! Ваҳима кўтарманглар! – кичкирди Лизелора Бини.

Шу тобда олдинга маэстро Коттес чиқди. У елкасига пальтосини ташлаб, бармоқлари билан фракиннинг ёқасини кўтарганча адвокат Козенцга талмовсираб каради-да, сўнг тантанавор оҳангда:

– Мен кетяпман, – деди.

– Қаерга? Сиз қаерга кетяпсиз? – умид билан бир неча овоз чувиллашиб сўрашди.

– Уйга кетяпман. Яна қаергаям боришим мумкин? Ҳар ҳолда бу ерда қололмайман. – Маэстро Коттес шу сўзларни айтиб, гандираклаганча эшик томон йўл олди. Афтидан, у ғирт маст эди.

– Йўк, йўк, тўхтанг! Шошилишга не ҳожат? Ҳадемай тонг отади.

Коттесга бу гаплар қор қилмасди. Уни икки хизматкор кўлларида шам ушлаганча пастки каватга олиб тушиб кўйдилар, мудраб ўтирган қоровул унга қаршилиқ қилмай, эшикни очиб берди.

– Кўнғироқ қилиб кўйинг! – деган овоз эшитилди ортидан.

Коттес индамай ўз йўлида давом этди.

Юкори фойедаги одамлар дераза томон югуриб бориб, жалюзиди пардаси тиркишидан ташкарига мўралай бошладилар. Хўш, энди нима бўлади? Улар қария чайкалганча трамвай йўлини кесиб ўтганини ва кокила-кокила майдон марказидаги майсазор томон кетаётганини, кимир этмай турган енгил машиналар ёнидан ўтиб, катта йўлга чикиб олганини кўрдилар... Ва кутилмаганда қария кимдир елкасидан туртиб юборгандек ерга юзтубан йиқилди. Лекин у ерда қариядан бошқа бирон тирик жонзот кўринмасди. Бўғиқ зарба овози эшитилди.

Котгес юзтубан йиқилганча, кўлларини ёзган ҳолатда асфальт устида чўзилиб ётар, узоқдан у эзиб ташланган катта суваракка ўхшаб кетарди.

Бу ҳолатни кўрган барчанинг дами ичига тушиб кетди. Улар кўркувдан донг котганча индамай турардилар. Тўсатдан бир аёлнинг кулокни коматга келтирувчи:

– Уни ўлдиришди! – деган овози эшитилди.

Майдонда аввалгидек жимлик ҳукм суварди. Кекса пианиночига ёрдам бериш учун ўша ерда турган машиналардан ҳеч ким тушмади. Ҳаммаёкни даҳшатли шарпа босиб олгандек эди гўё.

– Уни отишди! Мен ўк овозини эшитдим.

– Йўғ-е, у асфальтга юзтубан йиқилиб тушди.

– Онт ичиб айтаманки, ўк овозини эшитдим. Тўппончадан отдилар. Буни мен яхши ажрата оламан.

Қолганлар эътироз билдирмадилар. Ҳамма ўз жойига қайтди; кимдир умидсиз ҳолга тушганча чекиб ўтирар, кимдир яна ерга жойлашиб ўтириб олган, қай бирлари парда ёнида қолиб, ташқарини кузатарди. Ҳамма шафқатсиз қисматнинг яқинлашиб келаётганини ҳис этиб турарди – у худди доира шаклида шаҳар атрофидан марказ томон – улар томон босиб келаётгандек эди.

Мана, чиқаётган қуёшнинг илк нурлари уйқуда ётган кулбаларнинг томига туша бошлади. Занжирини гижирилатганча бир одам велосипед ҳайдаб ўтиб кетди. Узоқдан ўтиб бораётган трамвайларнинг тақир-туқур овози кулокка чалинди. Ниҳоят, майдонда арава итариб кетаётган букчайган одам кўринди. У бамайлихотир виа Марино кўчаси муюлишидан бошлаб ахлатларни супура бошлади. Вожаб! Бор-йўғи супургисининг бир неча маротаба у ёқдан-бу ёққа олиб-бориб келишининг ўзиёқ етарли бўлди. У қоғоз ва бошқа ах-

латлар билан бирга туни билан одамларни даҳшатга солиб чиққан кўркувни ҳам супуриб ташлаётган эди. Яна бир велосипед ҳайдаб кетаётган одам кўринди; бир ишчи ва бир юк машинаси ўтиб кетди. Милан аста-секин уйғониб бормоқда эди.

Буни қарангки, тунда ҳеч нарса содир бўлмади. Кўча супурувчи ерда узала тушиб ётган маэстро Коттесни турта бошлади. Пианиночи ўрнидан турди-да, телбаларча атрофга аланглай бошлади, сўнг ердан пальтосини олиб, гандираклаганча уйи томон йўл олди.

Қуёш парда орасидан театрнинг кенг майдонига ўз нурларини соча бошлаганда «Ла Скала»га хотиржам ва шовкин-суронсиз кекса гул сотувчи кириб келди. Бу қандай ҳолат бўлди! Ё тавба! Афтидан, у тантанали кечага ҳозиргина кийиниб, пардоз-андозни жойига қўйиб, театрга кириб келгандек келяпти-я. Тундаги воқеа унга заррача таъсир этмаганди: эгнида қора тўрдан тикилган узун кўйлак, бошида харир қора тўр, кўз остига қора бўёк суртилган, саватча тўла гуллар. У ранглари мурдадек оқариб кетган одамлар тўдаси орасидан ўтиб, табассум билан Лизелора Бинига янги узилган гуллардан тутди.

## МУНДАРИЖА

Италия насрида реалистлар ва хаёлпарастлар ..... 3

### Луижи Пиранделло

Бировга кулма зинҳор... (хикоя) ..... 9

Шол рўмол (новелла) ..... 18

### Дино Буццати

Катталаштирилган сурат (қисса) ..... 47

### Хикоялар

Ишқий мактуб ..... 142

Шифокор хузурида ..... 147

«Чик-чик» товуши ..... 152

Икки ҳайдовчи ..... 156

Тезюрар поезд ..... 160

Дўстлар ..... 165

Телефонлар исёни ..... 172

Асримиз дўзахига саёҳат ..... 179

«Ла Скала»даги ваҳима ..... 221



*Адабий-бадиий нашр*

«Жаҳон адабиёти» кутубхонаси

*Луижи Пиранделло*  
**БИРОВГА КУЛИМА ЗИНҲОР**

*Дино Буццати*  
**«ЛА СКАЛА»ДАГИ ВАҲИМА**

Таржимон *Назира Жўраева*

Мухаррир *Г. Азизова*

Бадий муҳаррир *Р. Маликов*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Кичик муҳаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусаххихлар: *Н. Абдурахманова, Д. Маҳмудова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 24 мартда руҳсат этилди.

Бичими 60x90<sup>1/16</sup>. «Газетная пухляя» коғози.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет  
усулида босилди. Шартли босма табоғи 16,5.

Нашр табоғи 16,26. Адади 3000 нусха.

Буюртма № 16-160.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)







Луижи Пиранделло  
**БИРОВГА КУЛМА ЗИНҲОР**

Дино Буццати  
**«ЛА СКАЛА»ДАГИ ВАҲИМА**

«O'ZBEKISTON»

